ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Ф. МУСАЕВ

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2007

www.ziyouz.com kutubxonasi

67.400(5У)
М 90

Махсус муҳаррир:
Р.РЎЗИЕВ, юридик фанлари доктори

Тақризчилар:
О. ФАЙЗУЛЛАЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.
З. ИСЛОМОВ, юридик фанлари доктори, профессор

Мусаев Ф.

М 90 Демократик давлат қуришнинг фалсафий — ҳуқуқий асослари/Ф. Мусаев; Ўзбекистон Республикаси ФА, И.М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти.— Т.: O'zbekiston, 2007.— 272 б.

ISBN 978-9943-01-051-2. Б.ц.

Ушбу асар халқимизнинг бой тарихий анъаналари ва замонавий дунё тажрибаси асосида миллий давлатчилигини тиклаётган Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришдек ҳаётий аҳамиятга молик энг муҳим фалсафий-ҳуқуқий асосларига бағишланган. Асарни ўқир экансиз, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси, мамлакатимиздаги ижтимоий ислоҳотлар, миллий парламентаризмнинг шаклланиши, халқ ҳокимиятчилиги, миллий истиқлол мафкураси таҳлили билан ҳам танишасиз.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 67.400(5Ў) 66.3(5Ў)

ISBN 978-9943-01-051-2

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2007

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎЗ БОШИ

Мустақилликка эришган мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг илмий-назарий асослари ва амалга ошириш механизмлари Президентимиз Ислом Каримов асарларида ўзининг теран ифодасини топгани ҳамда давлатимиз раҳбарининг бу борадаги концептуал қарашлари тараққиётнинг «ўзбек модели» деган ном билан дунё ҳамжамиятида эътироф этилгани кўпчиликка яхши маълум.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистонни ҳар томонлама кучли, тараққий этган давлатга айлантириш, унинг буюк келажагини таъминлашга қаратилган бу моделда ҳуқуқий-демократик асосдаги давлат ва жамият қурилиши масалалари муҳим ўрин тутади. Ўтган давр мобайнида шу йўналишда амалга оширилган кенг кўламли ишлар тарихчилар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунос ва файласуфлар, умуман, ижтимоий соҳа олимлари учун жуда бой материал берибгина қолмасдан, ислоҳотларнинг ижтимоий долзарблиги ва аҳамияти жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ўзгариш ҳамда янгиланишларга ҳуқуқ фалсафаси нуқтаи назаридан ёндашиш айниқса ижтимоий фанлар ривожида катта аҳамият касб этади. Чунки юртимиз ижтимоий фанлари таркибида эндигина шаклланиб келаётган ҳуқуқ фалсафасининг ўзи давлат ва жамият қурилишидаги ислоҳот жараёнларининг маҳсулидир. Табиийки, ушбу соҳада юз бераётган ўзгаришларни ҳуқуқ фалсафаси методологияси асосида таҳлил қилиш қизиқарли, айни пайтда мураккаб бир ишдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, фалсафа фанлари номзоди Фахриддин Мусаевнинг кўп йиллик илмий изланишлари самараси бўлган ушбу монографияси бугунги ўзбек фалсафа фанидаги жиддий ҳодисадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу тадқиқот аввалambор кенг қамрови, фактик материалларга бойлиги, фикр ва қарашларнинг тарихий ҳамда замонавий фалсафий асосларга қурилгани билан эътиборни тортади.

Муаллиф давлат ва жамиятни бошқариш, умумижтимоий барқарорлик, фуқароларо тотувлик ва шу билан бирга, мамлакатнинг хавфсизлиги ва ташқи дунё билан алоқаларига доир мавзуларни тадқиқ этар экан, аввал қадимги Шарқ фалсафасидаги анъаналарни, Ғарбда тўпланган тажрибани тарихий-қиёсий асосда теран таҳлил этади. Тадқиқот билан танишар экансиз, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси, мамлакатимиздаги ижтимоий ислоҳотлар, миллий парламентаризмнинг шаклланиши, халқ ҳокимиятчилиги, миллий истиқлол мафкураси таҳлили билан боғлиқ фикрларнинг умумлаштирилгани, шу асосда янги хулосалар чиқарилганига гувоҳ бўласиз. Албатта, монографиянинг мустаҳкам услубий асоси, назарий ва амалий қимматини таъминлашда муаллиф томонидан барча зарур манбалар — аввало Президент Ислом Каримов асарлари, унинг Олий Мажлис сессиялари ва бошқа минбарлардан туриб илгари сурган ғоялари, фикр-мулоҳазаларини пухта ўрганилгани алоҳида аҳамият касб этган.

Бу тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва долзарблиги ҳақида кўп фикрлар билдириш мумкин. Мен бу ўринда фақат унинг бир хусусияти ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий масалаларини тарихий-хронологик, илмий-фалсафий, маънавий ёндашувлар асосида тадқиқ этган муаллиф бугунги Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароити, халқаро майдонда тутган ўрни, халқимизнинг миллий тафаккури, юртимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар таҳлили асосида мамлакатимизда ҳуқуқий жараёнлар қанчалик изчил ривожланиб бораётгани ва уларнинг ҳаётбахш натижаларини кўрсатиб беради. Тадқиқотчининг хулосалари ҳар томонлама асосланган билан ўқувчи эътиборини ўзига жалб қилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу асар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришга бағишланган илк илмий-фалсафий ва амалий монография бўлиб, мавзунинг чуқур таҳлили ва салмоқли хулосалари билан ажралиб туради. Ишлаб чиқилган тавсиялардан нафақат илмий, балки амалий мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Айниқса, китобга алоҳида маъно-мазмун бағишлаб турган «Шарқона демократиянинг ўзига хос хусусият ва белгилари»,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ўзбек модели»да Шарқ ва Fарб демократиясининг уйғунлиги», «Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси», «Ўзбек парламентаризмининг шаклланиши», «Халқ ҳокимиятчилигини равожлантиришда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти», «Сиёсий партиялар ва халқ ҳокимиятчилиги» мавзулари мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўтилаётган «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Ўзбекистон Конституцияси ва ҳуқуқ», «Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси» каби мавзулар ўқув курслари учун тайёр маъруза матни бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу китоб ижтимоий фан соҳаси олимлари ва тадқиқотчилари, биринчи галда файласуфлар, ҳуқуқшунослар томонидан қизиқиб ўрганилади ҳамда ўзининг муносиб баҳосини олади, деб умид қиламиз.

Зайниддин ИСЛОМОВ,
юридик фанлари доктори, профессор

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимизнинг ижтимоий адолат, ҳуқуқий тенглик, инсонпарварлик ва эзгулик тамойиллари қарор топган, юксак маънавиятли ва маърифатли жамият қуришдек асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш имконияти пайдо бўлди. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, 90-йиллар бошида жамиятимиз тарихий чорраҳада турган, мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз миллий тараққиёт йўлимизни ишлаб чиқишимиз зарур эди. Зеро, ўша мураккаб ва масъулиятли палладаги қарорларимиз замондошларимизнинг тақдиринигина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невaралари, келажак авлодларнинг тақдирини ҳам белгилаб берар эди. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг миллий демократик тараққиёти, юрт истиқболи фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўра олди ва олимлар олдига бу борада туб изланишлар ўтказиш вазифасини қўйди.

Ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мавзуини чуқур илмий таҳлил этиш зарурати қуйидагилардан келиб чиқади.

Биринчидан, Ўзбекистон фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни ўзининг стратегик мақсади, деб эълон қилганидан кейин давлат ва жамият қурилишида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий соҳаларда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бугун ушбу тажрибани илмий-назарий ўрганиш, таҳлил қилиш, эришилган ютуқлар кўламини баҳолаш ва шу асосда янада олға силжишимизга ёрдам берадиган янги вазифаларни аниқлаб олиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Иккинчидан, кейинги йилларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш муаммоларини ўрганишга бағишланган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўплаб сиёсий-назарий, ҳуқуқий, тарихий асарлар чоп этилди. Аммо муаммонинг барча қирраларини, йўналишларини қамраб олган, бу борадаги назарий қарашларни кечаётган ижтимоий ўзгаришлар билан қиёслаб, тўлдириб, умумлаштирган, хуллас, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни яхлит ҳолда ўрганган фалсафий тадқиқот ишлари ҳали етарли амалга оширилмади. Фалсафий тадқиқотлар эса ижтимоий жараёнларнинг, жамият тараққиётининг келажагини, истиқбол йўналишларини белгилаб беради, чунки фалсафа, Афлотун таъбирича, "бутунни кўради ва бутунни тўла идрок этади".

Учинчидан, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришга оид фундаментал аҳамиятга оид фикрлар, ғоялар Ислом Каримовнинг асарларида ва нутқларида баён этилган. Аммо жамиятимизда, кишилар онги ва турмуш тарзида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга интилишларидаги ўзгаришлар шундай тез содир бўлмоқдаки, улар мавжуд ёндашув ва вазифаларни қайтадан аниқлаб олишга ундамоқда. Мустақилликнинг дастлабки даврида белгилаб олинган ёндашув ва вазифаларнинг айримлари, масалан, бозор муносабатлари энди ижтимоий воқеъликдир. Бугун жамиятимиз бозор муносабатларини чуқурлаштириш асосида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларни — нодавлат секторни, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш институтлари фаолиятини янада демократлаштириш муаммосини кун тартибига қўймоқда. Демак, жамиятимиз сифат жиҳатидан фарқ қилувчи янги тараққиёт босқичига ўтиш арафасида турибди. Президент Ислом Каримов қайд этганидек, "Бизнинг бугунги кундаги вазифамиз — ўтган давр мобайнида эришилган натижаларни яна бир бор танқидий ва холисона баҳолаш ва амалий хулосалар чиқариш. Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишдир".[1] Демак, ана шундай мақсадларни ўзида мужассам этган дастурнинг негизини нималар ташкил қилиши керак ва аввало қандай

[1] *И.А. Каримов.* Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., «Ўзбекистон», 2003. 18—19-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

вазифалар биз учун устувор бўлмоғи лозим, деган савол пайдо бўлади.

Тўртинчидан, муаммога оид тадқиқотлар ичида ҳуқуқшуносларнинг изланишлари, илмий-назарий фаоллиги эътиборга лойиқдир. Айнан юридик соҳа мутахассислари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш муаммоларини кенг, атрофлича тадқиқ этишга интилмоқда. Шу сабабли муаммо фалсафий-ҳуқуқий ёндашувни тақозо этади.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш концепцияси марказида миллий маънавий-маданий меросга, халқимизнинг ахлоқ, одоб, инсонпарварлик анъаналарига, шарқона демократияга асосланиш туради, деган ёндашув шаклланган. Хўш, ушбу тарихий-маданий тажриба ва қадриятлардан нечоғли самарали фойдаланилмоқда? Уларнинг умуминсоний демократик қадриятлар билан мутаносиблиги, уйғунлиги, диалектик боғлиқликда келиши ҳақида нималар дейиш мумкин? Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини рўёбга чиқаришда, халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашда, сиёсий-демократик қадриятларнинг ижтимоий воқеъликдан чуқур ўрин олишини таъминлашда улардан қай даражада фойдаланиляпти? Умуман, янги ижтимоий воқеълик — фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат мақсадига миллий, тарихий-маданий, анъанавий тажрибани уйғунлаштириш учун илмий асосланган, қиёсий таҳлиллар билан бойитилган, инсониятнинг демократик тараққиётига мос келадиган тавсиялар ишлаб чиқиш муҳимдир. Чунки, ижтимоий ҳаёт қанчалик тасодифларга, синергетик* ҳодисалар ва мунофий** тўқнашувларга бой бўлмасин, халқимизнинг озод ва обод Ватан барпо этиш, фаровон ҳаётга эришиш борасидаги орзу-умидлари тараққиёт йўлларини онгли, рационал ташкил этишни тақозо қилади.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг "ўзбек модели", бу стратегик мақсаднинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий, мафкуравий асослари ҳали жиддий, назарий-фалсафий, илмий тадқиқ қилинмади. Бу борадаги изланишларда гоҳо ўта субъектив

---

* Синергетика — интеграция туфайли самара ортиши. Масалан, олма алмашинганда самара ўзгармайди — олма ўрнини олма босади. Лекин ғоялар алмашинганда, бунинг таъсири кучли бўлади.

** Бир-бирига тўғри келмайдиган омиллар, ҳодисалар ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёндашув, гоҳо у ёки бу тажриба таҳлили билан чекланиш, гоҳо эса тарихий-маданий тажрибани келажакка кўчириш — историцизм кўзга ташланади. Чет мамлакатлар тажрибасини инновация тарзида қўллаб-қувватлашга интилиб, миллий хусусиятларга юзаки, ташқи безак сифатида қараш, улардаги ички психологик, маънавий таъсир қувватини етарли баҳоламаслик, баъзан эса умуман хаёлдан фаромуш қилиш ҳоллари учрайди. Бугун жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш ва модернизациялаш талаблари, бир томондан, умуминсоний демократик қадриятлар асосида миллий демократик институтларнинг турли тизимларини шакллантиришни тақозо қилаётган бўлса, иккинчи томондан, халқимиз тарихий-маданий тажрибасидан келиб чиқувчи ижтимоий-маънавий ва ахлоқий омилларни миллий демократик тараққиёт императивига* айлантиришга ундамоқда. Ушбу ўта мураккаб ва мунофий зиддиятларга тўла муаммо шахс ҳуқуқини, эркини таъминлаш масаласи билан бирга кўрилганда янада кескинлашади, чунки эркинлик шахс мавжудлигининг, инсон тўлақонли ҳаётининг туб моҳиятидир. Ушбу моҳиятни англаган шахс ва шахслар уюшмалари ҳар қандай ташқи тазйиққа, аралашувга, бошқарувга қарши чиқиши табиий. Буни ҳисобга олмаслик шахс билан жамият, шахс билан давлат, жамият билан давлат ўртасидаги тафовутларни, антогонизмни кучайтиради. Тадрижий ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун бундай ҳоллар, албатта, номақбулдир. Шунинг учун ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичи инсон — жамият — давлат тизимида рўй бераётган ўзгаришларга, трансформацияга муҳтож жиҳатларни ўрганиб, белгилаб, ҳал этиб боришни шарт қилиб қўяди.

Еттинчидан, ижтимоий-тарихий тажриба кўрсатадики, давлатсиз халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Давлатига эга халққина умуминсоний тарихни яратувчи субъект бўла олади. Фуқаролик жамияти, асосан, фуқаролар институтлари тизимларидан иборатдир, шу нуқтаи назардан уни мустақил, давлатга нисбатан автоном ҳаракатланувчи ижтимоий тузилма дейиш ўринлидир. Ўзбекистон фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатни бир-бирига қарши қўйиш ёки улар ўртасидаги

---

* Талаб, тақозо, масалан, бу ерда тараққиёт учун тақозо бир-бирига тўғри келмайдиган омиллар, ҳодисалар ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

диалектик уйғунликни бартараф этиш, бузиш йўлидан бориши мумкин эмас. Ҳар қандай тузумда турли манфаатлар, интилишлар, саъй-ҳаракатларни ўз атрофида бирлаштирувчи ядро — ижтимоий-сиёсий институт бўлмас экан, ушбу тузум бир кунмас-бир кун таназзулга, емирилишга, парокандаликка маҳкумдир. Тарихдан маълумки, ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик, ҳурмат-эҳтиромдан кўра, бирор нарсага умумий нафрат инсонларни кўпроқ ҳамфикр қилади. Бироқ фуқаролик жамияти давлат функцияларини чеклашни талаб қилади, шу билан бирга, давлатни ҳеч бир сиёсий уюшма ёки фуқаролар ташкилотига тенглаштириш ҳам мумкин эмас. Демак, бу борада жиддий илмий-назарий тадқиқотлар ўтказилиши лозим.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг умумфалсафий-назарий масалалари Арасту, Н. Макиавелли, Г. Гроцкий, Т. Гоббс, Ж. Локк, Ш. Монтескье, Ж. Руссо, И. Кант, В. фон Гумбольдт, Гегель, Д. Жефферсон, А. де Токвиль, К. Поппер, Ф. Хайек, Р. Патиэм, Н. Бердяев, С. Гессен, Г. Шершекевич, Ю. Гамбаров, П. Сорокин, Н. Коркунов, В. Соловьев, В. Хвостов, С. Алексеев, Д. Керимов, В. Нерсесянц, К. Гаджиев, Ю.Хабермас, В. Ильин, А. Соловьев, Ю. Редник, Кумар каби мутафаккирлар ва олимларнинг асарларида қайсидир даражада тадқиқ этилган. Уларнинг асарларида илгари сурилган фалсафий-ҳуқуқий ғоялар фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишда, уларнинг институционал ва функционал хусусиятларини аниқлашда, сиёсий ва носиёсий муносабатларни ҳамда хусусий (шахсий, индивидуал) ва умумий (ижтимоий, умумхалқ) манфаатларни уйғунлаштиришда, нодавлат институтлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти доирасини кенгайтириш йўлларини ишлаб чиқишда назарий-услубий асос бўлмоқда. Уларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат:

биринчидан, фалсафий-ҳуқуқий гипотетик модел;

иккинчидан, ижтимоий-амалий тасдиқланмаган, аммо инсон ҳуқуқи ва эркини кенгайтиришга қаратилган проектив йўналиш;

учинчидан, ижтимоий борлиқни экзистенциал идрок этиш орқали уни комилликка, етукликка йўналтириш;

тўртинчидан, демократик қадриятларга умуминсоний моҳият бериш орқали кишилик жамиятидан зўравонликни, адолатсизликни, эксплуатацияни, тенгсизликни бартараф этиш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

хуллас, инсониятнинг бирлашишига, бахтли ва фаровон ҳаёт қуришига халақит бериб келаётган иллатлардан халос қилиш воситаси сифатида талқин қилинади.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш негизидаги ижтимоий адолат, ахлоқ, маънавият, умуминсоний тенглик, фуқаропарварлик, эзгулик, меҳр-оқибат каби шарқона тарихий-маданий қадриятларнинг аҳамияти Конфуций, Мо Шао, Ли Гоу, Низомулмулк, Кайковус, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Ибн Сино, Фирдавсий, Югнакий, Жомий, Навоий, Бобур, Амир Темур, Аҳмад Дониш каби аждодларимизнинг асарларида баён қилинган. Улардаги шу ижтимоий-ахлоқий қарашлар ва инсонпарварлик тамойиллари Ўзбекистон миллий демократик тараққиётига маънавий асос қилиб олиниши мумкин.

Мустақиллик йилларида муаммони тадқиқ этишга қизиқиш, интилиш кучайди. Оммавий ахборот воситаларида, турли илмий-назарий анжуманларда, давра суҳбатларида фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш масалалари кенг муҳокама қилинмоқда. Улар орасида Э.Халилов, М. Шарифхўжаев, Р. Жумаев, Ҳ. Бобоев, А. Саидов, У. Тожихонов, Ҳ. Одилқориев, З. Исломов, Ш. Жалилов, М. Fуломов, А. Тўлаганов, А. Қодиров, Ш. Мамадалиев, М. Файзиев, С. Жўраев, М. Мирхамидов, А. Жалолов, Л. Тангриев, М. Қирғизбоев, Л. Бойко, Н. Шодиев, С. Ҳасанов, О. Ҳусанов, А. Латифов каби тадқиқотчиларнинг асарлари, изланишлари муҳим аҳамиятга эга. Уларда:

биринчидан, муаммони чуқур илмий-назарий ўрганишга интилиш;

иккинчидан, муаммонинг миллий ва умуминсоний қирраларини топиш ва уйғунлаштириш;

учинчидан, мамлакатимиздаги ижтимоий воқеъликдан келиб чиқиш устун туради. Аммо уларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа йўналишлари алоҳида-алоҳида тадқиқ этилади. Шу билан бирга, уларда гоҳо баҳсли, ҳатто зиддиятли жиҳатлар ҳам мавжуд, бу табиий ҳолдир, чунки, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат мутлақ янги, илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган ижтимоий воқеликдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг илмий-назарий муаммоларини комплекс тарзда фалсафий-ҳуқуқий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқ этиб чиқайлик. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади:

— Шарқ халқларининг сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий меросини тадқиқ этиш, улардаги фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришга тааллуқли жиҳатлар;

— "Ўзбек модели"да Шарқ ва Ғарб демократиясининг уйғунлиги;

— Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси, бу борада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёни;

— "Кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойилини рўёбга чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий масалалари;

— ўзбек парламентаризми ва парламент ҳуқуқининг шаклланиши;

— фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг миллий-мафкуравий, ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий-маданий асослари;

— Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашнинг ижтимоий-ташкилий ва ҳуқуқий муаммолари;

— нодавлат жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзўзини бошқариш органлари ва институтларининг фаолияти;

— сиёсий партияларнинг сиёсий демократия ва плюрализмни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти;

— жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муаммолари.

Тадқиқот ва таҳлил натижасида қуйидаги хулосаларни қайд этишимиз мумкин бўлади:

1. Шарқ халқларининг сиёсий-фалсафий ва ҳуқуқий меросида ижтимоий адолат, эзгулик, тенглик, ахлоқ, одоб, маънавиятга оид шундай ғоялар борки, моҳиятан фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда, юксак маънавиятли жамиятни шакллантиришда уларни асос қилиб олиш мумкин.

2. Субординация ва иерархик муносабатларда кам тажрибали, кам билимли кишининг тажрибалироқ ва билимлироқ кишига итоат этгани, бошқарув жамоа бўлиб, аввало, ахлоқий-маънавий меъёрлар асосида олиб борилгани, ислом, давлат ва жамият ўзаро уйғунликда қаралгани, шахс ва давлат муносабатларига сиёсий мафкуралар тазйиқ солмагани, сиёсий институтларни эмас, балки инсоннинг маънавиятини

www.ziyouz.com kutubxonasi

юксалтириш бош мақсад бўлгани шарқона демократиянинг муҳим жиҳатларидир.

3. Ўзбекистонда миллий демократик институтларнинг шаклланишида, жамиятни янгилашда Шарқ ва Ғарбнинг демократик қадриятларидан уйғун фойдаланилмоқда. Ушбу ёндашув фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш "ўзбек модели"нинг туб моҳиятидир.

4. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, кучли конституциявий давлат барпо этишга, давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини тўла рўёбга чиқариш учун тенг ижтимоий-ҳуқуқий имкониятлар яратишга, давлатнинг функцияларини чегаралаш ва айримларини маҳаллий ҳокимиятларга ўтказишга, "Кучли давлатдан кучли жамиятга" тамойилини амалга оширишга қаратилгандир.

5. Фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда ўзбек миллий парламентаризми, унинг қонунчилик, ижтимоий назорат борасидаги ҳамда ташкилий фаолияти, фуқароларда ҳуқуқий онгни демократик императивга айлантиришга қаратилган ҳуқуқий-маърифий ишлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек парламентаризми бугун институционал шаклланиш ва функционал такомиллашиш босқичини бошдан кечирмоқда.

6. Халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш, унинг тизимларини ва фаолиятини кенгайтириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаоллигини ошириш, сиёсий партияларнинг, нодавлат жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ижтимоий ўзгаришларнинг суръат ва шаклларига мос тарзда иш олиб боришига эришиш — булар фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шартларидир.

7. Жамиятда юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, фуқаролар онгида эркин, фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан барпо этиш ғоясини қарор топтириш, уларни янги ижтимоий-тарихий, маънавий-маданий борлиқни яратувчи субъектларга айлантириш фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг мутлақ императивидир.

Биз мавзуни тадқиқ этишда назарий ва илмий-услубий нуқтаи назардан, аввало, Президент Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

демократик ҳуқуқий давлат қуриш концепциясига, жамиятни янгилаш, модернизациялаш ва миллий демократик давлатни шакллантириш борасидаги фикр-мулоҳазаларига таянамиз. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонунлар, ҳукуматимиз ишлаб чиққан дастурлар, қарорлар муҳим асос бўлади.

Буюк замондошларимизнинг адолатли, маърифатли ва инсонпарвар жамият қуриш, юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш, шахс — жамият — давлат тизимидаги уйғунлик, янги давр классик файласуфлари ва тадқиқотчиларининг ижтимоий тараққиётнинг мураккаб ва зиддиятли кечиши, турли манфаатларни уйғунлаштириш жамият тадрижий ривожланишининг кафолати эканлиги, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарама-қарши қўймаслик зарурлиги, давлатнинг инсон манфаатларига, унинг маънавий камолотига хизмат қилиши лозимлиги, сиёсий ҳокимиятнинг шахсга, нодавлат ташкилотларга, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва институтларига муносабатини аниқ белгилаб олиш, сиёсий партиялар ва нодавлат жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш ҳақидаги фикрлари олдимизга қўйган вазифаларни белгилаб олишга, илгари сурилган ғояларни, ишлаб чиқилган тавсияларни қиёслашга имкон беради.

Ўйлаймизки, бу тадқиқотда илгари сурилган ғоялар ва чиқарилган назарий хулосалар фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат ҳақидаги илмий қарашларни, демократия назариясини, ижтимоий-ҳуқуқий ёндашувларни бойитишга хизмат қилади.

Ушбу асарни ёзилишида ўз маслаҳатларини берган фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, марҳум устозимиз Абдулхай Валиевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Мазкур асар шу соҳадаги илк тажрибалардан биридир. Унда учраши мумкин бўлган айрим камчиликларини тузатиш ва уни янада такомиллаштириб қайта чоп этишда ёрдам берадиган фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I Б О Б

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР

1.1. Шарқда давлат ва жамият масалаларига сиёсий-ҳуқуқий қарашлар

Ижтимоий тараққиёт бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнларнинг, гоҳ у соҳа, гоҳ бу соҳанинг етакчилик қилиши сабабли жамиятда юз берадиган нотекис (синергетик) ривожланишнинг, ички функционал хусусиятларига кўра эса, инсон ва борлиқ ўртасидаги алоқаларнинг натижаси бўлмиш антропосоциогенезиснинг, социумнинг* муайян бир тарихий-маданий босқичга оид ҳолатидир. Бу ҳолат динамик хусусиятга эга бўлгани учун уни "ижтимоий ҳаракатлар динамикаси" дейиш мумкин. Аммо бу ҳолат ва бу динамика бутун тарихий жараёнлар учун ягона бўлмай, ҳар бир давр учун алоҳида, таъбир жоиз бўлса, "хусусий"дир. Чунки, энг ажойиб назарий конструкциялар ҳам тарихий тараққиёт йўналишини белгилаб беролмайди ва ҳеч қандай куч ушбу конструкцияга мувофиқ жамиятни ўзгартиролмайди. Демак, ҳар қандай ижтимоий тараққиёт нафақат ретроспектив, балки айни пайтда "социал-технологик" нуқтаи назардан ҳам ўзига хос ҳолат, воқеликдир. Ҳатто эволюция назарияси ҳам ижтимоий тараққиёт ва инсон ҳаётининг ранг-баранглик, бошқа босқичларга ўхшамаслик, кўпчилик билан муросага келмаса-да, ўз йўлидан бориш устига қурилганини инкор этолмайди. Бизнинг вазифамиз ижтимоий тараққиётнинг ушбу ўзига хослигини, турли даврларга оид хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда "социал проектив"** хулосалар чиқаришдир. Зеро, бир нақлда айтилганидек, "билмагани учун эмас, билгани учун янглишади, хато қилади".

Шарқ ўзининг ҳудудий ва этник-маданий ранг-баранглиги билан беҳад кенг жуғрофий ва ижтимоий-тарихий маконни қамраб олган. У Сурия ва Мисрдан Узоқ Шарқ ва Япониягача

---

* Инсоннинг ибтидоий даврдан буён ривожланиб, жамият аъзоси бўлиб етишгани назарда тутилмоқда.

** Ижтимоий воқелик манфаатларига, "бугунги турмушни шарт-шароитга мос келадиган, татбиқ этиш мумкин бўлган", деган маънода.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган жуғрофий маконни ўз ичига олади ва ижтимоий тузуми, этник-маданий белгилари бир-биридан фарқ қиладиган халқлар, миллатлар, давлатлардан иборатдир. Аммо қанчалик ранг-баранг конгломерат* ва тарихий-маданий парадигмалардан** иборат бўлмасин, ундаги умумий белги ва хусусиятларни аниқлаб олиш даркор. Шарқ халқларидаги давлат ва жамият масалаларига татбиқ қилиш мумкин бўлган умумий белги уларнинг тарихий-маданий ривожланишига асрлар оша таъсир этиб келаётган хилма-хил диний маданиятдир. Уларга конфуцийлик, ҳинд-буддавийлик ва ислом киради.

Конфуцийлик. Кун-цю (Конфуций) эрамиздан аввалги VI-V асрларда яшаган бўлса-да, унинг давлат ва жамиятни бошқариш борасидаги қарашлари қадимги Хитойда шаклланган Осмон — Ер — Одам уйғунлиги космологик концепциясини давом эттиради. Конфуцийнинг сиёсий фалсафасида Осмон — табиатнинг қисми, коинот, ижтимоий адолат ёки адолат ҳимоячиси, ўрнатувчиси, тақдир, ҳукмдор, ердагиларнинг ҳаётини белгилаб берувчи, Ер эса — Осмон ости, одамлар яшайдиган борлиқ, Осмон иродасини ижро этувчи куч сифатида қаралса, Одам ушбу учликни уйғунлаштирувчи, давлат ва жамиятни идора этувчи субъект сифатида талқин этилади. Шу боис конфуцийликни "давлат, жамият, оила ва инсон ҳаётини уйғунлаштириш"га (гармония) қаратилган таълимот, деб аташади.

Конфуций қадимги князликлар тарихини ва идора усулларини ўрганар экан, Хитой "олтин аср"ни бошдан кечирган, унда ҳаёт тўкин-сочин, адолатга, ахлоққа, расм-русумларга итоат этиб яшаш одамларнинг турмуш тарзи бўлган, лекин ҳозир князлар ўртасидаги тахт талашлар одамлар орасида бад сифатларни авж олдирмоқда, деган фикрга келади.

Донишманд ўз таълимотини "ли" — "жамиятни бошқариш, расм-русумлар ва нарсалар тартиби" деб атаган. Жамият ва давлат муайян бир тартиб-қоида асосида бошқарилади, нарсалардан то одамлар, уларнинг гуруҳ ва уюшмалари, оила, монархгача (князь) — барча-барча ижтимоий борлиқда ўз

---

* Конгломерат — нарсаларнинг бетартиб тасодифий йиғиндиси, қоришмаси.

** Парадигма — асосий, дастлабки концептуал схема, муаммони майдонга чиқариш ва ечиш модели. Бунда муайян тарихий босқичда илмий доираларда эътироф этиб келинган тадқиқот усуллари ва хулосаларига таянилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнига, субординацияда ўз мавқеига эга. Жамиятда содир бўладиган ғалаёнлар, бошбошдоқлик ва бетартиблик ана шу қоидаларнинг одамзод томонидан бузилиши натижаси сифатида қаралади.

"Ли" концепцияси Осмон — Ер — Одам, монарх — олийжаноб кишилар — халқ, бошқарув — инсонийлик — адолат поғона-тизимларини ўз ичига олади. Ҳар бир тизим олий, ўрта ва қуйи қисмларга эга. Уларнинг бир-бири билан уйғунлиги давлат ва жамиятни мақсадли бошқариш имкониятини яратади. Осмон, монарх бошқарув тизимининг олий қисмидир. Шунинг учун ҳам қолган қисмлар уларга итоат қилади ва хизматида бўлади.

Конфуций марказлашган давлат тузиш тарафдори бўлган. Бу мутафаккир яшаган даврда авж олган князликлараро низоларни бартараф этишнинг асосий йўли эди. Марказлашган давлат эса идора усуллари монарх қўлида бўлишини тақозо этади. Айниқса тарқоқ князликлар бирлаштирилган даврда бошқарув аниқ бир масъул киши қўлида бўлиши даркор. Донишманд монархни ўқимишли, "жамиятни бошқариш, расм-русумлар ва нарсалар тартиби" — "ли"дан хабардор бўлган "Осмон ўғли" деб таърифлайди. Бу Афлотуннинг "донишманд ҳукмдор" ғоясига яқиндир. Бироқ Афлотуннинг "донишманд ҳукмдори" умумни идрок эта оладиган файласуф эди, Конфуцийнинг монархи эса, бошқариш ишларидан, аждодлар меросидан, расм-русумлардан ва ахлоқий меъёрлардан хабардор, инсоний фазилатга эга, олийжаноб кишилар ёрдамига таяниб халқни бошқарадиган шахсдир. Конфуций ўз монархини "Осмон ўғли" деб атаса-да, у ҳеч қандай илоҳий хислатларга эга эмас, ҳатто уни бошқа "олийжаниб киши" билан алмаштириш мумкин. Демак, Конфуцийнинг монархи Афлотуннинг "донишманд ҳукмдори"дан демократроқдир.

Конфуций сиёсий фалсафада биринчи бўлиб моралистлар (ахлоқшунослар) билан легистлар (қонуншунослар) ўртасидаги баҳсни бошлаб берган мутафаккирдир. Шундан буён давлат ва жамиятни бошқаришда нима муҳим — ахлоқ ва тарбиями ёки ҳуқуқ ва қонунми, деган мавзу устида баҳс кетади. Аслида, қадимда кўп айтилганидек, тарбия ўсмирларга ўзини босишни, қарияларга сабрли бўлишни ўргатади, қашшоқларга қаноат, бойларга зийнат беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Донишманднинг ахлоқий қарашлари ўз даврида жиддий қаршиликка учраган. Ши Хуанди (эрамиздан аввалги III аср) даврида ҳатто тақиқланган ҳам. Шундай бўлса-да, кейинчалик бу қарашлар расмий мафкура даражасига кўтарилади. "Агар, халқ қонунлар билан бошқарилиб, жазолар ёрдамида тартиб ўрнатилса, одамлар жазодан қочади ва ўз қилмишларидан хижолат тортмайдиган бўлади, — дейди Конфуций.— Агар халқ эзгу амаллар билан бошқарилиб, яхши одоб, гўзал хулқ-атвор билан тартиб ўрнатилса, халқ ўз қилмишларидан уяладиган бўлади ва тузаладиган бўлади". Демак, Конфуций назарида қонунлар кишиларни ахлоқли, итоатли, эзгу амалли қилолмайди, улар одамларда давлат ва жамият тартибларига итоат этмаслик майлини кучайтиради. Бошқарув куч, зўравонлик, тазйиқ билан эмас, балки кишилар ахлоқини тузатадиган, уларни эзгуликка чорлайдиган воситалар — "ли" орқали амалга оширилиши даркор. "Амалдор эзгу амалли бўлса, халқ ҳам эзгу бўлади"[1].

Конфуций ҳам, унинг издошлари ҳам давлат ва жамиятга ўзаро уйғун воқелик сифатида қарайди. Уларнинг фалсафасида олийжаноб эр, Осмон ўғли — ҳукмдор (князь, подшо, монарх) қуйи табақалардан фарқ қилувчи синф сифатида қаралса-да, улар онтологик Осмон — Ер иттифоқининг таркибий қисмидир. Жамият ва давлатга бир-биридан фарқланувчи институтлар сифатида қараш кейинчалик, Европада ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг кенг тарқалиши билан пайдо бўлади. Лекин Шарқ сиёсий фалсафасида давлат (юқори табақа) ва халқ (қуйи табақа) функционал жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи синфлар сифатида қаралганини унутиб бўлмайди. Шу билан бирга, Конфуций "идеал давлат"ни идеал муносабатлардан ёки келажакдан эмас, балки ўтмишдан, патриархал-қулдорлик давридаги бошқарув усулларидан қидиради. Унинг эзгу амал, одоб-ахлоқ, урф-одатлар ва хулқ-атвор орқали бошқариш концепцияси янги, адолатли жамият қуришга эмас, балки ўтмишни қайта тиклашга, тарихий-маданий тажрибани қайтадан қарор топтиришга қаратилгандир. Бу Конфуций таълимотидаги "историцизм"дир.

Конфуций давлат ва жамиятни бошқаришда субординацияга қатъий амал қилиш тарафдоридир. Агар "ҳукмдор-

---

[1] *В.Алимасов.* Конфуций // "Шарқ юлдузи", 2005, 2—3 сон, 178-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукмдор, хизматкор-хизматкор, ота-ота, ўғил-ўғил бўлмаса" қандай қилиб бошқариш, урф-одатларга амал қилиш мумкин? Бошқариш, урф-одатлар (расм-русумлар) бўлмаса, давлат ва жамиятни "олийжаноб эр", "Осмон ўғли" идора этолмайди.

Шунинг учун ҳукмдор-ҳукмдор, хизматкор-хизматкор, ота-ота, ўғил-ўғил бўлиши керак. Ҳар кимнинг ўз функционал вазифаларини бажаришигина жамиятда, муносабатларда тартиб ўрнатилишига, Осмон остида гармониянинг қарор топишига олиб келади.

Конфуций эски патриархал-қулдорлик тузуми емирилиб, феодал муносабатлар қарор топиб борган даврда яшади. Жамиятнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши эса доим зиддиятли кечган. Конфуций бу зиддиятларни юмшатишга ва бошқарув ишларини мустаҳкамлаш орқали адолатли, эзгу амалли давлат қуришга даъват этади. Бунинг учун у, аввало, ҳукмдорга (юқори синф) бир қатор талаблар қўяди. Масалан, давлатни тўғри бошқариш, халқни бадавлат қилиш ва тўғри йўлга солиб бориш, урф-одатларга қатъий амал қилиш, олийжаноб кишиларга таяниш кабилар шулар жумласидандир. Хуллас, Конфуцийнинг сиёсий фалсафаси инсонпарварликка, эзгу амалларни кўпайтиришга, Осмон билан Ер, ҳукмдор билан фуқаро, давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларда гармонияга эришишга қаратилгандир. Мана шу парадигма Шарқ халқларининг бошқарув ҳақидаги тасаввурларига, менталитети ва ижтимоий-руҳий ҳолатига, орзу тилакларига мос келади. Ғарб сиёсий институтлари тинмай ўзгартириш концепциясини қўллаб-қувватлаган, ҳатто ижтимоий инқилоблар билан сиёсий ҳаётни ўзгартиришга ҳаракат қилган бўлса, Шарқ ўз диққатини инсон маънавиятига, эътиқодига қаратди. Жамиятдаги ўзгаришларга инсоннинг ички дунёси, маънавий-руҳий ҳаёти, дунёқараши дахлдор бўлишини Шарқ халқларига хос тарихий-маданий парадигма дейиш мумкин.

Конфуций таълимотида халқ давлат ва жамият бошқарувининг фаол субъекти эмас, балки ҳукмдор (подшоҳ, князь, монарх) ҳукми ва хоҳиш-иродасининг ижрочиси, бажарувчисидир. Халқнинг монарх (юқори табақа) манфаатларига хизмат қилиши Осмон томонидан белгилаб қўйилган, у ўзгармасдир. Шунинг учун халқ ўз қисматидан норози бўлмаслиги, "ли" тартиб-қоидаларининг азалий ва ўзгармас эканини мудом ёдида тутиши зарур. Аммо Конфуций ўз таълимотида халққа "фаол субъект" сифатида қарамагани учун унга таъна қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмайди. Чунки, аслида халққа "фаол" ва "нофаол" нисбат беришнинг ўзи нотўғри. Зеро, мутлақ фаол ҳалқнинг ўзи йўқ, мутлақ нофаол халқ ҳам бўлмайди. Одамлар, гуруҳлар мудом аниқ манфаатларни кўзлайдилар, алоҳида одамлар ва гуруҳларнинг манфаатлари эса ҳар доим ҳам бир хил бўлолмайди. Бундан ташқари, конфуцийликда халқ ҳукмдорни бошқа олийжаноб кишига алмаштириши мумкин, адолатли жамият халқ манфаатлари негизига қурилади, деган фикр ҳам мавжудки, уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Агар Конфуций таълимоти халққа нофаол, шунчаки бир ижрочи, юқори табақа хизматкори сифатида қараганида, хитойликлар уни XXV асрдан буён қўллаб-қувватлаб келмаётган бўларди.

Конфуций таълимотини Мо-цзи (эрамиздан аввалги 480—400 йиллар), Мэн-цзи (эрамиздан аввалги 372—289 йиллар), Сюнь-цзи (эрамиздан аввалги 213—235 йиллар), Лю Шао (III аср), Ли гао (1009—1059 йиллар), Чжи Си (1130—1200 йиллар), Лу Цзю-юан (1139—1193 йиллар), кўплаб бошқа олим ва мутафаккирлар давом эттирдилар. Энг муҳим жиҳати шундаки, давлат ва жамият муаммолари ҳар қандай даврда илм ва тафаккур аҳлининг диққат марказида турган.

Мо-цзи "адолат осмон остидаги энг олий қадриятдир" дейди. "Осмон адолатни севади ва адолатсизликни ёмон кўради. Осмоннинг истаги — одамлар бир-бирига меҳрли бўлсин ва бир-бирига фойда келтирсин. Осмон хоҳиши бўлмиш ердаги ишлар мезони улар учун намунадир". Ҳатто мутафаккир давлатни адолатнинг бузилиши ва уни қарор топтириш истаги келтириб чиқарган, деб билади.

Мо-цзи ғофил кишиларни оқил кишилар бошқарса, давлат ва жамиятда тартиб бўлади, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, у оқил кишилар оддий ҳунармандлар, деҳқонлар ичида ҳам бор, уларга бошқарув ишларини, ҳатто буйруқ қабул қилиш ҳуқуқини бериш зарур деб кўрсатади. Бу, конфуцийлик халққа "нофаол субъект" сифатида қарайди, деган фикрнинг нотўғрилигини англатади.

Лекин Конфуций давлат ва жамият бошқарувида субординацияни қўллаб-қувватлаган бўлса, Мо-цзи бу тамойилга қарши чиқади. У табақавий бўлиниш ўрнига "умумий меҳр-муҳаббат" тамойилини қўяди. У, ҳеч ким аждодлари, наслнасабига қараб лавозим эгаллаши мумкин эмас, ҳар ким ўз истеъдод ва иқтидори, қобилиятига мувофиқ иш тутса, жамиятда адолат қарор топади, деб ҳисоблайди. Аслида бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

Конфуцийнинг эзгу амаллар, ахлоқий тартиблар ҳақидаги қарашларининг мантиқий давомидир.

Мэн-цзи инсон табиатан эзгудир, эзгулик унинг ташидан келмайди, балки ички маънавий-руҳий эҳтиёж натижасида пайдо бўлади, деб билади. "Агар сиз бошқарувда инсонпарвар бўлсангиз, Осмон остидаги барча амалдорлар Сизнинг саройингизда хизмат қилгиси келади, барча деҳқонлар Сизни далангизда ишлашни истаб қолади, барча савдогарлар Сизнинг бозорларингизда савдо-сотиқ қилишни ихтиёр этади. Сайёҳлар Сизнинг мамлакатингиздан ўтишни кўзлайди, ўз ҳукмдорини ёмон кўрган ажнабийлар Сизга арз-дод айтишга интилади. Шунда ким ҳам Сизга қарши тура олади?"[1]. Мэн-цзи бу мантиқий силсилани давом эттириб, қуйидаги хулосани баён этади: Муқим иш ўрнига эга бўлмаган киши ҳукмдорга нисбатан доим ҳам эзгу ўйда бўлмайди. Агар одам жиноятлари учун жазога тортилса, демак, халқнинг қўл-оёғи қонунлар билан боғлаб ташлангандир. Шунинг учун оқил ҳукмдор халқни иш билан машғул қилади, ўз-ўзини боқиш имконини яратиб беради. Саховатли инсон жиноятнинг шарридан қўрқади, тубан киши — фақат жазодан.

Чжуан-Цзи эса "Осмон остида икки буюк важ мавжуд: бири тақдир, иккинчиси адолатдир" деб ёзади. Мутафаккир назарида давлат ва жамиятни бошқаришнинг асоси ижтимоий бойликларни тенг тақсимлашдир. Халқнинг шод-хуррам яшашига халақит бериш, унинг эзгу амалли, адолатли бўлиш, ўз-ўзини боқиш имкониятидан маҳрум этиш жиноятдир. Инсонпарварлик ва адолат йўқ жойда давлат ва жамиятни бошқариш мумкин эмас.

Сюнь-цзи инсон табиатан зўравонликка мойил, деб билди. Шу билан бирга, унинг назарида, фақат инсон жамоа бўлиб яшаш, нарсаларни идрок этиш қобилиятига эга мавжудотдир. Кишидаги зўравонлик майлини чеклаш учун бошқарув жорий этилган. Демак, жамият, давлат ва халқни қонунлар ёрдамида бошқариш лозим. Бу Конфуцийнинг ахлоқий қарашларини легизм билан яқинлаштириш, қайсидир маънода уйғунлаштириш эди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, конфуцийлик давлат ва жамиятни эзгу амаллар, ахлоқ, хулқ-атворни тўғрилаш

---

[1] Мудрецы Поднебесной. Симферополь, Реноме, 1998. 167-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали адолатли бошқариш тамойилини ифода этади. Бу билан у идеализмга ён босади, чунки бошқарув кишилик фаолиятининг ўта мураккаб ва хилма-хил, ҳатто зиддиятли жиҳатлардан иборат шундай турики, бу жиҳатларнинг барчасини ҳисобга олмай туриб социал конструкцияларни амалга ошириш қийин. Аммо конфуцийлик негизидаги инсонпарварлик ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмаган.

Ҳинд-буддавийлик. Тарихий-археологик манбалар эрамиздан аввалги 3000-йиллар бошида Инд водийсида ўзига хос "мураккаб тизимли жамиятлар" юзага келганини кўрсатади. Ушбу цивилизация ўчоғи кейинчалик буюк ҳинд маданиятига асос солган. Бу "ҳинд цивилизациясини Марказий Осиё ва Эрондан кўчиб борган орийлар яратган" деган эскича ақидани рад этади. Ҳинд-буддавийлик таълимоти ҳам, гносеологик ва онтологик негизига кўра, ўша илк маданият ўчоғига бориб тақалади. Чунки, давлат ва жамият бошқарувининг айнан ўша даврда шакллана бошлаган усуллари, табақавий муносабатлар келгуси ижтимоий-тарихий жараёнларга таъсир этган. У даврдаги конгломератда шаклланган "мураккаб тизимли жамиятлар" ҳайратли тарзда цивилизациялашган давлат аппарати йўқлигини ёки бўлмаганини ҳам кўрсатади. Бу эса ёт қабилаларнинг осонгина бостириб киришига замин яратган. Аммо "мураккаб тизимли жамиятлар"ни бир-бирига яқин қилган, умумий ҳинд цивилизациясини яратган омил, мутахассисларнинг якдиллик билан таъкидлашига кўра, диннинг умумийлиги, фалсафа, маданият, индуизмда орттирилган тажрибадир. Шунинг учун қадимги ҳиндларнинг сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари улар диний-фалсафий таълимотларининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши зарур.

Веда адабиёти ривожланаётган даврда қадимги ҳиндлар одамлар ўртасидаги муносабатларни "илоҳий воситачилар" ёрдамида йўлга қўйишга интилган. Одамлар билан худолар ўртасида ўта содда "олиш ва бериш" қоидаси ҳукм сурган. Улар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш, қонун асосида қуришга интилиш эса кейинроқ пайдо бўлади.

Ерда, одамлар орасида ижтимоий-ахлоқий меъёрлар ҳукм суради. Ҳинд фалсафасида бу "рита қонунлари ва тартиб-қоидалари" деб аталади. Рита — қонун, у бутун дунёга таралган ва барча одамлар ва худолар унга итоат этади. Шунга биноан, қаерда қонун бўлса, ўша ерда бетартиблик ва адолатсизлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўткинчи, вақтинчадир. Ёмонликнинг тантанаси мутлақ эмас, муваффақиятсизлик эса тушкунликка сабаб бўлолмайди.

Ведаларга кўра, одамзод худолар олдида ҳам, ўз замондошлари олдида ҳам масъулдир. Эзгу амалли бўлиш — барчага хос фазилат. Рита қонунларига итоат этмаслик ғайриинсоний ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлади.

Қадимги ҳиндлар худоларнинг якка ҳукмронлик қилишини эмас, балки ҳаётини рита қонунларига монанд бошқаришни хоҳлаганлар. Одамийзод ва худолар бир-бирлари олдида маънавий масъулдирлар.

Эрамиздан икки минг йил аввал қадимги Ҳиндистонда халқ умумий ном билан "вайшья" деб аталган. Орийларнинг қабилалари кўчиб келгач, ижтимоий тузумда янги институтлар, бошқарув усуллари, қўшин, ҳунармандлар ва деҳқонлар гуруҳлари пайдо бўлиб, бу ўзгаришлар натижасида тўрт табақа шаклланади. Улар кшатрилар, браҳманлар, деҳқонлар (вайшьялар) ва шудралардир (аҳолининг қолган қуйи табақаси). Табақавий тизим кейинчалик мамлакатнинг тараққиётига ғов бўлди, лекин у ўз даврида турли ирқларга мансуб одамларнинг ўзаро қон тўкмай ёнма-ён яшашига имкон берди.

Буддизмнинг келиб чиқиши "ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат" деган хулосага келган Гаутама Суддхартхи — Будда (эрамиздан аввалги VI-V асрлар) билан боғлиқдир. Унинг диний-фалсафий қарашларида "тўрт олийжаноб ҳақиқат" баён этилади, яъни азоб-уқубат бор, ушбу азоб-уқубатнинг боиси бор, азоб-уқубатни бартараф этиш мумкин, азоб-уқубатни бартараф этиш йўллари мавжуд. Буддизмдаги ушбу концепция нафақат алоҳида олинган шахс, балки айни пайтда барча одамлар ва бутун жамият ҳаётига тааллуқлидир. Гоҳо эса унинг давлат ва жамиятни бошқариш, янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш билан боғлаб талқин этилишига ҳам дуч келамиз. Албатта, фалсафий-метафизик қарашлар умумий характерга эга эканлиги боис инсон ва жамият ҳаётининг барча томонларига татбиқ этилиши мумкин. Будда шахсни ахлоқий комилликка даъват қилиш орқали уни азоб-уқубатлардан халос қилмоқчи бўлади. Комилликка интилиш одамларнинг маънавий-ахлоқий покланишига ёрдам бериб, ўз навбатида жамиятдаги муносабатларга ҳам таъсир этади.

"Ким нафс ва шаҳватга мойил бўлса, унга ахлоқий ўгитлар бефойдадир, — дейди Будда. — Киши шаҳватга мойилликдан халос бўлмаса, қалби узоқ вақт ўткинчи нарсаларга банди

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолади. Ким ўзганинг бойлигини ўғирласа, ўзиники қилишга интилса, у жазога лойиқ ўта паст одамдир". Умуман киши, Будда назарида, мулкка, кулбага, ётоққа, овқатга, бойликка боғланмаслиги керак, чунки уларни йўқотиш азият, азоб келтиради, натижада қалб, руҳ озор чекади. Уларга берилмаган қалбгина изтироб, ташвиш ва ғайрли эҳтиролардан холи ҳолда яшайди.

Будда, инсонларнинг табақавий мансублиги уларни ўша табақа меъёрлари, қарашлари, расм-русумлари билан яшашга ундайди, деб билади. Шунинг учун бой-бадавлат кишилар билан донишманд (ғариб) кишилар бир-бирларига турлича муносабатда бўлади, деб кўрсатади. Бойнинг ўю фикри бойлик орттиришда, донишманд эса қалб роҳатини ўйлайди ва у инсонпарвардир.

Будда, юксак ахлоқли киши жамият ҳаётини бошқарса арзийди, деб ҳисоблайди. Албатта, мажозий айтганда, бу юксаклик Везувий вулқонининг эмас, Олимп тоғининг чўққиси бўлиши керак. Яъни, эзгу амалли, оқил, тўғри сўз, маънавий пок кишини халқ улуғлайди ва эъзозлайди. Шу нуқтаи назардан давлат ва жамият ишларини маънавий покликка интилувчи кишига ишониш мумкин. Будданинг эзгулик, инсонпарварлик, тўғрилик, раҳмдиллик, садоқат, нафс ва фаҳшга берилмаслик каби фазилатлар ҳақидаги фикрлари нафақат маънавий покланишга, азоб-уқубатлардан халос бўлишга интилувчи одамлар, балки барча инсонлар ва бутун жамиятга тааллуқлидир.[1]

Ислом. Исломнинг ижтимоий, сиёсий ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида жуда кўп тадқиқотлар ўтказилган ва асарлар чоп этилган. Исломда давлат ва жамият билан боғлиқ масалаларига турли ёндашувлар мавжуд. Уларга алоҳида тўхталиб, мавзудан четлашмаслик учун давлат ва жамият бошқаруви концепциясига оид жиҳатларнигина қисқача кўриб чиқамиз.

Ислом инсоннинг ҳаёти ва фаолияти, унинг ижтимоий муносабатларга дахлдорлиги, Аллоҳ олдидаги бурчи, давлат бошлиғи ёки халифа билан муносабатлари, хуллас, одамнинг ҳам бу дунёдаги, ҳам у дунёдаги ҳолатини ҳам белгилаб беради. Давлат ва жамият бошқаруви ҳақида Қуръони Каримда кўп буйруқлар бор: "Аллоҳга, пайғамбарга ва амр эгаларига

---

[1] *Юрчук В.В.* Будда. М., Современное слово, 1998. 3—4-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(сизларга ҳоким бўлган кишиларга) бўйсунинг", "улар ўзаро кенгаш асосида иш олиб борадилар," "(Эй Муҳаммад,) барча ишларда улар билан (сафдошларингиз билан) маслаҳат қилинг". Демак, ҳар бир мусулмон, ҳар бир фуқаро Аллоҳга, пайғамбарга ва давлат бошлиғига бўйсуниши, уларнинг амрига итоат этиши лозим. Бу ғоя исломнинг давлат ва жамият ҳаётига чуқур кириб боришга қаратилганини кўрсатади. Ислом фиқҳшунослари, биринчидан, Аллоҳ иродасини бажаришга интилган бўлса, иккинчидан, Муҳаммад пайғамбар (С.А.В.) ва унинг халифалари, издошлари олий диний ва дунёвий вазифаларни амалга оширишдаги бошланғич фаолият йўриқларига ўхшаш бошқарув тизимини яратдилар.

Исломда юзага келган оқимлар (сунний, шиа ва бошқа мазҳаблар) давлат ва жамиятни бошқариш масалаларига турлича ёндашади. Суннийларнинг фикрича, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бош субъекти Аллоҳдир. Давлат ва жамият унинг номидан бошқарилади. Халқнинг, жамоанинг ҳуқуқлари давлат арбобини сайлаш ва унинг амалий фаолиятини назорат қилишдир. Шиалар ҳам Аллоҳнинг мутлақлигини тан олади, бироқ давлат ва жамиятни имом бошқаради, деб билади. Имом фақат шариатга ва Аллоҳга итоат этади. Шу тариқа давлат ва жамиятни бошқаришга оид халифат ва имомат сиёсий-фалсафий доктринаси юзага келди. Имомат ва халифат ислом давлатининг мумтоз шакли сифатида сиёсий жиҳатдан ўзига хос демократик анъаналарга эга бўлиб, мерос қолмайдиган, кенгаш асосида сайланадиган бир ҳокимият эди.

Ўлкамиз ҳаётида ислом ҳуқуқи, шариат XX аср бошларигача инсон, жамият, давлат ҳаётига оид меъёрларни белгилаб берган. Унда шариат қонунларига мувофиқ ҳукм чиқариш учун ҳуқуқий устуворликлар тизими мавжуддир. Биринчи — Қуръони Карим, иккинчи — Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги манбалар (ҳадислар), учинчи — мусулмон жамоаси ва уламоларнинг шариатнинг энг муҳим масалалари юзасидан якдил фикрлаши, яъни ижмо, тўртинчи — қиёслаш, мантиқий хулоса чиқариш. Охирги ҳолда қозининг мавқеи, унинг маҳаллий урф-одатларга асосланган шахсий нуқтаи назари муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги ислом оламида давлат ва жамият бошқаруви дин, фалсафа, шеърият, умуман, бадиий адабиётда кўпроқ ифодаланган, таҳлил қилинган. Унда ғарбдагидек давлат ва жамият махсус тадқиқ этилган нома ёки рисола, ҳозирги

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънодаги илмий асар эмас, балки юқоридаги ижод шаклларида учрайди. Бу эса ўлкамиз мутафаккирларининг барча соҳалар, шу жумладан, давлат ва жамият ҳақида ҳам ўз қарашларига эга бўлишини тақозо қилган.

Аксарият ҳолларда ушбу қарашлар ислом ақидалари доирасидан чиқмаган, Қуръони Карим ва Сунна меъёрларини такрорлашдан иборат бўлган эса-да, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Насриддин Тусий, ал-Мотуридий, ал-Марғиноний, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Бобур, Аҳмад Дониш, Абай каби юзлаб, минглаб мутафаккирлар инсон ҳуқуқлари, эрки ва орзу-умидларига, адолатли жамият барпо этишга оид бетакрор ғояларни илгари сурганлар. Улар демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қураётган Ўзбекистон учун нафақат тарихий-маданий мерос, шу билан бирга, миллий демократик тараққиётнинг маънавий, ахлоқий ва ижтимоий-ҳуқуқий дастури бўлиб хизмат қилиши мумкин.

1.2. Ўрта Осиё мутафаккирларининг давлат ва жамият масалаларига фалсафий-ҳуқуқий қарашлари

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ҳақида тўхталиб, "Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак", деб таъкидлайди.[1] Демак, мамлакатимизда барпо этиладиган фуқаролик жамияти қуруқ жойда пайдо бўлмайди, у халқимизнинг бой тарихий-маданий тажрибасига таянади, ундаги замон ва тараққиёт талабларига мос келадиган жиҳатларни ўзлаштириш орқали шаклланади. Айнан шу мақсад нуқтаи назаридан ўлкамиз мутафаккирларининг давлат ва жамият ҳақидаги ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашларига назар ташлаймиз.

---

[1] *И.А Каримов.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., "Ўзбекистон", 1996. 123-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зеро, “Ўрта Осиё мутафаккирлари илмий кашфиётларининг туб моҳиятини очиш уларнинг жаҳон илм-фани тарихидаги роли ва ўрнини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

... Ҳар қандай олим қадимги алломаларнинг ишларини ўрганиши, яхшилаши, такомиллаштириши даркор[1].

Ўлкамиз ва халқимиз ҳаётига оид илк ёзма тарихий манба “Авесто”дир. Унда халқимиз тарихи, биз яшаётган заминда мавжуд бўлган давлатларнинг сиёсий тизими ва тараққиёт манбалари кўрсатиб берилганлиги истиқлолга эришган бугунги давримизда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юртимиз ҳудудида шаклланган илк давлатчилик “Авесто”га кўра, уч даврдан иборат бўлган. Биринчи — энг қадимий даврдаги ҳаётда адолат ва инсоний бахт-саодат ҳукмрон бўлган; иккинчи даврда эзгулик руҳлари билан ёвузлик руҳлари ўртасида адолат учун кураш давом этган; учинчи даврда ақл-идрок, адолат тантана қилган. “Яхшиликдан таълим бериб, унга садоқатли бўлиб, — дейилади “Авесто”да, — яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни жорий қилсинлар ва амалга оширсинлар”[2]. Демак, “Авесто”да, худди Конфуций ва Афлотун таълимотидаги каби, адолатли ва инсонпарвар жамият, тузум энг қадимги даврда бўлган. Файласуфлар истилоҳи билан айтганда, у “олтин аср”дир.

Лекин Зардушт ўзи яшаган даврда яхшилик билан ёмонлик ўртасида кураш авж олди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, фақат келгуси жамиятда адолат, ҳақиқат, эзгулик қарор топади. Ушбу некбинлик (оптимизм) Конфуций ва Афлотун қарашларидаги историцизмдан фарқ қилади.

“Авесто”да жамият, давлат, оила ва уруғни бошқариш, яккахудолик нуқтаи назаридан ижтимоий борлиқ билан инсон ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш, кишиларни эзгуликни қўллаб-қувватлаб яшашга даъват этиш ҳақида кўп қимматли фикрлар билдирилади. Улар ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан яхши очиб берилган. Шуниси эътиборлики, “Авесто” битикларида иррационалдан кўра рационал фикрлар устун туради, бу эса Зардуштни кўпроқ инсон билан ижтимоий борлиқ

---

[1] *В.К. Кабулов, А.Ф. Файзуллаев, Ш.А. Назиров.* — Ал-Хорезми алгоритм и алгоритмизация. Т., Фан. 2006 г. 109-бет.

[2] *Ҳ. Бобоев, Т. Дўстжонов, С. Ҳасанов* “Авесто” Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. Т., 2004. 13-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасидаги муносабатлар қизиқтирганидан далолат беради. Ушбу муносабатларнинг мағзи Зардуштнинг қуйидаги ҳикматида ўз аксини топган: "Инсон ҳақиқат ва адолатга интилсин, одамзод бахтли-саодатли яшашга ҳақли, инсонни ҳаётдан, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ".

"Авесто"да баён қилинган ҳақиқат қарор топган, адолатли, бахт-саодатли ва инсонпарвар жамият қуриш ғояси Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашларида марказий ўринда туради.

Фалсафий-ҳуқуқий қарашларда инсон — жамият — давлат тизимидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий муносабатларнинг муайян бир тартиби ҳақида фикр юритилади. Ушбу фикрлар негизида инсон — жамият — давлат ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларини идрок этиш, уларни рационаллаштириш мақсади ётади. Чунки, ҳуқуқ меъёрлари мамлакатнинг барча фуқаролари учун ягона бўлган қонун-қоидаларга асосан ижтимоий муносабатлар тизимини қарор топтириб, мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш, мол айирбошлаш тартибини ўрнатган ва қўллаб-қувватлаган, давлат ҳокимиятининг бир бутунлигини таъминлаган. Бунингсиз бирор жамият ҳаётининг равон, осойишта ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, фалсафий-ҳуқуқий таълимотлар соф ҳуқуқий ёки соф фалсафий қарашлар эмас, улар негизида инсон — жамият — давлат силсиласи учун ягона бўлган ижтимоий муносабатлар, давлат ҳокимиятининг бир бутунлигини таъминлаш, одамлар ҳаётини адолатли, бахтли-саодатли, равон ва осойишта қилиш ҳақидаги фикрлар, ёндашувлар, илмий-назарий концепциялар ётади.

Фалсафий-ҳуқуқий қарашлар, бир томондан, фалсафанинг, иккинчи томондан, ҳуқуқнинг инсон — жамият — давлат муносабатларига оид ёндашувларини ўзида мужассамлаштиради. Маълумки, инсон — жамият — давлат муносабатлари жуда хилма-хил, ҳатто баъзида зиддиятлидир. Ушбу хилма-хиллик ва зиддиятлар инсон ақл-идрокининг рационал ва иррационал* тафаккурга мойиллиги, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бардавомлиги,[1] Гегель ибораси билан айтганда,

---

* Борлиқнинг яратилишига илоҳий ва моддий тушунчалар орқали қараш. Баъзилар худо яратувчи эканига ишонса, баъзилар эволюцияга ишонади.

[1] *Федорова М.М.* Классическая политическая философия. М., Весь мир, 2001, 7-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“халқлар ва давлатлар ҳеч қачон ва ҳеч нимани ўрганмагани ҳамда таълимотларга мувофиқ яшамагани”[1] билан изоҳланади. Яъни, инсон ҳаёт экан, у ўзини кашф этаверади, давлат ҳам худди шундай. Мухтасар айтганда, инсон — жамият — давлат муносабатларини умумий мақсадлар ва умумий манфаатлар нуқтаи назаридан рационаллаштиришга қаратилган фикрлар, ушбу мақсад ва манфаатларни махсус ижтимоий меъёрлар, тартиб-қоидалар асосида уйғунлаштиришга йўналтирилган ёндашувлар фалсафий-ҳуқуқий қарашлардир.

"Қадимги Шарқда ҳуқуққа ёндошиш хоҳ у легистик, хоҳ у табиий-фалсафий йўналишда бўлсин, уларнинг бошланғич нуқтасини дастлаб, асосан, диний-мифологик дунёқараш ва сўнгра содда дунёвий қарашлар ташкил этган, — деб ёзадилар ўзбек олимлари М.Х. Рустамбоев ва С.О. Абдуҳолиқовлар ўз асарларида.— Қадимги Шарқ мамлакатларида амалиётда расмий ҳуқуқ ва қонун дин, диний ахлоқ билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг воситасида асослаб берилган”[2].

Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижодида сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий қарашлар уйғун келади, кўпинча улар бадиий, ҳатто мифологик воситалар билан тасвирланади. Гоҳо сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий воқеликни бадиий тўқималардан, ривоят ва афсоналарга бой талқинлардан излашга тўғри келади. Ўрта Осиё мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий ва фалсафий қарашларига назар ташлаганда, ўрта асрлардаги сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий таълимотлар бадиий ижодга сингдирилгани яққол кўзга ташланади. Лекин эрамиздан аввалги VII асрга мансуб “Авесто”дан милоднинг VII асригача бўлган улкан бир давр тадқиқотчилар эътиборидан чеккада қолиб келади ва бу даврга оид манбалар асосан тарихий-археологик характерга эга. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ҳуқуқ институтлари, инсон — жамият — давлат муносабатлари асосан зардуштийлик орқали талқин қилинади. Кейинги йилларда чоп этилган йирик монографик тадқиқотларда ҳам ўша даврларда Ўрта Осиёда Аҳамоний шоҳларнинг ҳуқуқий тартиблари амал қилгани қайд этилиб, шу билан бирга, маҳаллий ҳуқуқий меъёрлар бўлгани тан олинади, аммо улар ҳақида манбалар жуда кам эканлиги таъкидланади.

[1] *Гегель Г.В.* Философия истории. Сочинение. Т. VIII. М. Л. Наука, 1935. 7-бет.

[2] *М.Ҳ. Рустамбоев, С.О. Абдуҳолиқов.* Ҳуқуқ методологияси ҳуқуқий фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. 1 китоб. Т., 2005, 74—75-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзан тадқиқотчилар Ўрта Осиёда Аҳмонийлар подшоҳлиги ҳукм сурган даврдаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларни Парфия ва Сосонийлар давридаги қонунлар, ҳуқуққа оид ҳужжатлар орқали ўрганишни маъқул кўрадилар. Шунинг учун соҳанинг билимдони бўлган тарихчи ва файласуф олим А.Периханян зардуштийлар ва зардуштий бўлмаганлар ҳақида фикр юритиб, уларни ҳуқуқий мавқеи нуқтаи назаридан status libertatis (эрк мавқеи), status civitatis (оила мавқеи) ва status familiae (уруғ мавқеи) сифатида тасниф этади. Демак, ўша даврда одамлар мавқеи нуқтаи назаридан нафақат диний эътиқоди (зардуштий ёки зардуштий эмаслиги), балки эрки (озод фуқаро ёки қул), оилавий келиб чиқиши (ота ё она томонидан қон-қариндошлик) ва жамоага мансублигига (қишлоқ уюшмаси ёки шаҳар уюшмаси) қараб ҳам табақалаштирилган. Бу эса инсон — жамият — давлат муносабатлари синфий, оилавий ва фуқаровий белгилар, ҳуқуқий меъёрлар орқали қарор топиб борганини кўрсатади.

Тўғри, А.Периханяннинг фикрларида синфий белгиларни бўрттиришга, қулдор билан қул ўртасидаги муносабатларни антагонизмга айлантиришга интилиш бор. Шўро даврида ҳар бир воқеликдан антагонизм излаш кенг тарқалган ҳол эди. Тарих холисона баҳоланаётган ҳозирги давр одамлар ўртасида нафақат рақобат, кимўзди, антагонизм, балки муросаю мадора, консенсус, ўзаро ёрдам ва дастак ҳам мавжуд бўлганини, "Шарқ деспотизми" Гегель назарда тутган ва қоралаган ваҳимали кўринишда эмас, балки давлат ва жамиятни умумманфаатлар нуқтаи назаридан бошқариш усули бўлганини кўрсатмоқда.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг давлат ва жамият ҳақидаги ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашларини

— мифологик-диний;

— социал-утопик;

— Шарқона демократик

ёндашувларга таснифлаш қилиш мумкин. Бундай ёндашув ҳозирги илмий адабиётларда кенг қўлланилаётган персоналистик ёндашувдан фарқ қилади. Персоналистик ёндашувда у ёки бу мутафаккирнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари ретроспектив таҳлил қилинади ва асосий эътибор мутафаккирнинг ўзига ҳамда ғояларига қаратилади. Бизнинг ёндашувда эътибор мутафаккирларнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларига, улар ўртасидаги диалектик боғлиқлик ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

муштаракликларга қаратилади. Бу давлат ва жамиятни бошқаришдаги ўзига хосликларни, шарқона демократияни чуқурроқ билишга имкон беради.

Мифологик-диний ёндашув давлат ва жамиятнинг келиб чиқишини, бошқарилишини ғайриҳаётий, иррационал тарзда талқин қилади. Бу ёндашувга оид манбалар ёзма ва оғзаки адабиётлар орқали маълумдир. Уларда тўқима билан ҳақиқат, иррационаллик билан ҳаётийлик уйғун келган, воқелик ижодкор томонидан ҳам, тингловчи, ўқувчи томонидан ҳам ҳақиқат сифатида қабул қилинган. Мифологик қарашларнинг диний таълимотларга сингиши натижасида афсонавий қаҳрамонлар моддийлик касб эта боради. Лекин шундай бўлса-да, халқлар ҳеч қачон ўзининг мифологик тасаввурларидан тўла воз кечмаган.

Қадимги турк адабиётида, оғзаки (фольклор) ва ёзма адабиёт яхлит тизим бўлган. Ундаги космологик ва мифологик сюжетларда давлат ва жамият талқини уч қатламли олам модели (Осмон — Ер — Одам) орқали берилади. Туркийларда оламнинг яратилиши ер ва осмон билан боғланади, тангри — ота, ер — она, деган тасаввурлар архаик даврга алоқадор. Бу образларда, бир томондан, илк одамларнинг дунё, коинот, борлиқни англаш даражасини, иккинчи томондан, оила — никоҳ муносабатларининг (кенг маънода инсон — жамият — давлат муносабатларини) табиий объектларга кўчирилишини кузатиш мумкин. Ер ва Осмон космогоник жараённинг асосий бошланғич нуқтаси бўлган. Маълум бўладики, космогоник-диний қарашлар инсон ва жамият ҳаётидан мутлақ ажралмаган, демак, инсон — жамият — давлат муносабатлари қандайдир воситалар ва тасвирлар билан космогоник тасаввурларда қатнашади.

Мифологик-диний образлар қадимги турк афсоналарида ҳам, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит-турк" асарида, илк бадиий адабиётлар — "Ўғизнома", "Муҳаббатнома"да ҳам тилга олинади.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг барчаси тангрини яратувчи сифатида тан олади ва бошқарув ишларида мифологик-диний ёндашувни қўллаб-қувватлайди. Ҳозирги тадқиқотларда бундай ёндашув "тангриизм" деб аталмоқда.[1]

---

[1] *Н. Раҳмонов.* Кўҳна битик тошлар. Т., 1991. 95-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий ёдномаларда (Урхун-Енисей битиклари) тангри фақат яратувчи эмас, "тангри-эл", "тангри-ер", "тангри-давлат" маъноларида ҳам келади ва кишилар ҳаётини: инсон — жамият — давлат муносабатларини тартибга солади ва бошқаради.

Ислом динининг қарор топиши билан Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижодида, фалсафий-ҳуқуқий қарашларида мифологик-диний ёндашув мустаҳкам ўрин эгаллади. Бироқ улар энди исломий характер касб этади. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги давлатчиликка оид қарашларнинг таҳлили унинг космогонияси исломий эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга мутафаккир баён қилган давлатчилик қадимги анъанага мувофиқ дунёвий характерда. Яъни, Юсуф Хос Ҳожибнинг асарида Руҳ (Ўзғурмиш) қайнашса-да, у Ақл (Ўғдилмиш) ва Адолат (Кунтуғди) устидан ҳукмрон эмас. Аммо бу хулоса қадимги турк давлатчилигида (масалан, турк хоқонлари ўзига бўрини тотем деб билганлари. "Ўғузнома"да эса кулранг ёлли бўри тилга олинади) ҳам, Ўрта Осиё мутафаккирларининг ислом ҳукмрон мафкура бўлган даврдаги фалсафий-ҳуқуқий қарашларида ҳам мифологик-диний персонажлар, сюжетлар ва элементлар бўлганини рад қилмайди. Ҳатто "Қутадғу билиг"даги Руҳда (Ўзғурмиш), гарчи унда дунёвийлик хислатлари устун турса-да, моҳиятан спиритуализм унсури борлигини пайқаймиз. Шу тариқа, ақл ва руҳ баҳси Шарқ динлари ва Шарқ спиритуализмида* асосий мавзулардан бири эканини ҳисобга олиб, Юсуф Хос Ҳожиб Руҳ (Ўзғурмиш) билан Ақл (Ўғдулмиш) ўртасидаги мулоқотни бежиз келтирмаган, деган хулосага келиш мумкин.

"Қутадғу билиг"да адолатли шоҳ, доно йўлбошчи ва давлат хизматчиларининг сифатлари, давлатга (шоҳ) ҳизмат қилиш қоидалари, вазир ва лашкарбошининг вазифалари ҳақида турли фикрлар билдирилса-да, соф ҳуқуқий мавзулар муҳокама қилинмайди. Подшоҳнинг маслаҳат билан иш кўриши қайд этилса-да, буни ҳам том маънодаги демократик ҳодиса дейиш қийин.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Низомулмулкнинг "Сиёсатнома", Кайковуснинг "Қобуснома", Зоҳирий Самарқандийнинг

---

* Кўҳна воқеликнинг биринчи асоси деб билувчи идеалистик фалсафий дунёқараш. Унга кўра, руҳ материяга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Синдбоднома” асарларида ҳам мифологик-диний (теократик) ёндашувлар яққол акс этади. Масалан, Низомулмулк “Аллоҳ одамлардан бир кишига қудратини кўрсатиб, давлат ва иқбол беради, — деб ёзади. — Ҳақ таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан қўл остидагилардан ҳар бирини ўзига тенг билади, ҳар бирига мартабасига мос қадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларини халқ орасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё заруратию муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиятни муҳофаза қилади, токи унинг адли соясида халойиқ роҳат ила яшаб кун кўрсин”.

Низомулмулк одамзотнинг бурчи ва ҳуқуқи “Аллоҳ таолонинг фарзи ва суннатларини ижро этиш” деб билади. Унинг фикрича, бу аввало подшоҳ учун вожибдир. Низомулмулк даврида фиқҳда ханафия, моликия, шофиия ва ҳанбалия мактаблари мавжуд эди. Мутафаккир ханафия фиқхини қўллаб-қувватлаган. Низомулмулк ушр (солиқ) йиғиш, садақа тарқатиш, вақф, жазо, ижара, гуноҳ каби юридик ҳолларга оид масалаларни ҳал этишда ханафия фикҳшунослигидан келиб чиққани шундай таъкид учун асос бўла олади. Аммо мутафаккир фуқароларнинг шоҳ амрига, фармонларига сўзсиз итоат қилиши зарурлигини тарғиб этади, саройга қарши чиқишни исломга қарши чиқиш сифатида баҳолайди. У ижтимоий-ахлоқий сифатларни шакллантириш орқали фуқаро билан давлат, синфлар ва табақалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этмоқчи бўлади.

Демак, Низомулмулк, биринчидан, теократия (мифологик-диний ёндашув) тарафдоридир, иккинчидан, у бошқарув “одамлардан бирига” берилишини, натижада турли бошқариш поғоналари мавжуд бўлишини кўрсатади, учинчидан, шоҳ ҳар кимни иқтидорига яраша вазифа билан таъминлаши, раиятни (халқни) ноҳақлик ва зўравонликдан муҳофаза қилиши, адолатни қарор топтириши зарур, деб билади. Мартаба, лавозим ва вазифалар шахслар ўртасидаги муносабатларни, жамиятни идора қилишдаги ижтимоий зарурат сифатида қаралади. Аслида давлатнинг келиб чиқиши ҳам шу ижтимоий зарурат натижасидир.

Шунинг учун ҳам XIV асргача давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашлар, асосан, ахлоққа йўналтирилган мавҳум назария бўлиб қолди. Бу Ўрта Осиё мутафаккирларида яққол кўзга ташланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Социал-утопик қарашлар. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай қарашлар мавжуд борлиққа мувофиқ бўлмаган тартиб-қоидаларни ўзгартиришга қаратилган ёндашувлардир. Аслида эса утопияни ижтимоий тузумда рўёбга чиқариш мумкин эмас. Бошқача айтадиган бўлсак, социал-утопик қарашлар мавжуд ижтимоий борлиқни танқид қилиш ва уни инкор этиш орқали ижтимоий тузумнинг етук моделини яратишга йўналтирилган ёндашувлардир. Яъни, социал утопиянинг мақсади қандай бўлмасин, етук ижтимоий тузум, идеал жамият барпо этишдан иборат.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг социал, утопик қарашларида идеал жамият, етук давлат ва комил подшоҳ уйғунликда қаралади. Социал-утопик ғоялар Форобий, Ибн Сино, Беруний, Аҳмад Дониш каби буюк мутафаккир олимлар, Юсуф Хос Ҳожиб, Фирдавсий, Югнакий, Жомий, Навоий сингари донишманд ижодкорлар асарларида ўз аксини топади. Олимлар асарларидаги социал-утопик қарашлар ўша даврда ҳукм сурган ислом тамойилларига муқобил ғоя сифатида илгари сурилган. Қалам аҳли эса бадиий-оммабоп усулда, кўпинча ҳукмдорга панд-насиҳат, ўгит тарзида етук давлат, идеал жамият ва комил подшоҳ ҳақидаги қарашларини баён этганлар. Масалан, Жомий ўзининг "Хироднома ва Искандар" асарида қашшоқ ҳам, бой ҳам, подшоҳ ҳам йўқ, ҳамма одамлар оға-ини, бир-бирига дўст, фуқароларнинг эркин ҳаёти учун ҳамма шароит муҳайё шаҳарни тасвирлайди.

Етук, идеал жамият ва комил подшоҳ ғоясини социал-утопия сифатида Ўрта Осиёда энг аввал Форобий илгари сурган. Жамият Форобий назарида "Илм ал-Мадина" (шаҳарни бошқариш илми), "Илм ал-Фиқҳ" (ҳуқуқшунослик, қонунчилик илми) ва "Илм ал-Калом" (калом илми) орқали бошқарилади. Бу илмларга таяниб бошқариладиган давлат ва жамиятни мутафаккир "Фозил кишилар шаҳри" деб атайди.

Фозил кишилар шаҳри фуқароларининг мақсади бахт-саодатга эришмоқдир. Бу шаҳар етук вужуд каби фаолият кўрсатади ва подшоҳ унинг юрагидир. Фуқароларнинг бахт-саодатга етишиши подшоҳга, унинг ахлоқий, илмий, амалий хислатларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Форобий подшоҳда ўн икки хислатдан ҳеч бўлмаганда беш-олтитаси бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Шу тариқа мутафаккир фозил шаҳарни бошқарадиган комил инсон идеалини яратади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Форобий давлат қонунлар асосида бошқарилиши лозимлигини айтади. Агар подшоҳ (имом) алмашса, у олдинги подшоҳ (имом) қабул қилган қонунларга таяниши ва ўзи ҳам зарур қонунларни "ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиши" зарур деб ёзади. Хуллас, мутафаккир фозил кишилар шаҳри фуқароларини мукаммал шахслар ва комил инсонлар, бошқарув усулларини етук давлат ва идеал жамиятга муносиб усуллар сифатида тасвирлайдики, уларни мавжуд ижтимоий борлиқда шакллантириш фақат орзу эди, холос.

Социал-утопик қарашларни Гардизийнинг "Зайн ал-Ахбор", Низомулмулкнинг "Сиёсатнома", Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний" асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Энг муҳими шундаки, бу социал-утопик қарашлар ҳаётдан мутлақ узилган эмас. Уларда халқимизнинг эзгу тилаклари, ўз ҳаётини, давлат бошқарувини мукаммаллаштиришга қаратилган ўйлари мужассамдир. Идеал жамият ва етук давлат барпо этиш орзуси етук инсон (подшоҳ, монарх, имом) ва унинг ахлоқий-маънавий сифатлари, эл-юрт, халқ, жамият манфаатларига хизмат қилиш "қувватлари" (Форобий) билан боғлаб қаралади ва бу фазилатларни шакллантириш, уларга тарбия орқали эришиш мумкин.

Социал-утопик ғоялар аждодларимиз учун фақат субъектив истак бўлиб қолмаган, қулай вақт ва имкони келганида улар ушбу орзуни рўёбга чиқаришга интилганлар. Бу ўринда ноҳақликка ва зўравонликка қарши чиққан сарбадорларнинг (XVI аср) халқ демократиясини ўрнатиш борасидаги ҳаракатларини эслаш ўринлидир. Сарбадорлар халқни умумий тенгликка, биродарликка, ижтимоий адолат қарор топган янги жамият қуришга чақирдилар. Улар кучли исломий монархия давлатини ташкил этиб, уни узоқ вақт сақлаб турдилар. Муҳим томони шундаки, ушбу давлатда ҳукмдорлар бошқа давлатлардагидек олий табақа наслидан эмас, балки халқ демократияси асосида гоҳ қассобдан, гоҳ ҳунарманддан қўйилган. Сарбадорлар ўзига маъқул келмаган ҳукмдорни ё қувганлар, ё ўлдирганлар. Ижтимоий қатламларнинг исталган бир вакили махсус рухсатномасиз саройга кириши, давлатни бошқариш ишларини муҳокама қилишда қатнашиши ва амирни танқид қилиши мумкин эди. Табриз шаҳрида "Байт-ул-қонун" ("Қонунчилик уйи") бўлгани эса Шарқона демократия ҳокимиятнинг худди ҳозирги даврдагидек тақсимланишини ҳам ўз ичига олганидан далолат беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, Ўрта Осиё мутафаккирларининг социал-утопик қарашлари мутлақ ғайриҳаётий, хомхаёл маҳсули эмас. Юқоридагилардан келиб чиқадики, зарур ижтимоий, сиёсий ва маънавий шароитда, муҳитда, айниқса комил инсон орқали, идеал жамият, етук давлат барпо этиш мумкин. Баркамол инсонни тарбиялаш, у орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш қанчалик ҳаётий бўлса, комил инсон орқали идеал жамият, етук давлат қуриш ҳам шунчалик ҳаётийдир. Ҳақиқий демократиянинг шиори шуки, "ҳукумат фалон ишни қилсин", деб эмас, "бизнинг фалон ишни қилишимизга имкон беринг", деб яшаш керак.

1.3. Шарқона демократиянинг ўзига хос хусусият ва белгилари

Ижтимоий-фалсафий ва юридик адабиётларда демократия халқ ҳокимияти, давлат шакли, фуқароларга ва уларнинг бирлашмаларига, бошқарувга оид қарорлар мазмуни, бу қарорларнинг жамият манфаатларини рўёбга чиқаришга таъсир қилиш имкониятлари сифатида қаралади. Уларда халқ ҳокимиятчилиги, парламентаризм, ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий, ғоявий плюрализм, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлат институтлари, инсонларнинг кенг фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари мужассам бўлади. Худди шунингдек, демократияда марказий ва маҳаллий вакиллик муассасалари, сайлов ва қонунни назорат қилиш ташкилотлари, турли партиялар ва жамоат уюшмалари мавжуддир. Ғарб қадриятларидан келиб чиққан ушбу таърифларда эътибор объектга, яъни ижтимоий-сиёсий институтларга қаратилади. Уларда демократияни ҳаракатга келтирувчи куч ва унинг пировард мақсади бўлган инсон, инсон манфаатлари, инсоннинг ички маънавий олами диққат марказида турмайди. Натижада Ғарб демократияси ташқи оламни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, институтларни ўзгартиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган ёндашувга айланади. Шарқона демократия эса дунёни, ижтимоий ҳаётни ўзгартиришни, такомиллаштиришни инсондан, унинг ички, маънавий ҳаётини мукаммаллаштиришдан бошлайди. Унинг мақсади инсонни, унинг маънавиятини мукаммаллаштириш орқали етук давлат, идеал жамият қуришдир. Албатта, биз Шарқ демократиясини Ғарб демократиясига қарши қўйиб, уларни мунофий оқимларга, наза-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рияларга айлантириш ниятидан йироқмиз. Инсоният, барча халқлар, миллатлар ва давлатлар муштарак қадриятлар, ахлоқий меъёрлар атрофида бирлашишга, умумийликка интилаётган ҳозирги даврда Шарқ ва Ғарбни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ножоиз. Лекин шу билан бирга, шарқона демократиянинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ҳам мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Шарқона демократия:

1) субординация ва иерархик муносабатларда кам тажрибали ва кам билимли кишининг тажрибалироқ, билимлироқ кишига итоат этишида;

2) давлат ва жамиятни бошқаришда аввало ахлоқий, маънавий меъёрларга риоя этилишида;

3) аждодлар тажрибасига асосланган одатий ҳуқуқларнинг сақланиб туришида;

4) фиқҳда тарихий анъаналар (Қуръони Карим, ҳадислар) ва аналогларга таяниб ҳуқуқий муаммолар эркин ҳал этилганида;

5) подшоҳ (монарх, шоҳ) саройида давлат ва жамият ишларини бошқаришга оид муаммоларни ҳал этишда иштирок этадиган кенгаш (аъёнлар кенгаши, вазирлар кенгаши, олиму фузалолар кенгаши) мавжуд бўлганида;

6) подшоҳнинг (монарх, шоҳ) нафақат ўз ҳаёти, худди шунингдек, фуқароларнинг турмуши, маънавияти, ишончу эътиқоди учун Аллоҳ олдида жавобгарликни теран ҳис этишида;

7) ижтимоий-сиёсий ҳаётни тадрижий ривожлантиришга мойилликда;

8) инсон ва жамият ҳаёти сиёсий мафкуралар тазйиқидан холи тарзда кечиши таъминланганида;

9) инсоннинг маънавий ҳаётини, маънавий дунёсини бойитиш, такомиллаштириш бошқарув ишларидаги асосий вазифа сифатида қаралишида;

10) инсон — жамият — давлат силсиласи уйғунликда қаралганида;

11) жамоа ҳаёти ва унинг манфаатларининг устуворлигида намоён бўлади.

Маълумки, давлат ва жамият бир-бирига диалектик боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади, аммо турли функционал хусусиятларга, мавқеларга эга субординация ва иерархик поғоналар орқали бошқарилади. Субординация ва иерархия

www.ziyouz.com kutubxonasi

динамик тизимларга хос бўлган беқарорликни, рисолага тушмайдиган синергетик ҳодисаларни жамият тараққиёти манфаатларига мувофиқ ташкил этишга қаратилган унсурлардир. Жамият каби динамик тизимлар мавжуд экан субординация ва иерархик муносабатлар ҳам сақланиб қолаверади. Бу нафақат ҳозирги, балки ўтмишдаги жамиятларга ҳам хосдир.

Маҳмуд Кошғарийнинг "Қутадғу билиг" асарида давлат ва жамиятни бошқаришда субординация ва иерархия Ақл (Ўғдулмиш) тимсолида намоён бўлади. Мутафаккир Ақлни (Ўғдулмиш) асар марказига қўяр экан, айнан у орқали ўзига хос, айтиш мумкинки, шарқона давлатчилик концепциясини баён қилади. Ушбу концепцияда шоҳ амалдорлар, маслаҳатчилар, элчилар, котиблар, хизматкорлар ва фуқаролардан фарқ қилувчи сифатларга эга шахс сифатида тасвирланади. У кучли бир идрок соҳиби, юксак фаросат эгаси, кўнгли эзгулик нурига тўла, иш юритиш устасидир. Бундан ташқари, у барча ишларда тажрибали, ғайирликка сезгир, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифатпарвар, ёшларга таянувчан, адолатпеша, садоқат сифатининг соҳиби каби 12 фазилатни ўзида мужассам этади[1]. "Умуман шоҳлик ишини шоҳлик сифатига эга бўлган кишиларгина бажара оладилар",[2] дейди Юсуф Хос Ҳожиб. Шоҳ ўзининг "шоҳлик сифатлари" орқали "ҳушёрлик ва кучли сиёсатдонлик боғичи" ҳисобланади. Демак, шоҳ ўзининг ҳам инсоний, ҳам амалий фазилатлари билан хизматкорлари ва фуқароларидан юқори туради. Айнан мана шу фазилатлари вазирлар, лашкарбошилар, котиблар, хизматкорлар ва фуқароларни унга ҳурмат, иззат, садоқат кўрсатишга, субординация ва иерархик муносабатларга мувофиқ бўйсунишга ундайди. Шоҳни ўзи қатори ёки ўзига тенг билган аъёнлар, хизматкорлар унга чин дилдан ҳурмат, иззат кўрсатмайди, ўзидан паст кўрганлари эса уни тахтдан маҳрум қилишга, кўп ҳолларда ўлдиришга уринганлар. Бунга тарихда мисоллар кўп.

Ўрта Осиё мутафаккирлари подшоҳни комил инсон сифатида тасвирлаганларида, биринчидан, ҳукмдор ўз фазилатлари билан қолган барча амалдорлар ва фуқаролардан юқори туриши лозим, у энг олийжаноб ва эзгу ниятларга эга

---

[1] *А. Ёқубов.* "Қутадғу билиг"да давлатчилик концепцияси. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997. 32—33-бетлар.

2 *Юсуф Хос Ҳожиб.* Қутадғу билиг. Т., "Фан". 1971. 329-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлгани, энг хайрли мақсадларни кўзлагани туфайли элга, халққа мураббийлик, оталик қила олади, деб билганлар. Иккинчидан, подшоҳ давлат ва жамият ишларини мукаммал билгани, фуқароларнинг фаровон яшашга, адолатли ҳаёт қуришга интилишларидан тўла хабардор бўлгани учун бошқарувни субординация ва иерархия талабларига мувофиқ ташкил қила олади. Учинчидан, подшоҳнинг вазифаси амалдорларни иқтидори ва қобилиятига қараб лавозимларга тайинлашдир. Одамлар ўзидан иқтидорлироқ, тажрибалироқ, билимлироқ кишиларга бўйсуниши даркор. Акс ҳолда, давлат ва жамият ишларини оқилона ташкил этиш ва бажариш мумкин эмас.

Шарқона демократияда давлат ва жамият ишларини ижро қилишда, аввало, адолат ва ахлоқий-маънавий меъёрларга эътибор берилган. Иймон-эътиқод, эзгу амал, хушмуомалалик, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаққига хиёнат қилмаслик, муросаю мадора билан жамоа бўлиб яшаш, ўзаро ҳурмат-иззатда бўлиш, амалдорлар фаолиятини қадрлаш, фармонларга бўйсуниш ва ишонч билан қараш, одамларнинг арз-додига қулоқ тутиш, ноҳақлик рўй берганида заиф, ёрдамга муҳтож томоннинг тарафини тутиш, покликни, меҳр-мурувватни ва беғаразликни улуғлаш каби фазилатлар ана шу меъёрларни белгилаб берган.

Тадқиқотчилар Шарқ ва Fарб сиёсий қарашларини таққослаб, ғарб тафаккури инсоннинг оламдан устунлигини таъминлаш ва тасдиқлашга қаратилган социоантропоцентризмга мойил — у дунёни менсимайди, Шарқ донишмандлиги эса космоцентрик бўлиб, унда инсоннинг барча ўй-фикр ва хатти-ҳаракатлари коинот қонуниятларига мувофиқ келиши зарур, деган хулосага келадилар. Бу бежиз эмас. Конфуцийлик, даоцизм, буддавийлик, ислом, ҳатто насронийлик ҳам дунёни зўрлик билан ўзгартириш тарафдорлари эмас. Уларда инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатларини мукаммаллаштириш орқали фаровон ҳаёт қуриш ғояси илгари сурилади. Адолат ердаги одамларнинг коинот қонуниятлари ва тартиб-қоидаларига мувофиқ яшаши, номукаммалнинг мукаммалдан ибрат олиши, унга ихлос қўйиши ва эътиқод қилиши билан боғликдир.

Маълумки, Шарқнинг барча сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий таълимотларида маънавий-ахлоқий етук инсон — подшоҳ марказий ўринда туради. Ҳатто қуръонда ҳам Искандар Зулқарнайн юксак маънавий сифатларга эга ҳукмдор сифатида

www.ziyouz.com kutubxonasi

баён этилади. Бундай ёндашувни Абдураҳмон Жомий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий асарларида ҳам кузатамиз. Низомулмулк эса подшоҳларни адолатли ва адолатсизларга ажратади. Адолат подшоҳга Раб томонидан берилган, унинг маънавий-ахлоқий бурчи илоҳ берган ушбу фазилатни асрашдир. Бу борада у Фаридун, Искандар, Ардашер, Нўширавон, халифа Умар, Ҳорун ар-Рашид, Мўътасим, Исмоил бин Аҳмад Сомоний, Султон Маҳмуд Ғазнавийни ибрат қилиб келтиради. "Агар подшоҳ барчадан устун бўлишни хоҳласа, — деб ёзади Низомулмулк, - ўз ахлоқини гўзал фазилат ва хислатлар билан безатиши ва ёмон хислатлардан покланмоғи зарур. Ёмон хислатлар — "ҳуқд (нафрат), ҳасад, ғазаб, шаҳват, ҳирс, амл (айб), лажжожлик (эзмалик), ёлғон, бухл (бахиллик), бадфеъллик, зулм, ўзибўлармонлик, шошма-шошарлик, носиполик, енгилтаклик", гўзал фазилатлар эса "ҳаё, яхши хулқ, ҳалимлик, кечириш, тавозе, саховат, сабр, сидқ, шукр, раҳмат, илм, ақл, адл"дир[1]. Албатта, бу фазилатлар фақат подшоҳлар ва амалдорларга хос бўлиши зарур экан, деб ўйламаслик керак. Шарқ мутафаккирлари, подшоҳдаги эзгу хислатлар унинг фуқароларида ҳам шундай фазилатларни шакллантиради, деб билганлар. Улар подшоҳга, ундаги маънавий-ахлоқий фазилатларга юқори талаб қўяр эканлар, подшоҳ орқали жамиятда эзгуликни, маънавий баркамолликни шакллантиришни кўзлайдилар. Шунинг учун улар адолат, эзгу амаллар ва маънавий-ахлоқий фазилатларни барча — подшоҳ ҳам, фуқаролар ҳам ўзида шакллантириши, уларга интилиб ва амал қилиб яшаши зарур, деган фикрни илгари суриб, бу мақсадларни ижтимоий-ахлоқий меъёр даражасига кўтарадилар. Ушбу меъёрлар Шарқ халқларининг тарихий-маданий парадигмаси, менталитети, турмуш тарзи ва эътиқодига айланганки, бугун уларсиз демократик тараққиётни тасаввур қилиш қийин.

Шарқ халқларидаги ўзига хослик аждодлар тажрибасига, тарихий-маданий анъаналарга, одатий ҳуқуқларга содиқликда кўзга ташланади. Агар ғарбда қадриятларни менсимаслик, уларга нисбатан, таъбир жоиз бўлса, "хоинлик қилиш" оддий ҳол бўлса, Шарқда Осмон билан Ер ўртасидаги гармонияни, подшоҳ билан фуқаро, руҳ билан вужуд ўртасидаги уйғун-

[1] *Низомулмулк.* Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук. Т., "Адолат". 1997. 17-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликни таъминлаш барча изланишларнинг моҳияти бўлиб қолаверади.

Маълумки, илк тараққиёт босқичида анъана ва одатлар барча халқларда ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлган. Ҳатто кейинги, масалан, қулдорлик ва феодаллик муносабатлари ҳукмрон бўлган даврда ҳам одатлар расмий ҳуқуқ мақомида бўлган. Ибтидоий даврларда юзага келган одатлар анъана даражасига кўтарилиб, жамиятдаги синфий муносабатлар таъсирида ҳуқуқий меъёрларга айланган. Ўлкамиз халқлари ҳам одатий ҳуқуқларга амал қилиб келганлар. Шариатнинг, кейинчалик Чор ҳукуматининг қонунчилиги таъсири, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар туфайли одатий ҳуқуқнинг шакли ўзгара борган. Ҳозирги пайтда одатий ҳуқуқлар ахлоқий-тарбиявий усуллар сифатидагина учрайди ва юридик муносабатларга таъсир ўтказмайди. Аммо одатий ҳуқуқ илдизлари оилавий ва шахслараро муносабатларда сақланиб қолган. Масалан, келин ўғирлаш, қалин тўлаш, кўп хотинлиликка интилиш, эркакнинг ажралиш ташаббускори бўлиши, оила, уруғ шаъни ва қадрини биргалашиб ҳимоя қилиш, катталардан иборат ҳакамлар ҳайъатига (оқсоқоллар) мурожаат қилиш каби одатлар Ўрта Осиё халқларининг этник-маданий ҳаётида ҳамон учраб туради. Ҳатто минтақамиздаги давлатлар ҳозир замонавий тараққиёт йўлига ўтган ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган миллий ҳуқуқий тизимларни яратаётган бўлса-да, маданий-маиший ҳаётда одатий ҳуқуқнинг қолдиқлари, излари батамом йўқолган деб бўлмайди. Аслида одатий ҳуқуқ қолдиқларининг демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аммо одат ва анъаналар, уларнинг одамлар тасаввуридан батамом ўчмагани, турмуш тарзидан чиқмагани, бир томондан, этник-маданий ўзига хосликларни, маданий плюрализмни, ранг-баранглиқни асровчи омил ҳисобланса, иккинчи томондан, тарихий-маданий анъаналарни инкор этиб, мудом янги-янги меъёрлар кетидан қувишга ундовчи ғарб демократиясининг хуружидан асрайди. Ҳар қандай хуруж (ҳарбий, сиёсий, маданий) зўравонликдир, зўравонлик эса муқим ҳаётга, анъаналарга тазйиқ ўтказади, мавжуд тартиб-қоидаларни куч билан ўзгартиришга, энг хавфли томони, улардан тез воз кечишга мажбур этади.

Шарқда давлат ва жамиятни бошқариш тамойиллари сакраллаштирилган (илоҳийлаштирилган). Бир қарашда диний догмани тан олиш демократия тамойилларига зид кўринади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо худони тан олиш ижтимоий-сиёсий ва этник-маданий ҳаётдаги ранг-барангликни, у ёки бу оқимга хайрихоҳ бўлишни тақиқламаган. Масалан, ислом динида турли мазҳаб ва оқимларнинг мавжудлиги унда ўзига хос ҳурфикрлик, демократия мавжудлигини кўрсатади. Исломда мусовот (тенг ҳуқуқлилик) назарияси, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳуррият назарияси, эътиқод эркинлиги, сўз эркинлиги, шўро (кенгаш) назарияси, талоқ (ажралиш) назарияси, ичкиликни тақиқлаш, муомалот, тижорат-савдога оид меъёрлар, ёндашувлар қарор топган. Бундан ташқари, шариатнинг икки манбаи — Қуръон ва Сунна илоҳий моҳиятга эга бўлса, ижмо ва қиёс рационалдир. Шу сабабли ислом қонунчилигининг асосий усул ва қоидалари Аллоҳ томонидан жорий этилган бўлса ҳам, унинг барча қирралари яратувчи томонидан белгилаб берилган эмас. Уламолар ҳар бир алоҳида олинган вазиятда Қуръон ва ҳадисдан келиб чиқиб, муайян қарор қабул қилганлар, фатволар берганлар.

Ижмода ислом жамоасининг келишуви (ижмоул-умма) ва олимлар жамоасининг келишувига (ижмоул-аимма) таянилади. Қиёс эса ҳуқуқий воқелик сифатида ҳукми аниқ бўлмаган масалани ҳукми аниқ бўлган масала билан солиштириб, орасида муштарак сабаб мавжуд бўлган суратда иккинчи масала ҳукмини ҳукми аниқ бўлмаган масалага кўчиришдан иборатдир. Кўриниб турибдики, шариат асло догматик меъёрлардан иборат эмас, унда фиқҳшуносликда тўпланган тажриба ва фақиҳларнинг билимлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Мовароуннаҳр фиқҳ таълимоти намояндалари ўлка халқларининг ҳуқуқий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларини умумисломий нуқтаи назардан таҳлил қилганлар. Шу тариқа Мовароуннаҳр халқларининг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданияти ва шариат аҳкомларида ўз аксини топган. Бу эса ўз навбатида муайян бир тарихий шароитда ўзига хос, яъни шарқона демократия тамойилларига мос муҳитга сингиб кетган.

Шарқда монархия, автократия бўлган, айрим ҳукмдорлар тиранияга ҳам мойил эди. Бироқ уларни ғарб талқинидаги мутлақ тиранияга менгзаб бўлмайди. Шарқ давлатчилиги тарихини объектив ўрганиш шуни кўрсатадики, Шарқ давлатларида ўзига хос демократик бошқарув усуллари, конфедератив уюшмалар мавжуд бўлган. Масалан, Канғи ва Юичжи, кўп майда мулклардан иборат Бақтрия конфедератив

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатлар эди. Мустақил майда мулкларда ва вилоятларда ўзининг давлат бошлиғи, ҳукмдори бўлган. Фикримизнинг тасдиғи учун Юсуф Хос Ҳожибнинг бош қаҳрамонига мурожаат этамиз. Подшоҳ Кунтуғди дейди: "Ёлғиз ўзум эл ишини қила олмайман. Менга иш кўзини биладиган бир доно керак. Энди менга сара бир киши лозим. Заковатли, билимли, кишилар боши бўлсин". Ушбу эътирофни маълум маънода монархиядан чекиниш, демократияга ва демократликка интилиш сифатида баҳолаш мумкин. Юсуф Хос Ҳожиб маслаҳатчиликка (кенгаш орқали бошқарув) даъвогар кишининг заковатли, илмли ва кишилар боши каби сифатлари бўлиши зарурлигини ҳам айтади. Шарқона тафаккурга хос бўлган бу уч мезон "Қутадғу билиг"да бот-бот такрорланади. Бунинг моҳияти шундаки, бошқарув илмида Шарқ кўпроқ ақлий салоҳиятга таянади. Шу сабабли Шарқ ижтимоий ҳаётида "инқилобий сакрашлар" кузатилмайди. Шу боис Шарқда ижтимоий ҳаёт тадрижий ривожланган. Аъёнлар, вазирлар, олиму фузалолар билан маслаҳатлашиб, кенгашиб туриш Амир Темур, Мирзо Бобур, Ҳусайн Бойқаро каби давлат арбобларига, подшоҳларга ҳам хос хислат эдики, ушбу кенгашларни ўзига хос демократик бошқарув усули сифатида қараш мумкин.

Шарқ давлатчилигида подшоҳ амалдорлар ва фуқароларнинг ҳаёти, иймон-эътиқоди ва амаллари учун худо олдида жавобгардир. Ғарбда ҳукмдор ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун ҳар қандай зўравонликка қўл уриши, қотиллик қилиши мумкин. Наполеонга уруш миллионлаб инсонлар ҳаётига хавф солмоқда деганларида, у ўйламай-нетмай, "мен миллионлар ҳаётига тупурдим" деган.

Худодан қўрқиш ва худо олдида ўзини масъул сезиш кишини ёмонлик, зўравонлик, нафс ва фаҳш каби иллатларга берилишдан сақлаб туради. "Аллоҳ таоло олдида, — деб ёзади Низомулмулк, — подшоҳларнинг гуноҳидан кўра каттароқ гуноҳ йўқ. Уларнинг ҳақ ишлари Аллоҳ таоло неъматларини қадрлаб, раиятни ҳимоя этиб, ситам еткизув қўлларни адл билан қисқартиришдан иборатдир". Кимки худодан қўрқмаса, давлатдан, подшоҳдан ҳам қўрқмайди, кимки худодан қўрқса, унга муносиб инъом бор. Бу теократик ёндашув аслида борлиқдаги тартиб-қоидаларни, гармонияни, боғлиқликни, яхлитликни сақлашга қаратилгандир. Шарқона демократия бу яхлитликни, умумийликни рад этмайди, аксинча, ушбу гармония қонунларига мувофиқ ранг-баранглик бўлишини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёқлайди. Ғарбда демократия, айниқса либерал демократия, индивид манфаатларини умуммanфаатларга қарши қўяди, шахс эркини, кишилар ўртасидаги рақобатни, ким ўздини улуғлайди.

Таназзулга етакловчи кучларнинг авж олмаслиги, уларнинг мавжуд ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни барбод қилмаслиги учун шахс худодан, давлатдан, қонунлардан қўрқиши лозим. Мутлақ эрк, мутлақ озодлик ҳеч қачон кишининг жамият билан муросада яшашига асос бўлмаган, аксинча, зиддиятларни авж олдирган. Шунинг учун шахс жамият, давлат ва қонунлар билан алоқаларга киришганида нафақат ўз ҳуқуқларини, шу билан бирга, ўз имкониятларини, нимага қодиру нималарга кучи, ақли, иродаси етмаслигини ҳам билиши даркор. Қонунларга итоат этмаган эркни ҳаёт бир кунмас бир кун ўз қўйнидан юлиб ташлайди.

Шарқона демократиянинг энг муҳим белгиси жамиятнинг, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тадрижий ривожини қўллаб-қувватлаганидир. Тўғри, Шарқда ҳам урушлар, қўзғолонлар ва давлат тўнтаришлари бўлган, тахт, ҳокимият учун кураш тўхтамаган, лекин унда бутун ижтимоий-сиёсий тузумни инқилобий усулда ўзгартиришга интилиш кузатилмайди. Шунинг учун ҳам Шарқда ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ўзгартиришга, ҳокимиятни куч билан эгаллашга кенг оммани даъват этувчи сиёсий-мафкуравий оқимлар, таълимотлар, партиялар учрамайди. Шарқ ҳаёти бундай назариялар тазйиқидан холи. Фақат XX асрдагина шундай ижтимоий-сиёсий кучлар Шарқда (масалан, Туркияда) ҳам пайдо бўлади. Лекин Туркиядаги Камол Отатурк партияси ҳам инқилобий ўзгаришларга эмас, балки мавжуд тарихий-маданий тажрибага таянган ҳолда, жамиятни модернизациялаштиришга, аниқроқ айтсак, европалаштиришга интилди.

Таъкидланганидек, шарқона бошқарув идоралар, институтлар фаолиятини эмас, инсоннинг маънавий дунёсини мукаммаллаштиришни назарда тутади. Ғарбда бошқарув институтлар тизимларини, субординация ва иерархия алоқаларини, иш юритиш технологияларини такомиллаштириш мақсадида уларни тинмай ўзгартириб боришга йўналтирилган. Бу институционал ёндашувни инсон омили билан алмаштиришга интилгани учун ҳам Дейл Карнеги Ғарбда шуҳрат қозонди. Бироқ Дейл Карнеги услуби, унга қизиқиш ҳали сўнмаган бўлса-да, ғарб менталитетига айланмайди, чунки унда ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

инсоннинг маънавий оламини бойитиш эмас, балки ғарбга хос прагматизмни тарғиб қилиш мақсади устундир. Прагматизмнинг йўқлиги сабабли айрим Ғарб олимлари, Шарқда янги кашфиётлар учун зарурий ақлий энергия йўқ, у назарий масалаларни ҳал этишда мустақил мушоҳада юритишга мойил эмас, деб танқид қилади. Улар Шарқдаги илмий изланишлар дунёни ўзгартиришга эмас, балки инсонинг маънавий дунёсини тадқиқ этиш орқали унда ташқи олам билан гармонияда яшаш фазилатларини шакллантиришга қаратилганини пайқамайдилар. Ваҳоланки, айни мана шу концепция инсон — жамият — давлат силсиласига уйғун воқелик сифатида қарашга олиб келади.

Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий меросида жамият билан давлат, шахс билан жамият ёки фуқаро билан подшоҳ мунофий, антагонистик кучлар сифатида қаралмаган. Бу тизимда уйғунликнинг бош субъекти подшоҳ ҳисобланган бўлса-да, функционал хусусиятларига кўра у иерархик муносабатларда адолат тамойилларини қарор топтириши шарт эди. Адолатнинг поймол этилиши бошқарув ишларини барбод қилади, фуқароларда норозилик уйғотади. Масалан, Конфуций дейди: "Адолатпеша одамлар лавозимларга қўйилса, халқ ҳам подшоҳга итоат этади. Мабодо бадният кишилар лавозимларга қўйилиб, адолатпарвар кишилар сиқиб чиқарилса, халқ ҳам итоат этмайди"[1].

Адолатни қарор топтириш шарқона демократияга кўра жамоа ҳаёти ва манфаатларининг устуворлигини таъминлайди. Ҳа, Шарқ тафаккури ва ҳаёт тарзида коммунитар (жамоавийлик) ғоялар, тасаввурлар устун туради, шахснинг ўзини намоён этиши, ҳаётий мақсадларга эришиши, давлат ва жамият билан алоқалари унинг жамиятдаги ўрни билан белгиланади. Ғарбда индивид жамоага, давлат ва жамиятга қарши чиқиши, уларни инкор этувчи ғояларни илгари суриши мумкин, лекин Шарқда бундай ҳаракатлар такаббурлик, жамоавий анъаналарни ва манфаатларни менсимаслик деб қабул қилинади. Шарқда "ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун" тамойили амал қилади, Ғарбда эса индивиднинг ўз манфаатлари учун курашиши, ўзи учун яшаши оддий ҳол ҳисобланади. Аммо Ғарб энди бундай тамойиллар билан яшаш

---

[1] *В. Алимасов.* Адолат фалсафаси // "Ҳаёт ва қонун" журнали, 4-сон. Т., 2005. 60-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мумкин эмаслигини пайқамоқда. Коммунитарчиларнинг фикрича, агар илгари индивидга жамият томонидан ўтказиладиган тазйиқ асосий муаммо бўлган эса, энди жамиятнинг ўзи ҳаддан ташқари автоном индивидуалликдан ҳимояланишга муҳтождир. Демак, социумнинг тадрижий ривожланиши индивиднинг жамият ҳаёти ва манфаатлари билан уйғун яшашида намоён бўлади. Демократия, халқ ҳокимиятининг шакли сифатида, алоҳида шахс ва ёхуд озчиликнинг кўпчилик ва ё жамият манфаатларини тан олишини, ўзининг ижтимоий фаолиятида умумманфаатлардан келиб чиқишини тақозо этади.

1.4. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат: фалсафий-ҳуқуқий ёндашувлар таҳлили

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тушунчалари замонавий илм-фанда, айниқса, ижтимоий-сиёсий фанларда ёнмаён ишлатилаётган категориялар бўлса-да, тадқиқотчилар уларнинг генезисини ҳар хил талқин қиладилар.

Келинг, аввал тушунча атамасининг ўзига қисқача тўхталайлик. Омонулла Файзуллаев "Фалсафа ва фанлар методологияси" асарида ёзади: "Тушунча моддий нарса эмас, тафаккур ҳосиласидир. Ибн Сино билишда тушунчанинг аҳамияти катта эканлигига эътибор берган. Дарҳақиқат, олам нарсалар ва ҳодисалардан иборат. Уларнинг сон-саноғи йўқ. Лекин, уларнинг номлари, тушунчалари бўлмаса, фан нимани ўрганади. Шуни ҳам айтиб ўтайликки, ҳар бир тушунча бошқа тушунчалар орқали таърифланади. Дунёда бошқа тушунчаларга боғлиқ бўлмаган бирорта ҳам тушунча, яъни муаллақ тушунча йўқ".

Демак, биз кўраётган тушунчалар ҳам бошқа тушунчалар ёрдамида таърифланади, турли талқинлар олади. Бир бошдан бошлайлик.

Ғарбий Европа тадқиқотчиларининг фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини таҳлил қилган К.Ганжиев, фуқаролик жамияти Ғарб цивилизациясига хослиги, унинг муайян бир тарихий ривожланиш босқичида юзага келган ҳодиса эканлиги, фуқаролик жамиятининг илдизлари эса қадимги Греция, Афинага бориб тақалади, дейди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, у "фуқаролик жамияти" тушунчасининг Арасту асарларидаги талқинини келтиради. "Ҳозирги замон талқинидаги фуқаролик жамияти ҳақида, — деб ёзади К.С. Ганжиев,

www.ziyouz.com kutubxonasi

— фуқаронинг ўзини жамиятнинг индивидуал аъзоси сифатида англаганидан, унинг комил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлгани ҳолда, жамият олдида маънавий жиҳатдан ҳамда ўз хатти-ҳаракатлари учун масъул эканлигини англаганидан бошлаб гапириш мумкин". Хўш, қадимги Грецияда фуқаронинг шундай ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганмиди? Албатта, йўқ. Лекин бу қадимги юнонликларнинг ижтимоий-сиёсий тажрибаси ва фалсафий меросига мурожаат қилишга халақит бермайди.

Фуқаролик жамиятини ҳамюртларимиздан М. Шарифхўжаев, Н. Шодиев, С. Ҳасанов, Т. Дўстжонов ва М. Қирғизбоев ҳам Арастудан бошлаб ўрганадилар. Масалан, М. Шарифхўжаев "Арасту давлат — бу фуқароларнинг, фуқаролик жамиятининг умумуюшмасидан бўлак нарса эмас, деб таъкидланган эди" деб ёзади.[1] Т. Дўстжонов ва С. Ҳасановлар эса "Қадимги дунё мутафаккирлари Суқрот, Демокрит, Афлотун, Полибий, Цицерон ҳуқуқий давлат ҳусусиятлари ва назарий асосларини биринчи бўлиб очиб беришга уринишган. Бинобарин, ҳуқуқий тан олинадиган ва айни пайтда чекланган давлат ҳокимияти, қадимги мутафаккирлар фикрича, адолатли ҳуқуқий давлат ҳисобланади... Хуллас, қадимги Юнон ва Рим мутафаккирларининг ғоялари улардан кейинги тараққийпарвар сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг юзага келиши ва ривож топишига сезиларли таъсир кўрсатди"[2] деб ёзадилар.

Лекин бу тадқиқотчилар фуқаролик жамияти ҳақида бошқачароқ фикр билдирадилар. Улар "Авесто"да фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос, ўта оддий шаклдаги асослари, белгилари ва хусусиятларини кўришимиз мумкин"лигини таъкидлайдилар. "Нманапати" (уй-қўрғон жамоаси), "виспати" (қишлоқ жамоаси), "хамжамана" (туман — бир неча қишлоқнинг жамоаси), "даҳъюпати" (вилоят — бир неча туманнинг жамоаси), "даҳию састар" (вилоятларнинг жамоаси), "кави" (мамлакат — қабилалар иттифоқи) каби бошқарув тартиби тилга олинганини келтирадилар. Бундай бошқарув шакллари барча даврларга ва барча давлатларга хос ҳодисадир, чунки субординация алоқаларисиз бирор сиёсий тузум, ҳокимият бўлиши мумкин эмас.

---

[1] *М. Шарифхўжаев.* Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., "Шарқ". 2003, 9-бет.

[2] *Т. Дўстжонов, С. Ҳасанов.* Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т., 2004. 8-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо биз, умуман жамиятшунослик фанида, негадир дуч келган тузум ва давлатни фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлатнинг негизи, ибтидоси, деб атаймиз. Демак, ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг генезисини аниқлашда унинг энг муҳим белгисини топишдан келиб чиққан маъқул. Агар С. Ҳасанов ва Т.Дўстжонов "Авесто"дан ҳеч бўлмаганда "фуқаролар уюшмаси" ёки "фуқаролик жамияти" атамасини мисол қилиб келтирганларида уларнинг юқоридаги фикрлари эътироз уйғотмасди.

З.Исломовнинг фикрлари бу олимларнинг ёндашувидан кескин фарқ қилади. "Ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг пайдо бўлиши, — деб ёзади у "Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага" асарида, — узоқ тарихга эга. Бу тарих Ғарбий Европада ўрта аср—романлар даврида Рим империяси тормор этилиши билан бошланганди. Антик (грек-рим) полис (шаҳар, давлат) демократияси қолдиқларининг тикланиши мазкур бошланғич тараққиётнинг асоси бўлган". Демак, З.Исломов фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг пайдо бўлиши ўрта асрлардан бошланади.[1]

Ҳ. Одилқориев ва Ш. Ғойибназаровлар россиялик тадқиқотчиларнинг фикрига таянадилар. Улар ҳам "фуқаролик жамияти" тушунчаси илк бор қадимги Греция ва Римда вужудга келган деб ҳисоблайдилар.[2] Бу ўринда муаллифларнинг фуқаролик жамиятини эмас, балки "фуқаролик жамияти" тушунчасини назарда тутаётганларини илғаш қийин эмас. Баъзи сиёсатшуносликка оид адабиётларда, фуқаролик жамияти шаҳар (полис) сифатида қадимги Грецияда мавжуд эди, деган фикр илгари сурилади.[3] Уларнинг назарида антик даврда фуқаролик жамияти нафақат тушунча, балки ижтимоий борлиқ сифатида ҳам мавжуд бўлган.

Фуқаролик жамияти пайдо бўлишини ўрта асрлар Ғарбий Европаси билан боғлаган З.Исламов олдинроқ эълон қилган "Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (давлат назарияси)" асарида қуйидагиларни ёзади: "Фуқаролик жамияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари ҳақидаги қоидалар Шарқ

---

1 *З.М.Исломов.* Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. Т., 2002. 12-бет.

2 *Х. Одилқориев, Ш. Ғойибназаров.* Сиёсий маданият назарий-сиёсий тадқиқот. Т., 2004. 279-бет.

3 Политология. Краткий энциклопедический словарь-справочник. — М., 1997. 116-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мутафаккирлари, сиёсат ва давлат арбоблари таълимотларида ҳам ривожлантирилди ва бойитилди. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ аждодларимизнинг, фуқаролик жамияти ҳақидаги умумбашарий таълимотлар ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларимизнинг нодир асарлари, яратган таълимотларини назарда тутаяпман". Бу ўринда олимда объектив ёндашув масъулиятидан кўра ватанпарварлик, аждодлар меросини улуғлаш туйғуси устун келганини кузатамиз. Тўғри, аждодларимиз одил давлат, адолатпарвар подшоҳ, маърифатпарвар шахслар ҳақида кўп ва турли фикрларни билдирганлар, лекин уларнинг айнан "фуқаролик жамияти ҳақидаги умумбашарий таълимотлар ривожи"га қўшган ғоялари, таълимотлари нимагадир назариётчиларга маълум эмас. Бу ўринда мутафаккирларнинг у ёки бу борада айтган фикрлари билан илмий-назарий асосланган таълимотлар ўртасида жиддий фарқлар борлигини ҳам унутмаслик керак.

Биз олдинги мавзуларда кўрдикки, аждодларимизнинг сиёсий-фалсафий меросида ҳуқуқий давлатга оид адолат, ҳақиқат, эзгулик, тўғрилик, меҳнат ортидан кун кўриш, бошқа халқлар ва давлатлар билан аҳилликда яшаш, ҳукумат ишларига ҳурмат билан қараш, жамиятда қарор топган тартиб-қоидаларга ва ахлоқий меъёрларга итоат этиш ҳақида ҳар бир тузум, ҳар бир давлат учун муҳим фикрлар мавжуд. Уларнинг ижобий моҳиятини инкор қилмаган ҳолда, биз назарда тутаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат негизида бошқача ёндашув, концепция, тамойил ва меъёрлар ётишини соқит қила олмаймиз. Ўзбекистон Республикаси учун сиёсий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий мерос ҳамда замонавий фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ҳақидаги қарашларнинг уйғунлаштирилиши муҳимдир.

Фуқаролик жамияти билан давлат муносабатлари борасидаги илмий-назарий изланишларда ҳам бир-бирини рад этувчи фикрлар учрайди.

Маълумки, жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий ўзгаришлар давлатга, унинг мавқеи, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрнига бориб тақалади. Ҳ. Одилқориев "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммо ва ечимлар" китобида бу борада қуйидаги фикрни баён қилади: "Анъанавий маъно-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги жамият ўз таркибига барча устқурма ҳодисалари билан бирга давлатни ҳам қамраб олади. Фуқаролик жамияти таркибига, унинг институциявий элементлари қаторига давлат кирмайди. Сиёсий давлат билан фуқаролик жамияти ўзаро қарама-қарши, лекин бирга фаолият юритувчи, амал қилувчи диалектик жуфтликдир". Кўриниб турибдики, олим фуқаролик жамияти ва давлатни бошқа-бошқа институтлар, ҳатто бир-бирига қарама-қарши турувчи объектлар сифатида тасаввур қилади. Шунинг учун у "фуқаролик жамияти инсонлар жамоасини, унинг манфаатларини сиёсий ҳокимият олдида, давлат аппарати қаршисида муҳофаза этувчи ўзига хос феномен, тегишли механизм (мажмуа) сифатида майдонга чиқади" деб ёзади. Хуллас, Х. Одилқориев назарида "фуқаролик жамияти — давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ҳамда воситалар тизими"дир.

Бундай ёндашув ҳақли равишда савол уйғотади? Фуқаролик жамиятини давлатдан ажратиш, қарама-қарши қўйиш хусусийни умумийдан ажратиш эмасми? Ахир, хусусий билан умумий ўзаро боғлиқ, моҳиятан бир-бирини тақозо этадиган, бир-биридан айри ҳолда мавжудлиги мумкин бўлмаган бирликлар эмасми? Фуқаролик жамияти қарор топиб боргани сари давлат умумхалқ ҳокимиятига, жамиятга қарши турувчи, ундан алоҳида яшовчи эмас, балки унга хизмат қилувчи, шу тариқа унинг таркибий қисми сифатида яшовчи институтга айланмайдими? Фуқаролик жамиятини "давлатдан мустақил ва холи" ҳолда тасаввур қилиш қийин, чунки ижтимоий ҳаётни бутунлигича, кенг кўламда фақат давлат йўлга қўйиши ва бошқариши мумкин. Бу - аксиома.

Бу ўринда гап фуқаролик жамияти билан давлатни қарама-қарши қўйиш, уларга алоҳида институтлар сифатида қараш устида эмас, балки давлатнинг фуқаролар ҳаётига, уларнинг инсоний ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга аралашувини камайтириш ва чеклашни назарий асослаш устида бориши зарур. Тўғри, бошқа бир ўринда Х.Одилқориев фуқаролик жамияти билан давлатни муросага келтиришга, уларга "диалектик жуфтлик" сифатида қарашга интилади. "Фуқаровий ўз-ўзини бошқарув билан давлат бошқаруви ўзаро қарама-қарши турмайди, аксинча, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради. Тўғри, "фуқаролик жамияти" тушунчаси билан "давлат" тушунчаси ўртасида жиддий фарқ бор. Лекин бу уларни муросасиз ижтимоий ҳодисалар сифатида таърифлашга асос бермайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Давлат билан фуқаролик жамияти ўзаро мувозанатлашган ҳолда фаолият кўрсатади. Улар ўзаро чамбарчас боғлиқдир, лекин айни вақтда бу институтларнинг ҳар бири ўзига тегишли ижтимоий функцияларни бажаради". Бу фикр тўғри. Х.Одилқориев ҳозирги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг умумий йўналишини тўғри ифода этади, тасвирлайди. Лекин олимнинг фуқаролик жамияти нодавлат тузилма, "давлатдан, унинг идораларидан холи бўлган хусусий шахслар, гуруҳлар ва институтлар", "давлат ва ҳокимият тузилмалари доирасига кирмайдиган ижтимоий муносабатлар, алоқалар жамулжами" деган сўзларида фуқаролик жамиятини "давлатдан мустақил ва ундан холи" қилишга интилиш мавжудлиги сезилиб туради.

Бу борада З. Исломов асосли фикр билдиради. "Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифлари ҳуқуқий давлат ҳақида гапирганимизда яққол бўртиб туради. Ҳуқуқий давлат, ўз моҳият-эътиборига кўра, фуқаролик жамиятининг сиёсий ифодасидир. Уларнинг ўзаро муносабатлари — шакл ва мазмун нисбатидан иборат. Ана шу шакл ва мазмуннинг ажралмаслиги жамият яхлитлигининг ёрқин тимсоли бўлади. Шундай экан, ҳеч қачон уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, боз устига, уларнинг қай бири асосийроқ, муҳимроқ, деган саволни бериб бўлмайди", дейди у ўзининг юқорида номи келтирилган асарида[1].

Давлат институтининг муқаррарлиги, унинг етакчи ижтимоий-сиёсий институт бўлиб қолиши ички ва ташқи омилларга боғлиқдир. Ички омилларга фуқароларда ижтимоий-сиёсий онг ва фаолликнинг юқори эмаслиги, ижтимоий ҳаётнинг мураккаб ва кескин дифференциаллашиб бораётгани, демократик қадриятларнинг ҳар хил қатлам ва тоифадаги одамлар томонидан турлича қабул қилиниши, шахсда эгоизм, ҳатто вайронкор таъсирларга берилиш хислатининг мавжудлиги, мулкий табақаланишнинг сақланиб қолаётгани, ташқи омилларга эса давлатлараро муносабатларда "этатистик эгоизм" ҳукмронлик қилаётгани, миллий-маданий қадриятларга мафкура ва бойликларнинг хуруж ва ҳужуми сақланиб қолаётгани, чет давлатлардаги бузғунчи кучларнинг давлат хавфсизлигига тажовуз қилиши тўла бартараф этилмагани кабилар киради. Хуллас, ички ва ташқи деструктив

---

1 *З.М. Исломов.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (давлат назарияси). Т., "Адолат". 2000. 68-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

омиллар мавжуд экан, давлат жамиятни уюштирувчи, унда муқимликни, барқарорликни, ижобий рақобатни йўлга қўювчи, жамиятда плюрализмни қўллаб-қувватловчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришни таъминловчи ва кафолатловчи асосий сиёсий институт бўлиб қолаверади. Биз бугун фуқаролик жамияти қарор топган, бу борада энг етук даражага чиққан мамлакатларда ҳам давлат жамиятдаги асосий институт, куч бўлиб қолаётганига гувоҳмиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўзи танлаган миллий демократик ривожланиш йўлидан бормоқда. Унда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш тажрибаси шаклланмоқда. Шу сабабли биз "фуқаролик жамияти" иборасини кенг қўллаётган бўлсак-да, унинг асл моҳияти ҳали на фалсафий адабиётларда, на ижтимоий-сиёсий ва юридик доираларнинг изланишларида ўзининг мукаммал оммабоп ва илмий талқинини топган. Бугун фуқаролик жамиятининг ҳам институционал, ҳам функционал йўналишларни ифодаловчи илмий моделини яратиш вазифаси турибди.

"Фуқаролик жамияти" атамасининг пайдо бўлиши, сиёсий-фалсафий ва ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, қадимги юнонистонлик файласуфларга бориб тақалади.

Суқрот ва Афлотун асарларида фуқаро, давлат, қонун, жамият, давлат бошқаруви, адолат каби тушунчалар муҳокама қилинса-да, "фуқаролик жамияти" учрамайди. Масалан, Афлотун "етук фуқаро" деганда эзгуликка интилувчи ва қонунларга "бор вужуди билан итоат этишни хоҳловчи", тарбия кўрган, "одиллик билан бўйсунувчи ёки ҳокимлик қилувчи киши"ни назарда тутган. Аммо бу фуқаро, ҳатто етук бўлиб, қонунларга бор вужуди билан итоат этган тақдирда ҳам ўз ҳуқуқларини мавжуд тузум, давлат билан бевосита боғлиқликда идрок этади. Давлат, жамият ва фуқаро Афлотун учун ҳам, Суқрот учун ҳам уйғундир. Бу уйғунликда фуқаро манфаатлари, ҳуқуқлари эмас, балки давлат ва жамият манфаатлари, ҳуқуқлари устун туради. Суқрот ўлим жазосига ҳукм этилганида ўзини ҳимоя қилишга интилмайди, у ҳеч қандай қаршиликсиз, иккиланмай, суд ҳукмини давлат тартиб-қоидаси, талаби, қонуни сифатида қабул қилади ва ўз-ўзини заҳарлайди.

Полис (шаҳар-давлат) фуқароси ўзини ижтимоий тузумнинг, мавжуд давлатнинг "мурвати" деб билган. Полиснинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

умумдавлат эҳтиёж ва манфаатлари фуқароникидан устун турган.

Арасту "инсон — ижтимоий мавжудот" деганида аслида ана шу маънони ифода этган. Шунинг учун ҳам у тузум, давлат фаровонлигини, бахт-саодатини алоҳида олинган шахс, фуқаро фаровонлиги, бахт-саодатидан юқори қўяди. "Ҳатто, — деб ёзади Арасту, — фаровонлик, бахт-саодат бир киши учун ҳам, давлат учун ҳам айнан шу нарса бўлса, бироқ муҳимроғи ва тўлароғи давлатнинг фаровонлиги, бахт-саодатидир. Бир кишининг фаровонлиги, бахт-саодати мафтункор, албатта, аммо халқ ва давлатнинг хушбахтлиги гўзалроқ ва илоҳийроқдир. Демак, ҳақиқий таълимотнинг давлат ҳақидаги фан сифатида мақсади давлатнинг хушбахтлигига эришиш ва сақлашдир". "Ҳар биримизга ва элга нисбатан давлат биринчидир, — деб ёзади файласуф. — Чунки, умумий хусусийдан аввал келиши зарур... Демак, ўз-ўзидан аёнки, давлат табиатан мавжуд, у ҳар бир кишига нисбатан табиатан аввал мавжуддир". Кўриниб турибдики, Арасту давлат оилалар, фуқаролар мажмуаси, мулоқоти деб ҳисобласа-да, фуқароларнинг ҳамжамиятлари давлатга итоат этади, деб билади, чунки, давлат бутун ҳаётга тааллуқли мақсадларга хизмат қилади"[1]. Ҳатто файласуф демократияни давлат бошқарувининг энг ёмон, бузилган кўриниши деб атайди.

Арастуга фуқаролик жамияти таълимотининг асосчиси сифатида қарашга унинг ўрта қатламнинг (синф, табақа) давлат қурилишидаги ўрни ҳақидаги фикрлари асос беради.

Биринчидан, Арасту бойлар ва аслзодалар ҳамда қашшоқ ва йўқсиллар ҳақида мунофий қатламлар сифатида сўз юритиб, давлат учун ўрта қатламнинг мавжудлиги муҳимдир, деган фикрга келади: "Энг муҳим давлат мулоқоти ўрта қатлам орқали амалга оширилганидир, ўрта қатлам кўпчиликни ташкил этган давлат энг маъқулдир, чунки ўрта қатлам уларнинг (бойлар ва аслзодалар ҳамда қашшоқлар ва йўқсиллар) ҳар иккисидан ҳам, алоҳида олинган ҳар биридан ҳам кучлидир". Ўрта қатламга асосланган давлат энг яхши тузумдир, бундай таянч ички низоларга олиб келмайди, зеро ўрта қатлам бор давлатда низоларга олиб келувчи гуруҳлар бўлмайди. "Ўрта қатлам бўлмаганида йўқсиллар ўзининг кўп

---

[1] *М. Шарифхўжаев.* Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., "Шарқ". 2003. 9-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сонлилиги билан устунлик қилади, бу ҳолда давлат оғир аҳволга тушиб тез ҳалокатга учрайди", дейди Арасту. Худди шунингдек, бойлар ва аслзодаларнинг мол-дунёга ўчлиги, очкўзлиги ҳам давлатни тез таназзулга етаклайди.

Иккинчидан, Арасту ҳукмдор, қонун чиқарувчи ўз атрофига ўрта қатламни жалб қилиши, қонун чиқаришда ўрта қатламни назарда тутиши даркор деб билади. Аслзодалар учун қонун чиқариладиган бўлса ҳам, демократлар учун қонун қабул қилинадиган бўлса ҳам бу жараёнга ўрта қатламни жалб этиш лозим. Ўрта қатлами бор тузум, давлат, жамият барқарор бўлади, низолар пайдо бўлишига, бир қатламнинг иккинчи қатлам устидан зўравонлик қилишига имкон қолмайди. Қонунларда ўрта қатлам манфаатларининг ифода этилиши антогонистик зиддиятларга ўрин қолдирмайди. Бу, бир томондан, жамиятни ўрта қатламнинг кенгайишига имкон яратишга ундаса, иккинчи томондан, кўпчиликнинг, улар орқали эса қолган озчиликнинг ҳам қонунларга итоат этиб яшашини таъминлайди.

Учинчидан, Арасту ҳар кишига фаровон ва бахтиёр яшаш имконини берадиган давлатга энг яхши давлатчилик тизими деб қарайди. Кишининг фаровонлиги ва бахтиёрлигини ташқи, жисмоний ва маънавий омилларга ажратиб таҳлил этади. Бу омиллар орасида маънавий бахтиёрликни устун қўяди. Бироқ алалоқибат у, энг яхши ҳаёт ҳар бир фуқаро учун ҳам, умуман давлат учун ҳам бир хил бўлган ҳаётдир, деган фикрга, шахсни давлатнинг мулкига, бўлагига айлантиришни назарда тутган хулосага келади.

Тўртинчидан, Арастунинг фикрига кўра, давлат ўз-ўзича мавжуд бўлган ҳар хил қисмлардан, унсурлардан иборат. У оиладек яхлит эмас, балки ўз-ўзи учун мавжуд қисмлардан иборат бўлгани маъқул. Ҳатто давлат яхлит бирликка айланган тақдирда ҳам одамлар "у — мен" деб айта олмайди. Инсон одатда ўзиники бўлган нарсани қадрлаб, умумий нарсани эъзозламайди. Бундан ташқари, одамзод ортиқча хайрихоҳлик ва кўрсатилган зиёда хизматга ҳам бефарқдир — бу хизматни ҳам қадрламайди, у ўз меҳнати сингган, ўз кучи билан яратган нарсани кўпроқ эъзозлайди. Айнан шу ўринда фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиши, ўз-ўзини бошқариши, ўз меҳнати ва қудрати билан ижтимоий бойликлар, хусусий мулк яратиши муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқаролик жамияти аслида шу тамойил негизига қурилади. "Хусусий мулк нисбатан умумий,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аммо у хусусий бўлиши зарур". Шундагина фуқаролар энг муҳим эҳтиёжлари ҳақида ўйламай озод ва бахтиёр ҳаёт кечирадилар.

Бешинчидан, Арасту биринчи бўлиб "қонун олий ҳокимият", унга барча итоат этиши зарурлигини асослаб берди. У суд, кенгаш ва халқ йиғини алоҳида ҳокимиятга эга муассасалар эканлигини кўрсатди ва ўша давр учун мутлақ янги ғояни илгари сурди.

Ушбу фикрлардан маълум бўладики, антик даврда давлат — жамият — шахс силсиласи ижтимоий бирликни ташкил этган, улар ўртасидаги фарқларга Арасту алоҳида воқелик сифатида қарамаган, балки уларни "бир, бўлинмас" деб атаган. Антик давр мутафаккирлари асарларида шахс ҳуқуқи давлат ва жамиятникидан фарқ қилиши тадқиқ этилмайди.

Ўрта асрларнинг охирларигача сиёсий-фалсафий қарашлар теология таъсирида бўлди, ҳатто дин пешволари бутун ижтимоий ҳаёт устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Фақат ўрта асрларнинг охирларига келиб, сиёсий ва диний ҳокимият синтези бўлган феодал-клерикал давлатдан мустақил, ўз-ўзини бошқарувчи "эркин шаҳарлар" пайдо бўлиб, улар боис ижтимоий-сиёсий таълимотларда жамиятни давлатдан ажратиш ғояси шаклланди. А. Панариннинг "Политология" китобида келтирилганидек, XII—XIII асрларда Европада давлатга киноя ва мазах билан қаровчи бюргерлар, ўз-ўзини бошқариш тамойилига таянадиган мустақил бюргер шаҳарлари, хуллас, коммунитар ҳаракатлар кенг тарқалди. З. Исломовнинг баёни билан давом эттирадиган бўлсак, "Шаҳарнинг ўз-ўзини демократик ташкил этиш жараёни секинлик билан бўлса-да, оғишмай давом этарди. Аристократик коммуналарга дастлаб бадавлат ва аслзода шаҳарликлар ("эски буржуазия") кириб келди, кейинчалик ёш буржуалар — янги савдо-саноатчилар табақаларининг коммуналари пайдо бўлди. Ниҳоят, ҳунармандлар ва бошқа турли касб ва табақа вакилларидан иборат халқ коммуналари юзага келди.

Қарийб минг йиллар чамаси давом этган бу жараён ўзининг барча аломатлари — сайлаб қўйиладиган ҳокимият органлари, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаши ва тақсимлаши, коллективизм ва сиёсий кураш тажрибасига эга шаҳарнинг жамоавий ҳамжамияти билан демократик сиёсий ташкилот мактабига айланганди. Шунинг натижасида маҳаллий (вилоят) парламентлар, кейин эса марказий парламентлар пайдо

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлганди. Дарвоқе, шуни қайд этиш жоизки, ижтимоий инқилобларнинг кўпчилиги шаҳар, боз устига, пойтахт инқилоблари бўлиб, улар демократик ва фуқаролик ўзгаришларни жадаллаштирувчи омил бўларди"[1].

Шу тариқа шаҳарлар, коммуналар Шарқ анъаналаридан фарқли ўлароқ, давлатга, унинг феодал-клерикал шаклига, абсолютизмга қарши фуқароларнинг уюшмаси, яшаш макони, ўз-ўзини эркин бошқариш асосига қурилган жамоа сифатида шаклланди. А. Панарин ёзади: "Шарқда шаҳар давлат ҳокимиятилига муқобил хусусий-фуқаровий макон эмас, балки ушбу ҳокимиятнинг ифодасидир. Fарбда шаҳар эркинлиги, ҳурфикрлиги, маърифатлилиги ақлий салоҳият нуқтаи назаридан "қишлоқи" бўлган ҳокимиятга қарши туради. Шарқда шаҳар, ҳокимият ва маърифат уйғундир, чунки Шарқ ҳукмдорлари Fарб ҳукмдорларидан фарқли равишда, атрофи ўралган қасрларда эмас, шаҳарларда яшайди, ўша шаҳарларда диний-маънавий марказларни шакллантиради. Уларда маърифат динга қарши турмайди, балки у билан уйғунлашиб, диний маърифатга айланади. Шарқ халқлари ўзини этник-жуғрофий белгиларига қараб ажратмайди, балки у ёки бу буюк илоҳий мероснинг ташувчиси сифатида идрок этади".[2] Шу тариқа Шарқ халқлари диний-маънавий ва ахлоқий тамойилларни улуғловчи, Fарб халқлари эса сиёсий қарашларга эргашувчи ва уларни қадрловчи ижтимоий-этник бирликлар сифатида шаклландики, ушбу фарқлар улар барпо этган жамиятларга ҳам таъсир этмай қолмади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш стратегиясидаги ўзига хослик эса Шарқ ва Fарб халқларининг ютуқларига таянишдир.

Янги даврда бошланган ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий изланишлар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳақидаги қарашларни янги ёндашувлар, фикрлар ва тажриба билан бойитди. Уларда кўплаб ғоялар илгари сурилади. Биринчидан, давлат ва жамият моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган, ҳар қайсиси ўз интилишлари ва манфаатларига эга институтлардир. Иккинчидан, жамият билан шахс (индивид) ўртасида фарқ мавжуд — шахс манфаатлари ва қизи-

---

[1] *Папарин А.С.* Политология. О мире политики на Востоке и Западе. М., Университет, 1999. 223-бет.

[2] *З.М. Исломов.* Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. Т., 2002. 12-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлари жамият ёки давлат мақсадларидан фарқ қилади. Учинчидан, давлат ва жамият манфаатлари ҳар доим ҳам мос келавермайди, манфаатлар ўртасидаги тафовут улар ўртасида зиддият ва курашларни келтириб чиқариши мумкин. Тўртинчидан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари расман тан олиниши, уларнинг дахлсизлиги таҳминланиши, рўёбга чиқарилиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилиши керак. Бешинчидан, халқ суверен ҳуқуққа эга, давлат жамиятни бошқариш воситасидир. Олтинчидан, давлатнинг фуқаролар ҳаётига, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришига аралашувини чеклаш керак. Еттинчи — конституция, қонунлар орқали давлатни бошқариш фаолиятини белгилаб қўйиш ва шу тариқа етук ва ҳалол идора тизимини юзага келтириш зарур. Саккизинчи — сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларни белгилаб олиш, сиёсий институтларнинг (давлат ва унинг органлари) ўз ваколати доирасидан чиқишига йўл қўймаслик муҳимдир. Тўққизинчи — нодавлат институтларининг қамровини кенгайтириш, уларнинг сиёсий таъсир ва таъқибдан холи тарзда фаолият кўрсатишини таъминлаш керак. Ўнинчи — аҳолининг, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини, вакиллик институтларини шакллантириш, ҳокимият ваколатларини бўлиш, тақсимлаш лозим.

Ушбу ғоялар илмий адабиётларда батафсил ёритилган, очиб берилган. Уларнинг замонавий фуқаролик жамиятига тааллуқли жиҳатлари ҳақидаги фикрлар эса баҳс-мунозаралар уйғотиб келади. Масалан, Т. Пейн, Т. Ходжинкс, В. фон Гумбольд фуқаролик жамиятини давлатга қарши қўйиш анъанасини юзага келтирдилар ва у ҳанузгача зиддиятли қарашларни, талқинларни келтириб чиқармоқда. XVIII—XIX асрларда Ғарбдаги деспотик давлат шакллари мутафаккирларни шундай қарашларга олиб келган. Бироқ ижтимоий-сиёсий тузум ҳақида гап кетганда, ҳар бир тадқиқотчи мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш билан чекланиб қолмай, жамиятнинг келгуси ҳолатини, ривожланиш йўлларини ҳам олдиндан кўра билиши даркор. Шу нуқтаи назардан юқоридаги ёндашув тарафдорлари жамият билан давлатни қарама-қарши қўйиш қандай оқибатларга олиб келишини аниқ билмасалар-да, тасаввур этишлари шарт эди. "Фуқаролик жамияти — давлатга қарши" шиорининг ўзида вайронкорлик даъвати яширинган.

Ж. Локк, А. Фергюсон, С. Пуфендорф, И. Кант, Г. Гегель давлат ва жамиятнинг манфаат ва интилишларини уйғунлаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиришга, давлатни жамиятга хизмат қилдиришга эътибор бердилар. Шахснинг эркки ва ҳуқуқларини ушбу уйғунликка мувофиқ равишда кенгайтиришни кўзладилар. Ҳа, бу ёндашув тадрижий ривожланишга, жамиятдаги зиддиятларни "силлиқ", "равон" ҳал этишга қаратилгандир.

Ғарб давлатларида XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар, турли модернистик қарашларнинг, индустриал ва постиндустриал, информацион жамиятлар деган ғояларнинг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти ҳақидаги тушунчаларга таъсир этмай қолмади. Ҳатто, Ғарб жамияти ва унинг қадриятлари таназзулга учрамоқда, "фуқаролик жамияти" эски тушунча, у энди эскирди, бугун инсоният моҳиятан бутунлай янги, кенг интеграция ва ахборотлаштиришга асосланган жамият томон бормоқда, унда "умумий дин", "интермаданият", "интермулоқот" асосий қадриятларга айланади, деган анчайин гипотетик назариялар пайдо бўлмоқда. Кейинги даврда Ғарбда юзага келган глобал инқирозлар, маънавий тушкунлик, демографик муаммолар, диний ва этник низолар, айрим аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларнинг, ишсизларнинг оммавий ҳаракатлари тадқиқотчиларнинг жамият ҳақидаги қарашларига таъсир этиб, уларни янги бир ижтимоий тузум, ижтимоий борлиқ кашф этишга ундамоқда.

Бу хусусда З. Исломов жуда ўринли мисол келтиради. У америкалик социолог Р. Пантемнинг "Боулинг ўз йўлига: Америка ҳамжамиятининг синиши ва қайта тикланиши" асарини таҳлил этиб, фуқаролик жамияти жадал емирилаяпти, деган мазмундаги фикр ҳақида мулоҳаза билдиради. Мулоҳаза эътироз тарзида бошланади: "фуқаролик жамияти мавзуини долзарб эмас деб даъво қилишга ҳали эрта, "фуқаролик жамияти" тушунчаси эскиргани йўқ, у эскирадиган вақт қачонлардир келиши ҳам қийин". Аслида бу хулоса Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг миллий демократик тараққиёти концепциясидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ҳозир Ўзбекистон, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "ўз олдига демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйган давлат, жамоат ташкилотлари ва тизимларини шакллантирмоқда", "миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар

www.ziyouz.com kutubxonasi

жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшамоқда".

Фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг фундаментал аҳамиятга молик белги ва хусусиятлари Ислом Каримовнинг асарлари, нутқлари, маърузалари ва фармонларида белгилаб берилган. "Маърифатли дунёда, — дейди Ислом Каримов, — "фуқаролар давлати" деб гапирилмайди. "Фуқаролар жамияти" дейилади. Давлат — бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари давлат ташкилотлари тизимига киради. Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим"[1].

Демак, фуқаролик жамиятида фуқаролик институтлари билан давлат институтлари ўртасида институционал ва функционал фарқлар мавжуд бўлади. Миллий демократик тараққиёт концепциясидан келиб чиқадиган бўлсак, фуқаролик жамиятида давлат фуқароларнинг турли эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатларига хизмат қилади, уларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит, ижтимоий-маънавий, ижодий муҳит яратиб беради. Инсоннинг маънавий-маданий қобилиятларини, салоҳиятини юксалтириш, барча учун тенг имкониятлар яратиш, одамларнинг, Арасту айтганидек, "фаровон ва бахтли ҳаёт кечириш"ларини таъминлашдек улуғвор, инсонпарвар мақсадлар давлатнинг фуқаролар, жамият олдидаги бурчи, вазифаси ва ўз зиммасига олган масъулият ва мажбурияти бўлади.

Фуқаролик жамиятида халқ ҳокимиятчилиги янада мустаҳкамланади, фуқароларнинг сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва институтлари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кенгаяди, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади ва плюрализм, маданий ранг-баранглик, полифония, мусобақа ва ижобий рақобат, янгилик яратиш иштиёқи, бир-бирини маънавий бойитиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, гўзалликка интилиб, бетакрор маданий

---

[1] *И.А. Каримов.* Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т.: "Ўзбекистон". 1996. 80-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бойликлар яратиш, уларни халқ мулкига айлантириш ўй-нияти билан меҳнат қилиш ҳаёт тарзига айланади. Фикрлар, ёндашувлар, эркин мулоқот, ҳар кимнинг ўзи истаган онгли фаолият билан шуғулланиши, давлат ва жамият ҳаётига оид масалаларга ўз қарашларини билдириши, меҳнатга яраша ҳақ олиб, тақдирланиб, ўзини намоён қилиши ва фаровон турмуш қуриши, дунё халқлари билан мулоқотга киришиб, ахборот алмашиши ҳар кимнинг табиий ҳолати, табиий ҳуқуқи, табиий ҳаёт тарзи бўлади.

Янги инсон ва унинг маънавий дунёсини шакллантириш, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни вояга етказиш фуқаролик жамияти мудом интилиб яшайдиган идеалдир. Ушбу идеалга етиш учун давлат ва жамият ўртасида ҳамкорлик ўрнатилади. Давлат фуқаролик жамиятининг таркибий қисми, унга хизмат қилувчи институт сифатида баркамол авлодни шакллантириш учун зарур ижтимоий-ҳуқуқий ва иқтисодий-моддий асос яратиб беради, фуқаролик жамияти эса ушбу асосга таянган, ундан рационал, мақсадли фойдаланган ҳолда маънавий-маданий, ижтимоий-тарбиявий жараёнларни бошқаришни ўз зиммасига олади.

Фуқаролик жамияти билан демократик ҳуқуқий давлат ажралмасдир, улар мудом бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдириб, қўллаб-қувватлаб боради. Демократик ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти барқарор яшашининг шартидир. У ўз-ўзини пайдо қилмайди ва ўз-ўзига хизмат қилмайди — демократик ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти барпо этади ва ўзига хизмат қилишга йўналтиради. Бу жараён ҳеч қачон тўхтамайди, чунки, ҳар қандай ташкилот ва институт сингари, ўзининг манфаатлари, тинчлиги, фаровонлиги учун қайғуриш давлат идораларига ҳам хосдир. Улар ҳам салбий таъсирга учраши — давлат органи хизматчилари ўз ваколатини суиистеъмол қилиб, яқинларини, таниш-билишларини қўллаб-қувватлаши, "бегоналар"га нисбатан адолатсизлик қилиши, коррупцияга берилиши мумкин. Фуқаролик жамиятида ҳам пул-товар муносабатларида эгалланган мавқенинг улуғланиши каби одатларнинг батамом йўқ бўлиши қийин. Демак, шахслараро муносабатларда номақбул ҳоллар, ҳуқуқ, тартиб-қоидаларнинг бузилиши, ҳатто оғир жиноятлар содир этилиши мумкин.

Бу, бир томондан, давлатнинг кучли институт бўлиб қолишини, иккинчи томондан, эса давлат органлари фаолиятини жамият мудом назорат қилиб, кузатиб, зарур ҳолларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзгаришлар киритиб боришини тақозо этади. Давлат органлари ходимларининг қонунларга тўла риоя қилишига эришиш ижтимоий назоратнинг бош мақсадидир. Бунинг баробарида ижтимоий назорат қонунларига фуқаролар ва уларнинг институтлари ҳам тўла риоя этишини таъминлаш лозим. Қонунга итоат қилиш кундалик ва ижтимоий ҳаёт тарзига айланган тақдирдагина демократик ҳуқуқий давлат қарор топган ва фуқаролик жамиятининг асоси сифатида ҳар бир кишининг эркин яшашини таъминлаган бўлади.

Буюк аждодларимиз юксак маърифатли ва маънавиятли жамият қуришни орзу қилганлар. Ушбу шарқона орзу-истаклар идеал фуқаролик жамияти қуришнинг асосий парадигмаси, фундаментал асоси эканини унутиб бўлмайди. Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Маърифат, маънавият, тарбия орқали миллий демократик тараққиётга эришиш йўлида бугун мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган, мустақиллик туфайли қўлга киритилган беназир имкониятдир, ушбу имкониятдан тўла ва оқилона фойдаланиш учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир ҳурфикр, онгли, виждонли, имонли ва эркин, демократияда яшашни истовчи киши масъулдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II Б О Б

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ДОКТРИНАСИ

2.1. Миллий демократик институтларнинг шаклланиши ва функциялари

Жамиятдаги муносабатлар, асосан, муайян ижтимоий институтлар орқали қурилади ва бу институтларнинг хилма-хиллиги, нечоғли кўплиги, динамик хусусиятлари жамиятнинг қандай қадрият ва меъёрлар, тамойил ва парадигмаларга мойиллигини кўрсатади. Социология фанидан яхши биламизки, ижтимоий институт — бу ижтимоий фаолият ва ижтимоий муносабатларнинг моҳияти, хулқ-атвори, дунёқараши, онг ва тафаккури яқин одамларнинг ўзаро келишган ҳолда ижтимоий мақсадга йўналган ҳаракати, ижтимоий вазифаларини бажариш мақсадида ташкил этилган гуруҳлар фаолиятининг уюшган шаклидир. Ижтимоий институт ўзининг мақсадларига мувофиқ келадиган фаолият турларини қўллаб-қувватлайди, ушбу стандарт талаблардан ташқарига чиқадиган индивиднинг хулқ-атворини назорат қилади, тартибга солади.

Демак, ижтимоий институтлар ўзининг аниқ мақсадларига эга бўлиши, улар ўз аъзоларининг бу мақсадларга хизмат қилиши, стандарт талабларга риоя этиши, индивиднинг гуруҳ, жамоа, партия ичида қарор топган меъёрлар, тартиб-қоидалар, ахлоқий, сиёсий ва ташкилий талабларни ўз фаолиятининг мезони сифатида қабул қилиши орқали мавжуддир.

Ижтимоий институтларни институционал хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, ташкилий тузилмаси, жамиятдаги ўрни, ички белгилари каби жиҳатларига қараб тасниф қилиш мумкин. Келинг, уларни қуйидаги гуруҳ ва тизимларга тасниф-лайлик.

1. Давлат, ҳокимият;
2. Сиёсий партиялар;
3. Жамоат, нодавлат ташкилотлари;
4. Иқтисодий институтлар;
5. Фуқароларнинг ижтимоий-маданий ва тарбиявий характердаги ихтиёрий уюшмалари;

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий институтлар;

7. Оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари;

8. Халқаро (трансмиллий) нотижорат уюшмалар;

9. Диний бирлашма ва ташкилотлар.

Ижтимоий институтларни бундай таснифлаш тизимларга алоҳида (тизимли ёки тизимли-функционал) ёндашишни тақозо этади. Бироқ сиёсий жараёнлар ва сиёсий тизимга бундай ёндашиш "турғунлик ва консерватизм" услубиятига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир тизим ҳақида комлекс ёндашув орқали фикр юритган маъқул. Чунки, комплекс ёндашишгина ижтимоий-сиёсий ҳаётни мавжуд ютуқлари ва зиддиятлари билан ўрганиш имконини беради.

Тизимли ёндашув эса, кенг маънода, яъни фақат ташкилий етуклик ва бутунликни эмас, балки муайян ҳодисанинг барча жиҳатларини, қарама-қаршиликлар таҳлилини, уларнинг тартиботини, ўзаро алоқаларини қамраб олиши зарур. Шунинг учун ижтимоий институтлар фаолияти бир-биридан айрича қаралиши мумкин эмас. Чунки барча жамиятлар узоқ тарихий ривожланиш жараёнида, муайян умумий ижтимоий ва маданий асосда юзага келган. Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий институтлар, ички (ёки қуйи) тизимлар кенгроқ тизимнинг таркибий қисми сифатида қаралиши зарур.

Ҳар бир ижтимоий институтга, тизимга қуйидаги тўрт функция — намунани қайта яратиш, интеграция, мақсадга эришиш ва адаптация функциялари тааллуқлидир. Бу ўринда Т.Парсонс[1] сингари айрим ғарб тадқиқотчилари тизимларни инсон шахсияти билан боғлаб, унинг организмига оид тизимларга ажратганини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки мазкур функциялар бу тизимларга ўзига хос тарзда намоён бўлади ва субъектларнинг хатти-ҳаракатларида акс этади.

Ижтимоий тизимлар илкбошданоқ тажриба ва товар алмашишга тайёр, очиқ тизим бўлади. Уларнинг ички, қуйи тизимлари ўртасидаги алоқалар тўрт кўрсаткич — қадриятлар, меъёрлар, жамоалар ва роллар орқали намоён бўлади. Демак, ижтимоий институтларни тадқиқ қилганда ана шу функция ва кўрсаткичларга эътибор бериш лозим.

Давлат, ҳокимият сиёсий тизимдаги бош, асосий институтдир. Сиёсатшунослик фани бизга давлат ижтимоий

---

[1] *Парсонс Т.* Система современных обществ. М., Аспект-Пресс, 1998.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бутуннинг функцияларини алоҳида ажратиш зарурати пайдо бўлган, бутун ўзининг мавжудлигини англагани ҳолда олий манфаатларининг борлигини идрок этган жойда юзага келишини ўргатади. Ушбу бутун ҳокимиятни ўз таъсири остига олади ва уни куч ва ҳуқуқ орқали майдонга чиқаради. Бутуннинг, яъни халқ умумманфаатининг натижаси ва ифодачиси эканлиги боис давлат ижтимоий-сиёсий институт сифатида яшаб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади" (2-модда), "барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароитлар яратади" (4-модда), "ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади" (14-модда). Кўриниб турибдики, Ўзбекистон давлати халқ манфаатларига хизмат қилувчи демократик тамойилларга риоя этади, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият ҳисоблайди, инсоннинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилади.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳаёт ҳам, миллий демократик институтлар ҳам бир жойда туриб қолмайди. Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари борар экан, давлатнинг функциялари ва ижтимоий институтлар билан алоқаларида муайян ўзгаришлар рўй бериши табиий. Тўғри, бу борада фундаментал аҳамиятга молик икки фикр илгари сурилмоқда. Биринчидан, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, давлатнинг айрим функциялари маҳаллий ҳокимиятга, фуқаролик институтларига ўтади, иккинчидан, нодавлат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти асосий тизимларининг ижтимоий ҳаётдаги фаолияти кенгаяди.

Ислом Каримов ўзининг "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" китобида ижтимоий тараққиёт зиддиятларсиз кечмаслигини ва бу борада бир-бирига зид башоратлар оз эмаслигини таъкидлайди — инсониятнинг йўли ҳеч қачон тўппа-тўғри ва теп-текис бўлмаган, тарих нафақат олдинга силтанишлар, сакрашларни балки шиддат билан ортга чекинишларнинг ҳам гувоҳидир. Фуқаролик жамияти мустақил субъектлар ўртасидаги горизонтал алоқаларнинг бузилишидан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўхтатиб қўйилишидан кафолатланмаган. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти тараққиётининг истиқболлари ҳақидаги умидбахш башорат ва тахминлар баробарида мазмунан уларга тескари башоратлар ҳам оз эмас.

Бу, юқорида айтганимиздек, табиий ҳолдир. Савол туғилади: шундай экан, ранг-баранг ва зиддиятларга тўла ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт йўлларини аниқ кўрсатиб бериш, истиқболини аниқ башорат қилиш мумкинми? Йўлни кўрсатиш мумкин, лекин истиқболни башорат қилиш қийин. Негаки, давлат институтида рўй берадиган ўзгаришларни аниқ айтиб бериш қийин, чунки ижтимоий, сиёсий, ҳатто ички, маънавий ўзгаришлар ҳам жаҳонда рўй бераётган жараёнлардан мутлақ холи кечмайди. Башорат гипотеза шаклида бўлиб, тараққиётнинг умумий йўлини кўрсатиб берганидагина тўғри чиқиши мумкин.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ғояси ана шундай умумий йўлдир, мамлакатимизнинг стратегик мақсадидир. Давлат функциялари тизимида содир бўладиган ўзгаришлар эса ушбу умумий йўл, стратегик мақсадга етишга йўналтирилган чора-тадбирлардир. Ушбу чора-тадбирлар сирасига ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд тизимларига бўлиниши, икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, суд ва юридик соҳада ўтказилаётган либераллаштириш ислоҳотларини ҳам киритиш мумкин. Ҳокимлик институтининг жорий этилиши, мамлакатда ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган ўзгаришлар эса ўзбек халқининг тарихий-маданий ва сиёсий тажрибасига таяниш намунасидир. Демак, давлат, ҳокимият, бир томондан, миллий демократик институт сифатида шаклланган бўлса, иккинчи томондан, у умуминсоний демократик тамойилларга, жаҳон демократияси эришган тажрибага таяниш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистондаги миллий демократик институтлар тизимида **сиёсий партиялар**нинг ўзига хос ўрни бор. Уларнинг ижтимоий функциялари мафкуравий, сиёсий, назарий ва ташкилий вазифаларни қамраб олади.

Сиёсий партиялар ҳар доим ҳам соф миллий характерга эга бўлавермайди. Масалан, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси кўп миллатли партиядир. Шу билан бирга, у миллий манфаатларга хизмат қилишини инкор этмайди. Тўғри, деярли барча сиёсий партияларда туб маҳаллий миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этади, бироқ уларнинг бирортаси ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

миллий манфаатларни умуммамлакат, умумхалқ манфаатларидан устун ёки уларга қарши қўймайди. Уларнинг "миллий демократик институтлар" деб аталиши юрт, эл мақсадларига хизмат қилишга қаратилган сиёсий уюшмалар эканлигига ишорадир.

Бугун Ўзбекистон Халқ-демократик партияси (1991 йил 1 ноябрда ташкил топган) сафида 600 минг, "Адолат" социал-демократик партияси (1995 йил 17 февралда таъсис этилган) сафида 12 минг, "Миллий тикланиш" демократик партияси (1995 йил 3 июнда таъсис этилган) сафида 10 минг, "Фидокорлар" миллий демократик партияси (2002 йил 6 апрелда ташкил этилган) сафида 60 минг, Ўзбекистон либерал-демократик партияси — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати (2003 йил 18 ноябрда ташкил топган) сафида эса 135 мингдан зиёд аъзо бор. Албатта, партия ва ҳаракатлар ҳар қанча кўп бўлмасин, ўз сафини ҳар қанча кенгайтирмасин, бугунги кунда уларнинг ҳаракат дастурлари, мақсадлари ва амалий фаолияти керакли савияда эмас. Бу ҳолни Президент Ислом Каримов ҳам бир неча бор танқид қилган. Шунингдек, махсус тадқиқотлар ва оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган мақолаларда сиёсий партияларда ҳали иш юритишнинг демократик усуллари шаклланмагани, уларнинг дастурларида принципиал фарқлар, ўзига хосликлар йўқлиги, гоҳо улар давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари олдига қўйган вазифаларни бажаришга интилиши таъкидланади. Тўғри, барча сиёсий партиялар ўзини демократия, бозор иқтисодиёти, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сўз эркинлиги, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш тарафдорлари деб эълон қилади. Аслида бу давлат ўз олдига қўйган мақсадлар ва амалга оширишга интилаётган вазифаларнинг такроридир. Шундай эса-да, биз мамлакатимиздаги партиялар ўртасида курашлар йўқ дея олмаймиз. Парламентда қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чоғида турли фракциялар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлаётгани партияларнинг сиёсий фаоллигига мисол бўла олади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг ёш давлат эканлиги боис ҳозирги босқичда сиёсий партиялар мақсадларнинг кўп жиҳатдан муштарак ва умумийлигини инобатга олиб ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида юзага келган кўп партиявийлик тизими мамлакатимиздаги ижобий ижтимоий-сиёсий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзгариш, янги миллий демократик ҳодисадир. Партияларнинг ҳокимиятни шакллантириш ва қонун ишлаб чиқишда қатнашадиган юридик институт эканлиги мамлакатимиз Конституциясида ва "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунда (1996 йил 26 декабрь) белгилаб қўйилган.

Жамият сиёсий тизими фақат давлат ва сиёсий партиялардангина иборат эмас, унинг бошқа бўғинлари (касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, турли жамғармалар, марказлар, ижодий уюшмалар, меҳнат жамоалари, оммавий ахборот воситалари) ҳам мавжуддир. Бу бирлашмалар ўз мазмун-моҳиятига кўра фуқаролик жамиятига тааллуқли бўғинлар бўлиб, ўтиш даврида сиёсий тизимнинг шаклланишида катта аҳамият касб этади.

Жамоат, нодавлат ташкилотлари. Фуқаролик жамияти сари бораётган ҳар қандай жамиятда вақти келиб, сиёсат майдонига турли хил партиявий муассасалар ўрнига маълум манфаатларнинг тарафдорлари бўлган сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланувчи ноҳукумат ва нопартиявий, сиёсий мавқеи баланд бўлган ташкилотлар кириб келиши табиийдир. Бундай ҳол рўй берганда эски партиялар, парламентдаги фракциялари ва уларни молиявий таъминлаб турган кучлар сиёсий конъюнктурага бардош бера оладиган жиддий рақибга дуч келади. Бу эса ўз навбатида партия машиналарини маблағ билан юргизиб турган гуруҳларнинг бир қисми ўз эътиборини мустақил секторга қаратишига олиб келади. Шу тариқа фуқаролик институтларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда янада салмоқли ўрин эгаллаши таъминланади.

Ўзбекистонда Адлия вазирлиги томонидан икки юздан зиёд жамоат, нодавлат ташкилотлари рўйхатга олинган. Улар бугун миллий демократик институтлар тизимида фаолият кўрсатиб, иқтисодий ва сиёсий тангликни юмшатиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, асосан аҳоли қатламлари билан ижтимоий боғлиқликни таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Уларнинг шарофати билан мамлакатда давлат ва жамият сиёсий тузилмасининг аниқ шакллари намоён бўлиб, шахслар ва гуруҳлар орасидаги муносабатлар мўътадиллашиб боряпти, давлат ва жамият тизими мувофиқлаштириляпти. Хуллас, жамоат, нодавлат ташкилотлари хилма-хил ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, тарбиявий ва ташкилий вазифаларни бажариб, фуқаролик жамиятининг шаклланишига таъсир этмоқда. Энг муҳим жиҳат шундаки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлат, ҳокимият объектив ва субъектив сабаблар боис ҳал эта олмаётган муаммоларни улар ихтиёрий равишда ўз зиммаларига олмоқда, аҳолининг, кенг омманинг ёрдам ва дастаги билан бундай муаммоларни тез ва самарали ҳал этишга интилмоқда. Айни пайтда дунёда ва минтақамизда кечаётган жараёнларни ҳисобга олиб шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу институтларнинг ваколат ва ҳуқуқлари чуқурроқ тадқиқ қилиниши, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни стратегик мақсадга мувофиқ белгиланиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши миллий демократик тараққиёт манфаатларига мос келувчи янги **иқтисодий институтлар**ни юзага келтирди. Улар сирасига хусусий шахсларга, гуруҳларга, халқаро бирлашмаларга қарашли ишлаб чиқариш, деҳқончилик, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик, тижорат, ижодий-маданий фаолият билан шуғулланувчи институтлар киради. Бу институтлар, функционал хусусиятига кўра, аҳолининг иқтисодий ва хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилгандир. Улар қарор топтирадиган иқтисодий муносабатлар фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади.

Шу муносабатлар боис одамлар, биринчидан, ўз қизиқишлари ва бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ келадиган эркин иқтисодий фаолият тури билан шуғулланадилар. Бу аслида Р.Даль ўзининг "Иқтисодий демократия асослари" китобида назарда тутган "иқтисодий демократия"дир.

Иккинчидан, ҳар бир инсон ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг субъекти сифатида жамиятнинг иқтисодий ҳаётида қатнашиш ва унга таъсир этиш имконига эга бўлади. Инсоннинг иқтисодий фаолиятини унинг талаб ва эҳтиёжлари белгилайди, аммо бу фаолият талаб ва эҳтиёжларнинг кўр-кўрона қондирувчиси эмас. Иқтисодий институтлар сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ёки юқори савияда хизмат кўрсатиш орқали жамият, инсон талаб ва эҳтиёжларининг сифатига, одамларнинг ижтимоий-маданий савиясига таъсир этади.

Учинчидан, инсон иқтисодий институтлар орқали ўзининг меҳнат турини эркин танлаш ва ишлаш ҳуқуқларидан тўла фойдаланади. Шунинг учун ишбилармонлар таваккал қилиб, ўзининг билим, қобилият ва имкониятларини ишга солиб, хизматига "ўртадан юқори фойда олувчи" кишилар бўлиб етишадилар. Улар таваккал қилиб маблағ сарфлайдилар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

рақобатга киришиб ўзлари билган соҳада янги неъматлар, ихтиролар ёки хизмат турларини яратадилар, бу улар меҳнатини жонли, таъсирчан, самарали қилади, банкрот бўлиш хавфи эса уларда мудом сергак, ҳушёр ва изланишда бўлиш кўникмасини шакллантиради.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий институтлар талаб ва эҳтиёжларнинг маҳсули ҳисобланади, чунки бозор иқтисодиёти қаерда ва қайси соҳада қандай институтлар — корхоналар, хўжаликлар, хизмат кўрсатиш марказлари, фирмалар ташкил этишни ўзининг ички қадрият ва мезонларига мувофиқ йўлга солиб боради. Бозор иқтисодиёти учун асосий "идора органи" истеъмолчининг, аҳолининг у ёки бу хизмат турига эҳтиёжидир. Шу эҳтиёжнинг ўзи иқтисодий институтларнинг инфратузилмасини ҳам шакллантиради.

Бешинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий институтлар ресурслардан самарали фойдаланишга интилади. Ресурслардан самарали фойдаланиш эса мудом замонавий технологияларни жорий этиб бориш, ресурсларни аҳоли эҳтиёжига қараб тақсимлаш, зарур бўлганда қўшимча иш ўринларини очиш, маркетинг хизматини такомиллаштиришни тақозо этадики, уларни амалга оширмасдан иқтисодий институтлар фаолият кўрсатолмайди.

Фуқароларнинг ижтимоий-маданий ва тарбиявий характердаги ихтиёрий уюшмаларининг фаолияти аҳолини маданий бойликлардан баҳраманд қилиш, одамларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш, ижодий хислатларини ривожлантириш, ёш авлодни соғлом, баркамол, маънавий, бадиий, ахлоқий томондан етук шахслар қилиб тарбиялаш каби вазифаларни бажаришга йўналтирилгандир. Ташкилий хусусиятларига кўра улар фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари саналади.

Мамлакатимизда аҳолининг миллий-анъанавий ижод турларига (халқ ҳунармандчилиги, бадиий-этнографик уюшмалар, чойхоналар, маданий ҳордиқ чиқариш, жисмоний истироҳат, оммавий байрамлар) қизиқиши ошиб бормоқда. Айниқса, миллий маданий меросни тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш ҳамда маданиятни бойитиш, бўш вақтни мароқли ўтказиш, аждодларимизнинг анъаналарини асраб-авайлаш, ёш авлодда уларга меҳр-эҳтиром уйғотиш ихтиёрий уюшмаларни кенг тарқалган миллий демократик институтларга айлантирмоқда. Кўплаб ташкил этилаётган гузарлар, маданий-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънавий марказлар, устоз-шогирд анъаналари асосида қурилган устахоналар, уюшмалар фуқаролик жамиятида миллий-этник хусусиятларни ўзида кенгроқ намоён этади. Эркинлик, демократик тамойиллар, қатнашишнинг ихтиёрийлиги, маданий ва маънавий-маърифий ишларнинг бадиий-эстетик, коммуникатив ва рекреатив услублар билан билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши ихтиёрий уюшмаларни келгусида янада оммалаштиришига шубҳа йўқ.

Ихтиёрий уюшмаларнинг яна бир хусусияти уларнинг инновацион изланишларга, янги-янги иш усулларини, рекреация шаклларини, халқ маданиятини бойитишга хизмат қилувчи унсурларни излаб топишга ва кенг тарғиб қилишга қаратилганидадир. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, кейинги йилларда мамлакатимизда гольф-клуб, бильярд-клуб, пони-клуб, тадбиркорлар уюшмаларининг клублари, компьютер-клуб, хусусий оромгоҳ, маърифий уюшмалар, у ёки бу тилларга ўргатувчи тўгараклар пайдо бўлди ва уларнинг сони ортиб бормоқда. Албатта, улар фуқаролик жамияти қуриш жараёнига катта ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқ институтларининг функционал аҳамияти Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси билан белгиланади. Ушбу доктринага кўра, ҳуқуқ, ҳуқуқий маданият, қонун устуворлиги барчанинг ҳаёт тарзи, ижтимоий фаолиятнинг негизи бўлиши зарур. Унинг моҳиятини Президент Ислом Каримовнинг, қонунга риоя этиш ҳамма учун мажбурий, уни бузишга асло йўл қўйиб бўлмайди, жамиятда ҳуқуқий маданият даражаси бўлиши зарур, деган сўзлари билан ифода этамиз.

Бу сўзлар аввало ҳуқуқ институтларига, уларда хизмат қилувчи ҳуқуқ-тарғибот ходимларига тааллуқлидир. Бугун ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талаби — давлатимизда қонунларни амалга оширишга, қонунчиликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларнинг уларни аниқ ва оғишмай ижро этишини талаб қилиш тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман,— деган эди Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида.— Мен ҳокимият тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза этиш, суд ва назорат органларини назарда тутаяпман. Кўриниб турибдики, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши аввало ҳуқуқ институтлари ходимларининг ўзлари ҳуқуққа, қонун талабларига нечоғли бўйсу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини нечоғли ҳалол ва одил ҳимоя этишига боғлиқдир.

Келгусида ҳуқуқ институтларини тараққий эттиришда миллий ҳуқуқ тизими муҳим ўрин тутади. Қувонарли томони шундаки, бугун Ўзбекистон қонунчилигида ҳуқуқни бир томонлама тушуниш ва ўлчашдан кўра тарихий-маданий ва диний-ахлоқий нуқтаи назардан Ватанимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккури анъаналарига мос кўп қиррали ёндашув кўпроқ қўлланилмоқда. Ҳа, ўзбек миллий қонунчилиги ва ҳуқуқи илғор давлатларнинг юриспруденцияси эришган ютуқлардан, миллий давлатчилик анъаналарига мос келадиган жиҳатлардан рационал фойдаланиш орқали шаклланмоқда.

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида **оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари** муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-тарихий тажриба шуни кўрсатадики, халқ ўз хоҳиш-иродасини ифода этиб оммавий ҳаракатларда қатнашади. Масалан, урушга, глобализмга, халқаро терроризмга, инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши халқ ҳаракатлари дунё давлатларида тез-тез содир бўлмоқда. Оммавий ҳаракатлар аниқ бир мақсадни (масалан, ўз вақтида маош берилишини талаб этиш, айрим давлатларнинг ноодил сиёсатини қоралаш) кўзлаб уюштирилади. Улар баъзан ғайриқонуний ва вайронкор характерда ҳам бўлиши мумкин. Ўзбекистондаги халқ ҳаракати давлатимиз ва Президентимиз олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатини қўллаб-қувватлаётгани боис ижобий, бунёдкорлик хусусиятга эга.

"Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга (1999 йил 14 апрель) мувофиқ фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ, овулларда, маҳаллалардаги фуқаролар йиғинларидир. Бу йиғинларни фуқаролар сайлаган оқсоқол (раис) бошқаради. Бугун мамлакатимизда 12 мингга яқин фуқаролар йиғини — ўз-ўзини бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. Маҳалланинг ўзи халқимизнинг миллий анъаналари ва тарихий-маданий тажрибаси маҳсулидир. Айнан маҳалла миллий демократик институт сифатида фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ишларга ўзига хослик бахш этади.

Халқаро (трансмиллий) нотижорат уюшмалар Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида олиб бораётган ташқи сиёсати ва умуминсоний демократик қадриятларни ўзлаштиришга интилишининг ифодасидир. Улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

маърифий, ижодий, тарбиявий, маданий, илмий функцияларни бажаради. Бугун Ўзбекистонда халқаро мақомдаги 73 нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатади. Уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва миллий демократик институтлар тизимидаги ўрни Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунида (1999 йил) белгилаб берилган.

Диний бирлашма ва ташкилотлар юртимизда яшаётган миллатлар ва элатларга таъминлаб берилган виждон эркинлигининг ифодасидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 16 диний конфессия ва 2119 диний ташкилот фаолият кўрсатади. Улар орасида энг йириклари Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Провослав черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангелие христиан-баптистлар черкови, Рим-католик черкови, Тўла Евангелие христианлари черкови, Ўзбекистон Инжил жамиятидир. Шунингдек, мамлакатимизда 168 черков, 7 синагога, 7 баҳоийлар уюшмаси, 2 Кришна жамияти, 1 будда ибодатхонаси мавжуд. Ҳар йили бу диний конфессияларнинг кўплаб вакиллари Исроил, Греция ва Россиядаги зиёратгоҳларга сафар уюштирадилар ва бу борада қонунларда белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Диний конфессиялар ва ташкилотлар одамларни дин-эътиқод атрофида бирлаштиради, бироқ диндорлар ҳам юртимизнинг фуқароларидир. Шу боис қонунлар баб-баробар уларга ҳам тегишлидир. Ҳар бир фуқаро учун диний ташкилотларга аъзо бўлиш ва уларга қатнаш ихтиёрийдир. Давлат уларнинг ички фаолиятига аралашмайди, аммо у фуқароларнинг шаъни ва ҳуқуқларини ҳатто диний ташкилотлар ичида ҳам ҳимоя қилади. Фаолиятининг ихтиёрийлиги нуқтаи назаридан диний ташкилотлар демократик институтлардан биридир. Уларнинг фуқаролик жамияти барпо этишдаги ўрнини ўрганиш алоҳида изланишни тақозо этади.

2.2. Фуқаролик жамияти – миллий демократик тараққиёт идеали

Фалсафа фанига "идеал" тушунчасини Иммануиль Кант олиб кирган. Унинг фикрига кўра, идеал пировард мақсад бўла оладиган воқеликка тааллуқлидир, шунинг учун мақсадли фаолиятдан ташқарида шаклланиши мумкин эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Идеал” грекча сўз бўлиб, “андоза”, “намуна”, “меъёр” деган маъноларни англатади. Идеалда онг муайян намунага йўналтирилади ва у танланган ғояга, андозага мутлақ ишонишни тақозо этади. Демак, идеалнинг негизи муайян йўналтирилган воқеликка, андоза ёки намунага мутлақ ишончдир. Ана у ишонч субъектларни мудом идеалга талпиниб яшашга, унга иложи борича тезроқ етиш учун дадил ҳаракат қилишга ундайди.

“Идеал жамият”, “идеал давлат” тушунчалари тарихий-сиёсий таълимотларда кўп ишлатилса-да, ушбу идеалларга етган жамият ҳам, давлат ҳам мавжуд бўлганини тарих билмайди. Шунинг учун бўлса керак, идеал тузумни рўёбга чиқариш ғоят мушкул бўлган социал-утопик ғоя, тасаввур сифатида қараш одат бўлган. Бу эса фуқаролик жамияти ҳам ғайриҳаётий, утопик ғояга айланиб қолмайдими, деган ҳақли савол уйғотиши табиий.

Ушбу саволга жавоб беришдан олдин “фуқаролик жамияти” тушунчасига, унга фалсафий, сиёсий-ижтимоий қарашлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки, фуқаролик жамиятига доир илк тадқиқотлар кўп асрлар олдин бошланганига қарамай, мазкур тушунчанинг муайян даражада шартлилиги ва уни ифодалашдаги хилма-хиллик бизнинг кунларимизгача сақланиб келмоқда. Аслида бу табиий ҳол. Чунки, инсон ҳеч бир вақт эришилган ютуқ, натижа, кашфиёт билан чекланиб қолмаган, у объектив воқелик таъсирида янги-янги ёндашувларга эҳтиёж сезиб яшайди.

“Фуқаролик жамияти” категорияси инсоният тараққиётининг ҳар бир даврида мутафаккирларнинг ақл-идрок, эркинлик, фаровонлик ва адолат ҳукм сурадиган идеал ижтимоий тузум моделини яратиш йўлидаги интилишлари билан тавсифланадиган алоҳида бир воқеликни акс эттиради. Фуқаролик жамияти тарихан идеал модел бўлиб келган, уни айрим мутафаккирлар тафсивлашга интилганлар.

Фуқаролик жамиятига оид қарашларни таҳлил қилишда фуқарога алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Зеро, жамият ҳеч қачон ўз-ўзича шаклланмайди, уни инсон йўналтириб боради. Фуқаро — бу сиёсатчи ёки ҳеч бўлмаганда жамоат арбоби функциясини ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган, барча энг муҳим ижтимоий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда эркин ҳолда, бошқалар билан биргаликда иштирок этадиган, нафақат хусусий (шахсий), балки жамоат ман-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаатларини кўзлаб яшовчи кишидир. Профессионал сиёсатчидан фарқли ўлароқ, у мансаб ёки вазифасига кўра эмас, балки ўзининг фуқаролик (ёки жамоат) бурчини ҳис этгани учун сиёсатчидир. Инсонларнинг умумий мақсад ва вазифалар борасидаги ижтимоий ҳамкорлиги фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилади. Эркин, ўз ҳуқуқ ва бурчларини идрок этадиган, уларни жамоат манфаатлари билан мувофиқлаштириб яшайдиган озод кишилар фуқаролик жамиятининг негизидир. Улар биладики, халқда яхши нақл бор: "сен сиёсат билан шуғулланмасанг, сиёсат охир-оқибат сен билан шуғулланади".

Тўғри, "ижтимоий ҳамкорлик" деганимиз барча жамиятларга хос нарса. Лекин биз ҳар қандай жамиятни ҳам фуқаролик жамияти деб атамаймиз. Бу ўринда ҳозирги тадқиқотларда учраётган икки нуқсонга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бир-бирига мос келмайдиган вазифалардир. Бозорга авторитар ҳокимият воситасида ҳам ўтса бўлади, фуқаролик жамиятига эса — ҳеч қачон. Иккинчидан, фуқаролик жамиятига ўтиш хусусий мулк билан боғланади, "фақат хусусий мулк кишини фуқарога айлантиради", дея талқин этилади. Аммо бу ҳолда фақат иш кучи сифатида майдонга чиқаётган мулксиз одамларни қандай атаймиз? Боз устига, шахсий манфаатларга муккасидан берилиб кетиш фуқаролик жамияти юзага келишига тўсқинлик қилибгина қолмай, доимий равишда жараённи орқага суради — авторитар ҳокимият қайтадан қарор топишига олиб келади. Хуллас, мураккаб, узоқ ва ўта жиддий изланишларга, баҳс-мунозараларга ундовчи саволлар кўп. Демак, идеалдаги фуқаролик жамиятининг модели ҳақидаги тасаввурларимизни чуқур илмий-назарий таҳлил қилишимиз даркор.

Айрим тадқиқотчилар фуқаролик жамиятига ўтиш парламентдек сиёсий институт, фуқаролар ижтимоий ва сиёсий фаоллигининг бошқа шакллари орқали амалга оширилади, деб кўрсатадилар. Шубҳасиз, илмий-услубий нуқтаи назардан бу тўғри фикр. Лекин парламент (масалан, 1992—1993 йилларда Россияда юзага келган парламент инқирози) ва ижтимоий-сиёсий фаоллик (масалан, Францияда 2004—2005 йилларда транспорт ходимларининг иш ташлашлари, 2006 йилда талаба-ёшларнинг оммавий ҳаракатлари) вайронкор йўналишда бўлсачи? Биз фуқаролик жамиятини инқирозлардан, номақбул

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиҳатлардан, тараққиётни издан чиқарадиган сабаблардан сунъий тарзда холи қилиб кўрсатишга интилаётганимиз йўқми? "Фуқаролик жамияти" тушунчаси эскиргани йўқ, у эскирадиган вақт қачонлардир келиши ҳам қийин" деган башорат бирор вақт ҳам тасодифлардан мутлақ холи бўлмаган кишилик жамияти тараққиётини бир қолипга солиб қўйишга олиб келмасмикан? Йўқ, фуқаролик жамияти, ким қандай атамалардан фойдаланишидан қатъи назар, асрлар давомида кўплаб мутафаккирларнинг тадқиқот объекти бўлиб келган ва ҳали-ҳануз "эскирадиган" даражада ўрганилмаган.

Масалан, Х. Одилқориев ўзининг "Конституция ва фуқаролик жамияти" китобида қуйидагича таъриф келтиради: "Фуқаролик жамияти — ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан холи бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир". Ушбу таърифни ўқиган кишида шу заҳоти саволлар туғила бошлайди. Ижтимоий ҳаётни давлат таъсири ва аралашувидан холи қилиб бўладими? Аслида давлат ижтимоий ҳаётга таъсири ва аралашуви сабабли жамиятнинг сиёсий институти, таркибий қисми сифатида мавжуд эмасми? Фуқаролик жамиятини "инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуи" қилиб қўйиш ғарбча индивидуализмга ён босиш эмасми? Шарқона коммунитаризм, ўзбек халқига хос жамоа бўлиб яшаш анъаналари қани ёки уларга энди ҳожат қолмадими? Олим тўғри таъкидлайди, хусусий мулк кишининг эркин яшашига имкон беради. "Айнан хусусий мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда, — деб ёзади у, — шахснинг мулкий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юритишдаги эркинлиги таъминланади". Бироқ хусусий мулки бўлмаган, давлат ва жамият билан фақат номулкий муносабатларни қарор топтирган фуқаролар нима бўлади? Шахс эркинлигини фақат хусусий мулк билан боғлаб қўйиш ҳам, бизнинг фикримизча, тўғри эмас.

Шу билан бирга, Х. Одилқориев фуқаролик жамиятини ниҳоятда мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодиса, деб тўғри таъкидлайди. Шу боис уни иқтисодий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий йўналишларга ажратади. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари сифатида кўп партиявийликни, сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигини, ўз-ўзини бошқариш органлари мавқеининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

баландлигини, жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари аҳамиятининг катталигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам фуқаролик жамияти — тенг ҳуқуқли инсонлар жамияти бўлиб, якка шахслар ёки алоҳида жамоалар манфаатларини таъминлашга кўмаклашадиган жамоат ва нодавлат институтларининг тизимидир. Демак, тенг ҳуқуқлилик ва фуқаролик институтларининг ривожланганлиги фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидир. Ушбу белгилар ҳозир Ўзбекистонда мавжуд, фуқаролик институтлари эса йилдан йилга такомиллашиб боряпти. Ушбу воқеликдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, биз ҳозир фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг илк босқичида яшамоқдамиз.

"Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши" китобида эса М. Шарифхўжаев "фуқаролик жамияти мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил эркин харидор, мустақил озод фуқаро жамиятидир" деб таъриф беради. Шу нуқтаи назардан у фуқаролик жамиятининг иқтисодий асос-белги, сиёсий асос-белги, маънавий асос-белгиларини ажратиб кўрсатади. Бироқ бу "мустақиллик" ҳолатларини мутлақ тарзда тушунмаслик даркор. Зеро, яхши аёнки, ишлаб чиқарувчи харидордан (фуқародан) мустақил бўла олмаганидек, харидор ҳам ишлаб чиқарувчидан мустақил бўлиши мумкин эмас. Аслида улар ўзининг ҳаётини белгилаш ва фаолиятини йўлга қўйишда, режаларини амалга оширишда давлатнинг ноқонуний аралашувидан мустақилдирлар.

Бу фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидаги таъкид ўринли бўлади — фуқаролик жамиятида фуқаролар ва уларнинг институтлари давлат ҳокимиятининг ноқонуний аралашувидан холи бўлганлик нуқтаи назаридан мустақил, эркин ва озоддирлар. Давлат ҳокимияти умумхалқ манфаатларни ҳимоя қилиш ва ўзининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ барча вазиятларда, агар лозим топса, фуқароларнинг ҳаёти ва фаолиятига аралашишга ҳақлидир. "Омма, — деб ёзади Н.Макиавелли, — ноқатъий, ноизчил, юмшоқ ва енгилтак ҳукмдорлардан нафратланади"[1]. Бу фикр бевосита давлатга ҳам тааллуқлидир. Мутафаккирнинг фикрига кўра, ўзига берилган ҳокимиятни ушлаб қолган эмас, балки уни ушлаб қололмай, жамиятда ноҳақлик, зўравонлик ва қирғинларга

---

[1] *Макиавелли Н.* Государь; Рассуждения о первой декаде Тита Ливия; О военном искусстве. — МН: ООО "Попурри". 1998. 88-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сабаб бўлган ҳукмдор, давлат аянчлидир. Қолаверса, инсоният тарихи энг аввало давлатлар фаолияти орқали яратилган. Шунинг учун ҳар қандай ижтимоий ҳодисани ўрганаётганда мудом давлат ҳаёти ва ташкилотларнинг шакллари ҳақидаги масалаларга дуч келамиз.

Фуқаролик жамиятининг кўрилган таъриф ва белгиларига оид назарий концепцияларни умумлаштириб қуйидагиларни айтиш мумкин. Айрим тадқиқотчилар фуқаролик жамиятининг шаклланиши давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда, демократик тараққиётнинг илк даврига, бозор муносабатларининг биринчи босқичига тўғри келади, деб таъкидлашса, бошқалари демократия шароитида давлат билан жамият ўртасидаги зиддиятлар бартараф этилган бўлиб, демократик ҳуқуқий мақомга эга давлат фуқаролик жамиятининг рисолага солинган бир шаклига айланган сиёсий институт, деган фикрни илгари сурадилар. Кенг тарқалган қарашлардан яна бирида фуқаролик жамияти ҳозирги тараққий этган жамиятнинг айнан ўзидир, деб таъкидланади. Бошқа ёндашув тарафдорлари айрим мамлакатлардаги ҳозирги тараққиётнинг дунёга тарқалишини назарда тутадилар.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, фуқаролик жамиятининг қаерда, қачон мавжуд бўлишидан қатъи назар, унинг қуйидаги умумий ғоялари ва тамойиллари бор деган хулосага келамиз: иқтисодий эркинлик, турли мулк шакллари, бозор муносабатлари; инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз тан олиш, кафолатлаш ва ҳимоя қилиш; ҳокимиятнинг эркинлиги ва демократик бўлиши; қонун барча учун баробарлиги, шахснинг зарурий ҳуқуқий ҳимояси; ҳокимиятнинг тақсимланиши ва бу бўғинлар ўртасидаги ўзаро алоқаларга асосланган ҳуқуқий давлат; сиёсий ва мафкуравий плюрализм, очиқ мухолифатнинг мавжудлиги; сўз ва матбуот эркинлиги; давлатнинг фуқаролар шахсий ҳаётига аралашмаслиги, давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро масъулият, бурч ва мажбуриятлар; ижтимоий барқарорлик, тинчлик, ҳамкорлик ва миллий тотувлик; инсон учун муносиб ҳаёт яратиб берилишини таъминловчи самарали ижтимоий сиёсат. Тадқиқотчиларимиз М. Шарифхўжаев ва Х. Одилқориевлар бўлғуси фуқаролик жамиятининг идеал моделини шу тариқа чизиб берадилар.

Давом этамиз. Хўш, бошқа олимларимиз яна қандай фикрларни баён этганлар? “Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар” китобида М. Қирғизбоев чет эллар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги тажрибадан келиб чиқиб ёзадики, фуқаролик жамияти бу:

биринчидан, жамият ҳаёти ва фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, ахлоқий, диний асосдаги ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашувлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Бу таърифлардан фуқаролик жамияти нимага, фуқаролик институтларининг қайси белгиларига қараб тасниф этилгани аён эмас. Масалан, нега энди бошланғич нодавлат тизимлари биринчи гуруҳга киритиладию, нодавлат муносабатларига иккинчи гуруҳдан жой берилади? Ёки ихтиёрий нодавлат тизимлари нега биринчи гуруҳда бўлиб, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳимояси учинчи гуруҳда тақдим этилаяпти. Ахир, нодавлат тизимлари ва нодавлат муносабатлари, ихтиёрий нодавлат тизимлари ва ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар бир-бирини тақозо этувчи, моҳиятан айнан воқеликлар эмасми?

Юқоридагиларни таҳлил этиб, умумлаштирсак, фуқаролик жамияти фуқароларнинг, ихтиёрий нодавлат институтларининг ва нодавлат муносабатларининг мажмуасидир.

Тадқиқотчи эса фикрларини қуйидагича ойдинлаштирмоқчи бўлади: "Маълумки, — деб ёзади у, — фуқаролик жамиятининг асоси жамоат ташкилотларидир. Ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири — бу нодавлат тизимдаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаоллиги юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий

www.ziyouz.com kutubxonasi

равишда аъзо бўла олади". Биринчидан, бу ўринда ихтиёрий ташкилотларнинг ўрнини мутлақлаштиришга мойиллик кўзга ташланади. Иккинчидан, инсон ҳар доим ҳам ихтиёрий ташкилотларга "ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришиш" учун аъзо бўлавермайди, унда ижтимоий туйғулар ҳам мавжуддир. Ўйлаб қарасак, шундай ихтиёрий уюшмаларга аъзо бўлмаганлар нима қилади? Учинчидан, олим ўзининг бу ёндашувида давлат ва унинг функционал ўрни ҳақида ҳеч нима демайди. Аслида жамият тараққиётига тааллуқли ҳар қандай жиддий фикр давлат ва унга муносабат масаласини ўрганишга қаратилиши зарур. Чунки, давлат ҳар доим ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлиб келган, қолган барча ижтимоий ташкилотлар қисман ҳокимиятга эгадир. Ҳатто давлатни халқ ҳокимияти деб эълон қилиш ҳам "ҳақиқий ҳокимият" билан "қисман ҳокимият" ўртасидаги фарқларни, уларнинг функцияларидаги ўзига хосликларни бартараф қилолмайди. Кишилик жамияти тарихи кўрсатадики, давлатини мустаҳкамлаган, унинг барқарорлигини таъминлаган халқгина ассимиляцияга учрамайди, ўзлигини, миллий-этник хусусиятларини, тарихини сақлаб қолади. Н. Макиавеллининг "Римни заиф ва иллатли ҳукмдорлар бошқарганида у доим таназзулга юз тутиш хавфи остида яшади" деган огоҳлантирувчи хитобини унутиб бўлмайди.

Юқоридаги концепциялардан маълум бўладики, уларда, биринчидан, тарихий-сиёсий қарашларга асосланиб фуқаролик жамиятининг хусусиятларини аниқлашга, иккинчидан, Ўзбекистонда рўй бераётган демократик ўзгаришлар моҳиятидан келиб чиқиб фуқаролик институтларининг шакллари ва ўрнини очиб беришга, учинчидан, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган масалаларга эътибор қаратилади. Улар ўртасида, давлат билан боғлиқ масалаларнинг етарли тадқиқ этилмаганини эътиборга олмаганда, яқинлик кўп. Энг асосий яқинлик шундаки, мазкур тадқиқотларнинг барчаси, фуқаролик жамиятини барпо этишни Ўзбекистоннинг миллий демократик тараққиёт йўли, деб биладилар.

Маълумки, ҳар қандай демократик тузумнинг моҳияти ундаги ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятлар билан белгиланади. Бу қадриятларнинг субъекти ҳам, объекти ҳам шахс — жамият — давлат тизимида, улар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Мазкур қадриятлар ва уларнинг институционал

www.ziyouz.com kutubxonasi

намоён бўлиши замонавий жамиятларнинг барчасига тааллуқлидир. Демак, демократик тузумдаги қадриятларни шахс — жамият — давлат силсиласи призмасидан ўтказиш гипотетик тарзда бўлса-да, жамиятни тараққий эттириш моделини ҳам аниқлаш имконини беради. Ушбу тизимни қуйидаги чизма орқали ифодалашимиз мумкин.



Чизманинг субъектлари ўртасидаги ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий қадриятлар турли шаклларда ва айни пайтда изчиллиқда намоён бўлади. Чунки, инсоннинг ҳаётий мақсади, жамиятдаги ўрни, қандай меъёрларни қўллаб-қувватлаб ва қандай меъёрларни инкор этиб яшаши унинг қадриятларга қандай муносабатда эканига боғлиқдир. Инсон шу тариқа ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топади ва қандай йўналишда эканлигини аниқ тасаввур этади. Энг муҳими шундаки, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий қадриятларга муносабати, уларни нечоғли ўзлаштирганига қараб, шахснинг хулқ-атвори қандай йўналишда шаклланишини, у ўзини қай йўсинда намоён қилишини олдиндан аниқлаш мумкин бўлади. Фуқаролик жамиятида шахс, инсон манфаатлари ижтимоий манфаатларнинг негизини, асосини ташкил қилар экан, шубҳасиз, ўтиш даврида шахс манфаатлари билан ижтимоий манфаатлар уйғунлигини таъминлаш муҳим ижтимоий-амалий аҳамият касб этади. Ушбу вазифа шахс — жамият, шахс — давлат ва жамият — давлат тизимлари ўртасидаги муносабатлар, тўғрироғи, ушбу муносабатларни шакллантирувчи институтлар фаолияти орқали рўёбга чиқади.

Фуқаролик жамиятида **шахс – жамият** тизимидаги манфаатлар уйғунлигини таъминловчи институтларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

— хусусий мулк ва шахснинг иқтисодий эркинлигини таъминловчи нодавлат ташкилотлари;

— давлат муассасалари (масалан, мактаблар, маънавият ўчоқлари) ҳиссадорлик корхоналари;

www.ziyouz.com kutubxonasi

— оила, қариндош-уруғ институтлари;
— жамоат уюшмалари;
— диний конфессия ва ташкилотлар;
— маданий-маърифий бирлашмалар;
— жамғармалар, ассоциациялар;
— оммавий ахборот воситалари ва бошқалар.

Ушбу институтлар шахс-жамият тизимидаги алоқаларни нафақат ранг-баранглаштиради, балки уларни шаклланаётган фуқаролик жамиятининг идеал моделига яқинлаштиради. Тўғри, ушбу институтлар ёки уларнинг йўналишлари сони қанча, қандай бўлишини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Аммо шуниси аниқки, фуқаролик институтлари тизимининг асослари барпо этила боргани сари фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, жамият ҳаётидаги иштироки ҳам кенгаяди.

Шахс — давлат тизимидаги алоқалар асосан сиёсий институтлар ва ташкилотлар орқали амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

— ҳуқуқий давлат;
— сиёсий партиялар;
— ижтимоий ҳаракатлар;
— маҳаллий ҳокимият;
— фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқалар.

Шахс — давлат тизимидаги муносабатлар ҳар доим ҳам сиёсий характерга эга бўлавермайди, аммо фуқаролик жамиятини шакллантиришда айнан сиёсий характердаги алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг, жамиятнинг асосий сиёсий институт бўлмиш давлат билан алоқалари, давлатга муносабати жамиятдаги сиёсий вазиятни, муҳитни белгилайди. Ўзбекистонда инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устун қўйилиши идеалда ҳам, реал ҳаётда ҳам сиёсий институтлар шахс ҳуқуқи, эркинликлари ва манфаатларига хизмат қилиши зарурлигини англатади. Лекин бу, юқорида таъкидлаганимиздек, шахснинг давлат манфаатларини рад этишини ёки уларга ўз манфаатларини ғайриқонуний тарзда қарши қўйиши мумкинлигини англатмайди.

Фуқаролик жамиятида **жамият — давлат** тизимидаги алоқалар юқоридаги икки тизимдаги жараёнлардан юқорироқ поғонада кечиши билан фарқ қилади. Бу тизим аввалги икки тизимнинг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши, яшаши учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

зарур ижтимоий-ҳуқуқий макон яратиб беради. Жамият — давлат тизимига қуйидаги институтлар киради:

— Қонунчилик палатаси;

— Сенат;

— Юқори ижроия органлари;

— Конституциявий суд ва Олий суд;

— референдум, сайлов тизимлари ва бошқалар.

Шахс — жамият ва шахс — давлат тизимлари ўртасидаги алоқалар динамик характерга эга бўлгани учун жамият — давлат тизими фаол ҳаракат қилади, уларда бўлаётган ўзгаришларни тез илғаб, зарур чора-тадбирлар қўллаб боради. Ўзгаришлар, табиийки, мудом ижобий хусусиятга эга бўлавермайди. Шунинг учун жамият — давлат тизими умумий ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий қадриятларни белгилаб беради. Агар шундай меъёрлар ишлаб чиқилмаса, қуйи тизимларда турли англашилмовчиликлар, зиддиятлар, низолар, дезинтеграция, ҳатто анархияга мойил хатти-ҳаракатлар пайдо бўлади, бундай вайронкор ҳодисаларни эса "ҳукмрон", қарорлар қабул қилувчи жамият — давлат тизимигина бартараф этиши мумкин.

Шахс — жамият, шахс — давлат ва жамият — давлат тизимлари нисбий маънода автономдир, аммо уларнинг яхлит тизим тарзида ҳаракат қилишини таъминловчи тамойиллар мавжуд. Уларга озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши (мажоритар), ҳуқуқ ва эркинликлар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бозор иқтисодиёти қонунларининг устуворлиги, умуминсоний демократик қадриятлар кабилар киради.

Жамиятнинг барқарорлиги ва ривожланиши асосан озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши билан таъминланади. Ушбу шарқона демократик тамойил Ислом Каримовнинг "элим деб, юртим деб яшаш керак" деган даъватида яққол ўз ифодасини топади. Бироқ ғарб демократиясида жамиятнинг барча аъзолари якдил қўллаб-қувватлайдиган тартиб-қоида, меъёр ва қадриятлар йўқ, шунинг учун озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши "ғайриҳаётий афсона" деган ёндашув кенг тарқалган. Бундай "ғайриҳаётий афсоналар" ҳукмрон жойда озчилик билан кўпчилик ўртасида муроса, консенссус ҳам бўлиши қийин. Ўзбекистонда эса, шарқона демократияга мувофиқ, ўзаро аҳил-иноқ, жамоа бўлиб яшаш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, эл-юрт манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш тарихий-маданий анъанадир. Умуман, инсонийлик, ахлоқ-одоб, маънавий бойликка интилиб яшаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

азалдан халқимиз асраб, авайлаб келаётган қимматли мерос сифатида улуғланади. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда халқимизнинг эзгулик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, диний бағрикенглик, ҳалоллик каби фазилатлари муҳим аҳамиятга эга.

"Эркинлик, — деб ёзади Р.Даль "Иқтисодий демократия асослари" китобида, — бебаҳо қадрият ва инсоннинг асосий моҳиятига оид характеристикадир". Шу билан бирга **инсон эрки, ҳуқуқи фуқаролик жамиятидаги асосий демократик қадриятлардир.** Бу ўринда энг аввало фуқаронинг иқтисодий ва сиёсий эркинлиги, унинг ушбу соҳаларда ўзини ҳеч қандай тазйиқсиз, кўрсатмасиз намоён қила олиши назарда тутилади. Фуқаролик жамиятининг шаклланиш хусусиятларини ўрганган тадқиқотчилар инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг айнан ушбу йўналишларига урғу бериши бежиз эмас. Фуқаролик жамияти идеалини, масалан, иқтисодий нуқтаи назардан олиб қарасак, турли хил мулк шаклларининг мавжудлиги, эркин бозор, эркин тадбиркорлик ҳар бир эркин фуқарога ўзи истаган соҳада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, ўзи истаган жойда ёлланиб ишлаш кафолатини беради. Фуқаролик жамиятида хусусий мулкнинг табиий мавжудлиги шахс эркинлигининг асоси, фундаментал шарти ҳисобланади.

Fарб демократиясида эса инсоннинг иқтисодий эркинлиги ва сиёсий ҳуқуқлари ўртасида зиддиятлар мавжуд. Фуқаролар сиёсий томондан тенг ҳуқуқли бўлса-да, иқтисодий томондан ҳамма бир хил бўлолмайди, оқибатда кам даромад кўрувчилар омади чопганларга қарши бирлашади. Улар бирлашганда кўпчиликни ташкил қилса, демократик жараён бу гуруҳга даромадлироқ кишиларнинг иқтисодий ҳуқуқларини поймол қилиш имконини беради. Кўриниб турибдики, Fарб демократиясида эркин иқтисодий фаолият ҳар доим ҳам сиёсий ҳуқуқ меъёрларига, сиёсий эркинлик хусусий мулкка эгалик қилиш эҳтиёжлари ва ҳолатларига тўғри келавермайди. Ўзбекистонда эса сиёсий тузумнинг ўзи ва унинг асосий тамойилларига хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Мана шу уйғунлик Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг кафолатидир.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий тамойилларидан биридир. Л. Мизеснинг "Индивид, бозор ва ҳуқуқий давлат" асарида кўрсатилишича, ҳуқуқий тенглик қарор

www.ziyouz.com kutubxonasi

топмаган жамиятда ҳар доим антагонистик зиддиятлар, ҳатто тўнтаришлар хавфи мавжуд бўлади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг миллати, ирқи, келиб чиқиши, мавқеи, дини, жинси ва ёшидан қатъи назар тенг ҳуқуқли эканлиги Конституция билан кафолатланган. Масалан, Бош қонунимизнинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, 13-моддасида мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар билан ҳимоя қилинади, деб таъкидланади. 1996 йилда Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ташкил этилди, Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ I сессиясида Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент вакили (Омбдусман) сайланди. Бу йўналишдаги ислоҳотларни кўп келтириш мумкин. Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун зарур ҳуқуқий асос яратилган, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, уларни рўёбга чиқаришга оид ижтимоий-ҳуқуқий муҳит қарор топган ва у янада такомиллаштирилмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда **бозор иқтисодиётига ўтиш** жараёни жадал давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётига нафақат корхоналарни бошқариш, балки уларни янгидан ташкил этиш ё тугатишга дахлдор ўз-ўзини бошқариш жараёнлари ҳам хосдир. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти доираларида корхоналар ҳар хил давлат кўрсатмаларидан холи бўлади, идеалда эса корхоналарнинг тақдири фақат ва фақат ўзларининг молиявий имкониятларига боғлиқдир.

Умуминсоний демократик қадриятларга таяниш Ўзбекистонда миллий демократик тараққиётни таъминлаш шартларидан бири сифатида эътироф этилади. Буни фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга оид тадқиқотларда амалга оширилаётган кенг ёндашувларда, жаҳон илми ва фалсафасидаги илғор қарашларни ўрганишда, халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини тан олишда кўриш мумкин.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти қуриш учун зарур ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий асослар яратилган, аммо уларни ижтимоий ҳаётга жорий этиш, ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёш авлоднинг ҳаёт фалсафасига

www.ziyouz.com kutubxonasi

айлантириш ҳар бир давр учун долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Идеалга етиш эмас, унга мудом талпиниб яшаш ижтимоий ҳаётнинг, тараққиётнинг чексизлиги белгисидир.

2.3. Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси

Кейинги йилларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳақида жуда кўп асарлар, мақолалар, рисолалар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилигида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат яхлит воқелик ёки айни тушунчалар сифатида талқин этилади. Баъзан улар ўртасидаги фарқ, бир-бирларига муносабат ҳисобга ҳам, тилга ҳам олинмайди. Аслида фуқаролик жамияти ҳам ижтимоий тараққиёт шакли бўлган амалий воқелик сифатида, ҳам ижтимоий тараққиёт йўналишига хизмат қилувчи идеал сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат барпо этилган тақдирдагина мавжуд фуқаролик жамияти идеал фуқаролик жамиятига мос бўлади. Идеал фуқаролик жамияти жамиятда қонун устуворлигига, одамлар эркинлигига, ҳуқуқда уларнинг табиатан тенглигига асосланади. Жамият аъзолари муайян мажбуриятларни онгли, кўнгилли равишда ўз зиммаларига олишади ва умумий қонунларга бўйсунишади.

Демак, ҳуқуқий давлат мавжуд фуқаролик жамиятини идеал фуқаролик жамиятига бошлаб борувчи воситадир. Бироқ бу фикр олдин ҳуқуқий давлат барпо этилади, ундан кейин эса идеалдаги фуқаролик жамияти пайдо бўлади, дегани эмас. Фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлат диалектик тарзда бир-бирига таяниб, бир-бирини тўлдириб, бири бирини тақозо этиб келади, улар ўртасидаги алоқалар узлуксиздир. Фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ҳуқуқий давлат қуриш қандай табиий ҳол бўлса, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида идеалдаги фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳам шундай табиий ҳолдир.

Булардан маълум бўладики, фуқаролик жамияти мавжуд ва идеал кўринишларда келади. Мавжуд фуқаролик жамияти биз яшаётган демократик, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва эркинликлари таъминланган жамиятдир, идеалдаги фуқаролик жамияти эса миллий демократик тараққиётнинг юқори чўққисида, қонунларга итоат этиш барчанинг ҳаёт тарзи ва ижтимоий фаолият асосига айланганида қарор топади.

Ушбу услубий аҳамиятга эга фикрни эсда тутиш зарур. Биз фуқаролик жамияти деганда, асосан келгусида барпо

www.ziyouz.com kutubxonasi

этиладиган идеал фуқаролик жамиятини, ҳуқуқий давлат деганда эса, ушбу идеал фуқаролик жамиятини барпо этиш воситасини назарда тутамиз. Аммо бу "восита" тап-тайёр "технологик ускуна" эмас, у жамият билан бирга мудом ҳаракатда, ўзгаришда бўлади, давр талабларига мослашиб боради. Демак, ҳуқуқий давлат бугун мавжуд бўлган фуқаролик жамиятида ташкил топиб, унинг идеал шаклини барпо этишни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, жамиятнинг давлатдан кенгроқ қамров касб этишини, давлатни жамият шакллантиришини унутмаслик зарур. Жамият давлат мақомини белгилайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятида ҳуқуқий давлат фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, диний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ихтиёрий ташаббусларини, уларнинг инсоний ҳуқуқларини, хайрли мақсадларни рўёбга чиқарувчи бирлашмаларини юридик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган институт сифатида намоён бўлади.

Жамият билан давлат ўртасидаги алоқалар уларнинг инсонга, шахсга бўлган муносабатлари орқали аниқланади. Маълумки, ҳеч қачон жамият ва давлатнинг инсонга, шахсга муносабатлари бир хил, якдил, айни бўлмаган. Фақат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда улар уйғунлик касб этади.

Шўро даврида инсонлар, халқлар ўзларининг асрий идеали — озод, ҳур, фаровон ва адолатли ҳаёт қуриш истагидан воз кечмаган. Ҳатто сталинизм, давлат терроризми авж олган йилларда ҳам улар ғайриҳаётий ғоя саналмиш коммунизмни эмас, аслида ўзларининг азалий орзуси бўлган идеал жамият ҳақидаги қарашларини ҳимоя қилган, қўллаб-қувватлаган. Давлат тор сиёсий гуруҳ қўлида эди. Фақат КПССга аъзо бўлганларгина у ёки бу давлат институтларини бошқариш имкониятига эга эди. Инсоннинг сиёсий ҳуқуқи бир номзодли сайловларда қатнашиш билан чегараланганди. Инсон ШАХС сифатида ўзининг нафақат сиёсий, шу билан бирга иқтисодий, маданий ҳуқуқларини ҳам тўла рўёбга чиқариш имконига эга эмас эди. Буларнинг барчаси бу жамиятда турли норозиликларни, диссидентлик ҳаракатларини ва алалоқибат сиёсий тузумга қарши очиқдан-очиқ курашни юзага келтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жамият билан давлатнинг шахсга муносабатлари айни бўлиши учун давлатни жамиятдан устун қўйишдан, халқни тор сиёсий гуруҳ мақсадларига хизмат қилишга мажбурловчи тартиб-қоидалардан воз кечиш зарур. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунларданоқ давлатни жамиятга, халққа хизмат қилувчи институтга айлантиришга, унинг бутун фаолиятини ҳуқуқ, қонунлар асосига қуришга киришди. Чунки, фақат шу тақдирдагина давлат жамият манфаатларини, шахснинг инсоний ҳуқуқларини таъминлаш орқали фуқаролик жамиятининг негизи — шахснинг эркки ва ҳуқуқини таъминлашга, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси энг аввало Конституцияга таянади. "Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, — дейди Ислом Каримов "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" асарида. — Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан — асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик"[1].

Бош қонунимизда ҳозирги замон конституцияларидаги умуминсоний, умумдемократик қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим меъёрлари мужассамлашган. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, демократик-ҳуқуқий давлат қуриш конституцияси сифатида Ўзбекистон халқи хоҳиш-иродасининг ифодасидир ва бу ифода умумдемократик тамойилларни ўзида мужассам этувчи, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган Бош қонундир.

Конституциянинг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон халқининг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устуворлигини тан олгани ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйгани қайд этилади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб,

---

[1] *И.А. Каримов.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат//Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., "Ўзбекистон". 2006. 124-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, конституциявийлик ва қонун устуворлиги, мамлакат халқаро муносабатларнинг комил ҳуқуқли субъекти сифатида ташқи сиёсат юритиши Конституциянинг асосий тамойиллари этиб кўрсатилади. Олимларимиз уларни кенгроқ талқин қилиб, кўпроқ тамойилни санайдилар. Албатта, бу ерда уларнинг қаторини кенгайтириш мумкин. Лекин, келинг, диққатимизни Конституциянинг фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларига қанчалик хизмат қилишига қаратайлик. Бу Конституциянинг қайта кўриб чиқилмайдиган ҳуқуқий меъёрларида (иммунитет) ва ижтимоий қарорлар қабул қилишда инерцияни таъминлашида намоён бўлади.

АҚШнинг Манчестер университети профессори, йирик сиёсатшунос Я.Лэйн таъкидига кўра, конституцияга таянадиган давлатда конституциявийлик кучли ёки заиф кўринишда келади. "Кучли конституциявийликка кўп иммунитетлик хос, заифида иммунитет кўп бўлмайди" дейди олим "Демократия ва конституциявийлик" китобида. Иммунитет қонун ишлаб чиқувчи ва қарор қабул қилувчи субъектларнинг, институтларнинг фаолиятини чегаралайди, уларнинг ташаббуслари Конституция доирасида бўлишини талаб қилади. Иммунитети кучли конституциявийлик, Я. Лэйн фикрига кўра, демократияга кўп тўсиқ-ғовлар қўяди, status-quo тамойилини мустаҳкамлайди, пировардида демократиянинг фундаментал ғояларига зид келади. Шу нуқтаи назардан кучли иммунитетга эга конституциявий тузум демократия тамойилларига мос келишини тасаввур қилиш қийин.

Муаллиф, кам иммунитетли конституциявийлик демократик институтларнинг кенгайишига йўл очиб, ижтимоий қарорларга узвийлик бахш этади, деб ҳисоблайди. Айнан кам иммунитетли конституцияга таянадиган тузум, давлат демократик ўзгаришларга мослашишга, уларнинг йўналиш ва характерини ифода этишга мойил бўлади.

Аслида Конституциянинг устунлиги ва қонун устуворлиги ҳам шу тариқа таъминланади. Айни пайтда бу фикр Конституциянинг барқарор, муқим ва дастурий йўналишдаги ҳужжат эканини ҳам инкор этмайди. Ижтимоий воқелик талабларидан келиб чиқадиган қонунлар, табиийки, ушбу талабларнинг ўзгаришига қараб модернизациялашиб, даврга мослашиб, мувофиқлашиб боради, лекин улар Конституция доирасида ўзгаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суверенитет давлатнинг умумий ва ажралмас хусусиятидир. "Давлат суверенитети" тушунчаси эса давлатнинг тўла ҳуқуқини рўёбга чиқаришда, ички ва ташқи функцияларини бажаришда, сиёсат юритишда бошқа давлатларга қарам ё тобе эмаслигини англатади. Умуман олганда, давлат суверенитети миллат, халқ суверенитетидан бошланади ва унинг ўрнига келади. Шунинг учун Ўзбекистонда давлат суверенитети ва халқ суверенитети ягона, бўлинмайдиган тушунчалардир. Улар бир-биридан ажралган суверенитетлар эмас, балки бир бутун суверенитет бўлиб, халқ ва унинг давлати бу суверенитетга тўғридан-тўғри эгалик қилади. Демак, халқ, миллат ва давлат суверенитетлари айнан бир хилдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси суверенитет ва миллий истиқлолни асраб-авайлаш мақсади билан уйғундир. Бу ўринда гап, биринчидан, суверенитетни мустаҳкамлашга қаратилган миллий ҳуқуқий тизимни яратиш, иккинчидан, қонунларга бўйсунишни ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айлантириш. Учинчидан, қонунларнинг инсон манфаатларига, ҳуқуқларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъминлаш орқали фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш ҳақида бормоқда.

Миллий ҳуқуқий тизим Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва истиқбол-истиқлол мафкурасидан (фалсафаси) келиб чиқувчи концепцияга таяниши, ҳуқуқий тизимнинг аниқ-равшан назарий тавсифига эга бўлиши лозим. Ушбу ҳуқуқий тизим қуйидаги ҳуқуқий воқеликлар ва ижтимоий тараққиёт фалсафасига оид назарий йўналишларни ўз ичига олади:

1) фалсафий ва мафкуравий (ҳуқуқнинг талқини, ҳуқуқ тушунчаси ва категориялари, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият);

2) меъёрий (жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи);

3) институционал-ташкилий (ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш ва ҳуқуқни қўллаш жараёни билан боғлиқ юридик муассасалар);

4) социологик ва ижтимоий (ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни татбиқ этиш, қонунийлик муҳити, юридик амалиёт) унсурлар.

Кўриниб турибдики, миллий ҳуқуқий тизим ижтимоий-демократик тараққиёт фалсафаси ва мафкурасига ҳамда ху-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сусий ҳуқуқ механизмларига, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг каби ҳуқуқий воқеликка таянади.

Қонунларга бўйсунишни фуқароларнинг ҳаёт тарзига айлантириш миллий ҳуқуқий тизимга юкланган вазифалардан биридир. Шунинг учун миллий ҳуқуқий тизим ҳуқуқий воқеликнинг сиртқи белгисигина эмас, у моҳиятан жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқароларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилгандир.

Шу билан бирга, ушбу жараён ҳуқуқий тизимнинг статик ва динамик хусусиятларига ҳам боғлиқ эканини унутиб бўлмайди. Статик белгиларга, юридик меъёрлар, ҳуқуқий тамойиллар ва институтлар, ҳуқуқий муассасалар, ҳуқуқий ғоя, қараш ва тасаввурлар, динамик белгиларга эса, ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш, ҳуқуқни рўёбга чиқариш (қўллаш жараёни), ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари, ҳуқуқий тафаккур (ҳуқуқий онгнинг ривожи, ижтимоий ҳаётга фаол таъсири) киради. Демак, ҳуқуқий тизимнинг статик ва динамик хусусиятлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлашни ва фуқароларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва такомиллаштиришни узлуксиз жараёнга айлантиради. Ҳуқуқий давлат ушбу узлуксиз жараённинг маълум бир маҳсули, идеал чўққиси ва ўз навбатида фуқаролик жамиятининг ўзидир.

"Ҳуқуқ фалсафаси" асарида Гегель фуқаролик жамиятига таъриф берганида шундай уйғунликни назарда тутган: "Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат ўзининг зиммасига менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади".

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси мамлакатимизнинг Бош қонунида белгилаб берилган ҳуқуқий меъёрларни, стратегик мақсадларни ифода этади. Шу маънода, В. Гессен ибораси билан айтганда, "конституцияли давлат ҳуқуқий давлатдир. Конституцияли ва ҳуқуқий давлат синонимлардир"[1].

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири халқ ҳокимиятчилиги, давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда

---

[1] *Гессен В.О.* О правовом государстве // Теория государства и права. Хрестоматия. М., Интерстиль, 1998. 276-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фуқароларнинг кенг иштирок этишининг таъминланганлигидир. Ўзбекистон Конституциясининг II боби айнан халқ ҳокимиятчилигига бағишланган. Унда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши (7-модда), давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши, умумий овозга (референдум) қўйилиши (9-модда) кўрсатилган.

"Халқ ҳокимиятчилиги" деганда Ўзбекистон халқининг давлат ва жамият ҳаётини бошқаришдаги иштироки назарда тутилади. Уни юридик адабиётларда "бевосита бошқариш" ёки "билвосита бошқариш" деб аташади.

Бевосита бошқариш деганда халқнинг давлат органларини тузишда ва бошқаришда тўғридан-тўғри қатнашиши тушунилади. Адабиётларга мурожаат қиладиган бўлсак, бевосита бошқариш халқнинг: 1) давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама этишда қатнашишида; 2) референдумда иштирок этишида; 3) депутатларнинг ҳисоботларини тинглаш ва улар билан учрашишида; 4) жамоат бирлашмалари, хусусан, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришида намоён бўлади.

Тўғри, ушбу шакллар мутлақлилик мақомига эга эмас, уларнинг айримлари баҳсли ва ҳатто эътироз уйғотади. Масалан, халқнинг давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама этишда қатнашишини бевосита бошқаришга тааллуқли дейиш қанчалик асосли? Ахир, бевосита бошқариш вазифасини ижтимоий институт фаолияти учун масъул субъект (субъектлар) амалга оширмайдими? Халқ муҳокамасида қабул қилинган қарор масъул субъект ўрнини қанчалик боса олади? Бошқа шакллар хусусида ҳам шунга монанд фикрларни баён этиш мумкин. Умуман олганда, халқнинг бевосита бошқаришини тасаввур қилиш қийин, шунинг учун яхшиси, "бевосита бошқариш" ва "билвосита бошқариш" деган публицистик иборалар ўрнига бошқаришнинг аниқ шаклларига мурожаат этган маъқул.

Ҳуқуқий давлат қуриш доктринасида давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлини-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ши муҳим ўрин тутади. Ушбу қарашнинг генезиси, замонавий муаммолари ҳақида жуда кўп фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар, тадқиқотларнинг натижалари чоп этилган[1]. Ўзбекистон мустақилликка эришган кунларидаёқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун ҳокимиятни тақсимлаш тамойилини ёқлади ва уни жадал амалга оширишга киришди. Шунинг учун Ислом Каримов: "Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир", деб таъкидлаган эди. Ушбу мураккаб вазифа ҳозир тўла амалга оширилган, ҳокимиятнинг тақсимланиши юридик-ташкилий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан якунланган. Унда ҳокимият бўғинларининг фаолияти чегараланган, қонун билан тартибга солинган. Шунинг учун ҳуқуқий давлатга ҳам давлат ҳокимияти хосдир, аммо ушбу ҳокимият чегараланган шаклда бўлади ва бу чегара қатъий ҳуқуқий характерга эга.

Шу тариқа ҳокимият ҳуқуқий ҳокимиятга айлантирилади, яъни унинг барча ҳаракатлари ҳуқуқ меъёрлари билан белгилангандир. Ҳокимиятга эга шахслар, институтлар ҳокимиятга эга бўлмаган шахслар, институтлар билан бирдек ҳуқуқ меъёрларига бўйсунадилар. Ҳуқуқ меъёрларига, қонунларга ижро ҳокимияти ва суд органларининг, амалдорларнинг бўйсуниши эса қонун чиқарувчи органнинг қолган ҳокимият бўғинларидан, институтларидан устун туришини англатади. Демак, ҳуқуқий давлатда ижтимоий ҳаёт, инсон манфаатлари ва интилишлари устидан ҳокимият, давлат эмас, балки ҳуқуқ, қонун ҳукмронлик қилади. Айнан ҳуқуқ, қонун давлат ҳокимиятига жамиятдан ташқарида турувчи алоҳида институт сифатида қарашни бартараф этади ва унинг жамиятга, инсонга хизмат қилишини таъминлайди.

Албатта, ҳуқуқнинг, қонуннинг давлат ҳокимиятидан устунлиги уларнинг давлатни инкор этишини ёки уни бошқа

---

[1] *Хайек Ф.А.* Общество свободных. Z., 1990; Антропология права. М., Юрист, 1999; *Воеводин Л.Д.* Юридический статус личности в России. М., изд-во МГУ, 1997; *Киров В.Ц.* Парадоксы государственной власти в гражданском обществе. М.: Норма, 1992; *Ware A.* Citezens. Parties and the State. Cambridge, 1987; The Role of the Constitution in a Changing Society. Oslo, 1990; Democracy and Political Transformation. Budapesht, 1991; *Жалилов Ш.* Кучли давлатдан — кучли жамият сари. Т.: "Ўзбекистон", 2001; *Гуломов М.* Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси. Т.: "Адолат", 2003; *Исломов З.М.* Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. Т.: 2002.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ижтимоий ташкилотлар қаторига тушириб қўйишини англатмайди. Баъзи адабиётларда фуқаролик жамиятига таъриф берилганида давлатнинг мавжуд бўлиши ҳатто тилга олинмайди. Натижада фуқаролик жамиятида фақат нодавлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалари мавжуд бўлиб қолади, ҳатто улар давлатдан айрича яшаши мумкин, деган нотўғри хулоса келиб чиқади. Аслида бу марксистлар таълимотидаги "давлат аста-секин ўлади" деган мантиқий башоратининг давомидир. Халқ, миллат, жамият бор экан, давлат ўлмайди, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши эса махсус ижтимоий бошқарувни шарт қилиб қўяди. Шунинг учун, айниқса жамиятнинг янги ижтимоий-маданий парадигмага, тоталитар тузумдан демократияга ўтиши даврида давлатнинг аҳамияти ҳам, ташкилотчилик, бошқарувчилик роли ҳам ортади. Фуқаролик жамияти қуриш жараёнида демократик ҳуқуқий давлат ҳам ижтимоий ташкилотлар даражасига тушиб қолиши мумкин эмас, аммо унинг бошқарув функцияларида, ваколатларининг маҳаллий ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказишида муайян бир ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Демак, фуқаролик жамияти институтлари фақат нодавлат, жамоат ташкилотлари, бирлашмаларидан иборат, улар давлатдан чеккада, ҳатто унга қарши туради, деб қараш нотўғридир. Ҳуқуқнинг умумий ижтимоий меъёрга айланишини, қонун устуворлигини таъминлашни давлат иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди, акс ҳолда, биз Ўзбекистондаги туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг ташкилотчиси давлатимиз эканини ҳам инкор этган бўламиз.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси мамлакатимиз Конституциясидаги инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият-тидир (13-модда), давлат инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий адолат ва қонунийликни қарор топтиришга (14-модда) хизмат қилади, деган фундаментал тамойилларга таянади. Улар қаторига инсоннинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларда эркин қатнашиши, мулкка эгалик ҳуқуқи (36-модда) ҳам киради.

Бозор иқтисодиёти мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил эркин харидор ва мустақил озод фуқаро ўртасидаги хусусий мулкка асосланган демократик муносабатлар тизимини яратади. Айнан хусусий мулк жамиятни демократик ислоҳ қилишда бош омил ҳисобланади. Хусусий мулк эгаси тегиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли қонунлар доирасида истаган пайти ўз хоҳиши ва имкониятига қараб, давлатга "йўқ", дейиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ унга ўзининг моддий имкониятларидан ажралиб қолмаслик имконини беради.

Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий давлат билан шахс ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро муносабатлар уларнинг бир-бири олдидаги ҳуқуқлари ва бурчларидан келиб чиқади. Ўзбекистон Конституциясининг иккинчи бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", учинчи бўлими эса "Жамият ва шахс" деб аталади. 19-моддада таъкидланишича, фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. 20-моддада фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт, деб кўрсатилади. Шунинг учун давлат халқ, инсон манфаатларига хизмат қилса-да, фуқаролар ҳам ўз навбатида давлатнинг манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказмаслиги зарур. Аслида давлат халқ, фуқаролар манфаатларига хизмат қилишининг таъкидлаб қўйилиши Бош қонунимизнинг инсонпарварлик тамойилларига содиқлигидан дарак беради.

Шахс билан давлат ўртасидаги боғлиқлик, муносабатлар фуқароларнинг: умумий ёки конституциявий ҳолати; махсус ёки мавқеи билан боғлиқ ҳолати; лавозими билан боғлиқ ҳолати; тасодифий вазиятларда ишловчи шахслар ҳолати каби ҳуқуқий ҳолатлари орқали қарор топади. Айрим тадқиқотчилар улар қаторига шахснинг давлатга мансублиги, яъни шу давлатнинг фуқароси бўлиши ёки бўлмаслигини ҳам киритади. Албатта, шахснинг қайси давлат фуқароси эканлиги ҳуқуқий ҳолат учун муҳимдир. Аммо миллий ҳуқуқни шакллантиришда халқаро меъёрларга таяниш ҳуқуқий тараққиётнинг етакчи анъанаси бўлаётган экан, у юқоридаги ҳуқуқий ҳолатларга таъсир этмай қолмайди. У аввало шахс ҳуқуқий ҳолатининг кенгайишида акс этади. Бунга ҳуқуқий давлатнинг йўл ёмонлиги сабабли ҳайдовчилар олдидаги ёки санитария-эпидемиология хизматининг керакли савияда эмаслиги сабабли зарар кўрган фуқаролар олдидаги жавобгарлиги ҳақида қонунлар қабул қилиниши мисол бўлиши мумкин. Ҳатто илмий адабиётларда давлатнинг фуқаро олдида жавобгарлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида махсус қонун қабул қилиш зарурлиги таъкидланмоқда. Демак, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, эркинликлари, давлат билан муносабатлари ҳуқуқий давлатда кенгаяди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг шахс эркинликларини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ошишидан далолат беради.

Шахс ҳуқуқий ҳолатининг, эркинликларининг кенгайиши давлат функцияларининг қисқариши ҳисобига содир бўлмайди, аксинча, давлат тегишли функцияларини кенгроқ ва сифатлироқ бажариши керак. Жамлаб айтадиган бўлсак, фуқаролик жамиятини ривожлантириш асло давлатни заифлаштириш ёки уни ўз функцияларини бажаришдан четлаштириш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак. Аксинча, давлат ҳокимият органларини қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни жамоатчилик обрўсига таянган ҳолда ҳар томонлама мустаҳкамлаши зарур.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлат қуриш доктринасида кучли давлат барпо этиш бош вазифалардан бири этиб белгиланган. Бироқ фуқаролик жамиятида давлатнинг шахс ҳаётига аралашуви махсус қонунлар билан аниқ белгиланган бўлади. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари фундаментал аҳамиятга эгадир: Ҳақиқий миллий равнақка биз фақат давлат ҳокимияти вазифалари қатъий ва мукаммал белгилаб ва шу билан бирга чеклаб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга даҳлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир. Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтириш — бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир.

Вазифалари чеклаб қўйилган деганда давлатнинг фуқаролар ҳаётидан мутлақ четлашиши ёки уларнинг ҳаётига мутлақ бефарқлиги эмас, балки давлатнинг фуқаролари билан муносабатлари жамият томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган ҳуқуқий маконда кечиши тушунилади. Давлатнинг фуқаролар ҳаётидан мутлақ четлашишини ёки ўз вазифаларини мутлақ

www.ziyouz.com kutubxonasi

чеклашини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳуқуқий давлатнинг ўзи давлатнинг ҳуқуқий макон талабларига бўйсуниши натижасидир. Шу билан бирга, ижтимоий ҳаёт тасодифларга тўла, унда норавон ривожланиш қонуниятлари амал қилиб, гоҳо кутилмаган муаммоларни (масалан, терроризм ёки диний экстремизм) ҳал этишга ёки ташқи вайронкор омиллар таъсирида ички сиёсатда маълум бир истисноларга боришга тўғри келишини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Ушбу синергетик ҳолатлар ва вайронкор омиллар таъсирини умумдавлат миқёсида ижобий воқеликка айлантиришни фуқароларнинг бирор ихтиёрий уюшмаси ўз зиммасига ололмайди, фақат давлатгина уларни ҳал этиш учун куч ва имкониятга эга. Бу ҳам фуқаролик жамиятида давлатнинг роли ва аҳамияти камаймаслигини, у айрим функцияларини фуқаролар институтларига ва маҳаллий ҳокимият органларига берса-да, унинг ўз функцияларини бажаришдаги тўла иштироки ва масъуллиги нафақат сақланиб қолишини, балки сифат жиҳатидан ошишини англатади.

Давлатнинг институционал ривожланишини башорат қилиш мумкин бўлса-да, унинг жамият билан алоқаларини, унга ижтимоий муносабатларнинг таъсирини тўла башорат қилиш қийин. К.Поппер ибораси билан айтганда, "ҳатто энг ажойиб назарий конструкциялар ҳам ҳеч қачон тарихий тараққиёт йўлларини белгилаб беролмайди. Ҳатто башорат рационал режага мос келганида ҳам, у ҳеч қачон айнан режадагидек бўлиб чиқмайди. Келажак ҳақидаги социал инженерия, у қанчалик реалистик ва илмий бўлмасин, утопик хаёл бўлиб қолишга маҳкум"[1]. Шунинг учун ижтимоий-тарихий ривожланиш олдиндан ишлаб чиқилган режалар орқали эмас, балки ички социодинамик хусусиятларига мувофиқ кечади. Ушбу хусусиятлар умумий бўлиб, ҳар бир босқичда у аниқлаштирилиб, тўлдирилиб, ўзгартирилиб боради. Шу нуқтаи назардан ҳам демократик ҳуқуқий давлат қуриш доктринасидаги кўпгина қарашлар, фикрлар ҳозирча гипотетик характерга эга.

---

[1] *Поппер К.* Нищета историцизма. М., Прогресс, 1993. 57-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2.4. “Ўзбек модели”да Шарқ ва Ғарб демократиясининг уйғунлиги

Бугун ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий фанларда “демократия” тушунчасидек турли талқин ва ёндашувларга эга бўлган категория йўқ. Баъзи тадқиқотчилар унга сиёсий ва иқтисодий соҳаларга, бошқа бир тадқиқотчилар ҳуқуқ-шуносликка оид категория сифатида қарайди. Демократия нима ўзи? Балки у инсоннинг давлат билан мулоқотидир? Бугун дунёда демократиянинг ўнга яқин модели мавжуд. Уни “кишиларнинг давлат ишларидаги иштироки”, “халқ вакиллиги”, “ушлаб туриш ва қарши томонлик”, “элитанинг рақобати”, “ўзаро мусобақа, рақобат, ким ўзди”, “аксилмарказлаштириш”, “тенглик”, “эркинлик” деган талқинларга ҳам дуч келамиз. Шу боис табиий равишда “ким ҳам демократиянинг бу жиҳатларидан қайси бири муҳимроқ эканини айта олади”, деган савол туғилади.

Бу саволга аниқ жавоб айтиш қийин. Буни СССР парчаланганидан кейин мустақил давлатларда пайдо бўлган “ёш демократия”, “шаклланаётган демократия”, “янги демократия”, “тақлидий демократия”, “чала демократия”, “зўраки демократия”, “суллоҳ демократия”, “элитавий демократия” каби кўпинча мавҳум ва мужмал, ҳатто ҳақоратомуз иборалардан ҳам пайқаш мумкин. Аслида муаммо демократиянинг қандай талқин қилинганида эмас (ахир, илм-фан соҳиблари ўзининг мустақил қарашларига эга бўлишини таъқиқлаб ёки қоралаб бўлмайди-ку), балки унинг миллий, ижтимоий, тарихий-маданий шарт-шароитга, социумнинг у ёки бу инновацияларни қабул қилишга тайёрлик даражаларига қанчалик мос келишини ёки нималари мос келмаслигини аниқлашдадир.

Бу ўринда В. Васовичнинг ўтиш даври зиддиятлари ва демократия муаммоларига бағишлаб ёзган “Посткоммунистик давлатларда демократияга ўтиш” номли асарига мурожаат қилайлик. У ҳақли равишда таъкидлайди: “XX асрда рўй берган глобал силкинишлар ғарб ютуқларига ҳасад қилган осиёлик варварларнинг эмас, балки улар дунёсини ўз қарашлари ва манфаатларига мувофиқ ўзгартириш, қайта қуриш ҳуқуқини ўзиники қилиб олган ғарблик “Прометейлар”нинг айби билан содир бўлди. Бундай юлғичлик сиёсатининг оқибати нафақат посткоммунистик мамлакатлар, шу билан бирга бутун дунё

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун бузғунчидир".[1] Шунинг учун муаллиф тараққиётнинг ғарб моделидан воз кечиб, ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ўз "цивилизация анъаналарига таяниши" зарур деб кўрсатади.

Аммо муаллиф келгуси демократик тараққиётни фуқаролик жамиятини шакллантиришга ёрдам берувчи "социал-либерал демократия модели"да кўрса-да, ҳозир ҳеч бир давлат ўз "цивилизация анъаналарига таяниб" қола олмаслигини эътибордан фаромуш қилади. Миллий, ҳудудий қобиқ билан чекланиб қолиш нафақат "глобал демократия"нинг шаклланиши, шу билан бирга миллий демократик тараққиёт учун ҳам тўсиқдир.

Умуминсоний демократик қадриятларни миллий заминга жорий этиш, тоталитар тузум шакллантирган эски тушунчаларни замонавий демократик парадигма билан алмаштириш борасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ўзгаришлар ибратли сабоқ — тажриба бўлиши мумкин. Ушбу мавзуда сўз кетар экан, келинг, "ўзбек модели"да Шарқ ва Ғарб демократиясининг уйғунлашиб келишига диққат қаратайлик.

Президент Ислом Каримов миллий давлатчилик асослари ҳақида фикр юрита туриб, қуйидагиларни таъкидлайди: "Давлат қурилиши борасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳар бир давлат — бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир"[2]. Демак, Ўзбекистон халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий давлатчилик ва тарихий-маданий анъаналарига таяниши лозим. Шу билан бирга, Президентимиз айтганидек, "Биз барпо этаётган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши

---

[1] *Васович В.* Переход и демократия в посткоммунистических странах (парадоксы перехода и демократизации) // Вестник МГУ. Социология и политология. 1998 г. 19-бет.

[2] *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т.: "Ўзбекистон", 1996. 6-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лозим"[1]. Ушбу концептуал аҳамиятга эга кўрсатмадан Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти қуриш Шарқона миллий анъаналарга ва умуминсоний, жаҳон цивилизацияси эришган демократик тажрибага таянишни тақозо этади, деган хулоса келиб чиқади.

Хўш, ушбу хулоса "ўзбек модели"да, умумий-назарий нуқтаи назардан олганда, қандай акс этади? Бугун нафақат Шарқ халқлари ҳаётида, балки бутун жаҳонда (шу жумладан, юксак тараққий этган давлат ва минтақаларда ҳам) дарров илғаб олиш ва тўғри идрок этиш қийин бўлган ижтимоий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар содир бўлмоқдаки, улардан миллий демократик тараққиётимиз манфаатларига мос тажриба ва йўналишларни танлаб олиш осон эмас. Бу ўринда, бизнингча, "ўзбек модели"нинг белгиларини ёдга олиш зарур. Улар, **биринчидан, иқтисодиётнинг мафкурадан мутлақ холи бўлиши, иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи эканлиги, учинчидан, қонун устуворлиги, тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат, бешинчидан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдир.**

"Мафкурадан холи бўлиш" деганда, иқтисодиётни мафкурадан холи қилиб фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг том маънодаги субъектларига айлантириш ва хусусий мулкчиликни шакллантириш назарда тутилади. Чунки фуқароларнинг ташаббускорлигига ва хусусий мулкка асосланадиган бозор иқтисодиётигина жаҳон халқлари билан кенг савдо-сотиқ алоқалари ўрнатишга, замонавий техника ютуқларидан баҳраманд бўлишга, чет элларда кенг тарқалган тажрибани ўзлаштиришга — фирмалар, фермер хўжаликлари, кичик корхоналар очишга имкон яратади.

Фирмаларга фақат иқтисодиётнинг аллақандай бирлиги сифатида қараб бўлмайди. Тўғри, улар товарлар ва хизматлар бозорида фаолият кўрсатади. Юзта хизматни бажариб, юз биринчисига келганда рад этиб кўринг-чи, айни шуниси ҳамманинг ёдида қолади. Демак фирмалар, айни пайтда, демократик қадриятларга мувофиқ, одамларнинг ҳаётий режа ва интилишларни ўзаро ҳамкорликда рўёбга чиқаришини

---

[1] *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т.: "Ўзбекистон", 1996. 7-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгиловчи ва мувофиқлаштирувчи мураккаб ижтимоий тузилмалардир.

Иқтисодий эркинлик, шарқона жамият учун характерли воқелик эканлигига қарамай, эски тузум даврида халқимиз ҳаётидан сиқиб чиқарилган эди. Ушбу воқелик сабабли ҳозир бизда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари бозор ислоҳотларининг тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш, аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби ҳаётий зарур муаммоларини ҳал этишга сафарбар қилинган. Айни мана шу ўринда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси, ишлаб чиқариш муносабатларининг, тўпланган моддий-мулкий бойликларнинг мураккаб тизимларидан иборат пойдевори барпо этилади. Демак, хусусий мулкчиликнинг ривожлантирилиши кенг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишга имкон яратади. Аслида бу Fарб иқтисодий демократиясидаги "корпоратив мулк"дир, уни бошқача қилиб "ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти", дейиш мумкин.

Шу ўринда Fарбда кенг муҳокама қилинаётган мулкка эгалик ҳуқуқи билан сиёсий ҳуқуқ ўртасидаги зиддиятлар ҳақидаги турли-туман қарашларга, илмий баҳсларга тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки, гоҳо бизда бозор иқтисодиёти иқтисодий эркинликдангина иборат воқелик сифатида талқин қилинади, унинг моҳияти ва ички зиддиятлари, қарама-қаршиликлари эътиборга олинмайди. Оқибатда — бу энг ҳайратли ва ачинарли ҳол — бозор демократияси мавжуд ижтимоий муаммоларни ўз-ўзидан ҳал этади, деган ўта содда фикр, қараш пайдо бўлади. Асосий муаммо шундаки, бизда ҳеч қачон иқтисодий эркинлик, иқтисодий ҳуқуқ билан сиёсий эркинлик, сиёсий ҳуқуқ ўртасидаги алоқадор жиҳатлар, зиддиятлар ўрганилмаган. Ваҳоланки, ушбу ҳуқуқий воқеликлар ва ҳуқуқий категориялар ўртасида катта фарқ мавжуд.

Иқтисодий эркинлик ва ҳуқуқ ҳеч қачон фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқини тенг таъминлаган эмас. Тарихий тажриба кўрсатадики, мудом "бой бойга боқар, сув сойга оқар" (ўзбек халқ мақоли) тамойили амал қилган. Чунки, иқтисодий эркинлик ва ҳуқуқ, расман эълон қилинган бўлса-да, уларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

мулки бор субъектларгагина эга бўлган. Бундай мулк эгалари, мулкдорлар кўп бўлмаган.

Капиталистик тузум тарафдорлари, унинг XX асрдаги назарий асосчилари "мулки бор" ва "мулки йўқ" синфларни муросага келтириш мақсадида "ўрта синф"ни кашф этдилар. Аммо Р. Даль ўзининг "Иқтисодий демократия асослари" асарида назарда тутган иқтисодий ҳуқуқ ёки мулкчилик ҳуқуқи билан сиёсий ҳуқуқ ўртасида зиддиятлар сақланиб қолаверди. Шунинг учун Р. Даль ҳақли тарзда савол қўяди: агар мулкка эгалик, Ж. Локк айтганидек, "табиий ҳуқуқ" бўлса, ушбу мулкда хизмат қилувчи меҳнаткаш, демократия тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, унга эгалик қилиш, бошқариш усулини ўзгартириш, ўз-ўзини бошқариш, хуллас, ўзининг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳуқуқига эгадир. Хўш, мулкка эгалик қилиш, яъни табиий ҳуқуқ бирламчими ёки жамият томонидан берилган сунъий-сиёсий ҳуқуқ бирламчими?

Хусусий мулк эгасининг табиий ҳуқуқи устунлик қилса, меҳнаткашларнинг сиёсий ҳуқуқи, демократиянинг асосий тамойиллари инкор этилади, бу эса бозор иқтисодиёти ва бозор демократияси ҳақидаги назарияларни йўққа чиқаради. Бордию сиёсий ҳуқуқнинг устунлиги тан олинса, хусусий мулк, иқтисодий ташаббускорлик — табиий ҳуқуқ сиёсий ҳуқуққа қурбон этилади. Оқибатда "ёки демократияга хусусий мулкка қарши хавф сифатида қарашга, ёки хусусий мулкка демократияга қарши хавф сифатида қарашга тўғри келади". Чунки, биринчи ёндашувга кўра, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини таъминлаш сиёсий-ҳуқуқий тенглик тамойилига зиддир; иккинчи ёндашувга кўра эса, агар фуқаролар сиёсий жиҳатдан тенг ҳуқукли бўлмаса, улар хусусий мулкка эга бўла олмайди, чунки ҳамманинг баб-баробар хусусий мулк эгаси бўлишини тасаввур қилиш қийин. Демак, мудом озчиликни ташкил этган хусусий мулк эгаларига кўпчиликни ташкил этувчи қатлам, демократиянинг асосий субъекти сифатида, қарши уюшиши турган гап. Бу эса кам сонли мулк эгаларининг демократик ҳуқуқлари поймол қилинишига олиб келиши мумкин.

Ғарб демократияси корпоратив мулк ёки хусусий мулкни, фирмаларни корпоратив бошқариш ғоясини ҳам илгари суради. Масалан, хусусий мулкка бошқалар учун зарур нарсалар яратилганидан кейин, бошқалар ҳеч нима йўқотмаган тақдирда, яратилган нарса бошқаларнинг эҳтиёжидан ортиб қолгачгина

www.ziyouz.com kutubxonasi

эгалик қилиш мумкин. Бу ўринда акциялар (ҳиссадорлик) орқали корпоратив бошқарувга ва ҳаддан ташқари бойлар ҳам, ўта қашшоқлар ҳам юзага келишининг олдини олишга мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари, усуллари сифатида қаралади. ғарб иқтисодий демократиясида шаклланган ушбу тамойиллар "ўзбек моделида" ўз аксини топган.

"Ўзбек модели"нинг иккинчи тамойили **давлатнинг бош ислоҳотчи** эканлигини**,** мамлакатда ўтказиладиган ўзгаришлар учун унинг, асосий сиёсий институт сифатида, масъулиятни ўз зиммасига олганини англатади.

Эски тоталитар парадигмадан янги цивилизацияли демократик тараққиёт парадигмасига ўтаётганда мураккаб ва зиддиятларга тўла жараёнларни уюштирувчи, жамиятни демократик тараққиёт йўлига олиб чиқишни ўз зиммасига олувчи кучга эҳтиёж сезилади. Бу куч давлатдир. Шундай ижтимоий-сиёсий институт бўлмаган жойда энг эзгу ғоялар ҳам орзу бўлиб қолаверади.

Масалан, XIX асрнинг бошларида Жанубий Америка халқлари Испаниянинг уч юз йиллик истибдодидан халос бўлди. С. Боливар бошлиқ халқ армияси кучли қуролланган Испания армиясига 1824 йили сўнгги зарбани берди ва бутун қитъа истилочилардан озод этилди. Бу муваффақият учун "халоскор" номини олган С. Боливар кучли давлат тузишга интилади. Аммо узоқни кўролмас сафдошлари уни мустабидликка интилишда айблаб, фуқаролар уруши келиб чиқишига ва қитъани қайтадан, энди АҚШ таъсирига тушиб қолишига сабабчи бўлади. Алал-оқибат "Халоскор эришган буюк ғалабаларни кейинги авлодлар яна, қайта ва қайта қўлга киритишга мажбур бўлдилар"[1]. Бундай мисолларни миллий мустақиллик учун курашган Африка ва Осиё қитъаларидан ҳам келтириш мумкин.

Шу тариқа, Ислом Каримов "ўзбек модели"ни яратаётганида турли қитъаларда рўй берган шундай воқеалардан, тарихий тажрибадан хабардор бўлган деган, хулосага келамиз. Шунинг учун ҳам у мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ бугунги кунда жамиятни янгилаш, эркин ишбилармонлик изига кўчириш вазифаларини ҳал этиш учун кучли мустақил давлат,

---

[1] *Хосе Марти:* "Боливар ва унинг либерал лойиҳалари" / XXI аср, 2004, 29 июль.

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг идоравий таркиби, ҳуқуқий асослари, мудофаа ва миллий хавфсизлик тизимининг қарор топиши алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлаган. Бу босқичда давлат манфаатлари устун бўлиши керак. Фақат шундай қилингандагина ҳам ишбилармонларнинг манфаатларини, ҳам аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин. Демак, кучли давлат қуриш дастлабки босқичларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишнинг гарови ва кафолатидир. Бунинг учун эса давлатнинг мавқеини, идора тизимларини, мудофаа қудратини ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарур. Бежиз айтилмайдики, "шер бошқарган эшаклар подаси ғалаба қозониши мумкин, лекин эшак бошқарган шерлар галаси мағлубиятга учраши аниқ".

Ғарбда давлатнинг ижтимоий соҳа ва фуқаролар ҳаётига аралашиши масалалари ҳар доим қизғин муҳокама мавзуи бўлиб келган. Бу борадаги қарашларнинг барчасини келтириб, таҳлил қилишнинг иложи йўқ. Бу алоҳида мавзудаги тадқиқотни тақозо қилади. Шу боис мавзуга оид кўринишлар ҳақида тўхталиб ўтиш билан кифояланамиз.

Давлатнинг асосий функцияларидан бири одамларни зўравонликдан ҳимоя қилишдир. Бироқ ҳокимият ва давлат мажбурлашни, зўравонликни ўзининг монополиясига айлантирмаслиги лозим. Бу хусусда Ф. Хайекнинг "Озод инсонлар жамияти" асаридан қуйидагиларни келтириб ўтмоқчимиз: ҳокимиятни чеклаш XVII—XVIII асрлардаги конституцион ҳукуматларнинг улуғ мақсади бўлган. Аммо бу ҳаракатлар моҳиятан ҳокимият устидан назорат ўрнатиш уни чеклаш учун етарли, деган нотўғри фикрдан келиб чиққан эди. Шу тариқа кўпчиликнинг ёки кўпчилик номидан ҳаракат қиладиган ва қонунлар ишлаб чиқадиган вакиллик органларининг зўравонлиги юзага келган. "Оқибатда, - дейди Ф. Хайек, - биз бугун демократик деб атаётган ҳокимият кўпчиликнинг эмас, балки тазйиқ ўтказаётган ва ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлган гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Шахс эркига қарши юзага келаётган бу хавфни фақат сўқир кишигина кўрмаслиги мумкин".[1]

Демак, Ф. Хайек Ғарб демократиясини таҳлил қилар экан, кўпчилик ёки кўпчилик номидан жамият ва давлатни бош-

---

[1] *Хайек Ф.А.* Общество свободных. London, 1990. 192-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараётган тизим шахс эркига кўпроқ хавф солмоқда, деган хулосага келади. "Ҳеч ким, бойлиги ёки камбағаллиги сабабли, — деб қатъий талаб қилади Ф. Хайек, — ҳокимиятдан мужда кутиши мумкин эмас. Шахс ишлари бутунлай ёмонлашган тақдирда минимал маош билан тақдирланишидек алоҳида ҳолатда ҳокимиятдан алоҳида ҳаракатни кутиши мумкин... Кишилар ўртасидаги ҳақиқий нотенгликни ҳисобга олиб қўлланилган камситишни оқлаш эркин киши ҳокимиятга бўйсунадиган асосий тартиб-қоидаларни, шартларни жиддий бузишдир". Шунинг учун ҳам бугун ғарб кишиси "улкан ташкилотларда тарбияланаётгани боис замонавий очиқ жамиятни шакллантирган бозор тартиботи билан тўла таниш эмас". Хуллас, Ф.Хайек шахс (индивид) эркини Ғарбга хос демократик қадрият деб билади ва "бахтимизга цивилизация тарихи жамоавий назоратга (коммунитар, жамоа бўлиб яшаш тарзи — Ф.М.) асосланган тараққиёт ғоясини фош қилди, акс ҳолда, у жамоавий назорат остида осонгина бўғиб ўлдирилган бўларди", деб ёзади. Эътибор берадиган бўлсак, бу фикрлар Ғарб демократиясига ҳам, кўпчилик номидан ҳокимиятни бошқараётганларга ҳам ишончсизлик таъсиридан туғилганини пайқаш қийин эмас.

Ғарб демократиясини танқид остига олган яна бир файласуф Э. Тоффлердир. У ўзининг "Ҳокимият метаморфозалари" номли тадқиқотларига якун ясаб ёзади: "Оммавий ишлаб чиқариш, оммавий истеъмол ва оммавий ахборот воситалари кўп мамлакатларда уларга монанд бўлган тизимни — оммавий демократияни юзага келтирди". Аммо Э. Тоффлер бутун оммавий демократия "ранг-баранг демократия"га айланиб бормоқда, деб башорат қилади. Унинг назарида йирик давлатлар (империялар) мустақил давлатларга, йирик корпорациялар маҳаллий фирмаларга, йирик бизнеслар майда бизнесларга бўлинмоқда, "концентрациялашган ҳокимият... янгича синтезлашаётган икки бутунлай қарама-қарши тенденция" кўринишига ўтмоқда. Ушбу жараён "куч (зўравонлик), фаровонлик ва билим" орқали содир бўлади.

Файласуф ушбу фикрини турли давлатлар ҳаётига мурожаат этиб асослашга интилади. АҚШ, Япония, Европа ва Осиё давлатларидан мисоллар келтиради. "Ҳокимият метаморфозасида (ривожланиш жараёнида бошқа кўринишга ўтиш — Ф.М.) куч (зўравонлик) ва фаровонлик билим орқали белгиланади". Агар тизим (ёки давлат, ҳокимиятнинг қуйи тизим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари) беқарор бўлса, бу нотекис ривожланишга сабаб бўлади. Бундай, ҳатто арзимас кўринган ҳол бутун тизимга акс таъсир этади ва бутун тузумнинг емирилишига олиб келади. Шунинг учун социал тизимлар ва уларнинг қуйи тизимлари давлатга, ҳокимиятга эгалиги нуқтаи назаридан бир хил мувозанатда бўлолмайди. Мабодо шундай мувозанат юзага келгудек бўлса, у янги тенгсизликни пайдо қилади. Яъни, тенг ҳуқуқлилик янги тенгсизликни вужудга келтиради. Тенгсизлик юзага келмаслиги учун давлат, ҳокимият, бошқа қуйи тизимлардан фарқли ўлароқ кучли бўлиши шарт, чунки уларнинг кучли бўлиши нафақат ташқи ва ички хавфлар, шунингдек, фуқаролик жамиятига "заруридан зиёд тартиб" жорий этилишининг (масалан, тоталитар бошқарув) олдини олади. Бундай вазифани давлатдан, ҳокимиятдан ташқари ҳеч қандай институт куч ўз зиммасига ололмайди. Зеро, барчамиз биламизки, кишилик тарихи асосан давлат фаолияти орқали яратилади.

Албатта, биз "ўзбек модели" Ф. Хайек ва Э. Тоффлернинг демократия ҳақидаги қарашларидан келиб чиққан, демоқчи эмасмиз. Ғарб демократларининг ижтимоий тараққиёт борасидаги танқидий фикрлари, огоҳлантиришлари, ҳушёрликка даъватлари, давлатнинг ислоҳотлар ўтказишдаги масъулиятини оширишга оид тавсиялари илмий-назарий нуқтаи назардан "ўзбек модели"га ҳамоҳангдир. Ғарб демократлари давлатнинг, ҳокимиятнинг инсон ҳаётига аралашувини чеклаш тарафдори бўлса-да, улар давлатнинг суверен ҳуқуққа эга эканлигини, миллий тараққиёт кучли давлат орқали содир бўлишини инкор этмайди. Жамиятда (тузум, тизим) бошбошдоқлик, анархия, палапартишлик авж олмаслигини, фуқаролик институтларининг қонунлар доирасида фаолият кўрсатишини фақат кучли давлат таъминлайди. Айниқса, ўтиш даврида давлат раҳнамолиги бўлмаса, у ислоҳотлар ўтказишда ташаббускорлик қилмаса ва демократик тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган қонунлар ишлаб чиқмаса, фуқаролик жамияти қуриш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ислом Каримов кўп бор таърифлаганидек, "Ўтиш даврида, давлат жиловни қўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўла олади... давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши шарт". Бу ўринда давлатнинг бош ислоҳотчилиги ва унинг "ўзбек модели"даги **қонунлар устуворлигини** таъминлаш тамойили уйғунлашиб келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шарқ халқларида шахс маънавияти ва ахлоқи ижтимоий тараққиётнинг асоси сифатида қаралса-да, бу **қонунларга, адолат меъёрларига бўйсунишни** инкор этмаган. Масалан, Конфуцийнинг замондоши Хан Фэйнинг таъкидлашича, "Фақат қонунга итоат этиш, ҳокимиятнинг барқарорлиги ва бошқариш санъати билан жамиятда тартиб ўрнатилади". Эрамизнинг бошларида юзага келган "Артхашастра"да қонунларга, тартиб-қоидаларга итоат этмай, ҳис-туйғулар билан давлатни бошқариш тахтнинг емирилишига олиб келиши таъкидланади. Демак, маънавий-ахлоқий меъёрлар жамият учун қандай аҳамиятга эга бўлса, қонунлар ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Қонунлар янги тартиб-қоидаларни, қарашларни, меъёрларни тезроқ ва кенгроқ ижтимоий воқеликка айлантиради, кишилар ҳаётига, онгига уларни тезроқ сингдиради.

Қонунлар жамиятни модернизациялаш воситасидир. Улар инновацияларни ҳаётга жорий этишни тезлаштиради, янги қадриятларни, шу жумладан, сиёсий-ҳуқуқий тамойилларни ҳам, барча учун баб-баробар ҳаёт тарзи ва фаолият дастурига айлантиради. "Ўзбек модели"даги қонун устуворлигини таъминлаш тамойили ҳам ана шундай вазифани бажаришни назарда тутади.

Қонун устуворлигини таъминлаш, аввало, халқ ва демократик тараққиёт манфаатларига мос келадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқдир. Ўзбекистонда ташкил этилган янги олий қонунчилик органи давлатимиз сиёсатининг, халқимизнинг ўзига хос ютуғидир. Э. Халилов айтганидек, "Қисқа муддатда Ўзбекистонда туб ўзгаришларни амалга оширишда ўрни бениҳоя катта бўлган, чет элнинг катта тажрибасидан ижодий фойдаланган ҳақиқий парламент ташкил этилди". Шу кунгача Олий Мажлис томонидан беш юздан зиёд қонун қабул қилинди. Олий Мажлиснинг икки палатали тизимга ўтгани эса қонунчиликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Қонунларнинг қиммати уларга қонун ишлаб чиқувчиларнинг ўзлари, юридик институтлар, ҳуқуқ идораларининг ходимлари, масъул шахслар ва фуқароларнинг амал қилиши билан белгиланади. Тўғри, бу жараён ички зиддиятларга тўла. Масалан, 2002 йил мобайнида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 3,2 фоиз, судланганлар сони 7,9 фоиз ортган. Маълумки, вояга етмаган одам қонунлардан бехабар бўлади. Ёки бўлмаса, қуйидаги маълумотларга диққат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни қаратайлик. Махсус кузатишлардан маълум бўладики, жабрланганларнинг асосий қисми (74 фоизи) аҳолининг 21—50 ёшлардаги фаол қисмига, жазога ҳукм қилинганларнинг 62 фоизи эса 25—40 ёшдаги кишиларга тўғри келади. Бир қарашда бундай ёшлардаги одамлар қонунларни яхши билиши, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида катта ишлар олиб бораётганидан бохабар бўлиши даркор эди. Бироқ улар ё онгли тарзда ёки тасодифан жиноятларга аралашиб қолган. Бундай мисолларни оммавий ахборот воситалари хабарлари орасидан истаганча келтириш мумкин.

Албатта, қонун устуворлигини таъминлаш, кишида қонунга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш чексиз давом этадиган жараёндир. Аммо ушбу жараён ҳар бир ижтимоий-тарихий босқичда аҳолининг асосий қисмини вайронкор хатти-ҳаракатлардан, жиноий уюшмаларга қўшилишдан ушлаб туриши шарт. Тарихий-маданий анъаналарни, ижтимоий ахлоқ меъёрларини, урф-одатларни асрашга ва уларга риоя этишга мойил ўзбек халқида қонунлар устуворлиги кўпинча ана шу норасмий қоидалар орқали таъминланади.

Ғарбда қонунлар тарихий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий меъёрлардан ажратиб қўйилган. Улар гоҳо анъаналарни очиқдан-очиқ рад этади, одамларни ноанъанавий меъёрларга бўйсунишга ундайди. "Замонавий демократия, — деб ёзади Ф.Хайек, — кўпинча қонунга ҳурмат кўрсатмайди".[1] Аммо бу ғарб кишилари қонунларнинг зарурлигини рад этади, дегани эмас, аслида қонун севиб ўқиладиган ишқий роман эмас, у ўзига ҳаммани баб-баробар итоат этишини талаб қилади. Сиз қонун борлигини унутишингиз мумкин, аммо қонун сизнинг борлигингизни унутмайди. Қонун ўзининг борлигини унутганларни беаёв жазолайди.

Бу қоида Шарққа ҳам, Ғарбга ҳам тааллуқлидир. Бироқ қонунларга итоат этиш ва уларга ҳурмат кўрсатиш хусусиятларида халқлар ўртасида ҳар бир халқнинг менталитети, тартиб-қоидалар ва ҳокимиятга муносабати, турмуш тарзи, трансцендентал тасаввурлари билан боғлиқ фарқлар мавжуд. Масалан, ғарб кишилари қонунлар ва ҳокимиятга шубҳа ва ишончсизлик билан қарагани боис ўз манфаат ва ҳуқуқларини озда бўлсин чекловчи қонунларга қарши дарров норозилик

[1] *Хайек Ф.А.* Общество свободных. London. 1990. 76-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билдириб майдонга чиқади. Улар бундай қонун ва чора-тадбирлар умумхалқ манфаати нуқтаи назаридан амалга оширилаётгани, ўзининг намойишлари мамлакатга катта иқтисодий зарар келтираётгани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди. Улар учун гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилиш асосий мақсаддир. Ўзбек халқида ижтимоий манфаатни ўйлаш, иттифоқ бўлиб, муросада яшашга интилиш устунлик қилади. Ушбу фазилат "ўзбек модели"даги **кучли ижтимоий сиёсат ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилларига** ҳам асос қилиб олинган.

Ғарб демократиясида ушбу тамойилларга турли ёндашувлар мавжуд. Сиёсатшунослик ва сиёсий фалсафага оид адабиётлардан яхши маълумки, классик либерализм (Ж. Локк, Ш.Л. Монтескье, И. Кант, А. Смит, В. Гумбольдт ва бошқалар) тарафдорлари асосан рақобат, "кимўзди" орқали бўлса-да, шахс эркини улуғлашга, шу тарзда давлат, ҳокимият таъсирини камайтиришга интилдилар, Ж. Милль, Г. Спенсер, Т. Грин, Ж. Хобсон, Л. Хобхауз, Ж. Дюн, У. Липпман, Ф. Хайек эса шахснинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун махсус институтлар фаолиятидан унумли фойдаланиш ғояларини илгари сурдилар. Уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётни янгилаш, шахснинг мулкий имкониятларини кенгайтириш асосий ўринда туради. Индивид билан давлат, тузум ўртасидаги қарама-қаршилик табиий ҳол сифатида талқин этилади, ҳатто ўсиш, тараққиёт асоси сифатида қаралади.

Шарқ, хусусан, "ўзбек модели"да эса мавжуд қарама-қаршиликларни юмшатиш, аҳолининг ночор қатламларини ҳимоя қилиш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириш назарда тутилади. Ислом Каримов айтганидек, бизнинг ички сиёсатимиз инқилобий ларзаларга ва халқнинг оммавий равишда қашшоқланишига йўл қўйилмайдиган, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, аста-секин ўтишга қаратилган.

Демак, Ғарб демократиясидаги "ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти", давлатнинг иқтисодий муносабатларга аралашуви тарафдорларининг (Ф.А. Хайек ва бошқалар) назарий фикрлари, концепциялари "ўзбек модели"да ўз ифодасини топган. Бу бевосита тақлид ёки кўр-кўрона эргашиш эмас, балки ғарб бозор демократиясидаги ижобий жиҳатларнинг миллий шароитимизга мос келганидир. Яъни, "ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

модели" Шарқ ва Fарб демократияси ютуқларини ўзига хос тарзда уйғунлаштирган. Унда инсон манфаатлари, маънавий "императив" (И.Кант) устун туради. Бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш шахс ўз халқининг тарихий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларидан, жамиятдан бегоналашувининг, хусусий мулкчиликнинг юзага келиши билан боғлиқ зиддиятлар антагонистик курашларга айланиб кетишининг олдини олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

III Б О Б

ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ЎЗБЕК ПАРЛАМЕНТАРИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

3.1. Ижтимоий ислоҳотлар: зарурат, ҳуқуқ, масъулият

Фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий адабиётларда "ижтимоий тизим", "ижтимоий-сиёсий тизим" тушунчаларининг турли талқинлари учрайди. Уларнинг этимологик, фалсафий-сиёсий, функционал, институционал, аксиологик маънолари, моҳияти ҳақидаги қарашлари атрофлича таҳлил қилинган[1]. Шунинг учун улар ҳақида тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ, лекин уларга оид айрим назарий-услубий аҳамиятга молик фикрларни айтиб ўтиш зарур. Ана шунда ушбу бобда қўлланган илмий ёндашув усулининг нечоғли мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлади.

Жамиятнинг ижтимоий ёки ижтимоий-сиёсий тизими ўзига хос ташкилий, институционал хусусиятларга ва бошқа тизимлар билан алоқаларга эга. Шунинг учун у кенг ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий муносабатлар мажмуида мавжуддир. Жамиятдаги мафкура, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий-маданий тажриба ижтимоий-сиёсий тизимга устқурма сифатида таъсир этади. Бироқ жамиятнинг бу ижтимоий унсурлари тизими билан ижтимоий-сиёсий тизимлар ўртасида мудом фарқ сақланиб қолади. Демак, ижтимоий-сиёсий тизим устқурма таъсирида бўлса-да, айнан унинг ўзи эмас, балки ўзининг институционал, функционал, регулятив ва аксиологик жиҳатлари билан бошқа ижтимоий тизимлардан фарқ қилади. Ушбу фарқ ижтимоий-сиёсий тизимнинг ички тартиби, ташкилий жиҳати, ҳеч бўлмаганда, минимал даражадаги сиёсийлигида намоён бўлади.

Ижтимоий-сиёсий тизим аввало ташкилот ёки институционаллаштирилган бирликдир. Ушбу ташкилотга муайян бир тартибда ташкил этилганлик ва фаолият кўрсатиш, расмий-юридик ташкил қилинганига далил бўлувчи Низом ва бошқа таъсис ҳужжатларига, ўзига хос мақсад ва вазифаларига эга

---

[1] *Жумаев Р.З.* Политическая система Республики Узбекистан: Становление и развитие. Т., Фан, 1996. 8—22-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиш, ижтимоий ҳаётда қабул қилинган маълум тамойилларга мувофиқ фаолият кўрсатиш, ички ва ташқи фаолиятни бошқариш органларининг тузилгани, мавжудлиги хосдир. Аммо ижтимоий-сиёсий тизимнинг барча қисмлари ҳам бир хил мавқе, ҳуқуқ ва функцияларга эга эмас. Ижтимоий-сиёсий тизимнинг қисмлари — тузилмавий бўғинлари сиёсий, ижтимоий ва кам даражада сиёсийлашган институтларга бўлинади. Сиёсий институтларга — давлат, сиёсий партиялар ва сиёсий ҳаракатлар, ижтимоий институтларга — касаба уюшмалари, "Камолот" ёшлар ҳаракати, Тадбиркор хотин-қизлар ассоциацияси, жамғармалар, ижодий уюшмалар, кам сиёсийлашган ижтимоий-сиёсий институтларга — фуқароларнинг у ёки бу маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ихтиёрий уюшмалари, тўгараклари, бирлашмалари киради.

Социология асосларидан ижтимоий-сиёсий тизимга институционал ёндашувнинг хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни биламиз. Институционал ёндашув жамият сиёсий тизимининг моҳияти ва мазмунини ифода этиб, унинг асосий фаолият йўналишига, ижтимоий мазмуни ва вазифаларига катта таъсир кўрсатади. Жамиятнинг умумий сиёсий тизимига асосий ҳал этувчи қуйи тизим сифатида кириб боради. Бу унинг жамият сиёсий ҳаётида юзага келадиган энг муҳим алоқалар негизини ташкил этгани билан боғлиқдир. У ана шундай алоқаларни йўлга қўйишнинг механизм ва меъёрларини белгилаб беради. Айнан шунинг учун сиёсий тизим борасидаги сиёсий ғоялар, қарашлар, нуқтаи назар ва тасаввурлар, ўзининг хусусий тизимларини яратган ҳолда, институционал тизимга хизмат қилади.

Хуллас, ижтимоий-сиёсий тизимга институционал ёндашув, биринчидан, ушбу тизимнинг ички ташкилий ва функционал хусусиятларини тўлароқ очиб бериш, иккинчидан, унинг ташқи муҳит, жамият ва бошқа тизимлар билан барча турдаги алоқаларини кенг қамраб олиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ижтимоий-сиёсий тизим ўзининг ташқи ва ички хусусиятларига эга ижтимоий институтдир. Уни маълум маънода мақсадга йўналтирилган ижтимоий фаолият ва ижтимоий муносабатларни ташкил этиш механизми дейиш мумкин. Шу боис ижтимоий институтда ўрнатилган хулқ-атвор, тартиб-қоида ва меъёрларни қўллаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қувватлаш, индивидларнинг хатти-ҳаракатларини уларга мувофиқ бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида баён этилган ёндашув ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда давлат институтининг ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардаги ўрни, парламентаризм ва парламент ҳуқуқининг шаклланиши, сиёсий партиялар ва сиёсий плюрализм, ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизациялашда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг аҳамияти масалаларини тадқиқ этайлик.

Т. Парсонснинг "Замонавий жамиятлар тизими" асарида таъкидланганидек, жамият ўз характери ва тузилишига кўра "ўз-ўзини юксак даражада таъминлай оладиган ижтимоий тизим"дир. Ўз-ўзини таъминлаш ён-атрофдаги табиий, иқтисодий, сиёсий тизимлар билан алоқаларни, интеграцияни инкор қилмайди. Аммо жамият ўзининг бутунлигини сақлаш учун зарур алоқаларни қўллаб-қувватлайди, зарарли алоқаларнинг олдини олиш ёки уларни ижтимоий манфаатлар томон буриш чора-тадбирларини кўради. Ушбу вазифани жамиятнинг махсус институтлари, энг аввало, давлат бажаради. Т. Парсонснинг фикрига кўра, давлат икки функцияни бажаради — жамиятни глобал таҳдиддан ҳимоя қилади ва ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан жамоа хатти-ҳаракатларини бошқаради.[1]

Биз кўраётган мавзуга давлатнинг иккинчи функцияси бевосита тааллуқлидир. Чунки, давлатнинг ислоҳотчилиги аслида жамият ҳаётини, ижтимоий-сиёсий институтлар (қуйи тизимлар) фаолиятини такомиллаштиришга қаратилгандир. Такомиллаштириш вазифаси эса давлатнинг ички сиёсий ва ҳуқуқий механизмлари билан боғлиқ. Ислоҳотлар — тарихий зарурат, ҳуқуқ — ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш механизми, масъулият эса давлатнинг жамият олдидаги ўз бурчини идрок этиши, вазифаларини бажаришидадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятни янгилашни, кенг маънодаги ислоҳотлар ўтказишни тарихий зарурат деб билди. Зарурат ижтимоий тараққиёт кун тартибига қўядиган муаммоларни тўғри идрок этиш ва ушбу заруратга одамларни ишонтириш каби икки йўналишни ўз ичига олади. Давлатнинг заруратни идрок этиши қанчалик муҳим бўлса, унга одамларни ишонтириш ҳам шунчалик муҳимдир. Зарурат идрок этилган

[1] Политология. Зеркало, 1999. 264—287-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақдирдагина белгиланган мақсадларга эришишнинг энг маъқул ва мақбул йўл ва механизмларини топиш имкони бўлади, одамлар онг-тафаккурида ислоҳотлар муваффақиятига ишонч уйғонади.

Истиқлолнинг илк йилларида жамиятни эски тасаввурлардан, марксча-ленинча догмадан ва тоталитар бошқарув усулларидан халос этиш зарурат эди. 90-йилларнинг ўрталарида авж олган инқирозлар, юқоридан (марказ) қабул қилинган дастурлар, қарорларнинг ҳақиқий ҳаётга мос келмагани сабабли бажарилмаслиги "социалистик цивилизация"нинг ўз умрини яшаб бўлганидан далолат берарди. Марказ билан миллий республикалар, сиёсий тизим билан иқтисодий ҳаёт, ғайриҳаётий "қайта қуриш" билан мавжуд муайян манфаатлар каби зиддиятлар кучайди, "юқоридагиларнинг бошқара олмаслиги" ва "қуйидагиларнинг уларга итоат этишни истамаслиги" каби муаммолар янада кескинлашди, жамиятдаги барқарорликка хавф уйғотувчи қалтис муносабатлар етакчи ўринга чиқа бошлади.

Ушбу ҳолатдан чиқиш йўллари жамиятнинг келгуси ҳаётини белгилаб бериши зарур эди. Илмий адабиётларда бу "трансформация босқичи" номини олган. Унга кўра трансформация узвийлик касб этган инқирозлар кўламини аниқлаш ва моҳиятини баҳолаш, инқирозларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва шу асосда ижтимоий диагностика қилиш, ижтимоий тараққиёт даражасига мос келмайдиган тизимларни, институтларни бартараф этиш, жамиятнинг янги ҳолатини белгилаб олиш ва ривожланиш йўлларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Демак, 90-йилларнинг ўрталарида жамиятни янгилаш, унинг барча тизимларини трансформация қилиш ижтимоий-тарихий зарурат эди. Ушбу зарурат трансформация қонунларига мувофиқ:

— сиёсий тузум ва давлат тизимини ўзгартириш, демократик тамойилларни ҳаёт тарзига айлантириб, бошқарув усулларига сингдирадиган, яккаҳоким мафкурадан воз кечиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашни устувор деб билган ва шу тамойилга амал қиладиган давлат барпо этиш;

— ижтимоий-иқтисодий ҳаётни қайта қуриш, яъни марказлаштирилган бошқарувдан ўз-ўзини иқтисодий бошқаришга ўтиш, бозор иқтисодиёти қонунларини жорий этиш, хусусий мулкни, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;

www.ziyouz.com kutubxonasi

— либерал-демократик қадриятларни тан олган ҳолда боқимандаликдан, "давлат боқиши керак" деган тушунча ва кўникмалардан воз кечиш;

— жаҳон тажрибаси талабларига мос келадиган ички бозорни яратиш, ташқи иқтисодий сиёсатда трансмиллий алоқаларга ва халқаро иқтисодий интеграцияга интилиш;

— ижтимоий тараққиётга мос келувчи янги маънавий-маданий маслак ва матлабни, мақсад ва вазифаларни белгилаб олишни тақозо этди.

Ўзбекистонда сиёсий тузум ва давлат тизимини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларнинг зарурлигини Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида чуқур асослаб, ушбу заруратнинг сиёсий-фалсафий моҳиятини очиб берди: "Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик билан бостириш эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаю мадора билан бартараф этиш воситасига айланди.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади".

Ислом Каримов ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг асосий тамойилларини ўз ичига олган "Ўзбекистон янги аср бошида" номли асарида мамлакатни тараққий эттириш дастурини яратар экан, унда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатлари ўз ифодасини топиши лозимлигини таъкидлади. Ушбу манфаатларнинг таъминланиши ватандошларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини тўла намоён қилиши учун уларга зарур имкониятлар яратиб бера оладиган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш билан боғлиқдир. Бунинг учун эса, аввало, фуқаролик жамиятининг ўзи нима, у нимаси билан бизга идеал бўла олади, бундай жамиятда демократик ҳуқуқий давлатнинг ўрни, функциялари қандай бўлади, шундай давлатни барпо этишда нималардан келиб чиқишимиз мумкин, деган саволларга жавоб бериш лозим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фуқаролик жамиятининг сиёсий-фалсафий ва ижтимоий-ҳуқуқий хусусиятлари қуйидагиларда акс этади:

1) жамият ҳаёти ва тараққиётининг хусусий мулкчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти билан уйғунлиги;

2) барча мулк шакллари равнақ топишининг давлат, қонун томонидан кафолатланиши;

3) фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, қонун устуворлиги, суд тизимининг фуқаролар ҳуқуқини ҳимояловчи посбонга айланиши;

4) фуқароларнинг хусусий ҳаётига давлат томонидан ноқонуний аралашувнинг чекланиши;

5) давлат ҳокимияти олдида шахснинг мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;

6) давлат, давлат институтлари ва фуқаролар ҳуқуқнинг тенг субъектлари эканлигидан келиб чиққан ҳолда фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш механизмларининг яратилгани;

7) фуқароларнинг ижтимоий ва ихтиёрий институтлари шаклланган, уларнинг тўлақонли фаолият юритиши;

8) жамиятда юксак маънавий-маданий муҳит шаклланган, шахс қадри, шаъни, ҳурмати асосий қадриятларга айланган.

Ушбу хусусиятлар мутлақ идеал ёки ижтимоий-утопик қарашлар маҳсули эмас, мустақиллик йилларида давлатимиз белгилаб олган стратегик мақсад, тамойиллар уларни реал воқеликка айлантириш кафолатлари бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг кучли давлат барпо этиш ва кучли давлат асосида кучли жамиятни шакллантиришга қаратилгани фуқаролик жамиятини реал воқеликка айлантирмоқда. Демак, фуқаролик жамияти ижтимоий-утопик модел бўлгани учун эмас, балки тенг ҳуқуқли, эркин ва фаровон ҳаёт, ҳар бир шахсга ўз иқтисодий қобилиятини, ижодий кучларини тўла намоён қилиш учун зарур ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маданий муҳит яратиб бериши туфайли мафтункордир. Ушбу жамиятни барпо этишнинг шарти эса кучли демократик ҳуқуқий давлат қуришдир. Ўзининг сиёсий уюшқоқлиги, институтларининг барқарорлиги, ислоҳотларни амалга ошириш имкониятларига эга эканлиги, халқ ҳокимияти сифатида умумхалқ манфаатларига хизмат қилиши билан давлат фуқаролик жамияти барпо этиш вазифасини ўз зиммасига олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мустақил давлатимизнинг ўтган ўн беш йил ичида амалга оширган ислоҳотларни зарурат, ҳуқуқ ва масъулият уйғунлиги нуқтаи назаридан қуйидаги йўналишларда қараш мумкин.

Биринчи йўналиш – давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт. Бу йўналишга давлатимиз ўз мустақиллигини эълон қилиши ва Конституция қабул қилинишидан янги давлат ҳокимияти органлари тизими, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари шакллантирилиши, икки палатали парламент тизимига ўтилишигача бўлган саъй-ҳаракатлар киради.

Маълумки, шўро даврида ҳам "назарий жиҳатдан" миллий республикалар мустақил, суверен эди. Баъзи назариётчилар бу республикалар "ўз суверенитетидан ихтиёрий равишда воз кечган" деган қарашни асослашга ҳам интилганлар. Бу билан, гўё улар тоталитар давлатни ихтиёрий тарзда ташкил этиб, уни қўллаб-қувватлайдилар, демоқчи бўлганлар. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 20 июнда қабул қилган Мустақиллик тўғрисидаги декларацияси ҳақиқий суверенитетга йўл очиб берди. Бу ҳужжат мамлакатимизнинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлди ва Президентимиз раҳбарлигида Конституциявий комиссия тузилди.

Конституцияни яратиш ишига бутун ақлий салоҳият жалб этилди, чет мамлакатларнинг конституциялари синчиклаб ўрганилди, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатлардаги қоидалар инобатга олинди. Кейин Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва бу муҳокама давомида 6 мингдан зиёд таклиф, фикр-мулоҳаза билдирилди. Шу тариқа халқимизнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этган, келажагимизни белгилаб берган ҳужжат – Конституция юзага келди. Ислом Каримов айтганидек, "ҳеч бир давлат ўзининг Бош қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди".

Конституцияда мамлакатимизни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтказишнинг, очиқ фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Жаҳондаги мукаммал конституциялар қаторидан жой олгани, инсонпарварлик ғояларини ўзида тўла мужассам этгани учун Дональд Скарлайл уни "Каримов Конституцияси" деб номлади. Президентимизнинг ўзи эса

www.ziyouz.com kutubxonasi

Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган, халқимизнинг хоҳиш-иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирган Қомус, ўзбек халқи тафаккур ва ижодининг маҳсули, деб атади.

Конституция мамлакатимизда кенг ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга йўл очиб берди. Эски ижтимоий-сиёсий тизим ўрнига миллий демократик мақсадларга мос келадиган янги тизимларни, институтларни яратишга киришилди. Бу жараёнлар институционал ёндашувдангина иборат эмас. Давлат учун зарур институтларни ташкил қилиш билан бирга, аслида энг муҳими ҳам шу, уларнинг самарали ишлаш механизмлари ҳам яратилди. Ушбу нуқтада давлатнинг ташкилотчилик функциялари ҳуқуқ, ижтимоий тарбия, маданият, маънавият соҳалари билан уйғунлашади, муаммолар ва уларнинг ечимларига, ислоҳотларга кенг қамровлилик бахш этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида эришилган энг катта ютуқ, шубҳасиз, икки палатали парламент тизимининг шакллантирилганидир. Бу ҳақда қуйида кенгроқ тўхталамиз.

Иккинчи йўналиш – давлат ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Бу йўналишга хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлаш, кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш, бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш, фермерликни жорий қилиш, янги солиқ тизимини яратиш кабилар киради.

Иқтисодий ҳаётни жаҳонда тан олинган цивилизацияли муносабатлар асосига қуриш, эркин рақобат ва ижодий мусобақани ишбилармонлик, тадбиркорлик тамойилларига айлантириш зарурат эди.

Ушбу заруратни реал воқеликка айлантириш учун 2005 йилгача Олий Мажлис томонидан тўқсондан зиёд қонун қабул қилинди. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этишга қаратилган ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида уларга ажратилган ер майдони 3,4 марта ошиб, 2000 йилда 889,61 минг, 2005 йилга келиб эса 1,2 миллион гектарга етди. Бугун қишлоқ хўжалигида нодавлат секторининг улуши 99 фоизни ташкил этади, саноатда эса бу борадаги кўрсаткич 65,4 фоизга етган. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги самарадорлик давр ва сарфланаётган харажатлар даражасида эмас. Президентимизнинг фикрига кўра, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, катта харажатлар талаб этадиган, ўзини оқламаётган ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш учун жойларда бюрок-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ратик аппаратлар юзага келтираётган тўсиқларни бартараф этиш, ҳокимликларда масъулиятни ошириш зарур.

"Шунинг учун ҳам мен, — деди Ислом Каримов 2005 йил 7 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги нутқида, — бугун масъулиятни ошириш масаласини биринчи талаб сифатида сизларнинг олдингизга кескин қилиб қўймоқдаман...

Номаъқул ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун бошқарув соҳасида, аввалambор, самарали ишлайдиган изчил сиёсий тизимни шакллантириш керак. Ва бу тизим шундай ишлаши керакки, бордию бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур.

Жамиятда ана шундай қараш, ана шундай тушунча шаклланган тақдирдагина қонунга итоат қилиб яшаш ҳаётий меъёрга айланади, қонун устуворлиги сўзда эмас, амалда таъминланади".[1]

Президентимиз ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг тақдири, ҳаётда нечоғли ўз ифодасини топиши раҳбар ходимларга, уларнинг масъулияти ва ўз ишига қанчалик пухта бўлишига боғлиқ деб кўрсатади. У шундай деб таъкидлайди: ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу икки талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди.

Хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим воситаси солиқ тизимини яхшилашдир. Ўзбекистонда бу йўналишда кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Солиқ турлари камайтирилди, чет эллик сармоядорлар билан ҳам-

---

[1] *И.А. Каримов.* Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., "Ўзбекистон", 2005. 236—237-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

корликда ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига катта солиқ имтиёзлари берилди. Муҳим жиҳати шундаки, мулкдорда мулкка эгалик ҳиссини уйғотиш ва унинг ҳуқуқларини такомиллаштириш баробарида, давлат ва жамият олдидаги бурчларини теран ҳис қилиши борасида ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Учинчи йўналиш – давлат ва маънавий-маданий ҳаёт. Маънавий-маданий ҳаёт ижтимоий тараққиётнинг нафақат пировард натижаси, балки аввало, ислоҳотлар самарадорлигининг барометри, кўрсаткичи ҳамдир. Давлат амалга ошираётган ислоҳотларнинг ижтимоий тараққиёт қонунларига нечоғли мослиги ислоҳотлар фуқароларнинг, халқнинг маънавий-маданий ҳаётида қанчалик намоён бўлишида акс этади. Демак, давлат ислоҳотларнинг нафақат пировад натижаси, худди шунингдек, ислоҳотлар фуқароларнинг, халқнинг кундалик маънавий-маданий ҳаётида ўзининг аниқ ифодасини топиши учун ҳам масъулдир.

Маънавий-маданий ҳаёт таълим-тарбия, маданий мерос, тарихий тажриба, диний, ахлоқий, маърифий қарашлар, турмуш тарзи, ранг-баранг муносабатлар, илм-фан, халқ байрамлари, сайллари, томошалари ва удумлари, санъат, адабиёт каби соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Халқнинг, миллатнинг ўзига хос этник хусусиятлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳам аслида ана шу маънавий-маданий қадриятлар билан ўлчанади.

Мустақиллик йилларида маънавий-маданий масалаларга, айниқса миллий мерос, аждодларимизнинг тарихий-маданий ва ахлоқий тажрибасини ўрганишга эътибор, қизиқиш кучайди. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан илгари сурилган инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган концепциялар, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар, маънавият ва маърифат марказларининг тузилиши жамиятимиздаги янги маънавий-маданий муҳитни шакллантирди. 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват", 2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик", 2006 йилнинг эса "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши давлатимизнинг инсонпарварлик ғояларига таянаётганидан далолат беради.

"Бу, – дейди Ислом Каримов, – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий ҳолати, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир".[1] Мустақиллик йилларида инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган миллий меросга бўлган муносабатни ўзгартириш, уни ўрганиш, тарғиб этиш ва келгуси авлодга етказиш ишлари давлат аҳамиятига молик вазифа даражасига кўтарилишининг ўзи муҳим воқеадир. Инсонпарварлик ғоялари маънавиятнинг бошқа соҳалари сингари авлоддан авлодга ўтиш — ворисийлик асосида тараққий этган. Бундай ворисийлик, давомийлик, узлуксизлик тарихий тараққиётнинг ҳамма даврларига хос бўлиб, ҳозирги мустақиллик шароитида инсонпарварлик ғоялари ривожи учун муҳим ва бой манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўртинчи йўналиш — давлат ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳаёт. З.Исломов ўзининг "Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси" асарида таъкидлаганидек, "ҳуқуқ моҳиятига кўра кишиларни, бутун инсоният ҳамжамиятини нормал, тартибли ҳаёт билан таъминлашга даъват этувчи" ҳодисадир. "Ҳар қандай жамиятда унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ўша жамият мавжудлигининг шартидир", деб давом этади олим. Демак, ҳуқуқ ижтимоий тараққиётнинг, кишилик жамияти мавжудлигининг шарти, зарурати, асосидир.

Ижтимоий-ҳуқуқий ҳаёт нафақат юридик институтларни, шу билан бирга, шахс, жамият, давлат ҳаётининг ҳуқуқ билан бевосита боғлиқ барча соҳа ва жиҳатларини ўз ичига олади. Меъёрий ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилган тартиб-қоидалар доирасида амал қилади, унга расмийлик хос. Одатий ҳуқуқ, бошқача айтганда, ахлоқ меъёрлари улардан ташқарида бўлади, лекин меъёрий ҳуқуқ билан бирга ижтимоий-ҳуқуқий маконни ташкил этади.

Давлат меъёрий ҳуқуқни яратиш билан чекланиб қололмайди, акс ҳолда, у бошлаган ислоҳотлар кўзланган натижаларга олиб келиши мушкул. Шунинг учун давлат ахлоққа, халқ маданияти ва турмуш тарзига сингиб кетган урф-одатларга ("одатий ҳуқуқ"), яъни ижтимоий меъёрларга ҳам таянади, улар орқали фуқароларни ижтимоий ўзгаришларга жалб этади. Одатий ҳуқуқ энг содда ва оддий, энг оммалашган муносабатларни тартибга солиб боради. Шунинг учун мамлакатимизда адолатли демократик жамиятни шакллантириш жараёнлари барча ижтимоий меъёрлар, айниқса, ҳуқуқий,

---

[1] *И.А. Каримов.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий мафкура. 1-том. Т.: "Ўзбекистон", 1996. 44-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънавий (ахлоқий), сиёсий меъёрларга изчил риоя этилишини талаб қилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда қарор топган ушбу "энг содда ва оддий, энг оммалашган муносабатлар"ни ҳисобга олмаслик, уларни нигилистларча инкор этиш тузумни таназзулга олиб келади. Шўро давлати миллатларнинг ана шундай тарихий-маданий ва ҳуқуқий анъаларини, тажрибасини ҳисобга олмади, тўғрироғи, уларга менсимасдан қаради ва охир-оқибат пароканда бўлди. Шу сабабли ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда қарор топган анъаналарни ҳисобга олиш нафақат зарурат, балки жамиятда тадрижий ривожланишни, ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан келгуси авлодлар олдидаги масъулият ҳамдир.

Фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатда зарурат инсон манфаатлари орқали англанади, ҳуқуқ меъёрлари орқали таъминланади, масъулият орқали эса амалда ўз ифодасини топади. Демак, инсон манфаатларини англатувчи зарурат — субстанция, ҳуқуқ — механизм, масъулият — тўла тадқиқот шартидир. Давлат эса ушбу учликнинг уйғун ҳаракатланишини, уларнинг йўналишига умумхалқ ва умуммиллий тус беришни таъминловчи ижтимоий-сиёсий тизимдаги бош институтдир. Бу ўринда Президент Ислом Каримовнинг 1997 йил 20 майда ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда айтган ғояларини, 1997 йил 25 июнда эълон қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида"ги Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" (1997 йил 29 август) ва "Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонунни (1997 йил 24 апрель), Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлда қабул қилинган "Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида"ги қарорини мисол қилиб келтириш мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ташкил этилгани, кенг оммага мўлжалланган "Инсон ва қонун", "Ҳуқуқ", "Адолат" каби махсус газеталар, "Ижтимоий фикр", "Демократлаштириш

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва инсон ҳуқуқлари", "Ҳуқуқ ва бурч", "Фалсафа ва ҳуқуқ", "Фуқаролик жамияти" каби илмий-сиёсий, юридик журналлар чоп этилаётгани ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётдаги муаммоларни очиқ муҳокамага қўйиш ва самарали ҳал этиш имконини яратмоқда.

Ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг савияси жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ва шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик даражаси орқали намоён бўлади. Шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги эса турли ҳуқуқбузарликлар унинг бевосита манфаатларига зарар етказишидан ёки етказмаслигидан қатъи назар уларга қарши курашишга тайёрлик даражаси билан ўлчанади. Демак, давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётдаги фаолияти, ҳуқуқ соҳасида амалга ошираётган ислоҳотлари инсонни ҳуқуқбузарликка йўл қўйишдан асраш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилгандир.

Бешинчи йўналиш – давлат ва жамият ҳаёти. Юқоридаги йўналишлар моҳиятан жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Уларда жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ёки маънавий-маданий соҳалари назарда тутилади. Лекин жамият ҳаётининг давлат фаолияти, у амалга ошираётган ислоҳотлар билан боғлиқ бошқа жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, ижтимоий демография, этник-ижтимоий муносабатлар, ҳарбий тизим, давлатлараро алоқалар, халқаро терроризмга қарши кураш кабилар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳар бири жамият ҳаётига тааллуқли бўлиб, фақат давлатгина уларни зарур кўлам ва даражада йўлга қўя олади.

Ижтимоий демографияни олайлик. Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, ривожланган давлатларда икки-уч киши ишлаб, бир одамни (фарзанд) боқса, ўзбек хонадонида бир киши баъзан 6—7 жонни боқади. Мамлакатимизда ишловчидан кўра истеъмолчи кўп. Аҳоли ҳар йили 210—220 минг кишига кўпаймоқда. Бундай демографик ўсиш аҳоли турмуш тарзи ва саломатлигига, оиланинг моддий таъминланганлик даражасига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун иқтисодий тараққиёт билан демографик ҳолат мутаносиблигини таъминлаб бориш талаб этилади. Давлатимиз аёлларнинг саломатлигини (шу жумладан, репродуктив саломатлигини) яхшилаш, фарзандларнинг ўқиб, таълим-тарбия олиши, соғлом бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароитни яратиш мақсадида демографик ўсишни маданийлаштириш йўлидан бормоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Давлатнинг жамият ҳаётига аралашувини ёки ўзи маъқул кўрган ислоҳотларни унга зўрлаб жорий қилишини давлатнинг волюнтаризми, тоталитар бошқарувга мойиллиги, зўравонлиги сифатида тушунмаслик зарур. Давлат жамият ҳаёти учун муҳим бўлган ўзгаришни ижтимоий зарурат сифатида қабул қилади, ушбу заруратни илғайди, унинг ҳаётда ўз ифодасини топиш механизмларини ишлаб чиқади ва бу борадаги бутун масъулиятни ўз зиммасига олади. Алоҳида олинган бирор ташкилот ёки тизим ўзгаришлар зарурлигини сезмаслиги, ҳатто билмаслиги ҳам мумкин. Давлат "ўз назари" уларникидан кенгроқ эканлиги, кўп нарсани билиши, хуллас, ижтимоий заруратни вақтида тўғри пайқаши билан фарқ қилади. Айни шу фазилатлар давлатни ислоҳотларнинг ташаббускори, бошловчиси сифатида ҳаракат қилишга ундайди.

Олтинчи йўналиш – давлат ва шахс. Ушбу йўналишда инсон манфаатларининг устуворлиги тамойилига таянилади. Мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган ва реал воқеликка айланган ички сиёсат том маънода инсон манфаатларига, шахснинг ижодий қобилиятларини ўстиришга, уни ижтимоий борлиқнинг ҳақиқий ижодкорига айлантиришга қаратилгани билан эътиборлидир. Давлатимиз ички сиёсатининг негизи инсон манфаатларига қаратилган, меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир. Бозор иқтисодиёти шахснинг ижодий меҳнатини ва интилишларини қўллаб-қувватлайди, чунки унинг ўзи инсон эркин меҳнатининг маҳсулидир. Давлат эса шахснинг эркин меҳнат қилиши учун зарур ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий шароитни яратади, жамиятда, ишлаб чиқарувчилар ўртасида ижодий рақобатни қўллаб-қувватлайди.

Шахснинг эркин меҳнат қилиши жамият учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам бирламчи эҳтиёж, заруратдир. Бироқ бу эҳтиёж, бу зарурат ҳар доим ҳам тўғри англанавермайди, гоҳо улар шахснинг ўз манфаатларини, ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида келиб чиқиши мумкин. Ҳаётимизда учраб турадиган порахўрлик, юлғичлик, коррупция каби ғайриижтимоий салбий ҳолатлар шахснинг ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўйиши, ўзининг ҳузурини, айш-ишратини ўйлаши, осон обрў ва бойлик орттиришга интилишининг натижаси бўлиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий

www.ziyouz.com kutubxonasi

меъёрлар ва қонунларни менсимасликка, жамият, келажак, давлатимиз шунча катта куч ва саъй-ҳаракатлар билан мустаҳкамлашга интилаётган мустақиллик олдидаги масъулиятни унутишга олиб келади. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш заруратини нафақат ҳуқуқ, қонун устуворлигини таъминлаш, худди шунингдек, келажак, мустақиллик олдидаги масъулият билан боғлайди. У масъулиятни ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат ва раҳбар ходимлар олдига қўйиладиган биринчи талаб деб атайди.

3.2. "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" – фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш тамойили

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши ва кучли давлатни шакллантириши аслида унинг фуқаролик жамиятининг идеал моделини реал воқеликка айлантиришидир. Демак, кучли давлатсиз фуқаролик жамияти ҳам, демократик ҳуқуқий давлат ҳам қуриш мумкин эмас.

Нима учун тоталитар тузумнинг машаққатларини, азобларини тортган ва энди мустақилликка юз тутган халқимизга тағин "кучли давлат" керак бўлиб қолди экан? Бир маҳаллар дунёда энг кучлилардан бири ҳисобланган шўро давлатининг аянчли тақдири, табиий қисмати сабоқ бўлмадими? Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш нима дегани? Кучли давлатнинг ўз мавқеидан ихтиёрий кечиши қанчалик ҳақиқатга яқин? Демократик ҳуқуқий давлатнинг кучли давлат эканлиги нималарда намоён бўлади? Улар бир-бирига зид ижтимоий-сиёсий воқеликлар эмасми? Улар ўртасидаги яқинлик, диалектик боғлиқлик ва концептуал ўхшашликлар нималардан иборат? Умуман, кучли давлатнинг фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатга айланиши қандай рўй беради?

Кўриниб турибдики, бу саволларнинг барчасига, тўлиқ ва қониқарли жавоб бериш қийин, аммо уларнинг умумий концептуал масалаларини белгилаб, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш мақсадига оид жиҳатларини очиб бериш билан чекланиш ҳам муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Юқоридаги саволларга жавоб беришдан олдин биз қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатда яшаганимизни, қисқача бўлса-да, эслаб ўтишимиз лозим.

Шўро салтанати тоталитар бошқарув, моҳиятан инсон, халқлар, миллатлар манфаатларига зид мақсадлар асосига қурилган давлат эди. Тоталитар тузумнинг, сталинизмнинг халқлар бошига солган кулфатлари ҳақида жуда кўп асарлар чоп этилган. Бу давлатнинг 1930, 1950-йиллардаги террорини тадқиқ этган АҚШ сиёсатшуноси профессор Р. Такер ўзининг "Сталин. Ҳокимиятга йўл" асарида, "Иосиф Жугашвили ўз хунрезликлари билан ҳақиқатан ҳам Сталин, яъни "темир, тошбағир одам" эканлигини исботлаган", деб айтади. Зўравонлик ва ҳийла билан одамлар онгига сингдирилган коммунистик ғоя эса ҳар қандай миллий демократик қарашнинг душмани эди. Одамларни бу ғайриинсоний, тараққиётга ғов бўладиган, миллатларни пароканда этадиган иллатлардан халос қилиш осон эмас эди, албатта.

"Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар" асарида Президент Ислом Каримов мустақиллик йиллари тажрибаси ва миллий демократик тараққиётга тўсиқ бўлаётган омиллар ҳақида тўхталиб, бундай деган: "Шўролар даври, нақд 74 йил изсиз йўқолди, деб ўйлаганлар хато қилади. Бу даврда шаклланган муайян қадриятлар бор. Кишилар онгига ижтимоий тенглик тушунчаси, яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкура кириб қолган. Бундай ёндашиш кишилардаги ташаббусни бўғиб қўйди. Ҳамма нарса — давлат мулки, деган ақида одамларнинг миясига сингдирилиб, кишилар мулкдорлик, эгалик туйғусидан бегона бўлиб қолган. Ўз мулки ва молига эга бўлмаган одамнинг иш деб жон куйдириши жуда қийин. Бундай ҳолат ишчиларнинг меҳнатга интилишига, шахсий рағбатига, иш натижаси учун масъулиятини оширишга салбий таъсир этишини ҳаётимиздаги кўп мисолларда кўраяпмиз".[1]

Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари янги жамиятнинг сиёсий тузуми ва давлат тизимини яратишни бошлаб берди. У Ўзбекистонда миллий демократик тараққиётни таъминлаш учун барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, миллий давлатчилик қурилмасида қонун, ижро ва суд ҳокимиятларини шакллантириш зарурлигини кўрсатиб берди.

---

[1] *И.А. Каримов.* Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: "Ўзбекистон" 1996. 4-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Айни замонда, — деб давом этади Ислом Каримов, — агар кучли ижро ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркинликларини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади”[1]. Демак, кучли давлат энг аввало кучли ижро ҳокимиятидир. Кучли президентлик ҳокимияти эса бутун ижро ҳокимияти тўлақонли ва самарали ишлашининг асосий шарти бўлади. Бу ўринда жаҳондаги президентлик институтларини махсус тадқиқ қилган М. Мирҳамидовнинг “Президентликнинг замонавий моделлари” асаридаги қуйидаги хулосани келтириш мумкин: “Ўзбек жамиятининг сиёсий-ҳуқуқий анъаналари, унинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва руҳияти ҳокимият институтларининг ўзига хослигини акс эттиради. Ўзбек жамиятига сиёсатни шахс номи билан боғлаш, халқ етакчисини танлаш хос. Бу ўзбек халқининг менталитети, бозор иқтисодиётига ўтишда иқтисодий, сиёсий вазиятни барқарор қилишга қодир бўлган ҳаракатчан ва кучли ҳокимиятнинг зарурлиги билан боғлиқдир. Президент бошқараётган ижро ҳокимияти Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнини қўллаб-қувватлаши билан кучлидир. Бироқ жуда кўп нарса Президентнинг демократик қадриятларни қўллаб-қувватловчи шахсий фазилатларига боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг омади бор, уни бошқараётган Президентнинг бутун фаолияти демократик қадриятларни жорий этиш, бизнинг жамиятимиз жони ва қонига уларни сингдиришга қаратилгандир”[2].

Бош қонунимизга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти: 1) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир; 2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар

---

[1] *И.А. Каримов.* Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: “Ўзбекистон” 1996. 15-бет.

[2] *Мирхамидов М.* Современные модели президенства. Т., Iqtisod—Moliya, 2005. 52—53-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўради; 3) Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади; 4) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади; Сенат Раиси, Бош вазир, Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Марказий банк бошқаруви раиси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; 5) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; 6) вилоят ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади; 7) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; 8) Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мажбурий кучга эга фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради; 9) Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатини, улар фаолиятида барқарорликка таҳдид ёки ғайриқонуний ҳоллар юзага келганида тарқатиб юбориши мумкин. Демак, Президент ҳукуматнинг реал бошлиғидир. Ҳукумат ички тизимини аниқлашгача бўлган ички сиёсат соҳасидаги жиддий қарорлар Президент томонидан қабул қилинади ва улар учун фақат Президент ва у бошқараётган ҳукумат жавобгардир. Айнан Президент бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг ташаббускори бўлиб чиқмоқда ва у ҳокимият бўғинларининг ўзаро келишиб, самарали фаолият кўрсатишига катта эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, М. Мирҳамидов ёзганидек, назарий жиҳатдан бўлса-да, келгусида Парламент билан Президент ўртасида, худди Россия, Беларусь, Украинада бўлганидек, келишмовчилик пайдо бўлиши мумкин. Бу ўринда охирги сўзни ким айтади — Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга Президентми ёки Президентга ишончсизлик (импичмент) масаласини қўя олмайдиган Парламентми? Бизнингча, Конституцияда белгилаб берилган функцияларига кўра ҳамда давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида охирги сўзни Президент айтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ижро ҳокимиятининг навбатдаги поғонасини Вазирлар Маҳкамаси ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида унинг функциялари белгилаб берилган. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилиши ва тасдиқланиши қайд этилган. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди, барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Бозор иқтисодиёти Вазирлар Маҳкамаси ва унга қарашли бошқарув органлари фаолиятига янгича ёндашишни талаб қилади. Агар шўро давлати вазирликларда юқоридан қуйига қараб қатъий марказлаштирилган бошқарув ва назоратни жорий қилиб, марказий идора ишларини енгиллаштирувчи маъмурий буйруқбозликни авж олдирган бўлса, бозор иқтисодиёти бошқарув фаолиятини қайта қуришни тақозо қилди. Масалан, 1990 йили давлат бошқарувида 44,2 минг давлат аппарати ва 34 минг партия аппарати ходимини ўз ичига олган 275 минг киши ишлаган. Марказий аппаратлар, вазирликлар, қўмиталардаги амалдорлар 11 минг киши бўлган. Лекин давлат шунча ходим ва идора органига эга бўла туриб, юзага келган иқтисодий, маънавий ва сиёсий инқирозларни ҳал эта олмаган. 1993 йилга келиб эса мазкур бўғиндаги ходимлар сони 98,6 мингга туширилди. Вилоят ҳокимликлари ходимлари 900, Ташқи ишлар вазирлиги аппарати хизматчилари 230, Маданият ишлари вазирлиги ходимлари 70, Истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси хизматчилари эса 260 кишига қисқарди. Натижада ҳокимият органларидаги маъмурий буйруқбозликка чек қўйилди, корхона ва муассасаларнинг бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ фаолият юритишига имкон яратилди. Шу билан бирга, давр талабига мос янги идоралар, масалан, солиқ, молия, экология қўмиталари каби институтлар шакллантирилди. Ҳозирги кунда солиқ идораларида 12,5 минг, молия идораларида 30 мингга яқин ходим фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, давлат аппаратларининг самарали ишлаши ундаги касбий тайёргарлиги ва маҳоратига, ўз вазифасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришига, қонунларни реал ҳаётга жорий этиш кўникмаларига боғлиқдир. Аммо ҳамма давлат хизмати шунинг учун ҳам давлатга тааллуқлики, у тармоққа, айниқса, бошлиққа хизмат эмас. Давлат хизмати орқали жамият манфаатлари хизматига йўналтирилган давлат ҳокимияти қарор топади. Бошқа ҳеч бир касбий фаолият тўлиқ ҳажмда бундай хусусиятга эга эмас. Давлат хизматида бутун фаолият ҳокимлик ғояси билан йўғрилган, у давлат ва жамият манфаатларини, инсоннинг, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун давлат хизматини юксак маҳоратли, ахлоқли, ҳурфикр кадрлар адо этсалар, ижро ҳокимияти ўз вазифаларини тўла бажаради. Бу эса ақлий салоҳият ва касбий сифатларга эга бўлган, фуқаролик бурчини тўғри англаган, жисмонан соғлом ва хулқ-атвори юксак ходимларни махсус танловлар, мусобақа асосида давлат хизматига қабул қилишни тақозо этади.

Тўғри, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижро ҳокимиятининг бир-бирига боғлиқ иерархик тизими яратилди, бироқ бошқарув ишларида уюшқоқлик, марказ билан жойлардаги идораларнинг ягона механизм бўлиб ишлаши ҳали таъминланмаган. Айниқса, давлат хизматида юзага келган энг хавфли ҳолат — коррупция одамларнинг ҳокимиятга, давлатга муносабатларига акс таъсир кўрсатяпти. Уни бартараф этмай туриб, ижро ҳокимиятини кучли бошқарув институтига айлантириш мушкул. Чунки, коррупция ижро ҳокимиятининг ичидадир, муайян бир бошқарув функцияларини бажарувчи мансабдор шахслар, давлат хизматчилари коррупция субъектлари ҳисобланган сабабли айнан улар одамларда ижро ҳокимиятига ишончни сўндиради. Айрим тадқиқотчиларимиз ҳақли равишда "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши сиёсат асослари" деб аталган янги қонун қабул қилиш лозимлигини таъкидлайдилар. Бу қонун давлат органлари тизимидаги коррупцияни йўқ қилишга қаратилган, коррупциянинг мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий табиатига, унинг кенгайиши ва тарқалишига, турли-туман кўринишларига қарши курашнинг хусусиятларини ялпи қамраган ҳуқуқий ҳужжат бўлиши керак. Шунчаки қонун, ҳужжат қабул қилиб қўйиш керак эмас, балки шунинг баробарида ижро ҳокимиятининг кучли давлат институти эканини тасдиқлайдиган ва асослайдиган, коррупцияга қарши йўналтирилган жиноий-ҳуқуқий сиёсат олиб борилиши зарур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кучли ижро ҳокимиятининг шаклланиши жамият билан бошқарув тизимлари, давлат аппаратлари ўртасидаги ўзаро ишончга, уларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Қанчалик кўп бўлим ва кенг инфратузилмага, қанчалар ходимга, ўз фаолиятини кенг кўламда олиб бориш учун зарур қонунларга эга бўлган тақдирда ҳам, ижро ҳокимиятини жамият, халқ қўллаб-қувватламаса, бундай институт ўзига юкланган функцияларни тўла бажара олмайди. Демак, ижро ҳокимиятининг кучлилиги унинг жамият, халқ билан ҳамкорлигидадир.

Ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги, демократик меъёрларга мувофиқлиги, фуқаролар билан алоқаларининг узвийлиги, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шартлари ҳисобланади. Ушбу демократик институтларнинг ижро ҳокимиятига таъсирисиз кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиб бўлмайди.

Цивилизациялашган демократик жамиятда кенг омманинг фақат сайлов ва бошқарув ишларида қатнашиши қонунлар устуворлигига ва ҳуқуқий негизга асосланган кучли ҳокимиятни юзага келтирмайди. У ўзининг бевосита фаолиятида жамоатчилик фикрига таяниши, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб халқ кайфияти ва сиёсий интилишларига жавоб бериши, жамиятда барқарорлик ва ҳамкорликни қарор топтириши даркор. Бундан ташқари, кучли ҳокимият ижтимоий зиддиятларни куч билан бостириш эмас, балки жамиятда муроса ва келишув йўлларини топиш механизми бўлиши лозим. Ижро ҳокимиятининг кучи унинг ижтимоий фикрга таяниши, жамиятдаги зиддиятларни вақтида бартараф этиб, тинчлик-осойишталик, келишув ва муросани таъминлашидадир.

Ҳар бир фуқаро давлат идораларидан, бошқарув тизимида хизмат қилувчи шахслардан ўзини қизиқтирган ахборот ва маълумотга, мақсад ва хоҳишларига мос келувчи ихтиёрий уюшмалар тузиш учун рухсатнома олиш ҳуқуқига эга. Бу борада давлат фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза қилади, уларнинг тўла рўёбга чиқишини кафолатлайди. Бироқ амалда баъзан давлат органлари бирор муаяйн ҳолат юзасидан аҳолини камдан-кам хабардор қилади, воқеа ва ҳодисаларни бузиб ё бўрттириб, бир ёқлама қилиб кўрсатади, маълумотни ўз манфаатларига мослаб тарқатади. Бу ҳолда демократик маконга путур етади, фуқаролар воқеа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳодисалар ҳақида тўғри фикрга эга бўлмай, кўпинча миш-мишлар кетидан қувади. Танқиднинг йўқлиги, айниқса, ўз-ўзини танқид қилмаслик эса ижтимоий ҳаётдаги зиддиятли ва кескин муаммоларни ҳал этишга эмас, балки уларнинг янада мураккаблашишига, алалоқибат кучли ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келади, уни ўнгу сўлдан бўладиган ҳужумлар олдида ожиз қилиб қўяди.

Бугун Ўзбекистонда ҳақиқий демократик макон, фуқаролик жамиятининг асосларини барпо этиш учун зарур ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий замин яратилган. Ҳар бир фуқаро нафақат ўзининг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, шу билан бирга, амалда ҳокимият тизимларига таъсир кўрсатиш имконига эга. Бу аслида ҳар бир фуқаро сиёсатнинг ихтиёрий ҳолдаги ёки беихтиёр тарздаги субъекти, сиёсий онг эгаси эканидан далолатдир.

Ҳар бир фуқаро сиёсатнинг субъекти экани унинг сайловларда, референдумларда, айниқса, маҳаллий ҳокимият фаолиятида бевосита қатнашишида ва уларни назорат қилишида намоён бўлади. Бош қонунимизнинг XXI боби "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" деб аталади. Унда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар: давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш; маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этишни таъминлаш каби вазифаларни бажариши кўрсатилган. Ҳуқуқий ва ташкилий нуқтаи назардан фуқаролар йиғинлари ҳам маҳаллий ҳокимлик институти ҳузурида фаолият кўрсатади.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги (1994 йил май) қонунга мувофиқ халқ депутатлари бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида ўтадиган овоз бериш жараёнида сайланадилар. Мазкур кенгашларга депутатлар беш йил муддатга

www.ziyouz.com kutubxonasi

сайланадилар. Сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этиши маҳаллий ҳокимият фаолиятини жонлантиришга, мавжуд муаммоларни ҳал этишга янги сиёсий кучларнинг келиб қўшилишига имкон беради. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва кенг аҳоли қатламлари билан яқинлиги, улар билан бевосита мулоқот ўрнатиш имконига эга эканлиги эса нафақат ҳокимиятни кучли сиёсий институтга айлантиради, шу билан бирга, фуқаролик жамияти асоси бўлган фуқаролик институтларининг кенг миқёсда шаклланишига ҳам замин яратади.

Жамият ҳаёт фаолиятининг ҳозирги даври кўп жиҳатдан муайян ҳудудда ёнма-ён яшаб келаётган фуқароларнинг ўзларини қизиқтирган барча масалаларни ечишдаги фаоллик ва уюшқоқлигининг ортиши, аҳолининг турли гуруҳлари орасида ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиши билан характерланади. Бу жараёнларнинг ривожланиши натижасида ўз-ўзини бошқариш органлари янада такомиллашиб боради. Улар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимидаги мустақил бўғин сифатида бевосита жойларда жамият ҳаётига оид қатор муҳим масалаларни ҳал қилишади. Маҳаллий ҳокимиятнинг кучлилиги унинг шу ҳудудда яшовчи аҳоли, фуқаролар ҳаётига қанчалик яқинлигига, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун қанчалар жон куйдиришига, маҳалла, фуқаролар йиғини ва ўз-ўзини бошқариш органлари билан биргаликда ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий муаммоларни ҳал эта олишига қараб белгиланади.

Ўзбекистонда кучли давлат қуриш ва фуқаролик жамиятига ўтиш мамлакатимизда парламентаризмнинг шаклланиши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Юртимизда том маънодаги парламентаризм Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейингина юзага келди. Очиқ демократик сайловлар асосида шаклланадиган олий вакиллик органи — Олий Мажлис нафақат ҳокимиятни шакллантириш усули, шу билан бирга унинг халқ олдидаги масъуллиги ҳамдир. Шунинг учун демократик сайлов шароитидагина халқ олдидаги масъуллигини ҳис қиладиган ҳокимият тизимини, бу ўринда, қонунчилик ҳокимиятини шакллантириш мумкин. Шу маънода, халқ суверенитетини ифода этувчи парламент — Олий Мажлис шунчаки қонунчилик органи бўлиб қолмай, ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий институтларини шакллантирувчи таъсис органи ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди. У миллий ҳуқуқий давлатнинг ҳақиқий таъсисчиси ва тўлақонли фаолиятининг кафилидир.

Албатта, бу парламентнинг ижро ҳокимияти ўрнига даъвогарлигини англатмайди. Ҳатто парламент назорат функциясини бажараётганида ҳам ижро ҳокимияти функциясини ўз зиммасига олмайди, унинг ваколатлари чекланмаган эмас. Парламентнинг амалдаги нуфузи ва салоҳияти ҳақида Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран яхши изоҳ қолдирган: ҳаддан ташқари кучли парламент давлатнинг иш маромига, ўта заиф парламент эса демократияга хавф уйғотади. Бугун, Ўзбекистон парламенти мана шу икки чегара доирасидан чиқмаётир, деб айтиш учун барча асослар мавжуд.

Олий Мажлиснинг икки палатали тизимга (Қонунчилик палатаси ва Сенат) ўтиши эса олий вакиллик органининг ҳам аҳоли, ҳам минтақалар билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кучли давлат тизимида суд ҳокимиятининг ўрни, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар онги ва турмуш тарзида ҳуқуқий маданиятни, қонунларга итоат этиб яшаш одатини шакллантиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларидан мустақилдир. Тўғри, суд ҳокимиятининг функциялари борасида турли ёндашув ва фикрлар мавжуд, аммо уларнинг барчасида судларнинг ижтимоий тартибни мустаҳкамлаш ва таъминлашдаги ўрни беқиёс экани якдиллик билан қайд этилади.

Бош қонунимизнинг 19-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, инсонни улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги белгилаб қўйилган. Демак, суд ҳокимиятининг асосий функцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Янада кенгроқ қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон суд ҳокимияти олдида мавҳум ҳуқуқий меъёрларни реал ҳуқуқ ва бурчларга айлантириш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишини, давлатнинг фуқаро олдидаги бурчларини бажаришини таъминлаш каби улкан вазифалар туради. Суд ҳокимиятига бундай ёндашиш анчадан буён кўплаб йирик ҳуқуқшунос олимлар томонидан айтиб келинаётган илғор ғоялар билан муштарақдир. Шу билан бирга, суд ҳокимияти ижтимоий муносабатларни тартибга

www.ziyouz.com kutubxonasi

солиш, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, манфаатларни мувофиқлаштириш вазифаларини бажаради.

Бугунги кунда суд ҳокимиятининг мустақил фаолият кўрсатиши, уни либераллаштириш муаммолари, аҳоли билан алоқалари, суд раисларини сайлаш ёки тайинлаш механизмлари ҳақида кўп фикрлар билдирилмоқда. Чет давлатлар тажрибасини ўрганиш, улардаги айрим хусусиятларни, усулларни татбиқ этиш ҳақидаги даъватлар ҳам кам эмас. Мамлакатимизда суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган ислоҳотлар турли ёндашувларни, таклиф ва мулоҳазаларни келтириб чиқариши табиий ҳолдир. Чунки Ўзбекистонга кучли ва мустақил суд ҳокимияти зарур. Тўлақонли ишлайдиган суд ҳокимиятисиз давлат ҳокимиятининг қолган бўғинлари самарали ишлай олмайди, демак, бутун давлат тизими беқарорлашади.

Кучли давлат кучли қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларидан иборатдир. Фуқаролик жамияти томон борган сари уларнинг фаолиятида халқ манфаатларига хизмат қилишга, фуқароларнинг ижодий ва маънавий салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит, ҳуқуқий макон ва механизмлар яратишга эътибор янада кучаяди. Суд ҳокимияти тизимида фуқаролик (ўртоқлик) судларининг юзага келиши эса бу соҳага фуқаролик институтларининг таъсирини оширади.

Юқоридаги кузатишлардан қуйидаги фикр-мулоҳазалар келиб чиқади. Биринчидан, Ўзбекистонда кучли давлатни ташкил этиш зарурати нафақат ижтимоий-сиёсий эҳтиёж, балки халқнинг менталитети ва кучли ҳокимиятга интилиши каби тарихий воқелик билан боғлиқдир. Иккинчидан, кучли давлат қуриш мақсади Ўзбекистонда кечаётган демократик ислоҳотларнинг таркибий қисмидир; у давлат ҳокимиятини бир-биридан мустақил бўлган қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти бўғинларига тақсимлашга, суд, юридик соҳаларни либераллаштиришга, янги ўзбек парламентаризмини ривожлантиришга қаратилган демократик ўзгаришлар билан бирга барпо этилмоқда. Учинчидан, мамлакатимизда барпо этилаётган кучли давлат, аввало, халқнинг қўллаб-қувватлашига таянади ва фуқаролар манфаатларига хизмат қилади. Бу унинг кучли томонидир. Тўртинчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ташаббускори давлатдир. Айнан у фуқаролик жамияти барпо этишни миллий демократик

www.ziyouz.com kutubxonasi

тараққиётимизнинг модели, стратегик мақсад деб эълон қилган ва фуқаролик институтларини ривожлантириш борасидаги оқилона изланишларни қўллаб-қувватламоқда. Бешинчидан, кучли давлатнинг демократик ҳуқуқий давлатга айланиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсоннинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, юридик институтлар фаолиятини либераллаштириш, хуллас, қонун ишлаб чиқувчиларнинг ҳам, оддий фуқароларнинг ҳам ҳуқуқий макон талабларига мувофиқ яшашига эришиш орқали рўй беради. Эсдан чиқармаслик зарурки, ушбу фикрлар умумий характерга эга, уларнинг реал воқеликка айланиши изланишларни изчил давом эттиришни, миллий демократик тараққиёт идеалини назардан қочирмасликни тақозо этади. Бугун биз барпо этаётган кучли демократик давлат фуқаролик жамиятига олиб бораётган ислоҳотларнинг бош субъекти, ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда. Айни мана шу ижтимоий воқелик "кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга тўла жорий этиш кафолатини беради.

3.3. Ўзбек парламентаризмининг шаклланиши

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш концепцияси миллий парламентни яратиш, уни ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг бош субъектига айлантириш ғояси билан боғлиқдир. Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар марказида аслида ўзбек парламентаризмини шакллантириш, ҳокимият ваколатларини тақсимлаш тамойилига мувофиқ уни ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг, жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашнинг миллий демократик институтига айлантириш мақсади туради. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда парламентнинг аҳамияти ошиб бораётгани, парламентаризм халқ эҳтиёжлари ва манфаатларини ифода этувчи, ўзининг қонунлари, қарорлари ва ижтимоий назорат фаолияти билан давлат сиёсатига, демократиянинг қарор топишига таъсир этувчи институтга айлангани халқаро ҳаётдаги реал воқеликдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврдаёқ Президент Ислом Каримов ҳокимият ваколатларини тақсимлаш демократик ҳуқуқий давлат қуриш шарти эканлигини уқтирган эди. У миллий истиқлол йўлини белгилар экан, Ўзбекистон

www.ziyouz.com kutubxonasi

Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият уч бўғинга — қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятига бўлинишини, бу тамойилга амал қилмай, ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмаслигини таъкидлаган.

Ўзбекистонда парламентаризмнинг шаклланиши Э. Халилов томонидан махсус тадқиқ этилган. Парламентаризм масалалари А. Болтаев, З. Исломов, А. Саидов, Ш. Уразаев, Ҳ. Одилқориев, О. Ҳусанов, Р. Қаюмов асарларида, Т. Файзуллаев, Ш. Кўчимов, М.Файзиевнинг илмий-назарий мақолаларида у ёки бу йўналишда таҳлил қилинган[1]. Шунга қарамай, ўзбек парламентаризми шаклланишининг фалсафий-ҳуқуқий масалаларини ўрганишга эҳтиёж мавжуд. Чунки, биринчидан, мазкур асарларда асосан Ўзбекистонда парламентаризмнинг ҳуқуқий масалалари таҳлил қилинади. Иккинчидан, бугун ўзбек парламентаризми ҳатто икки-уч йил олдинги парламентаризмдан нафақат институционал, худди шунингдек, функционал, фаолиятидаги ёндашувлар нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилади. Учинчидан, икки палатали парламент тизимига ўтиш ўзбек парламентаризмидаги мутлақ янги воқелик бўлиб, унинг моҳиятини очиб бериш, негизидаги мақсадларни ижтимоий, сиёсий-фалсафий тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда парламентаризмни янги ижтимоий-тарихий босқич нуқтаи назаридан дастлаб тадқиқ этган С. Султанов унинг шаклланишини 1917—1924 (биринчи босқич), 1924—1937 (иккинчи босқич), 1938—1950 (учинчи босқич) йилларга ва мустақиллик даврига бўлиб ўрганишни тавсия этади[1]. Э.Халилов эса шўро даврига яхлит бир босқич сифатида қарайди[2]. Бизнингча, Э.Халиловнинг ретроспектив ёндашиши ўринли бўлиб, унга таянган маъқулдир.

Биринчи босқич (1917—1924 йиллар). Бу босқичда парламентаризмнинг шаклланишида икки воқелик кўзга ташланади. Бир томондан, миллий зиёлиларнинг Туронни

---

[1] *Болтаев А.Р.* Законодательная власть в Республике Узбекистан. Т.,1996; *Исламов З.М.* Общество, государство, право. Т., 2001; *Саидов А.Х.* Сравнительное правоведение. Т., 1999; *Уразаев Ш.З.* Модель закона: какой ей быть? Т., Одилкориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Т.; 1995; *Қаюмов Р.К.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Т.: 1998; *Файзиев М.* Янги қонунларни тайёрлаш тўғрисида қонун // Ҳуқуқ. Право, 1998, № 1. — 57—59-бетлар.

[2] *Султанов С.А.* Органы государственной власти Республики Узбекистан. Становление и основные этапы развития (1917—1937). Автореферат дис. д-ра юрид. наук. Т., 1994. 8—12-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Туркистон) мустақил ўлка, ўзининг тарихий-маданий ва диний анъаналарига мувофиқ бошқариладиган давлат сифатида шакллантиришга қаратилган ҳаракатлари, иккинчи томондан, ўлка тақдири Россия билан боғлиқ деб ҳисоблаб, у ерда рўй бераётган сиёсий ўзгаришларга яхши ният билан қараш кузатилади.

Тарихий-маданий анъаналар орқали мустақилликка эришиш ва "мажлиси уламо"ни (яъни, ҳозирги истилоҳда парламентаризм) шакллантиришнинг тарафдорлари жадидлар эди. Жадидлар сиёсий оқим сифатида пайдо бўлган. Тўғри, жадидлар ҳам "қадимийлар" ва "замонавийлар", яъни консерваторларга ва либерал-демократик ғоялар тарафдорларига бўлинган. Шарқшунос Закий Волидийнинг эсдалигидан бу ёндашувлар ўртасидаги фарқни илғаб олиш қийин эмас. "Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи" асарида у 1917 йил апрель ойида ўтказилган "Туркистон мусулмонларининг биринчи конгресси" ҳақида бундай деб ёзади: "Конгрессда зиёлиларнинг бир қисми (билқисса Чўқаев ва Шоҳинаҳмедов), қозондан келган вакиллар (Оренбургда чиқаётган "Вақит" газетаси муҳаррири Кобир Бекир ва ҳукумат аъзоси сифатида Тошкентга келган Садри Мақсудийларнинг) таъсири остида Туркистоннинг бошқарув усули масаласида федерацион қурилиш фикрига мухолиф бўлдилар. Мунавварқори ва унинг айрим дўстлари ҳам тараддудда қолдилар. Фақат Маҳмудхўжа Беҳбудий билан мен автономия ва федерация фикрини ёқлаб, охиригача бу ишончимизда мустақил қолдик"[1].

Жадидчиликнинг дастлабки даврида унинг тарафдорлари илғор қарашли рус буржуазияси вакиллари билан яқин эдилар. Улар ҳам ўз вакиллари орқали давлат ишларида қатнашишни талаб этганлар. Агар Россия мусулмонларининг I қурултойида улар рус буржуазияси билан бирга сиёсий талаб билан чиққан бўлсалар, II қурултойда исломий қарашларни ҳам илгари сурганлар ва кадетлар сафида Давлат думасига вакил сайлаганлар. III қурултойда улар Россиядаги бутун мусулмонларни бирлаштириш ғоясини илгари сурадилар ва конституцион монархияни ёқлаб чиқадилар. 1917 йил 23 июлда Фарғона вилояти меҳнаткашлари қурултойида Туркистонда федератив

---

[1] *З.В. Тўғон.* Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарих. Истамбул, 1981. 357-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқарув асосидаги парламент республикасини тузиш таклиф этилади.

Кўриниб турибдики, жадидлар ҳаракатида турли ижтимоий-сиёсий ғояларни қўллаб-қувватлашга интилиш кузатилади, лекин улар мусулмонларни тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида парламент ишида иштирок этишларини талаб этганлар. Уларнинг конституцион монархия ҳақидаги ғояси, шунингдек, ҳуқуқий давлат қуриш, вакиллик институтларининг маъмурият устидан назорат ўрнатиши, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишда халқ билан маслаҳатлашиш ҳақидаги талаблари ижобий характерга эга эди. Аммо конституциявийлик ғояси аҳоли ҳуқуқий маданиятининг пастлиги, парламентаризм тажрибасининг йўқлиги, ҳатто зиёлиларнинг ҳам ушбу ўзгаришларга тайёр эмаслиги, синфий ва гуруҳий эгоизм каби тўсиқларга дуч келган.

Р.Шарипов "Туркистонда жадидчилик ҳаракати тарихидан" китобида қуйидагиларни ёзади. 1917 йил 26 ноябрда Фарғона, Самарқанд ва Қўқон зиёлилари Туркистон ўлкасининг фавқулодда IV қурултойига йиғилишади. 28 ноябрь куни қурултой Туркистон миллий мухторияти тузилганини эълон қилади. Унда 74 кишидан иборат Халқ шўроси сайланади. Улардан 56 нафари туркий миллат вакили, 17 нафари рус, биттаси яҳудий эди.

Қурултой қарорининг 1-моддасида қуйидагилар ёзилган эди: "...Туркистон ўлкасининг фавқулодда қурултойи Русия инқилоби асосларига таянган ҳолда ўлка халқлари ўй ва истакларини ифода этиб, Туркистонни демократик, Русия Федератив Жумҳуриятининг Мухтор бир аъзоси ва бўлаги деб эълон қилади. Барча ташкилий масалаларни ҳал этиш бир оздан кейин бўлиб ўтадиган Таъсис мажлиси зиммасига юкланади. Қурултой Туркистонда яшаётган майда миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади, деб тантанали равишда эълон қилади"[1].

Жадидчилик ҳаракати Хива ва Бухорода ҳам давом этди. Масалан, Хивада "Ёш хиваликлар" иштирокида эллик кишидан иборат Олий Мажлис тузилади, жадидлардан бири ушбу парламент раиси этиб сайланади.

---

[1] *Халилов Э.Х.* Высший законодательный орган Республики Узбекистан. От формального представительства до реального парламентаризма. Т., Ўзбекистон, 2001. 22–23-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1917 йил 14 мартда Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан 61 кишидан иборат янги сиёсий ташкилот "Шўрои ислом" тузилади. Ташкилот халқимиз тарихий-маданий тажрибасига, динига асосланиб фаолият кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Унинг Низомида жойлардаги маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат "Шўрои ислом"нинг таъсис йиғилишини ўтказиш, барча минтақаларда ташкилотнинг бўлимларини тузиш назарда тутилган. Шунга мувофиқ Ўш, Андижон, Фарғона, Туркистон, Мари, Наманган, Қўқон, Самарқанд шаҳарларида ташкилот бўлимлари очилган. Қисқа муддат ичида кенг тарқалгани "Шўрои ислом"нинг халқ дилига яқин уюшма бўлганини кўрсатади.

Р. Шариповнинг кўрсатишича, "Шўрои ислом"га муқобил сифатида "Шўрои уламо" жамияти тузилган. Бу эса мусулмонлар орасида ижтимоий-сиёсий жараёнларга турли ёндашувлар бўлганига яна бир далолатдир. Уларни Р. Шарипов "Туркистон шўролари", "Ижроия қўмиталар" ва "Шўрои ислом" оқимларига бўлади. Уларнинг ҳар бирида ҳам ўзига хос тарзда вакиллик органлари тузишга ҳаракат мавжуд бўлган.

1917 йил 21—31 июль кунлари Қозонда бўлиб ўтган Умумроссия мусулмонлари II қурултойида ўлкамиз вакиллари ҳам қатнашиб, "Миллий-маданий мухторият асослари"ни қабул қилишда иштирок этганлар. Ушбу биз ўрганаётган мавзу учун муҳим аҳамиятга молик қуйидаги жиҳатлар бор:

3. Мухторият қитъаларда очиладурғон мажлиси мабъусонға (депутатлар палатаси), маҳаллий идораларга ва бошқа бутун ташкилотга сайланадурғон аъзолар умумий, баробар, ёшурун ва бевосита сайлов усули ила сайланадур.

4. Миллатнинг йигирма ёшга етуб, аҳлият пайдо қилғон ҳар бир фарди — эр бўлсун, хотин бўлсун — синф, дин ва мазҳаб айирмасиға боқмасдан сайламак ва сайланмак ҳаққина моликдур.

7. Ҳар бир мухториятли қитъанинг марказида қонун ясайдурғон бир мажлиси мабъусон ва ул қонунни ижро қиладурғон бир ҳайъати вукало (вакиллар ҳайъати) бўлур.

Шунга яқин фикрларни "Бўлинганни бўри ер" китобида Заки Валидий ҳам илгари сурган. Ўз ғояларини у қуйидагича ифодалайди:

2. "Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумҳурият шаклида бўлиб, ҳокимият асосини демократия йўли билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

сайланган миллат мажлиси (бу Олий Мажлисга тўғри келади — Ф.М.) ёки вилоят ва шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари (земство) ташкил қилади".

3. Марказий ҳукумат аъзолари миллат мажлисининг розилиги билан Жумҳурият раиси (Президент) томонидан, вилоятлардаги бошлиқлар эса марказий ҳукумат томонидан тайинланажак. Вилоят ва шаҳар идора мажлисларининг раислари шу мажлиснинг ўзида сайлаб қўйилажак. Миллат мажлиси, Жумҳурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустақил Туркистоннинг биринчи қурултойи томонидан белгиланажак".

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳар хил ёндашувлар мавжуд бўлса-да, улар Туркистон ўз идора усулларига, парламентига эга бўлиши ўтроқ халқ миллий тили ва тарихий-маданий тажрибасига асосланиш зарур, деган ғояларни илгари суришда якдил эдилар.

Шу билан бирга, Туркистонда ишчи-деҳқонлар советлари ҳам ташкил этила бошлади. 1918 йили Туркистон АССР тузилганига қадар, 65 совет мавжуд бўлган. Улардан 25 таси ишчилар депутатлари совети, 18 таси солдат депутатлари совети, иккитаси солдат ва офицер депутатлари совети, еттитаси крестьян депутатлари совети, бештаси мусулмон ишчилари депутатлари ва мусулмон депутатлар совети эди. Аммо улар расман вакиллик қилиш ва қонун ишлаб чиқиш ваколатига эга органлар эмас эди.

Туркистон АССР тузилгач, ўлкада юзага келган ишчи, деҳқон ва солдатларнинг советлари, расмий ҳужжатларда қайд этилганидек, "халқ оммаси вакилларининг органи" сифатида қараладиган бўлди. Жойларда, корхоналарда тузилган советлар асосида советларнинг марказий органлари ташкил топди. Бироқ улар Туркистон АССР Халқ комиссарлари советининг назорати остида ишлади. Бу эса, табиий равишда, советларнинг ҳақиқий халқ вакиллари органи сифатида қонун ишлаб чиқиш функциясини бажаришига имкон бермасди.

Хуллас, Туркистон АССРнинг 1918 йил 15 октябрда қабул қилинган конституцияси ҳам, 1920 йил 24 сентябрда қабул қилинган конституцияси ҳам жадидлар умид қилган демократик республика тузиш ғоясини амалга ошира олмади. Астасекин советлар партия органлари тазйиқига тушиб қолди ва шу тариқа коммунистик тузум советлар — халқ вакиллари органлари устидан ҳукмронлик қила бошлади. Тўғри, Хоразм

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқ Социалистик Республикаси ва Бухоро Халқ Социалистик Республикасининг конституциялари бошида анча демократик эди, яъни хон ва амир қариндошларидан бошқа ҳамма сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин коммунистик партия таъсирининг кучайиши натижасида 1923 йилдан хон ва амир аёнлари, савдогарлар, йирик ишбилармонлар, судхўрлар, катта ер эгалари, аксилинқилобчилар сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиндилар.

Иккинчи босқич (1924—1990 йиллар). Ушбу босқичда Ўрта Осиё халқлари маъмурий-ҳудудий бўлинди ва Туркистон АССР ўрнига Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Туркманистон ССР, Қирғизистон ССР ва Тожикистон АССР ташкил этилади. Бунинг қандай оқибатларга олиб келгани, азалдан чегара ва айрилиқни билмай, ёнма-ён яшаб келган халқларнинг бирлиги ва бирдамлигига қанчалик раҳна солгани тарихий-илмий манбаларда тўла кўрсатиб берилган.

1925 йил 17 февралда ЎзССРнинг таъсис қурултойи бўлади ва унда Марказий ижроия қўмитаси олий ҳокимият органи эканлиги эълон қилинади. 1927 йилги конституция эса Советлар қурултойига, Марказий ижроия қўмитаси ва унинг Президиумига, Халқ комиссарлари советига олий давлат органлари мақомини беради. Бироқ бу конститутция ҳам сайлов ҳуқуқини тенг тақсимламади. Ёлланма ишчилар кучидан фойдаланадиганлар, меҳнат қилмай кун кўрувчилар, хусусий савдо, тижорат билан шуғулланувчилар, руҳонийлар ва дин пешволари сайлов ҳуқуқига эга эмас эдилар.

1937 йили қабул қилинган Ўзбекистон ССР конституциясига мувофиқ қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳуқуқи Олий Советга берилди. Олий Совет сессиялари оралиғида эса қонунчилик ишлари билан унинг Президиуми шуғулланди. Президиум қабул қилган қарор Олий Совет тегишли қонунни тасдиқлагунгача амал қилиб турган. Олий Совет қабул қилган ҳужжатлар қонун ҳисобланган. Лекин Олий Совет кўпинча қонун ишлаб чиқувчи орган эмас, балки бошқарув масалаларига оид кўрсатма ҳужжатлар чиқарувчи орган сифатида иш олиб борган. Шу боис бўлса керак, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Олий Совет сессияларини ўтказиш тартибининг, давлат бюджетини тасдиқлаш қоидаларининг бузилиши одатий ҳолга айлангани кузатилади.

1978 йили қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияси билан Олий Совет депутатлари 500 кишига етказилди. Сессия-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар орасида ўтадиган йиғилишлар кўпайди ва бу билан муҳокама қилинадиган масалалар доираси кенгайтирилди. Қонун ишлаб чиқиш жараёнини Олий Совет Президиуми олиб борди. Бироқ Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳам давлат қурилишининг муҳим масалаларини ҳал қила олмади, у расман федератив, амалда эса унитар бўлган СССРнинг маъмурий қисми сифатида тарғибот ва ратификация органи бўлиб қолди.

Тўғри, 60-йилларда Сталин давридаги шахсга сиғиниш иллати келтириб чиқарган оқибатларни бартараф этишга, демократик ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар бўлди. Барчанинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқи таъминланди. Жамоат ташкилотлари, маҳаллий советлар фаолиятида демократик ғояларга ишонч пайдо бўлди. Аммо таниқли социологлар А. Гордон ва Э. Клопов кўрсатганларидек, "ўзгаришларни ниҳоясига етказмаслик, тизимсизлик, узлуксизлик ва улардан келиб чиққан умумий иккиюзламачилик 1950—70 йиллардаги ижтимоий тараққиётга хос хислатлар эди"[1].

Бу даврда ҳукумат халқ-хўжалигида, халқ турмушида ижобий ўзгаришлар ясаш ниятида янги вазирликлар, бошқарув органлари, меҳнатни шарафлаш усулларини кашф этди, қатор қонунлар, қарорлар қабул қилди, бироқ у ижтимоий-сиёсий тизимни, марказлашган режали бошқарувни ўзгартирмай сақлаб қолишга интилди. Шу тариқа 1950—70 йиллардаги ижтимоий ўзгаришлар омманинг, халқнинг сиёсатдан, меҳнатдан, давлатни бошқаришда иштирок этишдан бегоналашувини тўхтатолмади. Гарчи, меҳнатга лаёқатли аҳолининг учдан бири у ёки бу шаклда партия, давлат ва жамоат ишларига жалб қилинган бўлса-да, амалда халқнинг аксар қисми давлат ва жамият ишлари бошқарувида қатнашишдан чеккада қолаверди. Якка доҳий бошқарган қонхўр, мустабид ва чекланмаган ҳокимият ўрнига қонхўр бўлмаган, лекин кўп ҳолларда олигархия ва коррупцияга берилган юқори аппаратдаги гуруҳларнинг чекланмаган ҳокимияти қарор топди.

"Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар" асарида Президент Ислом Каримов энди тарихга, ўтмишга айланган ўша йиллардаги Ўзбекистоннинг аҳволини эслаб, бундай дейди:

---

[1] *Гордон А., Клопов Э.* Сталинизм и постсталинизм: необходимость преодоления//Осмыслить культ Сталина. М., Прогресс, 1989. 475-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Ҳаммангизга маълум: Ўзбекистонда ҳукм ўтказадиган бошқарув таркиби ҳам пойтахтимиз Тошкентда, ҳам жойларда, тармоқлар ва умуман ишлаб чиқариш ва тақсимот соҳаларида, давлатни ва халқимизни ҳимоя қиладиган жабҳаларда, хуллас, ҳамма-ҳамма поғоналарда собиқ Иттифоққа бўйсунадиган ва Марказ чизиғидан чиқмайдиган тарзда иш олиб борарди. Мана шу соҳаларни тубдан ўзгартириб, мустақиллик заминида қайта тузишга тўғри келди”[1]. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши халқимизнинг давлат ва жамият ҳаётида комил ҳуқуқли субъект, ижодкор ва бунёдкор сифатида иштирок этишига, шу тариқа ўзбек парламентаризмининг, ҳақиқий халқ ҳокимияти институтининг яратилишига имкон берди.

ХХ асрда халқимизнинг парламентаризм борасидаги интилиш ва изланишлари осон кечмади. Эски тузум ўрнатган тартиб-қоидалар демократик федератив давлат қуришга, тарихий-маданий тажрибага асосланган парламентаризм институтларини шакллантиришга сунъий тўсиқ бўлди.

Шу билан бирга, маҳаллий советлар, Олий Совет ва унинг Президиуми фаолиятида халқимизнинг жонкуяр фарзандлари, ўз халқига тинчлик, фаровонлик, тараққиёт истаган зиёлилари қатнашганини, уларнинг қонунчиликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизда ижобий ўзгаришлар, маданий ҳаётда, илм-фан, техника, таълим соҳаларида ютуқларга эришганимизни ҳам инкор этиб бўлмайди. 1978 йилги конституция туфайли илк бор Ўзбекистонда доимий ишлайдиган қонун яратувчи вакиллик органи — Олий Совет пайдо бўлди. Булар сиёсий тизимнинг эмас, балки меҳнаткаш, илмпарвар, инсонпарвар, инновацияларга мойил халқимизнинг ютуқлари эканини фахр билан тилга олишимиз даркор. “Ўзликни англаш, — дейди Ислом Каримов, — тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши керак. Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг тагтомиригача назар ташлаймиз”[2].

Учинчи босқич. Олий Советдан Олий Мажлисга ўтиш (1991–1994 йиллар). Ўзбекистон ССР Олий Совети эски ту-

---

[1] *И.А. Каримов.* Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1996. 4-бет.

[2] *И.А.Каримов.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ // “Мулоқот”, 1998. 5-сон, 9-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зум даврида "тарғибот ва ратификация органи" вазифасини бажарган бўлса-да, Ислом Каримовнинг мустақилликка йўналган дадил сиёсати туфайли 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Бу Олий Советнинг ҳақиқий вакиллик органи сифатида ўз халқининг манфаатлари ва иродасини ифодалаб, марказ билан маслаҳатлашмай мустақил ташлаган жасоратли қадами эди. У ўзининг мустақиллик ғоясига садоқатини 1991 йил 18 ноябрда Марказ таклиф этган Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзоламаганида ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунни қабул қилганида яна бир намоён этди.

1991 йил 18—21 август кунлари Фавқулодда ҳолат бўйича давлат қўмитаси бутун иттифоқ бўйлаб фавқулодда ҳолат эълон қилиб, ҳокимиятни ғайриқонуний тарзда ўз қўлига олишга интилган пайтда Олий Совет Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб эълон қилди ва бу қарорни ўзининг 1991 йил 31 августдаги навбатдан ташқари сессиясида тасдиқлади. Олий Совет бу сессияда "Ўзбекистон Республикасининг асослари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

1991 йил 29 декабрда Олий Совет қарори билан Ўзбекистонда умумхалқ асосда президент сайлови ва Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисида референдум ўтказилгани ўзбек парламентаризми тарихида ўчмас воқеа бўлиб қолди. Муқобиллик асосида ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди, референдум эса ўзбек халқининг мустақиллик йўлидаги азму шижоати, хоҳиш-истаклари, орзу-умидларига расмий бир тасдиқ бўлди. Шу кундан бошлаб нафақат Олий Совет, балки бутун Ўзбекистон, ўзбек халқи янги ижтимоий-тарихий босқичга қадам қўйди. Бу босқичдаги дастлабки вазифа мустақилликни мустаҳкамлаш, мавжуд иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, этник-социал, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишдан иборат эди.

Олий Совет ўн иккинчи чақириқ мобайнида 182 қонун, 4 кодекс ва 509 қарор қабул қилди, 43 халқаро шартнома ва битимни, 1 декларация, 1 хартия ва бошқа турдаги 16 ҳужжатни ратификация қилди, 15 конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлади. Албатта, ҳар қандай иш муайян тажриба, кўникма ва маҳоратни талаб қилади. Илк босқичда Олий Совет зиммасига жуда катта вазифалар қўйилгани,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисқа муддатда ҳаддан зиёд кўп қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга тўғри келгани, депутатлар юридик билимларга, қонун ижодкорлиги борасида етарли тажрибага эга бўлмагани сабабли айрим камчиликлар ҳам содир бўлган ва бу табиий ҳол эди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентаризмни ривожлантиришнинг янги асослари яратилди. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жорий этиш тартиблари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига биноан, Олий Совет Президиумига Олий Мажлисга сайлов ўтказиш ҳақидаги қонуннинг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш вазифаси топширилди. 1993 йил 4 сентябрда лойиҳа матбуотда эълон қилинди ва 4 ой мобайнида муҳокамада бўлди. Бу даврда лойиҳани ва Олий Мажлис фаолиятини такомиллаштиришга оид юзлаб таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди, тузатишлар тавсия қилинди. Олий Совет ўзининг 1994 йил 23 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида 1994 йил 25 декабрда Олий Мажлисга биринчи сайлов ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди ва шу билан ўз ваколатларини Олий Мажлисга топширишини билдирди.

Тўртинчи босқич (1995 йилдан кейин). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги Қонунга (1994 йил 22 сентябрь) мувофиқ Олий Мажлис бажарадиган асосий функциялар қуйидагилардан иборат:

1. Қонун ишлаб чиқиш ёки қонунлар чиқариш.
2. Сиёсий бошқарув вазифаларини бажариш.
3. Назоратни йўлга қўйиш ва амалга ошириш.
4. Тарбия ва тарғибот ишлари олиб бориш.
5. Маъмурий-ҳудуд тузиш ва уларни ўзгартириш.
6. Давлат бюджетини қабул қилиш.
7. Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш.
8. Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш.
9. Президентнинг тавсияси билан Бош вазирни тасдиқлаш, Бош прокурор ва Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик судининг раиси ва таркибини сайлаш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гарчи, расмий жиҳатдан Олий Мажлис бошқарув органи бўлмаса-да, қонун ишлаб чиқиш, назорат олиб бориш, асосий лавозимларга номзодларни тасдиқлаш ва сайлаш орқали у давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этади. Шу маънода Олий Мажлис бошқарув функциясини ҳам бажаради, дейиш мумкин.

Албатта, Олий Мажлиснинг бош функцияси қонун ижодкорлигидир. Қонун ишлаб чиқариш серқирра, мураккаб жараён. Ғарбдаги бизнесменлардан бири айтганидек, "фабрикада косметика буюмлари ишлаб чиқарилади, дўконларда эса орзу-умид сотилади". Қонун ижодкорлиги ана шундай бўлиши керак. Яъни, қонун яратилар экан, у инсонларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши даркор.

Муайян қонунни яратиш устида иш бошланар экан, ҳар сафар юридик амалиётда ўзига хос анъанавий қоида тусига кирган бир бутун жараён такрорланади. Бу жараён мунтазам ва мувофиқлаштирилган кетма-кетликда рўй берувчи босқичларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлувчи аниқ ҳуқуқий механизмдир. Бунда иш бирор ижтимоий муносабатлар соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш заруратини ўрганишдан, муаммоли вазиятни атрофлича таҳлил этишдан бошланади. Сўнгра тажриба умумлаштирилиб, илмий асосланган материаллар тўпланади. Навбатдаги вазифа — режалаштирилаётган қонуннинг илмий ғояси (концепция) ва дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқишдан иборат. Кейин лойиҳани ушбу қонунга биринчи галда дахлдор бўлган вазирлик ва идоралар ўрганади, муҳокама қилади. Шундан сўнг, ниҳоят, қонун қабул қилинади.

Кўриниб турибдики, қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ўзининг стратегиясига ҳамда тактик усулларига эга махсус фаолиятдир. Давлат ушбу фаолият орқали халқнинг муштарак иродасини қонун даражасида ифода этади, жамиятга сиёсий раҳбарлик вазифасини бажаради. Бу фаолият натижасида жамиятда амал қилувчи бир бутун ва ички мутаносибликка эга бўлган, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаларини тартибга солишга қаратилган умуммажбурий ҳуқуқий меъёрлар тизими вужудга келтирилади.

Қонун ишлаб чиқиш махсус фаолият бўлса-да, унинг натижаси давлат ва жамият ҳаётига тааллуқлидир. Ўзбек парламентаризмининг ўзига хос хусусияти қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилишидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1995 йилдан бошлаб Олий Мажлис кўппартиявийлик асосида шаклланадиган бўлди. Бу фракцияларга Олий Мажлис фаолиятида қатнашиш, ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасини парламентга бевосита етказиш имкони яратди. Шу тариқа қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда муҳокама жараёни янада қизғин кечиши таъминланди. Бу эса қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини аввалдан ҳисоб-китоб қилишни янада яхшилаш учун қулай муҳитни вужудга келтиришга хизмат қилмоқда.

Қонун лойиҳалари парламентда икки марта ўқилгач, умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Матнга тўлдиришлар киритилиб, у қайта ишланганидан кейин лойиҳа вилоятлардаги халқ депутатлари ва фаоллар иштирокида яна муҳокама қилинади. Шундан сўнггина сессия кун тартибидан жой олади.

Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш тартиблари Олий Мажлиснинг Регламентида баён қилинган. Унда қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳақида Олий Мажлиснинг махсус қарор қабул қилишидан муҳокама жараёнида тушган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни умумлаштиришгача бўладиган вазифалар қадам-бақадам кўрсатиб берилган.

Ўзбек парламентаризмининг шаклланиш босқичлари ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Зеро, ижтимоий тараққиёт миллий парламент фаолиятига ҳам ўзгаришлар киритишни тақозо этади. "... Ҳаёт ўзгариши билан, – деди Олий Мажлиснинг 2005 йил 25 майда бўлган сессиясидаги нутқида Президент Ислом Каримов, – одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман"[1].

Президентнинг бу таклифи, шубҳасиз, парламентнинг янада самарали ва очиқ ишлашини таъминлаш, у қабул қиладиган қонунларни, қарорларни мамлакат ҳаёти билан янада мустаҳкамроқ боғлаш ниятидан келиб чиққан.

Бешинчи босқич (икки палатали парламент шакллантирилган 2005 йилдан бошлаб).

---

[1] *И.А. Каримов.* Ўзгариш ва янгиланиш — ҳаёт талаби // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: "Ўзбекистон", 2000. 483-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистонда икки палатали (Қонунчилик палатаси — қуйи палата ва Сенат — юқори палата) парламент тизимига ўтишнинг ҳуқуқий асослари Олий Мажлиснинг 2002 йил декабрдаги ўнинчи сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Қонунларда белгилаб берилган.

Бешинчи босқичнинг ибтидосини ушбу қонунлар қабул қилинган йил билан ҳам боғлаш мумкин.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўтказилган туб ислоҳотлар, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда етук кадр тайёрлашнинг йўлга қўйилиши, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданиятини ошириш, Президент ваколатларининг бир қисмини Сенат ва ҳукуматга ўтказиш, Олий Мажлиснинг доимий асосда ишлайдиган қуйи палатасини ташкил этиш Ўзбекистоннинг қисқа вақт ичида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан ютуқларни қўлга киритганидан далолат беради. Бу ўзгаришлар силсиласида икки палатали парламентнинг ташкил қилиниши алоҳида эътиборга молик бўлган тарихий воқеадир. Ўзбекистон парламентини икки палатали қилиш ғоясини амалга ошириш Олий Мажлиснинг ижтимоий манфаатларни ўзида тўлароқ мужассамлаштирган ва очиқ ифода этадиган фаолиятини ташкил қилиш имконини бериб, уни шахс билан жамият, жамият билан давлат ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш масалалари муҳокама этиладиган очиқ майдонга, ижтимоий муросага эришиш, жамиятдаги турли сиёсий кучларнинг интилишларини мувофиқлаштириш қуролига айлантиради.

Шу билан бирга, ижтимоий тараққиёт парламентаризмга ҳам ўзгаришлар киритиб боришни тақозо этишини унутмаслик лозим. Хусусан, ҳозирги кунда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Қонунга муайян ўзгартиришлар киритиш зарурати кўзда ташланмоқда. Масалан, Қонунда сенаторларнинг вазифалари ва бурчлари аниқ белгилаб берилиши зарур. 7-модда сенаторнинг вазифаларини умумий тарзда ифода этади, яъни сенатор Сенат ва унинг комиссиялари йиғилишларида қатнашиши мумкинлиги кўрсатилади, холос. "Сенатор қонунчилик актларида кўрсатилган тартибда бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин" деган ибора муаммога аниқлик киритмайди. Бу эса мутахассисларда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

табиий равишда, сенаторлар "халқ билан боғлиқ муносабатларнинг шундай тартибини яратганларки, улар ўз сайловчиларига ҳеч нимада масъул эмас ва бирор нарса қилишни ўз зиммаларига олмаганлар"[1] қабилидаги фикрларни уйғотмоқда.

Президент Ислом Каримов Сенатнинг бир йиллик фаолияти ҳақида тўхталиб, унда қуйи палата билан ҳамжиҳат бўлиб ишлаш кўникмаси етишмаётганлигини танқид қилган эди. Ҳа, янги палата мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мутлақ янги институт, унда ҳаётий тажриба ва услублар, ёндашишлар мукаммал бўлмаслиги табиий ҳолдир, аммо бу ўзбек парламентаризмининг тирик, жонли организм каби мамлакатимизда содир бўлаётган демократик ўзгаришларга мувофиқ изланишда, шаклланишда эканлигини инкор қилмайди. Олий Мажлиснинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган қонунчилик фаолияти, ички ва ташқи сиёсатда фаол қатнашаётгани, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий-маърифий тарғибот ва тарбия ишларини кўрмаслик мумкин эмас. Масалан, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари 1996—2000 йилларга мўлжалланган режага мувофиқ икки юздан зиёд қонун ҳужжатининг бажарилиши юзасидан назорат олиб борди, вазиятни ўрганиб таҳлил этди. Биринчи чақириқ Олий Мажлис қўмита ва комиссиялари қонунларнинг ижросини ўрганишга ва назорат қилишга бағишланган 50 дан ошиқ йиғилиш ўтказган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ўзбек парламентаризми миллий демократик тараққиётимизнинг энг аҳамиятли бўғини, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг субъекти сифатида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим ўрин тутмоқда. У қонунга итоаткорликни ижтимоий императивга айлантириш учун халқимизнинг фидойи фарзандлари ноибларини ўз атрофига йиғиб, жамиятда, инсон ҳаёти ва фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш вазифасини бажармоқда. Унинг янада самарали ишлаши нафақат депутатларга, Олий Мажлис аппаратига, балки фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий фаоллигига ҳам боғлиқдир.

---

[1] *Маликова Г.* Правовое регулирование взаимоотношений сенатора с местными кенгашами и избирателями // Давлат ва ҳуқуқ, 2005, 3(25)-сон. 3-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3.4. Парламент ҳуқуқи: хусусиятлар ва такомиллаштириш йўлидаги ҳаракатлар

Олий Мажлиснинг ижтимоий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, бу ислоҳотларда фуқаролар фаол иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини яратиш, Ўзбекистонни демократик ҳуқуқий давлатга айлантириш борасидаги фаолияти Президент Ислом Каримов томонидан муносиб баҳоланди. Олий Мажлиснинг фаолияти, амалга оширган тадбирлари "... Ўзбекистонда демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланиб бораётганининг тасдиғи"дир, "мамлакатимиз, халқимиз ўтган даврда қандай ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчасида парламентаризмнинг муносиб ҳиссаси бор"[1].

Парламент ҳуқуқи парламентнинг қонунчилик, назорат, тарғибот каби энг муҳим функциялари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу функцияларни қандай бажараётганига қараб парламентнинг ҳақиқий парламентаризм институтига нечоғли мос эканлиги белгиланади. Мамлакатда парламент бўлиши мумкин, аммо у ҳар доим ҳам парламентаризм, унинг ғоялари ва тамойилларига мос келадиган институт бўлавермайди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, парламентаризм ғоялари ва тамойилларини жорий этиш натижасида миллий парламентимиз том маънода қонунчилик, назорат каби функцияларни ўзлаштирди, муҳим ваколатларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги Қонунга (1994 йил 22 сентябрь) кўра, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятни қарор топтирувчи олий давлат вакиллик органи ҳисобланади. У икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборатдир.

Парламент ҳуқуқи олий давлат вакиллик органининг ваколатлари ва фаолият шаклларида акс этади. Олий Мажлиснинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган. Бош қонуннинг 78-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатларига: 1) қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; 2) инсон ҳаёти ва фолиятига, ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларига,

---

[1] *И.А. Каримов* Ватан озодлиги — олий саодат // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: Ўзбекистон, 2000. 61-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатнинг стратегик дастурларига оид ҳужжатлар қабул қилиш; 3) давлат қурилишига оид қарорлар қабул қилиш; 4) давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; 5) Марказий сайлов комиссиясини тузиш; 6) Бош вазир номзодини тасдиқлаш, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва унинг ўринбосарини сайлаш; 7) Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш; 8) ҳарбий ҳолатга оид фармонларни тасдиқлаш ва бошқалар киради. Палаталарнинг биргаликда қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ваколатларига, Конституциянинг 78-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳам тааллуқлидир. Демак, икки палата ушбу вазифаларни ҳал этишда ва уларга оид қарорлар қабул қилишда биргаликда фаолият кўрсатади.

Аслида қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳар икки палатага ҳам алоҳида тегишлидир. Чунки, Қонунчилик палатаси ишлаб чиққан қонунларни Сенат кўриб чиқиши ва тасдиқлаши лозим. Агар қонун лойиҳасини Сенат қўллаб-қувватламаса, у ўз фикрлари ва эътирозларини Қонунчилик палатасига билдириши, зарур бўлса, лойиҳани такомиллаштириш жараёнида фикрлари, маслаҳатлари, таклифлари билан қатнашиши мумкин. Худди шу нуқтаи назардан қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш фақат Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколати бўлиб қололмайди. Шунинг учун биз қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилишни иккала палатага ҳам тааллуқли ваколат деб қараш зарур деб ҳисоблаймиз. Тўғри, қонун ишлаб чиқиш жараёнларида икки палата депутатлари тенг қатнашолмайди, акс ҳолда, ваколатлар тақсимоти бузилади. Қонун ишлаб чиқиш жараёнларининг субъекти ва улар учун масъул — бу Қонунчилик палатасидир.

Палаталарнинг “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш жараёнидаги ҳамкорлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Уй-жой мулкдорлари ширкати аҳолининг ўз-ўзини бошқариш институти сифатида ихтиёрийлик, ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик, ўз-ўзини бошқариш, очиқлик ва ошкоралик, ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш, коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат, уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш каби тамойиллар асосига қурилган. Шунга

www.ziyouz.com kutubxonasi

мувофиқ у аҳолига коммунал хизмат кўрсатади, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини олиб боради.

Жараёнга келадиган бўлсак, Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида бу қонун лойиҳаси рад этилиб, қайта ишлаш учун қуйи палатага жўнатилди. Билдирилган эътирозлар ва турли қарашларни мувофиқлаштириш учун келишув комиссияси тузилди. Қонун лойиҳасига фуқароларда турли эътирозлар уйғотиб келаётган муаммоларни ҳал этиш механизмини яратиш мақсадида янги 4,6 ва 41-моддалар киритилди. Уларга кўра, уй-жой мулкдорлари ширкати ташаббускорлар гуруҳи эмас, балки уй-жой мулкдорлари (2/3 қисми овоз берган тақдирда) томонидан тузилади. Ширкатга тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳам берилди. Бундан келиб чиқадики, палаталар ўртасидаги ҳамкорлик қонунларни мукаммаллаштириш кафолатидир.

Бош қонунимизга мувофиқ парламент ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларига, давлатнинг стратегик дастурларига оид ҳужжатлар қабул қилади. Ички сиёсатга оид фаолиятида давлат бюджетини қабул қилишдан юқори лавозимларга қўйиладиган номзодларни, у ёки бу соҳани (таълим, спорт, ҳуқуқий маданият ва ҳоказо) ривожлантиришга қаратилган миллий дастурларни, концепцияларни тасдиқлашгача бўлган функцияларни бажаради.

1991 йил 31 августда Олий Кенгаш "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" Конституциявий қонун қабул қилди. Бу билан у мамлакатимизни коммунистик тузум занжиридан озод этди. Ўзбекистон халқи ўз хоҳиш ва эҳтиёжларига мувофиқ келадиган тараққиёт йўлини эркин белгилаш ҳуқуқига эга эканини эълон қилди. Олий Кенгаш қарори билан 1991 йил 29 декабрда ўтказилган умумхалқ референдуми Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги халқимиз томонидан якдил эътироф этилганини тасдиқлади. Шу тариқа мамлакатимиз, ўзбек халқи ўз сиёсатини мустақил юритиш, ҳаётини мустақил белгилаш имконига эга бўлди, қолган барча ўзгаришлар ана шу туб бурилишдан кейинги жараёнларнинг маҳсулидир.

Ташқи сиёсат мураккаб, гоҳо, тадқиқотчилар эътирофига кўра, парламент таъсир этиши қийин бўлган соҳа ҳисобланади. Ташқи сиёсатни бошқарувчи идора эса ёпиқ давлат муассасаси ҳисобланади. Шунинг учун қонунчилик органининг ташқи

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиёсатга аралашиши чекланган. Аммо бу Олий Мажлиснинг ташқи сиёсатга ҳеч қандай алоқаси йўқ, шунинг учун у ижро ҳокимиятининг қарорларини тасдиқлаш, ташқи алоқаларга оид фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан чекланади, дегани эмас.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов бу масалага қисқа ва лўнда сўзлари билан ойдинлик киритган: "Биз янги Олий Мажлис халқаро сиёсатда фаол иштирок этади деб умид қиламиз. Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун Олий Мажлисда махсус парламентлараро алоқалар қўмитасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир". Унинг бу таклифига мувофиқ Олий Мажлисда ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланувчи махсус парламентлараро алоқалар қўмитаси тузилди. Ўтган йиллар давомида Олий Мажлис мамлакатимизнинг ташқи сиёсатига оид бўлган стратегик аҳамиятга молик кўплаб қонунлар қабул қилди. Масалан, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Консулик низомини тасдиқлаш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Биринчи чақириқ Олий Мажлис икки мингга яқин, иккинчи чақириқ Олий Мажлис эса 2000 йилнинг ўзида 18 халқаро шартнома ва конвенцияни ратификация ва уларга қўшилиш ҳақида қарорлар қабул қилди. 2005 йилда Олий Мажлис "Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури", "Бадиий ва адабий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси", "Жаҳон почта иттифоқи Низомига бешинчи ва олтинчи қўшимча протоколлар", "Жаҳон почта иттифоқининг умумий регламенти", "Жаҳон почта конвенцияси", "Осиё автомобиль йўллари тармоқлари бўйича ҳукуматлараро шартнома" каби халқаро ҳужжатларни тасдиқлади.

Бундан ташқари, Олий Мажлисда Россия, Англия, АҚШ, Франция, Германия, Ҳиндистон каби йирик давлатлар парламентлари билан тажриба алмашиш, халқаро муносабатларга оид масалаларни биргаликда ҳал этиш учун учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Масалан, Олий Мажлиснинг Сенати ўзининг биринчи халқаро алоқасини Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Федерация кенгаши билан ўрнатди. Улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

2006 йил 10 апрелда халқаро анъаналарни ўрганиш бўйича махсус экспертлар комиссиясини тузишга келишиб олдилар.

Олий Мажлиснинг ташқи сиёсатга оид фаолияти ижро ҳокимиятининг кундалик фаолиятига аралашмайди, балки унинг умумхалқ манфаатлари билан уйғунлашишига ёрдам беради.

Давлат қурилишига оид қарорлар қабул қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари сирасига киради. Бу ваколатлар тизимидан минтақаларни ўзгартириш ёки янги минтақалар ташкил қилиш, минтақавий бошқарув органларини шакллантириш, уларнинг жамланиш тартибини тасдиқлаш каби вазифалар жой олади.

Марказ билан маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини либераллаштириш қонунларига мувофиқ қўллаб-қувватлаш демократик жамият қуриш борасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қонунчилик палатаси ҳам, Сенат ҳам ўзининг давлат қурилишига оид фаолиятида демократиянинг ана шу тамойилига амал қилади. Кейинги вақтда Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилган йигирмадан зиёд қонуннинг деярли 30 фоизи давлат қурилишига оидлиги ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти билан мувофиқлаштиришга қаратилгани ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий ислоҳотлар Парламентнинг қонунчилик фаолиятига бир қатор талаблар қўяди.

Биринчидан, қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш инсон манфаатларининг устуворлиги тамойилига асосланиши даркор. Унга мувофиқ қонунлар инсон манфаатларини ҳимоя қилиши, унинг ижодий ва маънавий имкониятларини, салоҳиятини рўёбга чиқаришга ёрдам бериши керак.

Бу тамойил аслида инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги қоидасидан келиб чиқади. Агар инсоннинг аниқ манфаатларига қаратилмаган бўлса, бундай ижтимоий муносабатларни юридик идора этишга ҳожат йўқ. Шу нуқтаи назардан, қонун давлат ва жамиятда инсоннинг, фуқаронинг қизиқишларини, манфаатларини, эркинлиги ва бурчларини рўёбга чиқаришнинг юридик шаклидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу ёндашув айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига аниқлик киритишни тақозо этади. Масалан, "Ўзбекистон Республикасида парламент ҳуқуқи: назария ва амалиёт масалалари" китобида А.Латифов бундай ёзади: "Қонун ишлаб чиқишнинг мақсад ва вазифалари шундаки, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий-меъёрий йўлга қўйиш давлат вазифаларига, халқ манфаатларига жавоб бериши, жамиятнинг прогрессив ривожланишини таъминлаши керак"[1]. Афсуски, илмий-назарий изланишларда қонун ишлаб чиқиш жараёнида шахс, инсон манфаатларини ўрганиш, улардан келиб чиқиш масалалари муҳокама қилинмайди. Қонунчилик этатистик* фаолият сифатида қаралади. Ваҳоланки, Президент Ислом Каримов кўп бор айтганидек, пировард мақсадга эришиш — фуқаролик жамиятини қуриш заруратидан келиб чиқиб, иш тутмоқ даркор. Бу ўринда шуниси муҳимки, ҳар бир киши ўз-ўзини мамлакатнинг ҳақиқий фуқароси деб ҳис қилиши, ўзига берилган ҳуқуқ ва эркинликларни идрок этиши ва қадрлаши, машаққатлар билан, зўр курашда қўлга киритилган демократик қадриятларни эъзозлаши ва ҳимоя қилиши лозим.

Иккинчидан, қонунчилик узлуксиз жараён бўлса-да, қонунларда барқарорликни, муқимликни, ижобий маънода турғунликни сақлаш зарур. Кузатишлардан маълум бўлаяптики, қонунлар сонигина эмас, балки мавжуд қонунларга киритилаётган ўзгаришлар сони ҳам мунтазам, ҳатто идора этиш қийин даражада ўсиб бормоқда. Тўғри, ижтимоий ўзгаришлар қонунларни такомиллаштириб беришни тақозо этади, аммо тинмай ўзгарадиган қонунлар охир-оқибат самарасизликка, қонун устуворлиги тамойилининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини имкон қадар такомиллаштириш, қабул қилинган қонунларнинг тўла ва барқарор ишлашини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса қонунлаштириладиган инсон манфаатлари, ижтимоий муносабатлар ҳар томонлама, чуқур тадқиқ этилиши керак.

Учинчидан, қабул қилинадиган ҳар бир қонун демократик жараёнларга мос келиши, жамиятда юз бераётган ижобий

---

[1] *Латифов А.* Парламентское право Республики Узбекистан: вопросы теории и практики. Т., 2005 г. 46-бет.

* Этатистика — давлатларнинг вужудга келиш ва шаклланиш жараёнини ўрганувчи фан. Этатистик фаолият давлатни, давлатчиликни шакллантириш йўлидаги хизматлардир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши даркор. Лекин нима учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўзгартириш ёки янгиларини ишлаб чиқиш зарур? Мамлакатимизда бу саволга жавоб берадиган регламент йўқ. Янги қонунлар қабул қилиш ёки қонунларга ўзгартиришлар киритиш амалиётни, ҳуқуқни жорий этиш тажрибасини кенг таҳлил қилишни тақозо этади. Афсуски, бизда бундай таҳлиллар ўтказилмайди.

Масалан, 2000—2004 йилларда Олий Мажлис томонидан саксонта янги қонун қабул қилинган, уч юзга яқин қонун ҳужжатига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Баъзи қонунларга бир неча марта ўзгартириш киритилган. 1994 йили қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўттизга яқин, 1997 йили қабул қилинган Солиқ кодексига — 18, 1995 йили қабул қилинган Жиноят кодексига — 16, Табиатни асраш ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунларга эса саккизтадан тўлдириш киритилган. Энг кўп ўзгартиришлар маъмурий ва жиноий кодекс ҳамда солиқ соҳаларига оид қонунларга киритилади. Ваҳоланки, касаба уюшмалари фаолиятига (1992 йил), давлат тураржой фондларини хусусийлаштиришга (1993 йил), давлат сирларини ҳимоя қилишга (1993 йил), бухгалтер ҳисоб-китобини олиб боришга (1996 йил) оид қонунларга бирорта ҳам ўзгартириш киритилмаган.

Бу мисоллар кўрсатадики, қабул қилинаётган қонунлар гоҳо бир-бирига зид келади, баъзан эса қонун кучга кирмай, унга ўзгартиришлар киритишга тўғри келади. Демак, **тўртинчидан,** қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилишда олдин қабул қилинган қонунларни ҳисобга олиш, "қонунлар жанги"ни юзага келтирмайдиган қатъий иерархияни таъминлаш зарур.

Бешинчидан, қонун ижодкорлиги бир-бирига диалектик боғлиқ бўлган ва қонун ижодкорлигини бошлаб якунига етказадиган уч асосий таркибий қисм — ўрганиш, фаолият ва натижани ўз ичига олади. Демак, илмий таҳлил (тадқиқот), лойиҳани тайёрлаш ва қонунни қабул қилиш босқичлари яхлит жараён бўлиб, бири бирини тақозо этади. Улардан бирортаси талаб даражасида амалга оширилмаса, занжир узилади. Натижада қонун реал ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилмайди. Айниқса, қонун ишлаб чиқиш техникаси бузилади.

Олтинчидан, қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёни

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқаролик институтларининг шакллантирилиши ва уларнинг демократик ҳаётда фаол иштирок этиши парламент ҳаётига таъсир этмай қолмайди. Бу ўринда гап фуқаролик институтларининг қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнига бевосита таъсири ҳақида кетмоқда. Илмий адабиётларда бундай фаолиятнинг турли шакллари таклиф қилинмоқда. Бизнинг фикримизча, махсус олий ўқув юртларида қонуншунослар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Шундай тажриба Канада, Бельгия ва Польша каби мамлакатларда мавжуд. Уни ўрганиб, ўзлаштириш ва миллий қонуншуносликка, ҳуқуқшунослар тайёрловчи олий ўқув юртларига жорий этиш мумкин.

Шу билан бирга, фуқароларнинг, жамоат ташкилотларининг парламент фаолиятига, қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилишга оид фикр-мулоҳазаларини, тавсияларини ўрганувчи махсус марказлашган бўлим ташкил этиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан Олий Мажлис, Президент ва ҳукумат ўртасида ўзаро келишилган ҳолда давлат дастурини ёки концепцияни яратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай концепциянинг қабул қилиниши ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунларнинг узвийлигини таъминлаган, уларнинг маъно-мазмуни ва функционал йўналишини белгилаб берган, соҳалар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириб, келишувни мустаҳкамлаган бўлур эди. Ушбу фаолиятга қонун лойиҳаси матнини тайёрлаш ва парламентга киритиш ҳуқуқига эга ташкилотларни, маҳаллий давлат органларини, сиёсий партияларни жалб қилиш даркор.

Еттинчидан, айрим тадқиқотчиларимиз, қонун лойиҳасини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ҳаётга жорий этишда унинг Президент томонидан имзоланиш (промульгация) жараёнига алоҳида босқич сифатида қараш зарур, деб ҳисоблашади. Бу ўринли ёндашувдир. Қонунларнинг кенг омма эътиборига ҳавола қилиниши нафақат парламент фаолиятининг очиқлигидан дарак беради, худди шунингдек, фуқароларнинг қонунчилик ишларидан тўла хабардор бўлиб боришига имкон яратади. Қонунлар муҳокамаси Президент томонидан имзо чекилиши ва уларнинг матбуотда эълон қилиниши билан тугамайди. Фуқаролар ўз фикр ва мулоҳазаларини қонунлар қабул қилингандан кейин ҳам билдиришлари, уларни тўлдириш ҳақида таклифларини баён этишлари мумкин. Шунинг учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам қонунларнинг эълон қилиниши фуқаролик жамияти характерига мос босқичдир.

Парламент ҳуқуқининг навбатдаги хусусиятлари парламент назоратида акс этади. Илмий адабиётларда у "давлат назоратининг бир кўриниши" деб қайд этилади.

Парламент назоратини олдинги Олий Совет ҳам бажарган, бироқ унинг назорат фаолияти коммунистик тузумнинг тор мақсадларини ифода этар, сиёсий плюрализм тамойилларига зид эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, янги парламент — Олий Мажлис ташкил этилганидан кейин моҳиятан янги назорат фаолияти олиб бориш имкони юзага келди. Парламентнинг кўппартиявийлик асосида шакллантирилиши сиёсий плюрализмга йўл очди, унинг назорат фаолиятида турли сиёсий гуруҳларнинг қатнашиши мумкин бўлди.

Икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (78-модда) мувофиқ, Қонунчилик палатаси билан Сенат биргаликда давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, ҳисоб палатасининг ҳисоботларини кўриб чиқиш ваколатларига эга бўлди. Лекин айни пайтда уларнинг назорат фаолиятида маълум бир дифференциялар ҳам бор. Масалан, Бош прокурорнинг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботларини тинглаш Сенатнинг назоратга оид мутлақ ваколатларига киради (80-модда). Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига эса ўзининг ички фаолиятини ташкил этиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш вазифалари киритилади. Демак, назорат фаолиятини олиб борса-да, қонунчилик палатасининг асосий фаолияти қонун ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Тўғри, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Қонунга (2002 йил декабрь) биноан палата қўмиталари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ҳисоботларини тинглайди. Қайсидир маънода бу назорат саналиши мумкин, бироқ ҳисобот тинглаш тўла назоратни амалга ошириш имконини бермайди.

Маълумки, парламент назорати ижро ҳокимияти фаолиятини кузатиш, мутасадди раҳбарлар ишига баҳо бериш, керак

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлса, уларни ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилиш ҳам демакдир. Бунингсиз назорат кутилган натижани бермайди. Афсуски, назоратнинг мана шу энг муҳим белгиси, йўналиши илмий адабиётларда муҳокама қилинмайди.

Шунингдек, айрим тадқиқотчилар парламентнинг назорат функциялари қаторига палаталар сессияларида, кенгаш, қўмита ва комиссиялар йиғилишларида муайян масалаларни муҳокама қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этган фармонларини кўриб чиқиш, палаталар, қўмиталар ва Олий Мажлиснинг бошқа органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш, сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш манбаларига оид ҳисоб-китобларни, фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш кабиларни ҳам киритади. Ҳақиқатан ҳам, парламент фаолиятида бундай вазифалар амалга оширилади, улар назоратга хос функциялардир.

Назорат фаолиятини парламентнинг кенгашлари, сессиялари қўмита ва комиссиялари, фракциялар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳам олиб боради. Масалан, 2000—2003 йилларда Самарқанд вилояти халқ депутатлари кенгашининг доимий комиссиялари томонидан йилига тўрт юздан зиёд йиғилиш ўтказилиб, беш юзга яқин турли масалалар муҳокама қилинган. Олий Мажлис Котибияти ҳузуридаги Назорат-ахборот бўлими маълумотларига кўра, 2000 йилнинг ўзида Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашлари жами 5437 масалани муҳокама қилгани аниқланган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни пайтда улар орасида назорат фаолиятига оид масалалар 10 фоиздан камроқ кўрсаткични ташкил қилган.

Олий вакиллик органи сифатида Олий Мажлис халқ депутатларининг жойлардаги кенгашлари фаолиятини мудом назорат қилиб, зарур пайтда уларга илмий-услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб боради. Маҳаллий кенгашлар ижро ҳокимиятини назорат қилиш, Олий Мажлис қонунларининг амалиётга жорий этилиши ҳамда Президент фармонлари ва қарорларининг бажарилишини кузатиш, фуқаролик институтларини назорат ишларига жалб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган вакиллик органларидир. Қонунларнинг ижтимоий ҳаётга жорий этилишининг амалда таъминланишига, жойлардаги корхоналар, хўжалик суъбектларининг экологик барқарорлик тартиб-қоидаларига қатъий риоя этилишига шу кенгашлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали эришиш мумкин. Улар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун ҳуқуқ-тартибот органларини кенг тарғибот ва тарбия ишларига жалб этади, ёшлар орасида нафақат тушунтириш ишларини олиб бориб, шу билан бирга, уларнинг қизиқишлари, интилишларида рўй бераётган ўзгаришларни ўрганиб, таҳлил қилиб, муайян дастур лойиҳалари билан Олий Мажлисга чиқади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчиларимиз ҳақли равишда маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг назорат фаолиятига оид ҳуқуқий асосларни қайта кўриб чиқиш, уларнинг назорат фаолиятини кенгайтириш ва янада аниқ қилиб белгилаш, доимий комиссиялар фаолиятида назоратни кундалик вазифага айлантириш даркор, деб таъкидлайдилар.

Албатта, ўзбек парламентаризмини шакллантиришда, парламент ҳуқуқини миллий ҳуқуқ тизимига чуқур сингдиришда халқаро тажрибани ўрганиш, унинг миллий хусусиятларимизга мос келадиган жиҳатларини, механизмларини ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон парламентаризмида, бир томондан, миллий давлатчилик анъаналари кўзга ташланса, иккинчи томондан, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини, демократияни ҳимоя қилишга қаратилган ёндашувлар уйғунлашиб келади. Ўзбек парламентаризми ҳам шаклланиш ва тараққий этиш босқичида шу ёндашувларга таянмоқда.

Парламент фаолиятини такомиллаштириш замонавий демократик давлатнинг шаклланиш ва ривожланиш шартидир. Шунинг учун тараққий этган давлатларда, улар турли демократик тизимларда бўлса-да, парламент фаолиятини такомиллаштиришнинг усул ва йўлларини топиш, парламент ишларини ижро ва суд ҳокимияти билан мувофиқлаштириш борасида фаол изланишлар олиб борилмоқда. Умумий тенденция жаҳон парламентаризми икки палатали парламентлар тузиш йўлидан бораётганини кўрсатади. Бугунги кунда дунёнинг етмишдан зиёд давлатида икки палатали парламент фаолият юритади. Улар орасида АҚШ, Россия, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, Болгария, Нидерландия, Аргентина каби мамлакатлар бор.

Икки палатали парламент қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилишда популизм, лоббизм ва оғмачиликдан асровчи қўшимча фильтр вазифасини ўтайди. У парламент бир палатали бўлган ҳолларда қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этади, парламент ва ҳуку-

www.ziyouz.com kutubxonasi

матнинг функцияларини чегаралашга ёрдам беради. Тўғри, парламент билан ҳукумат ўртасидаги зиддиятлар, тортишувлар мутлақ бартараф этилмайди, бунга АҚШ, Буюк Британияда парламент билан ижро ҳокимияти ўртасида рўй бериб турадиган турли тўқнашувларни мисол келтириш мумкин. Бироқ қонунларнинг икки палатадан ўтиши ва унга ҳукумат, давлат бошлиғининг имзо чекиши принципал масалаларда муроса, келишув борлигидан далолат беради.

Муҳокамадаги масалаларга муросали ечим топишда яна ўша Буюк Британиянинг катта тажрибага эга бўлган икки палатали парламенти яхши мисол бўлиши мумкин. У XIII асрнинг охирларида юзага келган ва узоқ давом этган изланишлар ва кескин тортишувлар натижасида XIX асрда классик кўриниш касб этган.

Маълумки, инглиз парламенти конституцияси йўқ мамлакатда фаолият кўрсатади. Парламент фаолиятига оид ҳуқуқий меъёрлар оддий, одатий қонунлар билан белгиланган. Парламент Умумий палата (қуйи) ва Лордлар палатасидан (юқори) иборат. Умумий палата мамлакатда шаклланган икки партияли (консерваторлар ва лейбористлар) тизимга асосланади ва ана шу партияларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеига қараб шаклланади. Демак, мамлакатдаги икки партияли тизим Умумий палатанинг негизини ташкил қилади.

Бу тартиб АҚШдаги ижтимоий-сиёсий тизимнинг шаклланишига ҳам таъсир қилган. Таассуфки, илмий адабиёларда Буюк Британия ва АҚШ парламентаризмининг муштарак жиҳатлари тадқиқ қилинмайди, баъзан эса АҚШ парламентаризми жаҳонга ўрнак, модел, ҳар қандай ташқи таъсирдан холи тарзда шаклланган тизим сифатида тақдим қилинади. Энг таажжубли томони шундаки, айрим ҳолларда тадқиқотчилар ўйламай-нетмай АҚШ парламент ҳуқуқини бизда ҳам жорий этиш зарур, деган фикрни гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тарғиб этадилар. Тўғри, Буюк Британия ва АҚШ парламентаризмида олий вакиллик органи давлат бошлиғини лавозимидан четлатиш (импичмент) масаласини кўтариб чиқиши мумкин. Бундай масала кун тартибига қўйилган вақтлар ҳам бўлган. Лекин импичмент мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал эта олганми? Йўқ. Давлат бошлиғини ўзгартириш назарий жиҳатдан кўп ҳам қийинчилик туғдирмайди. Лекин давлат амалга оширадиган сиёсатга кенг оммани, ўзини мамлакат тақдирига дахлдор ҳисоблайдиган барча

www.ziyouz.com kutubxonasi

фуқароларни, хўжалик субъектларини жалб этмасдан туриб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида парламент билан давлат раҳбари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган фарқли ёндашувлар нуқтаи назаридан эмас, балки реал муаммоларни замон ва шароит талабига мос равишда ҳал этиш манфаатларидан келиб чиқилаётгани рационал аҳамиятга эгадир. Шуни унутмаслик зарурки, муҳокамадаги масалалар экзистенционал нуқтаи назардан ҳам, реал ҳаёт кун тартибига қўяётган талаблар нуқтаи назаридан ҳам ҳал этилиши мумкин. Албатта, фалсафа экзистенционал ёндашув тарафида бўлиши табиий ҳол, бироқ сиёсий ёндашув мудом реал, кундалик талаб ифодаси бўлиб қолаверади. Парламентаризм экзистенционал идрокка таянмай, яъни қандай бўлмасин парламент давлат ё ҳукумат бошлиғи устидан ғалаба қозониши керак, деган ақидага берилмаслиги керак. Парламент ўз қонунларида, назорат фаолиятида ҳамиша реал кундалик ҳаётнинг талабларини акс эттириши, сиёсий жараёнларни ифода этиши зарур.

Парламент ҳуқуқи мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органига тааллуқли бўлса-да, уни мутлақ ҳисоблаш ва парламентга чексиз ваколатлар беришга интилиш ҳам тўғри эмас. Демократия ва сиёсий плюрализмга, фуқаролар институтларининг ранг-баранглигига асосланган жамиятда бир фикрнинг, бир ёндашувнинг ҳукмронлик қилиши мумкин эмас. Ҳатто бу фикр ва ёндашув кўпчилик иродасини ифода этган тақдирда ҳам мутлақликка даъво қила олмайди.

Нобель мукофоти совриндори, иқтисодчи ва файласуф олим Ф. Хайекнинг фикрига кўра, демократия учун алоҳида олинган бир шахснинг, автократизмнинг таҳдиди эмас, балки кўпчиликнинг таҳдиди хавфлидир. Демак, демократик тараққиёт алоҳида олинган гуруҳлар эҳтиёж ва талабларининг (ҳатто бу кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини англатса-да) ифодаси бўлиб қолмайди, балки кўпчилик билан озчилик, ҳукмрон фикр билан ўзига хос фикр ўртасидаги уйғунликни, келишувни, муросани топиш шарти бўлиши мумкин, холос. Бу шарт бузилган жойда бир кунмас-бир кун кўпчилик манфаатини ифода этувчи фикр ва ёндашув билан озчилик, индивид хоҳишини ифода этувчи эҳтиёж ва фикр ўртасида тўқнашув келиб чиқиши муқаррардир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистонда янги парламент ҳуқуқини шакллантириш ва ривожлантиришда инсоният тараққиёти билан ёнма-ён келаётган, ҳар бир ижтимоий-тарихий босқичда ўзига хос тарзда намоён бўлаётган мана шу ижтимоий қонуниятларни ҳисобга олиш лозим. Парламент ё ҳукумат инқирозига олиб борадиган зиддиятларни, ҳукмрон фикрнинг "мутлақлик касб этиши" билан боғлиқ муаммоларни расмий қонунлар билан ҳам, ижро ҳокимиятининг таъсир кўрсатиш механизмларидан кенг фойдаланиш йўли билан ҳам ҳал этиб бўлмайди. Парламент муаммоларни ҳал этишнинг барча томонлар манфаатларига мос келадиган, очиқ ва эркин мулоқот, конструктивизм асосидаги йўлларини, механизмларини излаб топиши зарур. Масалан, шундай механизмлардан бири ижтимоий ва индивидуал манфаатлар, қизиқишлар, ёндашувлар юзасидан эркин, ҳеч қандай ташқи тазйиқсиз фикр алмашувни уюштириш ва баҳс-мунозара чоғида юзага чиққан конструктив фикрларни парламент қонунларида, қарорларида акс эттиришдир.

Парламент ҳуқуқи, барча ҳуқуқий жараёнлар каби, социодинамик ҳодисадир. У ҳам ижтимоий ҳаётда кечаётган жараёнлар билан бирга шаклланади, ўзгаради, янги ёндашувларни ўзида акс эттиради. Шундай экан, ўзбек парламентаризми, миллий парламент ҳуқуқи ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг маҳсули, унда кечаётган ўзгаришларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлардаги ифодасидир. Шу нуқтаи назардан ҳам у Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётида айнан бугун содир бўлаётган ўзгаришларни ифода этади, лекин бу ўзгаришлар, худди ижтимоий ҳаёт каби, тўхтовсиз ва ҳар бири бетакрордир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV БОБ

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТЛАРИ

4.1. Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқаришнинг фалсафий-ҳуқуқий масалалари

Фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш халқнинг ижтимоий ҳаётда, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этишини, бу дахлдорликни озод ва обод Ватан тараққиётининг шарти сифатида қабул қилишини тақозо этади. Президент Ислом Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" асарида мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига ўтаётганини таъкидлаб, жамиятни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилашдаги "...энг муҳим устувор йўналиш — бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади", дейди[1]. Бу устувор вазифани амалга ошириш учун "жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор. Мен бу масалани биринчи даражали масалага айлантириш керак, деб ўйлайман". Демак, Ислом Каримов фикрига кўра, мамлакатда демократик қадриятларнинг қарор топиши, бошқарувни такомиллаштириш, модернизациялаш фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ва онгига боғлиқдир. Фуқаролар сиёсий фаоллигининг асосий шакл ва мезонлари эса халқнинг давлат ва жамият ҳаётини бошқаришида намоён бўлади.

Халқ ҳокимиятчилиги моҳиятан фуқароларнинг, халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнларидаги

---

[1] *И.А. Каримов.* Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т.: "Ўзбекистон", 2003. 23-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

иштирокини ифода этади, унинг негизида "халқ" ва "ҳокимият" тушунчаларининг уйғунлиги ётади.

Илмий адабиётларда "халқ" тушунчаси хусусида турли баҳс-мунозаралар кетаётган, гоҳо бир-бирига зид талқинлар билдирилаётган бўлса-да, халқ "миллат" тушунчасидан кенгроқ эканлигини унутмаслик лозим. Ф. Демишель ва М. Пикемалнинг "Францияда институтлар ва ҳокимият" китобида бу фикр қуйидагича ёритилади. Агар суверенитет халққа тааллуқли бўлса, барча фуқаролар, уларнинг умуми ҳам ушбу суверенитетнинг маълум бир қисмига даъвогардир, яъни умумий сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Агар суверенитет миллатга тааллуқли бўлса, у ўзининг таркибий қисми бўлмиш ўша миллат вакилига сайлов ҳуқуқини тақдим этади, холос. Бу ҳолда бошқа миллатлар вакилларининг ҳуқуқлари поймол қилинади.

Ушбу назарий-сиёсий концепция халққа давлатнинг субстанцияси сифатида қарашга, "халқ" тушунчаси бирор давлатга тааллуқли фуқароларнинг жами, умуми сифатида талқин қилинишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан халқни муайян бир давлат институтига тааллуқли фуқароларнинг умуми, жами сифатида талқин қилиш тўғрироқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддаси мана шу илмий-назарий ёндашувни ифода этади: "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади". Шу билан бирга, Бош қонунимизда халқ ҳокимиятчилигининг субъектлари, институтлари ва уларнинг ваколатлари ҳам белгилаб берилган. Масалан, 7-моддада "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади", 9-моддада "Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади", 12-моддада "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади", 13-моддада "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", 14-моддада эса

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилади” деб белгиланган. Ушбу моддаларни ўз ичига олган иккинчи боб “Халқ ҳокимиятчилиги” деб аталади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти — бу халқ ҳокимиятидир, чунки давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Шунинг учун халқ ҳокимиятчилигини давлат ҳокимиятидан айрича яшайдиган қандайдир мустақил сиёсий институт, ҳокимият, деб тушунмаслик керак. Айниқса, уни давлат ҳокимиятига қарши қўйиш мумкин эмас.

Халқ билан ҳокимият уйғунлигини қуйидаги ижтимоий талаблар орқали асослаш мумкин:

1. Узоқ ижтимоий-тарихий жараёнлар давлат ҳокимиятини алоҳида сиёсий институт сифатида шакллантирган бўлса-да, у халқдан айри ҳолда, ижтимоий муносабатларга аралаша олмасдан, у ёки бу гуруҳлар, қатламлар ҳаётини йўлга қўймасдан яшай олмасди. Муайян бир даврларда, босқичларда давлат айрим доиралар қўлидаги институт бўлиб, халқ оммасининг манфаатларидан холи яшаган ва ўша доиралар иродасини ифода этган, уларнинг манфаатларига хизмат қилган бўлиши мумкин. Аммо бундай ҳол асрлар, минг йиллар давом этиши мумкин эмас. Бобур “мамлакатни кўпчилик билан бошқариб бўлмаслиги, давлат ва мамлакатнинг бирлигини, осойишталикни сақлаш учун ҳамма подшоҳга итоат этиши керак-лигини таъкидлаган”[1] бўлса-да, ўғли Камрон Мирзога йўллаган мактубида бундай деб ёзади: “Ул элдин (Туркистон назарда тутилаяпти — Ф.М.) имтиҳон қилиб, сен эшикинга йўл беруб, вакили мутлақ этиб, ғофил бўлмағайсен. Кичик ёшлик эрса, алардин кенгаш сўруб, маслаҳат тилаб, аларнинг сўзи билан амал қилиб, асло ва мутлақо ҳеч муҳимға иштиғол қилинмағайсан. Андишалик беклар илан (ва) олийроқ қарочу давлатхоҳларким, ҳамиша муҳим ва маслаҳат ичинда бўла келиб туралар, аларнинг савол-жавоб ва кенгашларидан чиқмағайсан...”[2]. “Бобурнома”га мурожаатдан мақсад шуки, давлат халқ орқали фаолият кўрсатган, халқ мудом давлатнинг субстанцияси бўлиб келган. Давлатнинг сиёсий институт

---

[1] *О. Ҳусанбоев.* Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Т.: 2005. 43—44-бетлар.

[2] *М. Бобур.* Бобурнома. Т.: “Шарқ“, 2002.331—382-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида кимларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига хизмат қилгани бошқа масаладир.

2. Халқ билан давлат ўртасида манфаатлар уйғунлиги бўлиши шарт. Албатта, мамлакатда осойишталик, тартиб қарор топиши, адолатсизлик авж олмаслиги, ташқи душманлар хавф солмаслигидан икки томон ҳам ҳамиша манфаатдор бўлган.

3. Этник-маданий тараққиёт иқтидорли, билимли ва фидойи кишиларни халқ раҳнамолари сифатида ҳаракат қилишга ундаган. Миллий қаҳрамонлар, саркардалар, йирик давлат арбоблари ана шу эҳтиёжни англаган шахслар бўлган. Халқнинг фахри бўлган ана шундай инсонлар давлат билан халқни бирлаштирган, улар ўртасида узвий бирликни юзага келтирган. Бундай намояндалари умуман бўлмаган халқ, миллат тарихда топилмайди.

4. Ҳар бир қавм, уруғ, жамоа, этнос фақат ўзига хос эҳтиёжлар, қадриятлар, меъёрлар, тушунчалар, турмуш тарзи борлигини аввал табиий ҳол, кейин эса ўз ижтимоий мавжудлигининг шарти сифатида англаб етган. Улар ўзини ижтимоий бирлик сифатида қанчалик чуқур англаса, ўзини ва ўзи яратган тарихини, қадриятларини асраш, келгуси авлодларга етказиш масъулиятига шунчалик чуқур иқрор бўлган. Бу мураккаб ва зиддиятларга тўла вазифани барқарор куч — давлат ўз зимасига олиши мумкин эдики, айнан шунинг учун ҳам халқлар, миллатлар ўз давлатининг атрофида бирлашиб яшаган.

5. Халққа мудом яратувчанликка, изланишга, ён-атрофдаги муҳитни инсонийлаштиришга интилиб яшаш хосдир. У энг оғир дамларда ҳам ҳаётни улуғлашдан, муносиб турмуш кечириш ниятидан кечмаган. Халқнинг мана шу фазилатлари давлатни барқарор қилиб келади, уни ўзи билан бирга иттифоқ бўлиб, ён-атрофни гуллатиб-яшнатишга ундайди. Халқнинг ушбу ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётнинг субъект эканлиги уни давлат ҳокимиятининг ҳам асосий манбаига, субъектига айлантиради.

6. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини ва у олиб борадиган ички ва ташқи сиёсатни халқ шакллантиради. Халқ сайлов ва референдумлар (бевосита қатнашиш орқали) Президентни ва ноибларни сайлайди, ўз вакиллари (билвосита қатнашиш) орқали мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид қарорларни, дастурларни қабул қилишда иштирок этади. Халқнинг бу ижтимоий-сиёсий мавқеи давлат институтини

www.ziyouz.com kutubxonasi

унга хизмат қилишга ундайди. Юқоридаги муштарак жиҳатлар ва хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, халқ ҳокимиятчилигини — биринчидан, бутун ҳокимиятнинг халққа тааллуқлилиги; иккинчидан, халқнинг, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларига кенг жалб этилганлиги; учинчидан, кенг халқ оммасининг, кўпчиликнинг давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал этишда тенг ҳуқуқ билан иштирок этиши, деб аташ мумкин.

7. Бизда халқ ҳокимиятининг ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими легитимлашган (қонунийлаштирилган). Зеро, фаолияти ва ваколати фақат қонун билан белгилаб берилган институтларгина бошқарув функциясини керакли кўламда, керакли савияда амалга ошириши мумкин. Бундан халқ ҳам, давлат ҳам манфаатдордир. Конституцияда халқ ҳокимиятчилигининг ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида тан олиниши уни амалга оширишга берилган умумий ваъда, эътироф, холос. Амалда эса у расмий қонунлар ва қонун мақомидаги ҳужжатлар, фармонлар билан амалга оширилади. Демак, функциялари, фаолият йўналишлари, хатти-ҳаракатлари ва таъсир доиралари қонунлар орқали белгилаб берилган тақдирдагина халқ ҳокимияти институтларининг мавжудлиги, чора-тадбирлари қонуний (легитимлашган) бўлади. Бу талаб икки томон (давлат ҳокимияти ва халқ ҳокимияти) учун баб-баробар тааллуқлидир.

Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш аввало умуминсоний демократик қадриятларни, жамиятда юксак инсоний ахлоқни шакллантиришга қаратилгандир. Халқ ҳокимияти институтларининг реал бошқарув функциялари шуларни қарор топтиришга йўналтирилгани билан қимматлидир. Куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган давлат институтларида ушбу шартга ҳар доим ҳам амал қилинмаслиги мумкин. Бу ўринда халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш улар фаолиятига инсонийлик, инсонпарварлик моҳиятини бахш этиш, уларни умуминсоний, ахлоқий қадриятлар билан бойитади. Шу хусусиятини ҳисобга олиб, Т.Парсонс “Замонавий жамиятлар тизими” асарида демократик ва ахлоқий қадриятлар “модернизациялашаётган жамиятлар” ҳаётига сингиб бормоқда, шунинг учун “барча замонавий жамиятлар учун ягона бўлган қадриятлар тизими”ни яратиш зарур, деб айтади.

Тўғри, барча учун бир хил имкониятларни яратиш, халқлар учун бошқарув соҳасида бир хил қадриятларни жорий қилиш мураккаб, ҳатто ноўрин талабдир. Бошқарув инсон омили билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғлиқ жараёндир, инсон эса ўзининг миллий, этник, индивидуал хусусиятларига кўра, Н.Бердяев таъбири билан айтганда, "кўп қаватли мавжудотдир"[1]. Онгли, ижтимоий борлиқда ўз "мен"ини англаган, қалбида, руҳида яширин куч, салоҳият, иқтидор борлигини туйган ҳар бир инсон "умумий талаб"ни кўр-кўрона қабул қилмайди, у ўзлигини намоён этишга интилади. Ушбу индивидуал хусусият билан умумий белгилар ўртасида муайян тафовутлар, зиддиятлар сақланиб қолиши табиий ҳолдир. Бироқ ҳар бир онгли инсон биладики, инсоният субстанционал яхлит мавжудот, миллати, жинси, мавқеидан қатъи назар, ҳаммага эркин яшаш, оиласини таъминлаш, соғлиғини асраш, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш хосдир. Ушбу умумийлик демократик институтлар фаолиятида ҳам муайян умумий тамойиллар бўлишини тақозо этади. Демократия умуминсоний қадрият сифатида тан олинаётган экан у моҳиятан умумий, муштарак тамойилларга таяниши шартдир. Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш институтлари нуқтаи назаридан олганда бу тамойиллар сирасига қуйидагилар киради:

1. Ихтиёрийлик, сайловлар орқали шаклланиш;
2. Ўз-ўзини бошқариш;
3. Озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши;
4. Инсон эркки ва ҳуқуқларини тан олиш;
5. Ахлоқий-маънавий қадриятларга амал қилиш ва уларни қарор топтириш;
6. Бозор иқтисодиёти қонунларига риоя этиш;
7. Ҳокимият тизимларини инсон манфаатларига хизмат қилдириш;
8. Эрк ва бурч уйғунлигини таъминлаш.

Маълумки, халқ ҳокимияти ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари очиқ сайловлар орқали ваколат олган субъектлар, институтлар ҳисобланади. Сайловларда қатнашиш ихтиёрийдир. Демак, халқ ҳокимияти ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари негизида **ихтиёрийлик, очиқ сайланиш** ётади.

Давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқ экан, уни шакллантирувчи ҳам халқ ҳисобланади. Халқ давлат ҳокимиятини, айниқса, унинг институтларини ўз вакиллари

---

[1] *Бердяев Н.А.* Самопознание. М., ДЭМ, 1990. 134-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Президент, Олий Мажлис депутатлари, маҳаллий кенгаш депутатлари орқали шакллантиради. Айнан шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ иродасини, манфаатларини ифода этади ва халққа хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқ конституциясидир. Уни муҳокама этиш, тўлдириш ва қабул қилиш жараёнида халқимиз фаол иштирок этган. Шунинг учун ҳам Конституциямизда Президентга, Олий Мажлисга, суд ҳокимияти ва ҳокимият институтларига берилган ваколатларни халқ иродаси, хоҳиши, амри сифатида тушунмоқ керак. Халқ ўз ихтиёри билан ушбу институтларни бошқарув ишларига масъул деб билган ва уларнинг тўлақонли ишлашига ишонган экан, демак, бу ўринда ихтиёрийлик тамойили амал қилган. Сайловлар эса ушбу ихтиёрийлик тамойилининг амалдаги тасдиғидир.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида (2005 йил 28 январь) сўзлаган нутқида илк янги парламент сайловига баҳо бериб, қуйидагича таъкидлаган эди: "... бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор ҳақиқатни яққол тасдиқлади: мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди. Шундай деб айтишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор".

Халқ ҳокимияти ва фуқаролик институтлари фаолиятига хос иккинчи тамойил уларнинг **ўз-ўзини бошқариш** асосига қурилганидир. Ҳар қандай демократик институт ўз фаолиятини ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзига ҳисоб бериш орқали йўлга қўяди. Аммо бу давлатни, профессионал бошқарувни рад этмайди. Ўз-ўзини бошқариш, моҳиятига кўра, давлат, профессионал бошқарув объектив ва субъектив сабаблар боис амалга оширолмаётган вазифаларни ўз зиммасига олади. Ўз-ўзини ташкил этиш эса:

биринчидан, фуқароларнинг бурч ва вазифаларини белгилаб берадиган;

иккинчидан, қонунлар доирасида фаолият кўрсатиш учун зарур ижтимоий, сиёсий ва маданий шарт-шароит яратиб берадиган;

www.ziyouz.com kutubxonasi

учинчидан, расмий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланадиган;

тўртинчидан, давлат аҳамиятига молик муайян ижтимоий вазифаларни бажаришга ёрдам берадиган;

бешинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқарадиган, эҳтиёжларини қондирадиган механизмларга эга бўлиши даркор.

Ушбу механизмларга эга бўлиш, бир томондан, фуқаролик институтларининг ихтиёрийлик асосида фаолият кўрсатишини таъминласа, иккинчи томондан, уларни нобюрократик, моҳиятан, инсонга хизмат қилишга йўналтирилган воситалар билан бошқарувчи халқпарвар органга айлантиради. Шу тариқа фуқаролик институтлари демократик тамойилларни ижтимоий бошқарувга жорий этади ва уларни тараққиёт учун зарур қадриятларга айлантиради.

Ўз-ўзини бошқариш ҳамиша аниқ бир макон (меҳнат жамоаси, маҳалла, муассаса, қишлоқ каби) билан боғлиқ. Ушбу маконга тааллуқли аниқ муаммоларни, вазифаларни бажариш фуқаролик институтларига хосдир ва ушбу хислат уларни аҳоли ҳаётига, эҳтиёжларига, интилишларига яқин қилади. Ҳатто айтиш мумкинки, фуқаролик институтлари кенг халқ ҳокимиятчилигининг аниқ бир кўриниши, шакли сифатида унинг кундалик буюртмаларини бажаради. Шу нуқтаи назардан ҳам у халқ ҳокимияти институтининг халққа энг яқин бўғинидир.

Ўз-ўзини бошқариш органларига мутлақлик мақомини бериб, уларни сиёсий бошқарув ўрнини эгалловчи, ҳатто профессионал бошқарув ўрнига келиб, давлат функцияларини қисқартирувчи ташкилотлар сифатида талқин қилиб бўлмайди. Масалан, Л. Бойко "Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий асослари" китобига шунга монанд фикр билдиради. У ўз-ўзини бошқаришга "носиёсий, давлатсиз, жамоат бошқарувига" олиб келиш босқичи сифатида қарайди. Гўё шу тариқа "давлатнинг функциялари камайиб, профессионал бошқарув барҳам топади, барча бошқарув функциялари халққа берилади".

Бунга қандай эътирозлар билдириш мумкин? Биринчидан, ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиши "носиёсий, давлатсиз, жамоат бошқарувига" олиб келишини тасаввур қилиш қийин. Бу аслида давлат ҳам, давлат бошқаруви ҳам бўлмайди, деганидир. Муайян, алоҳида олинган бир жамоа, ҳудуд миқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёсида давлатсиз, жамоат бошқаруви бўлиши мумкиндир (аслида бу ҳам гипотетик тасаввурдан бошқа нарса эмас), лекин бутун мамлакат миқёсида жамоат бошқарувига ўтиш хомхаёлдир. Иккинчидан, профессионал бошқарувнинг барҳам топишини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Ижтимоий ҳаёт мураккаблашган сайин ҳар бир соҳани профессионаллар бошқариши талаб этилади, акс ҳолда, ҳозирнинг ўзидаёқ юқори малакали кадрлар тайёрловчи ўқув юртларини қисқартиришга ўтиш талаб этиларди. Ваҳоланки, жамиятнинг бундай кадрларга эҳтиёжи йилдан-йил ошиб бормоқда. Учинчидан, "барча бошқарув функцияларини халққа бериш" ҳам ғайриҳаётий иддаодир. Тўғри, халқ давлат бошқарувини бевосита амалга оширувчи субъектларни, институтларни сайловлар, референдумлар орқали шакллантириши мумкин. Лекин бу "барча бошқарув функциялари халққа берилади" деган фикрни англатмайди, акс ҳолда, шўро даврида бўлганидек, "ҳамма бошқаради, лекин ҳеч ким масъул эмас" тамойили юзага келади. Демак, бошқарув, айниқса давлатни бошқариш ҳамиша масъулиятни ўз зиммасига оладиган шахсларга, субъектларга, институтларга муҳтож бўлиб қолаверади. Бу ўринда ҳамма гап "барча бошқарув функцияларининг халққа берилиши" эмас, балки бу функцияларни амалга оширувчиларнинг халқ хоҳиш-иродасига мувофиқ сайланиши ва уларнинг ўз сайловчилари, халқ манфаатларига хизмат қилишидадир.

Озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши халқ ҳокимиятчилигида энг мураккаб ва баҳсталаб муаммолардан биридир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кишилик жамиятида, айниқса плюрализм ва фуқаролик институтлари ривожланган шароитда тўла якдиллик бўлиши мумкин эмас. Манфаатлар ранг-баранглиги гуруҳлар, партиялар, институтлар ўртасида рақобатни, тўқнашувларни келтириб чиқариши турган гап. Бу зиддиятни бартараф этиш учун баъзи тадқиқотчилар кўпчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган "демократик легитимлик" ("қонунийлик") тушунчасини қўллашни тавсия этадилар. Ушбу тушунчага кўра, фуқароларнинг ҳуқуқлари кўпчиликнинг иродаси (мажоритар), хоҳиши, овози орқали белгиланади.

Лекин кўпчиликнинг легитимлиги унинг сон жиҳатдан устунлиги билан белгиланмайди. Бундай ёндашув охир натижада халқ ҳокимиятчилигининг, демократиянинг аксига айланиши мумкин. Масалан, 1917 йили большевиклар давлат

www.ziyouz.com kutubxonasi

тепасига демократия, халқ ҳокимиятчилиги даъватлари билан келган, 1939 йили Гитлер ҳам шу ёндашувдан фойдаланган. Бу икки ҳол ҳам дунё халқлари бошига чексиз кулфатлар келтирди. Шунинг учун кўпчиликнинг озчиликдан устун келиши деганда, қарорлар қонуний асосланган ҳолда, очиқ муҳокама шаклида, коллегиал тарзда қабул қилинишини назарда тутиш зарур. Чунки, қарорларни кўпчилик бўлиб, коллегиал асосда қабул қилиш, моҳиятан, якка шахс ҳокимлигидан афзалдир, зеро, бир киши кўпчиликка нисбатан кўпроқ адашади.

Шу билан бирга, кўпчиликнинг легитимлиги озчиликнинг, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилмаслиги, балки у билан муросага бориш йўлини излаши даркор. Бу ўринда сиёсий маданият муҳим аҳамият касб этади. Айнан сиёсий маданият мамлакатда кечаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тўғри илғаш, ҳар бир инсонга ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан, юрт манфаатлари билан уйғунлаштириш, зарур бўлса, умумхалқ манфаатларига ўзининг шахсий манфаатларини бўйсундириш, Президентимиз айтганидек, "элим деб, юртим деб яшаш" имконини беради. Сиёсий маданият сиёсий ҳаёт субъектларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг онглилиги, фаоллиги ва у ёки бу сиёсий ҳаракатларга тайёрлик даражасини очиб беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозир ҳамюртларимизнинг сиёсий маданиятида фуқаролик маданияти унсурлари теран илдиз отмоқда. Шу маънода, сиёсий маданият юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг ҳам муҳим омилига айланиб боряпти.

Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш институтлари, моҳиятан, **инсон эрки ва ҳуқуқларини** рўёбга чиқишига хизмат қилади. Кўпчилик тадқиқотчилар инсон қадр-қиммати қудратли давлат ва қудратли миллатнинг, гуллаб-яшнаётган цивилизациянинг қадр-қимматидан устун эканлигини эътироф этадилар. Чунки, уларнинг фикрича, инсоннинг қадр-қиммати унинг эркидадир.

БМТ 1995—2005 йилларни дунёда "Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги" деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси ушбу даъватни қизғин қўллаб-қувватлади ва ўзининг қонунларини, стратегик дастурларини ана шу умуминсоний қадриятни қарор топтиришга қаратди. Ўтган йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳуқуқларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳимоя қилишга қаратилган юздан зиёд қонун қабул қилинди, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид қирқдан ошиқ халқаро шартномага қўшилди, саксондан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномани имзолади.

Ўзбекистонда инсон эрки ва ҳуқуқларининг таъминланиши Конституцияда белгилаб берилган. Унинг VIII боби "Сиёсий ҳуқуқлар" деб аталади. Бу бобда шахснинг жамият, давлат ҳаётини бошқаришда қатнашиши, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда билвосита (вакиллари орқали) иштирок этиши назарда тутилади. Фуқаролар референдумларда, қонунга мувофиқ ташкил этилган митинг, йиғилиш ва намойишларда қатнашиш билан, шунингдек, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларига аъзолик орқали, қолаверса, давлат институтларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш йўли билан давлат ва жамият ҳаётини бошқариш ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. IX боб фуқароларимизнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларига, XIV боб оила ҳуқуқига, XV боб оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган.

Халқаро ҳуқуқ экспертларининг эътирофига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва юртимизда қабул қилинаётган қонунлар инсон эрки ва ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан демократия талабларига тўла жавоб беради. Уларни ишлаб чиқишда энг илғор демократик давлатларда дастуриламал саналуви ижтимоий-ҳуқуқий меъёр ва тартиб-қоидалар асос қилиб олинган. Ўзбекистонда собиқ шўро республикалари ичида биринчи бўлиб, 2008 йилдан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. Бу мамлакатимизда Конституциямизнинг 24-моддасида қайд этилган "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир" деган қоидага тўла амал қилинаётганига тасдиқдир. Ҳатто киши жуда оғир жиноят содир этган тақдирда ҳам, унинг ҳаётига ҳеч ким, шу жумладан давлат ҳам тажовуз қилиши мумкин эмас.

Халқ ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш институтлари жамиятда, кишиларда **ахлоқий-маънавий қадриятларни шакллантириш ва уларни камол топтиришга** хизмат қилади. Халқ, миллат, жамият ахлоқий-маънавий мезон ва қадриятларга интилгани сингари, фуқаролик институтлари ҳам уларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарор топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўзбекистон Республикаси юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришни ўзининг пировард мақсади қилиб белгилаган экан, фуқаролик институтларининг фаолияти ҳам шу мақсад билан белгиланади. Давлат ҳокимияти, халқ ҳокимиятчилиги ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтларининг уйғунлиги негизини мана шу муштарак мақсад ташкил этади.

Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш институтлари шахснинг иқтисодий эркинликларини рўёбга чиқариш масаласига фуқаролик жамиятининг шарти сифатида қарайди ва шу нуқтаи назардан **бозор иқтисодиётини кенг жорий қилишга** интилади. Бозор иқтисодиёти эса хўжалик фаолиятининг эркинлигини таъминлайди, ижобий рақобат ва турли мулк шаклларини қарор топтиради, товар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида рационал муносабатлар қурилиши ва хусусий мулкнинг оқилона бошқарилишини рағбатлантиради. Бу шароитда хусусий мулк эгалари ўз моддий имкониятларини ошириб, салоҳиятини янада самарали ишга солади, шу тариқа қобилият ва иқтидорини жамият манфаатларини қондиришга қаратади. Бу эса фуқаролик жамиятини шакллантиришни жадаллаштиради.

Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш институтлари давлат ҳокимияти институтларини **инсон манфаатларига хизмат қилишга** даъват этади. Бу, биринчидан, халқ муҳокамасидан ўтган қонунлар, иккинчидан, жойлардаги аниқ муаммоларни ҳал этишга ҳокимият тизимларини, давлат бюджети ва ресурсларини жалб қилиш орқали бажарилади. Ўзбекистонда инсон манфаатлари устуворлигининг тан олиниши, барча сиёсий институтлар, давлат ҳокимияти тизимларининг инсон манфаатларига хизмат қилиши бошқарув фаолиятини йўлга қўйишнинг мақсадини белгилаб беради. Демак, жамоат бошқаруви негизида ҳам инсон манфаатларига хизмат қилиш ётади.

Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлар экан, уларда **эрк ва бурч уйғунлиги** ҳиссини шакллантириши шартдир. "Бошқарув учун" бошқарувни йўлга қўйиб бўлмайди. Халқ ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш институтлари, моҳиятан, бошқарув функцияларини бажаришга йўналтирилган бўлса-да, улар бу функцияни ўз эрк ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

бурчларини уйғун тасаввур этишда фуқароларга ёрдам бериш орқали адо этади. Эрк бурч орқали идрок этилмаса, бир кунмас-бир кун нафақат бурч, умуман, демократиянинг ўзи ҳам инкор этилади.

Кўриниб турибдики, халқ ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мураккаб шарти бўлиб, мудом ички тизимларини бойитиб, тўлдириб борадиган, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини рўёбга чиқаришга, худди шунингдек, жамоатчилик институтлари субъектларининг, фуқароларнинг ўз эркки ва бурчларини уйғун англашига ёрдам берадиган ташкилотлардир. Улар жамият ва унинг олдига қўйиладиган ижтимоий-амалий вазифалар билан бирга бойиб, ўзгариб, трансформацияга учраб, модернизациялашиб боради. Аммо жамият белгилаб олган стратегик мақсад уларнинг ҳам мақсади ҳисобланади.

4.2. Халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашда референдум ва сайлов тизимининг ўрни

Халқ ҳокимиятчилигини таъминлашнинг демократик усулларидан бири референдумлар ўтказишдир. Бош қонунимизда давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига, умумий овозга (референдум) қўйилиши белгиланган.

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши референдум тўғрисида қонун қабул қилди. Бу мамлакатимизда янги сайлов тизимини шакллантириш томон қўйилган илк қадамлардан эди. Шу билан бирга, юртимизда энг муҳим қонун лойиҳалари матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиладиган бўлди. Ушбу анъана янги парламент — икки палатали Олий Мажлис ташкил этилгандан кейин ҳам давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси икки марта республика ва вилоят газеталарида эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси икки ярим ой давом этиб, Бош қонунимизни ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилган 2 мингдан зиёд таклиф, мулоҳаза ва тавсия келиб тушди. Муҳокама барча меҳнат жамоаларида, корхоналарда, аҳоли тураржойларида, ўқув юртлари ва мактабларда, оммавий ахборот воситаларида очиқ баҳс-мунозара шаклида олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

борилди. Унда 6 миллиондан зиёд фуқаро қатнашди. Билдирилган фикр ва мулоҳазалар Президент Ислом Каримов бошчилигидаги махсус комиссия томонидан ўрганилиб, таҳлил қилиниб, умумлаштирилиб берилди.

Ўзбекистонда бир неча бор референдумлар ўтказилган. 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги, 1995 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш, 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали тизимга ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишлаб ўтказилган референдумлар шулар жумласидандир.

Модомики, референдумлар тўғрисидаги гаплар бевосита президент институти, парламентаризм ва халқ ҳокимиятчилигига тақалган экан, бу тушунчалар келиб чиқишига кўра ўзаро чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мамлакатдаги ўзгаришлар уларнинг демократияни, халқ ҳокимиятчилигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги ўрнига, халқнинг хоҳиш-иродасини ҳокимият тузилмаларида нечоғли кенг акс эттиришига қараб баҳоланади. Шу маънода, Президент ваколати ва икки палатали парламент масалалари бўйича референдум ўтказилиши мамлакатимиз мустақиллигини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик институтларини янада ривожлантиришда ғоят муҳим қадам бўлди. Аслида, қонунларимизга мувофиқ, умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилган масалаларни Олий Мажлиснинг ўзи ҳам ҳал эта оларди. Лекин шунга қарамай, референдум ўтказиш тўғрисида принципиал қарор қабул қилингани Ўзбекистоннинг давлатчиликни мустаҳкамлаш, демократия ва ҳуқуқни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга молик муаммо ва вазифаларни янгича тафаккур билан идрок этишга, уларни ижодий руҳда, халқнинг иродасига очиқ суянган ҳолда ҳал этишга қодирлигидан далолат бўлди.

Референдум шунчаки фикр билдириш эмас, унинг негизида фуқароларнинг, халқнинг ҳукумат, давлат қўяётган масалаларга, ушбу масалалар орқали эса ҳукумат, давлат фаолиятига, у олиб бораётган сиёсатга муносабати намоён бўлади. Кенг маънода у ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос кўринишидир. Шунинг учун илмий адабиётларда халқ ҳокимиятчилигида,

www.ziyouz.com kutubxonasi

референдумда ва ўз-ўзини бошқариш жараёнида кенг ижтимоий муносабатлар, уларнинг шу даврга хос характери, сиёсий ва ҳуқуқий институтлар билан алоқалари акс этади, деган фикр мавжуддир. Ҳақиқатан ҳам, фуқаролар, халқ давлат ва жамият ҳаётига оид у ёки бу масалаларга ўз муносабатини билдирар экан, уларни реал ҳаётий талабларга яқинлаштиришни ва шунинг негизида ўз эҳтиёжларининг қондирилишини кўзлайди. Бу ўринда эҳтиёжларнинг халқ иродаси орқали объективлашишини кузатамиз. Объективлашмаган эҳтиёжларни, истакларни реал ҳаётга татбиқ этиш қийин. Давлат халқ иродаси, хоҳиши ва эҳтиёжларини референдум натижаларига қараб объективлаштиришни ўз зиммасига олади.

Демократия нуқтаи назаридан референдум умуминсоний қадрият ҳисобланади. Шунинг учун у бугун демократик ҳаёт қураётган барча моноэтник ва полиэтник давлатларда кенг қўлланилмоқда. Масалан, Швейцария кейинги 150 йил ичида 240 марта халқ референдуми ўтказган. АҚШда эса бу ҳақда ҳар йили 12—15 минг мурожаат тушади. Шунинг учун ҳам бу борада тўпланган халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, бу чет мамлакатларда ўтказилган референдумларда назарда тутилган мақсадларга, тамойилларга беихтиёр эргашиб кетишни англатмайди. Фашистлар Германияси ҳукумати 1933 йили Миллатлар Лигасидан чиқиш, 1934 йили президент институтини бекор қилиб, фюрер ва рейхсканцлер лавозимларини таъсис қилиш, 1938 йили Австрияни қўшиб олиш тўғрисида ўтказган референдумлар қандай оқибатларга олиб келгани тарихдан яхши маълум.

Ғарбдаги айрим тадқиқотчилар мана шу тажрибани назарда тутиб, референдум цивилизацияли парламент ҳокимиятининг ғофил тўда ҳокимияти билан алмашишига олиб келади, парламентаризм институтига хавф уйғотади, деб ҳисоблайдилар. Ҳатто референдум халқ ҳокимиятчилигининг энг муҳим ва умуминсоний шакли сифатида қайд этилаётган бўлса-да, ундан турли сиёсий гуруҳлар, шахслар ўз мақсадида фойдаланиши мумкин экани очиқ эътироф этилади.

Бу асоссиз эмас, албатта. Чунки ғарб дунёсида пул сайлов ва референдумларга ҳам таъсир ўтказиши мумкинлиги сир эмас. Бу ўринда "Озод кишилар жамияти" асари муаллифи Ф.Хайекнинг фикрини келтириш мумкин. "Демократия, — дейди у ғарб демократиясини таҳлил қилиб, — овозлар сотиб олиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

жараёнига айланиб, кундан-кун сўниб бормоқда". Муаллиф кейинги вақтларда "халқ демократияси" байроғи остида амалга оширилган найрангларни назарда тутиб, "агар демократия кўпчиликнинг чекланмаган иродаси бўлса, мен демократ эмасман" дейди. Унинг фикрича, ғарбда демократиянинг дастлабки маънода қарор топиши энди қийин, шубҳали. Шунинг учун у "анархия" тушунчасидан келиб чиқиб сўз ўйини қилади ва узил-кесил қарор топган халқ ҳокимиятчилигини "демархия" деб аташни таклиф этади.

Бундан ташқари, ўзининг тор сиёсий манфаатларига эга гуруҳлар ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир этадиган, умуман, уларнинг давлат фаолиятини ўз қарашларига мувофиқ бошқариши анъанага айланган мамлакатларда референдум ва сайлов том маънода халқ иродасини, манфаатларини ифода этади, дейиш қийин. Бундай мамлакатлардаги референдум ва сайловлар халқ ҳокимиятчилиги институтидан кўра кўпроқ фуқаролар ҳисобига амалга ошириладиган ўйинни эслатади. Шунинг учун ҳам айрим ғарб тадқиқотчилари референдум ва сайловлар жуда серхаражат ва хатарли бўлиб бораётганига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Албатта, бу ўринда гап халқ ҳокимиятчилигининг институти эмас, балки ундан кимлар қандай мақсадда фойдаланиши ҳақида кетмоқда. Халқ фикри ва иродасини билишга қаратилган ҳар қандай демократик усул халқ ҳокимиятчилигини янада такомиллаштиришга ёрдам бериши мумкин, бироқ ундан қандай мақсадда фойдаланиш лозимлигини ислоҳотчилар аниқ билиши шарт. Инсонпарварлик ғоялари билан муайян мақсадларга йўналтирилган, инсон ва жамиятнинг аниқ манфаатларига хизмат қиладиган референдум охир натижада ижтимоий-сиёсий ҳаётга ижобий таъсир этмай қолмайди. Ўзбекистон қонунларида айнан ёндашув мужассамдир.

Фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шарти халқ ҳокимиятчилигини ривожлантириш, сиёсий тизимни мудом такомиллаштириб боришдир. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган сайлов тизимининг ўрнини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, шуни қайд этиш зарурки, негадир илмий адабиётларда сайлов тизими, умуман, сайлаш ва сайланиш билан боғлиқ ижтимоий фаолият ҳуқуққа оид соҳа сифатида қаралади. Шунинг учун сайловга оид мавзу ва муаммоларни фақат ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш одатга айлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Ваҳоланки, сайлов аввало сиёсий-фалсафий муаммодир. У тўғридан-тўғри (бевосита) ва вакиллар орқали (билвосита) фикр, рўй-хоҳиш ва истак билдириш орқали демократиянинг моҳиятини акс эттириб, халқ ҳокимиятчилигининг ҳолатини, сиёсий тизимнинг демократик ўзгаришларга қанчалик мойиллигини, инсон эрки ва ҳуқуқларининг давлат томонидан қанчалик кафолатланаётгани ва рўёбга чиқарилаётганини кўрсатади. Айнан сайловда "ҳамманинг иродаси", "умумий ирода"да намоён бўлади.

Сайловлар турли кўринишларда антик даврдан бери мавжуддир. Масалан, Афина демократиясида эса бевосита овоз бериш усули кенг қўлланилган. Унда халқ очиқ овоз бериш йўли билан "шаҳарни оғир ва хавфли дамларда тарк этмайдиган довюрак киши"ни сайлаган.

Уруғчилик давридаги оқсолларни, уруғ ва қабила бошлиқларини сайлаш анъанаси ҳозир ҳам учраб туради. Баъзан овоз беришда кимнинг тарафдорлари кўпроқ шовқин солса, бақириб-чақирса, ўша ғолиб саналган. Бу анъана, масалан, англосаксонларда аккламация (бақириб овоз бериш) тарзида ҳамон учрайди. Мабодо парламент йиғилишини олиб бораётган киши (раис) шовқинни асосли деб билса, тегишли қарорни овоз бериш жараёнига қўймай туриб қабул қилиш учун бу етарли ҳисобланади.

Баъзи парламентларда сайловларда қуръа ташлаш усулидан фойдаланганлар. Кейинчалик сайлов бюллетенларини қутиларга ташлаб овоз бериш жорий этилган.

Яширин овоз бериш тартиби ҳам қадимдан мавжуд. Қадимги Рим республикасида яширин овоз беришдан фойдаланилгани тарихдан маълум.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда миллий сайлов тизимининг шаклланиши ўзига хос тарихга эга. Бу борада Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1989 йил 20 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида" ва "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советлари депутатлари сайлови тўғрисида"ги қонунлар муҳим босқич бўлган. Бу икки қонун ўша даврда ҳукм сурган тоталитар тузум таъсиридан холи бўлмаган эсада, уларнинг қабул қилинишини Ўзбекистон сайлов тизимининг улкан ютуғи сифатида эътироф этиш керак. Чунки, шу тариқа мамлакат тарихида биринчи марта муқобил номзодлардан депутат сайлаш имконияти юзага келтирилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1990 йил 24 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун эса мустақиллик томон ташланган залворли тарихий қадам бўлди. Бу ҳужжатда Ўзбекистонда Президент лавозими таъсис этилгани, у фуқаролар томонидан умумий равишда, тенг ҳуқуқлилик асосида, тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланиши кўрсатилди. Энди давлат раҳбари Компартия Марказий қўмитасининг пленуми ёки Олий Совет эмас, тўғридан-тўғри фуқаролар томонидан сайланадиган бўлди.

Бу тартиб Ўзбекистон Олий Кенгаши 1991 йил 18 ноябрда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда ҳам қайд этилади. Унда президент сайлови муқобил номзодлар кўрсатиш, кўппартиявийликдан келиб чиқиш, фуқароларнинг сайловда эркин қатнашишини таъминлаш тамойиллари асосида ўтиши белгилаб қўйилди. Президентликка даъвогарлар сайлов ҳуқуқига эга 60 минг фуқаро уларни ўз имзолари билан қўллаб-қувватлаган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда номзод сифатида рўйхатга олинадиган бўлди. Биринчи президент сайловида Ислом Каримов ва Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзод сифатида қатнашдилар. Ислом Каримов номзодини сайловда қатнашганларнинг 86 фоизи (8514136 киши) ёқлади, Салай Мадаминовга 12,3 фоизи (1220474 киши) овоз берди.

1999 йилда ўтказилган парламент сайлови, мутахассисларимизнинг халқаро ҳуқуқ ва сайловни ўрганиш жараёнида тўплаган тажрибалари, мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли демократик ислоҳотлар мавжуд қонунларни, шу жумладан, сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимини такомиллаштириш заруратини юзага чиқарди. Бозор иқтисодиёти фуқаролар ҳаётига, унинг қонуният ва кўникмалари кишилар онгига чуқурроқ сингиб боргани сари демократлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш, халқ ҳокимиятчилиги асосларини янада мустаҳкамлаш эҳтиёжи кучая борди. Айниқса, икки палатали парламент тизимига ўтиш муносабати билан сайлов тизимида туб ўзгаришлар ясашга киришилди.

Сайлов тизимида пайдо бўлган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи ўзгаришлар қуйидаги фикрларни билдириш имконини беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчидан, фуқароларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқи уларнинг фуқаролик бурчи, давлат ва жамият ишларини бошқаришда эркин иштирок этишининг ифодаси сифатида тан олинади. Бу ҳуқуқ Бош қонунимизнинг 117-моддасида белгилаб берилган. Унда "Фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади" деб кўрсатилган. Ушбу модда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген конференциясининг якуний ҳужжатида баён этилган сайловларнинг умумийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик ва овоз беришда яширинлик тамойилларига тўла мос келади.

Бош қонунимизга кўра, фуқаролар тенг сайлов ҳуқуқларига эга, улар ирқи, жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Чет элларда бу борада турли ёндашувлар қўлланилади. Масалан, Бельгияда сайловда иштирок эта олмайдиган фуқаро зарур сабаб-далилларини барвақт судьяга тақдим этиши керак. Сайловчи бу қоидани бузса, биринчи марта 3 франк, иккинчи марта 3 франкдан 25 франккача жарима солинади. Қоида учинчи бор бузилса, фуқаронинг номи махсус жойларга ёзиб қўйилади. Мабодо у тўртинчи марта ҳам шундай қилса, 15 йилга сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилади ва 10 йил давомида давлат муассасаларига ёки маҳаллий давлат идораларига ишга қабул қилинмайди. Бу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мажбурий овоз бериш тартиби жорий этилиши, назарий жиҳатдан қай тарзда асосланган бўлишидан қатъи назар, сайловда иштирок этишдан бўйин товлаётган шахсларни камайтиришга қаратилган. Ҳозирги кунда сайловчилардаги абсентенизм (сайловларда қатнашмаслик, унда иштирок этишдан бўйин товлаш, қочиш) кўпчилик мамлакатларга хос кўринишдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сайловларда иштирок этишдан бўйин товлаш ҳоллари барча мамлакатларда ошиб бормоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистонда сайловлар кўп партиявийлик ва мажоритар асосда ўтказиладиган бўлди. Биринчи чақириқ Олий Мажлисга ўтказилган сайловда (1994 йил 25 декабрь) 250 сайлов округи ва 7192 сайлов участкаси белгиланиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марказий сайлов комиссияси 643 номзодни рўйхатга олиш ҳақида қарор чиқарди. Овоз бериш жараёнида эса 10526654 фуқаро, яъни сайловчиларнинг 93,6 фоизи қатнашди. Бу Ўзбекистон халқининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб бораётганининг белгиси эди.

Сайловлар тизими халқаро жамғармасининг 1996-1997 йилларда ўтказган ижтимоий сўрови натижалари кўрсатадики, респондентларнинг 75 фоизи мамлакатимиздаги сайлов тизими ва унинг фаолиятидан қониқиш билдирган. Уларнинг 81 фоизи биринчи чақириқ Олий Мажлисга бўлган сайловда иштирок этган ва бундай сайлов мамлакат ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг иштирок қилишига ёрдам беришини айтган. Энг муҳими шундаки, респондентларнинг 71 фоизи Ўзбекистонни демократик давлат деб билишини таъкидлаган. Демак, халқаро ташкилот ўтказган сўров натижаларидан аён бўладики, Ўзбекистонда демократик сайлов тизими қарор топган, шу боис сайловчилар овоз беришни ўзининг давлат ва жамиятни бошқариш ишларида қатнашишига оид бурчи, вазифаси, ҳуқуқи деб биладилар.

Сайловда сиёсий партиялар номзодларининг фаоллиги, дастурларининг халқчиллиги, реал муаммоларни ҳал этишга йўналтирилганлиги муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партияларнинг айнан парламентдаги фракциялари халқ билан парламентни уйғунликда ишлашга даъват этади, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятига конструктив йўналиш беради. Кузатувлар кўрсатадики, сайловда узоқ қатнаша олмаган сиёсий партия ижтимоий-сиёсий саҳнадан четлашиб, тушиб қолади, гоҳо эса ўз-ўзини тарқатиб юборишга мажбур бўлади. Ўзбекистонда кўп партиявийликнинг энди пайдо бўлаётгани ҳамда янги партияларда ижтимоий-сиёсий тажриба етарли эмаслиги ҳисобга олиниб, уларни қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари кўрилади. Масалан, сиёсий партияларни молиялаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг илғор халқаро тажрибасига таянган ҳолда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кенгайтириш йўлидан бормоқда. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунга сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат ташаббус гуруҳини тузиши мумкин, деган мутлақ янги қоида киритилди. Демак, ташаббус гуруҳи ўз номзодининг сайловда иштирок этишини таъминлаши мумкин, яъни фуқаролар томонидан номзод кўрсатишнинг янги институти юзага келди.

ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари мезонларига бағишлаб ўтказилган конференцияси — Копенгаген кенгаши қарорида (1990 йил 29 июнь) "фуқароларнинг шахсан ёки сиёсий партиялар ёхуд ташкилотларнинг вакиллари тариқасида камситишларсиз сиёсий ёки давлат мансабларига эришиш ҳуқуқи" мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, Россия, Литва, Эстония, Қозоғистонда ўз-ўзини номзод этиб кўрсатиш институти жорий этилган, бироқ бу номзодларни қўллаб-қувватловчилар округ сайловчиларининг умумий сонидан ва фоиз нисбатидан келиб чиқиб белгиланган. Масалан, Қозоғистонда ўзини Сенатга номзод қилиб кўрсатмоқчи бўлган киши сайловчилар овозининг камида 10 фоизини тўплаши лозим. Кўриниб турибдики, бизда ўз-ўзини номзод қилиб кўрсатиш институти сунъий тўсиқлардан халос қилинади, халқ ҳокимиятчилигини шакллантиришнинг ҳақиқий институти сифатида кенг қўллаб-қувватланади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида сайловлар учун кетадиган барча сарф-харажатлар давлат бюджетидан ажратилади. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида йўриқнома"да (Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 18 сентябрдаги 198 сонли қарори билан тасдиқланган) кўрсатилганидек, парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш маъқулланади.

Шу билан бирга, ушбу ҳужжатга кўра, сиёсий партиялар ва ташкилотлар, корхоналар ўз маблағларини сайлов тадбирларига сарфлаши мумкин. Яъни, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда Марказий сайлов комиссиясига беришлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

мумкин. Марказий сайлов комиссияси бу маблағларни сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Мазкур ҳужжатнинг 11-бандига мувофиқ, "қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирокини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партиялар томонидан:

— сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

— қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

— қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида округ чиқишларини ташкил этишга;

— қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотларини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

— сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак."

Демак, бир томондан, давлат сайловларни ўтказиш учун кетадиган сарф-харажатларни ўз зиммасига олса, иккинчи томондан, бошқа ихтиёрий сарф-харажатлардан фойдаланишни тақиқламайди, аммо бу маблағ Марказий сайлов комиссияси орқали сарфланади. Ҳар икки ҳолда ҳам давлат сайлов кампанияларининг тенг ҳуқуқли асосда, қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўтказилишини, сайланадиган депутатлар ҳақиқатан ҳам халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашга, мамлакатда демократиянинг яна чуқур ўрин олишига хизмат қилишини кўзлайди. У сайловдан ғайридемократик мақсадлар, гуруҳбозлик, мавжуд тузумга қарши хатти-ҳаракатлар уюштиришда фойдаланишни тақиқлайди.

Сайлов пайтида оммавий ахборот воситаларидан барча номзодлар тенг фойдаланадилар. Бу янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги (1999 йил 19 август) қонуннинг 25-моддасида белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, икки палатали парламент тизимига ўтиш муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунга қатор ўзгартиришлар киритиш тақозо этилмоқда. Бу қонуннинг Сенат билан боғлиқ иккинчи бўлимида ошкоралик ҳақидаги қоидалар келтирилмаган. Унда

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиёсий партиялар, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари, уларнинг бу борадаги ўрни аниқлаб берилмаган. Марказий сайлов комиссиясининг ва Сенат сайловини таъминловчи бир қатор давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва бошқа идораларнинг мавқеи ойдинлаштирилмаган.

Халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашда навбатдаги сайлов тизими халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига депутатлар сайлашдир. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари демократик орган саналиб, улар сайлов асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқига мувофиқ фуқароларнинг (сайловчилар) ёпиқ овоз бериши орқали сайланади. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги қонунга (1994 йил 25 май) мувофиқ, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига халқ депутатларини сайлаш бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Депутатлар беш йил муддатга сайланадилар. Ҳар бир сайлов округидан биттадан депутат сайланади. Сайланувчи депутат 21 ёшдан ошган бўлиши шарт ҳисобланади. Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилганидек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайланадиган депутатлар сони олтмишдан, туман ва шаҳар кенгашларига сайланадиган депутатлар сони ўттиздан ошмаслиги шарт.

Қонуннинг 20-моддасига биноан, маҳаллий вакиллик органларига — туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашларига сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари номзод кўрсатадилар. Сиёсий партиялар номзод кўрсатиш учун сайлов тайинланган кундан камида 6 ой аввал тегишли тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши лозим. Сайловда қатнашганлардан ярмидан кўпининг овозини олган номзод депутатликка сайланган ҳисобланади. Хуллас, Ўзбекистон маҳаллий кенгашларига сайлов тизими фуқароларимизнинг, халқимизнинг ҳақиқий демократик жамият қуришга интилишларини ифода этади ва ижтимоий, миллий тараққиёт манфаатларига хизмат қилади.

Халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашга қаратилган яна бир сайлов тизими фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига раис ва унинг ўринбосарларини сайлаш билан боғлиқдир. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари демократик институтларнинг бошланғич поғонаси бўлиб, халқ ҳокимиятчилигини бевосита амалда намоён этади. Бу органлар шаҳар, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларда яшовчи фуқаро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг йиғинлари бўлиб, улар маҳаллий давлат вакиллик органи саналмайди, яъни халқ ҳокимиятчилигининг нисбатан мустақил институтларидир. Фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг ёрдамчилари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (105-модда) мувофиқ икки ярим йил муддатга сайланадилар.

Халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш давлат ва жамият ишларини бошқаришнинг муҳим поғонаси бўлган маҳаллий ҳокимият ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятида инсоннинг фаол иштирок этишига боғлиқдир. Айни мана шу поғонада фуқаролар маҳаллий ҳаёт муаммоларини ҳал этиш, турмуш даражасини ошириш, ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуд учун зарур хизмат кўрсатиш тузилмаларини шакллантириш, оилавий муносабатларни йўлга қўйиш каби муҳим ижтимоий вазифаларни бажарадилар.

2006 йилнинг май-июнь ойларида ўтказилган сайловлар фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари жамият ҳаётида катта ўрин эгаллаётганини, халқимиз уларга ишонч ва умид билан қараётганини кўрсатди. Унда 10 мингдан зиёд маҳаллада фуқаролар йиғини ташкил этилиб, ҳар бир йиғин раиси ва унинг муовинлари фуқаролар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан сайланди. Сайланганлар орасида олий маълумотлилар 45 фоиз, ўрта-махсус маълумотлилар 52 фоизни ташкил этди. Очиқ демократик шароитда ўтган бу сайловлар маҳаллаларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки йил сайин кенгайиб бораётганидан, раис ва унинг ёрдамчилари маҳаллий ҳаётга реал таъсир этиш воситасига айланганидан далолат беради.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Ўзбекистон фуқаролари халқ ҳокимиятчилиги институтлари фаолиятига бевосита таъсир этишнинг референдум, сайлов каби усулларига эга бўлиб, улар орқали ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқармоқдалар. Бугун шу нарса аёнки, халқ ҳокимиятчилигининг турли поғоналари бир-бирларига боғлиқдир. Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қонунлар фуқаролар институтларининг тўлақонли ишлашига ёрдам берса, ўз навбатида қуйи поғонадаги институтлар (фуқаролар йиғини) юқори поғонадаги органларга (Олий Мажлис) халқнинг, аҳолининг ҳаётида, онгида, муносабатларида содир бўлаётган ўзгаришларни етказиб туради. Ушбу диеалектик боғлиқлик, узлуксиз ҳамкорлик халқ ҳокимият-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилигини жонли, ҳаёт диеалектикасига мувофиқ фаолият кўрсатадиган, фуқароларнинг сиёсий фаоллигидан унумли фойдаланадиган институтга айлантиради.

4.3. Сиёсий партиялар ва халқ ҳокимиятчилиги

Сиёсий партиялар тузиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунига (1996 йил 26 декабрь) кўра, сиёсий партиялар фуқароларнинг умумий қарашлар, қизиқишлар ва мақсадларни ўзида мужассамлаштирадиган, жамият аъзоларидан муайян бир қисмининг сиёсий иродасини ифода қилиб, давлат ҳокимиятини шакллантиришга интиладиган ихтиёрий уюшмасидир. Улар давлат ҳокимиятини шакллантиришда, давлат ва жамият ишларини бошқаришда ўзининг вакиллари орқали иштирок этадилар.

Ўзбекистонда бугун шаклланаётган кўп партиявийлик ҳали коммунистик анъаналарнинг салбий таъсиридан тўла халос бўлган эмас. Етмиш йилдан зиёд давр ичида ҳукмронлик қилган КПССнинг марказга қатъий бўйсуниш, юқоридан берилган кўрсатманигина бажариш, "доҳийлар"нинг фикр ва қарашларига мутлақлик мақомини бериш каби одат ва, таъбир жоиз бўлса, кўникмалар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онгидан тўла сиқиб чиқарилмаган. Айни мана шу салбий ҳолат ижтимоий-сиёсий ҳаётда сиёсий партияларнинг эътиборли ташаббуслар кўрсатишига ғов бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистонда 5 сиёсий партия ва бир халқ ҳаракати рўйхатга олинган. Улардан энг кўп сонлиси Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир. У 1991 йил 1 ноябрда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда ўз сафига 970 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Шу нуқтаи назардан ХДПни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда етакчилик (лидер) қилаётган сиёсий партия дейишимиз мумкин.

Лидерлик сиёсий партиянинг ички ва ташқи ҳаётида, аҳоли, фуқаролар, давлат институтлари билан муносабатларида намоён бўлади ва унинг аъзоларига қўшимча бирдамлик, фаолиятига эса бир бутунлик ва тўлароқ моҳият бахш этади. Лидерлик, айниқса, партиянинг ички ҳаётида (айрим гуруҳлар, фракциялар, шахслар), партия аъзолари ўртасидаги муносабатларда тўла кўзга ташланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистон Халқ-демократик партиясининг лидерлиги асосан унинг ташқи ҳаётида, аъзолари сони жиҳатидан бошқа сиёсий партияларга нисбатан олдинги ўринда туришида, салмоқли ижтимоий-сиёсий тажрибага эга эканлиги ва анъаналарга таянганида намоён бўлади. Буни, энг аввало, Президент Ислом Каримов шу партиянинг биринчи котиби, етакчиси бўлгани билан изоҳлаш мумкин. Унинг истиқлол ғояларини дадил тарғиб этгани, марказнинг аксилмиллий сиёсатига қарши чиқиб, мамлакат мустақиллигини эълон қилгани, халқимиз, миллатимиз шаънини, келажагини, истиқболини кўзлаб туб ислоҳотларга бош-қош бўлаётгани у аъзо бўлган ХДПнинг халқ орасидаги обрў ва нуфузини ошириб юборди.

Президентимиз унга "коммунист президент", "компартиянинг собиқ шефи", "номенклатуранинг ёрқин вакили" каби ёрлиқлар осишга уринган айрим чет элликларга жавобан бундай дейди: "Очиғи, мени ғарбнинг Совет Иттифоқида партноменклатура бир хил бўлмаганини билмаслиги ҳайратга солади. У ўзининг моҳиятига кўра дифференциаллашган эди. Йўқ, қоғозда эмас, қандайдир партия ҳужжатларида эмас, балки ҳаётда ҳар хил эди. Мен унга дахлдор кишиларни уч гуруҳга ажратган бўлардим. Биринчиси — коммунистик утопияга сўзсиз ишонувчилар. Улар учун марксизм-ленинизм худдики бир дин эди. Иккинчи гуруҳ конформистлардир. Бу одамлар бирор касб-кор тутмаган, энг муҳими, виждонсиз кишилар эди. Қанақа ғоя, қандай коммунизмдан гапирасиз? Улар ҳаётий қулайликлар яратиб берадиган ҳар қандай ҳокимиятга ҳизмат қилишга шай кишилар эди. Учинчиси — махсус билимларга эга мутахассислар, малакали кадрлар. Уларни технократлар дейиш мумкин. Партноменклатуранинг айни мана шу қисми халқ орасида партиянинг обрўсини шакллантирган"[1].

Ислом Каримов Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби бўлган даврлардаёқ халқ орасида обрў-эътибор орттирган, одамларнинг ишончини, меҳрини қозонган. У муайян бир вақт мобайнида Ўзбекистон Халқ-демократик партияси биринчи котиби бўлгани, шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ХДПни лидерлик даражасига кўтарди.

---

[1] *Левитин Л., Карлайл С.А.* Ислам Каримов — Президент нового Узбекистана. Т., Ўзбекистон, 1996. 5—6-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейинги йилларда юз берган ўзгаришлар, ХДП раҳбариятининг алмашиши, айрим субъектив омиллар партия ҳаётида акс этмай қолмайди. Ижтимоий барқарорлик ўрнатишга қаратилган сиёсат, аҳолининг сиёсийлашуви сусайтирилиши натижасида партия ўз мафкурасига садоқат нуқтаи назаридан қайсидир маънода аъзоларидан маҳрум бўлди.

Умуман, мафкурадан холи бўлиш тушунчаси кенг қулоч ёза боргани сари сиёсий партияларнинг мафкурачилари ишига путур етди. Бунинг натижасида жамият ҳаётида акс-таъсир юзага келди. Айрим партияларнинг мафкуравий концепцияларни ишлаб чиқишга бағишлаб ўтказган йиғилишлари бесамар кетди. Оқибатда умумий муштарак мақсадларни юзаки қамраган ғоялар, тартибсиз ҳолатлар ва мавҳум шиорлар устун кела бошлади. Бу эса "бутун халқ" манфаатларини акс эттиришга интилиш баҳонаси билан омма орасида ном қозониш ва сохта обрў орттиришга уринишга, диний ақидаларга берилиб кетишга, партияларнинг ноаниқ, жиддий асосланмаган иқтисодий ва ижтимоий дастурларни қабул қилишига олиб келди.

Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ мутлақ янги вазият, шароит партия лидерлари олдига ноанъанавий йўллардан боришни, давр талабларига, демократик ўзгаришлар моҳиятига мос концепциялар ишлаб чиқишни тақозо этдики, уларни тўғри ва тўла англашга партиялар ҳали тайёр эмас эди. Ўз аъзолари ва тарафдорларининг ижобий ғоя ва шиорларга эга эканлигига қарамасдан, сиёсий партиялар бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида янги ғояларни илгари суришга қурби етадиган ҳолатда эмасди. Шунинг учун уларда қайсидир маънода мутаассиблик ва ноэгилувчанлик хусусиятлари пайдо бўлди. Бу эса партия аъзоларида ишчанлик кайфиятининг сўнишини, ташаббускорликнинг сусайишини юзага келтирди.

Мамлакатимизда бошланган миллий демократик ўзгаришлар 1992 йилда янги "Ватан тараққиёти" партияси ташкил этилишига олиб келди. Бу юртимизда кўп партиявийлик томон ташланган муҳим қадам эди. Бир йил ичида "Ватан тараққиёти" партияси ўз сафига 34 мингдан зиёд кишини бирлаштира олди.

Партия ўзини зиёлилар, ижодкорлар, мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш иштиёқида бўлган ватанпарвар кишилар бирлашмаси деб атади. У кўп партиявийлик, сиёсий плюрализм шароитида ишлаш тамойилини ёқлади. Бу партия Ўзбекистонда янги ижтимоий-сиёсий му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳитни, сиёсий плюрализмни шакллантиришга, КПССдан кўнгли қолган фуқароларни янги ғоялар билан ўз атрофида уюштиришга интилди. У энди мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Республикасига хизмат қилишга, унинг маданий, илмий-техникавий тараққиётига ҳисса қўшишга даъватлари билан ҳамюртларимиз қалбида келажакка ишонч ва умид уйғотди. Бироқ партияда аъзоларни эргаштириб кета оладиган, белгиланган мақсадлар йўлида курашишга тайёр кучлар, дадил лидерлар етарли эмас эди. Партия саккиз йил фаолият кўрсатган бўлса-да, бирорта йирик ташаббус билан фуқаролар эътиборига тушмади. Натижада 2000 йилнинг апрелида "Фидокорлар" миллий демократик партияси билан бирлашди.

1995 йилнинг февраль ойида "Адолат" социал-демократик партиясининг ташкил этилгани ўша даврда мамлакатимиз ҳаётида қандай қадриятларни шакллантириш ва ривожлантиришга эҳтиёж айниқса кучли бўлганини кўрсатади. Ижтимоий адолатли жамият қуриш борасидаги фикрлар, илгари сурилган ғоялар уларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи алоҳида ижтимоий-сиёсий кучни ташкил этишни тақозо қилди. Бу эса "Адолат" партиясининг тузилишини жадаллаштирди. Партия ўз сафига ижтимоий адолатли жамият қуриш ғоясини қўллаб-қувватловчи, ўзининг кундалик амалий фаолиятида шу ғоянинг устуворлигини таъминлайдиган зиёлиларни, мутахассисларни бирлаштирди.

Ўз Низомига биноан, "Адолат" социал-демократик партиясининг мақсади демократик ҳуқуқий давлат қуриш, мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанга хизмат қилиш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий демократия талабларига ҳамда юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароитни юзага келтиришга ҳисса қўшишдир. Партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ сессияларида 47 овоз билан қонунчилик ишларида қатнашган.

1995 йил июнь ойида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси юзага келди. "Миллий тикланиш" партияси "Туркистон — умумий уйимиз" ғоясини рўёбга чиқаришга, миллий-маънавий меросни тиклашга, миллий демократик тараққиётга, Ватан равнақига, жамиятда миллатлараро тотувликни ва фуқароларнинг аҳиллигини таъминлашга, ёшларни маърифатпарвар, баркамол инсон этиб тарбиялашга хизмат қилишни ўзининг бош мақсадлари деб эълон қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вилоят ва туманларда партиянинг жами 103 бошланғич ташкилоти, фаоллар гуруҳлари ташкил этилди. Партия ўз сафига ўқитувчилар, ижодкорлар, инженерия-техника ва маданият ходимлари, шифокорлар, оммавий ахборот воситалари вакилларини бирлаштирди.

Лекин ижтимоий-сиёсий мақсадлари аниқ белгиланмагани боис у бошқа партиялар билан рақобатлаша олмади. Фаолиятини сиёсий мавқеини ошириш эмас, маърифатни тарғиб этишга йўналтирди. Шу нуқтаи назардан аждодларимизнинг тарихий-маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш билан чекланиб қолди. Парламент сайловларида иштирок этиб, депутатлик ўринларига эга бўлиб келаётган бўлса-да, у бирорта эътиборли ижтимоий-сиёсий ташаббус билан чиққан, ўзининг сиёсий куч эканини намоён қила олган эмас.

1998 йилнинг декабрида Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партиясининг таъсис конференцияси бўлди ва унда партиянинг сиёсий мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Партия фуқароларда миллий ғурурни, фидойиликни, миллат манфаатларига хизмат қилиш ҳиссини тарбиялаш зарур деб билади. Ватан равнақи, тараққиёти йўлида жамиятдаги барча фидойи кишиларни бирлаштириш, уларнинг куч-қудратидан, ташаббусларидан, идроки ва ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланишга интилади. "Фидокорлар"нинг мақсади киндик қони тўкилган тупроқни асраш, аждодлар мероси ва қадриятларини тиклаш, халқ ғами билан яшайдиган, Ватан, тараққиёт, ижтимоий адолат йўлида жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган, элим, юртим деган кишиларни ўз атрофига бирлаштиришдир. Партия юксак салоҳиятли, замонавий билимларни эгаллаган, тажрибали, ҳурфикр, изланувчан, эл-юрт фаровонлиги йўлида ўз кучи ва қобилиятини, ғайрати ва шижоатини аямайдиган, янгиликка муштоқ фуқароларни қўллаб-қувватлашни ўз вазифаси деб билади. Низомида кўрсатилганидек, у "Ватан қисматини ўз қисмати деб билган кишилар партиясидир". Дастлабки йилларда партия Олий Мажлисда 34 депутатлик ўрнига эга эди, кейин унинг фракцияси аъзолари 54 кишига етди. Ҳозир эса "Фидокорлар"нинг қонунчилик палатасида 28, Сенатда 14 аъзоси бор.

Партия аҳолининг ижтимоий фикрини ўрганиб боришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга эътибор беришга интилади. Лекин таассуф билан айтиш керакки, "Фидокорлар"нинг дастурида унинг сиёсий ҳокимиятга муносабати ва сиёсий

www.ziyouz.com kutubxonasi

стратегияси очиқ белгилаб олинмаган. Партиянинг мақсад ва вазифалари маърифат ва ватанпарварликни тарғиб этиш каби тадбирлардан иборат бўлиб қолган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2002 йилнинг декабрида ташкил топди. У мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодиётни қарор топтириш, фуқароларда ўз қадр-қимматини чуқур англаш туйғусини тарбиялаш, маънавий қадриятларни тиклаш, келажаги буюк мамлакатни барпо этиш каби ижтимоий мақсадларга хизмат қилишга интилади. Шу ниятда у мулкдорлар қатлами, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Партия мамлакатимизда тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, ўз ишини ташкил қилиш, ғоя ва лойиҳаларини амалга ошириш эвазига шахсий, оилавий фаровонликка ҳамда умуман жамият фаровонлигига интилувчи фуқароларни ўз атрофига бирлаштиради.

Кўриниб турибдики, партиянинг мақсад ва вазифаларида сиёсий ҳаракатга ундовчи, ҳокимият масалаларини қамраган ўзига хос платформа борлиги сезилмайди. Ҳатто Низом-дастуридаги "Партиянинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳасидаги вазифалари" деган бобда ҳам сиёсий мақсад, платформа аниқ эмас. Ундаги "қонун устуворлигини таъминлашга, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятининг вазифа, ваколат ва ҳуқуқларини аниқ белгилашга, ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қилади" деган мақсадларнинг бажарилиши даргумон. Умуман, Низом-дастурда умумий қарашлар баён қилинади.

Тўғри, ЎзЛиДеП турли оммавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, фестиваллар ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда. Айниқса, унинг тадбиркорлар ва ишбилармонларни бундай тадбирларни ташкил қилишга жалб этаётгани эътиборга лойиқ. Лекин партия сиёсий куч сифатида давлат ва жамиятни бошқаришни такомиллаштиришга оид янги ғоялар билан чиққани маълум эмас.

Демократия шароитида партиянинг лидерлиги халқ манфаатларини ифода этувчи ғояларни ишлаб чиқишгина эмас, балки аҳолида, фуқароларда сиёсий фаолликни, сиёсий маданиятни

www.ziyouz.com kutubxonasi

шакллантиришдан ҳам иборатдир. Партиянинг бу функцияси унинг зиммасига фуқароларни ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг субъектларига айлантириш вазифасини қўяди. Субъект-субъект муносабатларининг даражаси ижтимоий-сиёсий ҳаётда лидерлик қилаётган партия мавқеининг кўрсаткичи ҳамдир. Бу сиёсий фаоллик фуқароларнинг аниқ сиёсий нуқтаи назарида, давлат ва жамият ишларига муносабатида, партия фракциялари ва депутатларининг ҳаёт кун тартибига қўяётган муаммоларни қанчалик тез ва ўз вақтида ҳал эта олишида намоён бўлади.

Сиёсий партиялар халқ ҳокимиятчилигини:

— президент ва парламент сайловларида ўз номзодлари билан қатнашиш;

— Олий Мажлис фаолиятида ва у орқали давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

— маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий кенгашлар фаолиятида аъзолари орқали иштирок қилиш;

— ўзининг сиёсий-тарғибий ва ташкилотчилик фаолияти билан давлат институтларига кўмаклашиш;

— Президент, давлат ва жамият томонидан қабул қилинган стратегик мақсадларни, режаларни рўёбга чиқаришда қатнашиш;

— у ёки бу мақсадда сиёсий, сиёсий-тарбиявий ёки оммавий тадбирлар ўтказиш;

— партия аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва сиёсий тажрибасини оширишни йўлга қўйиш;

— ўзининг дастурлари, ғоялари, даъватлари билан аҳолини, фуқароларни сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга тайёрлаш орқали шакллантиради.

Сиёсий партияларнинг халқ ҳокимиятчилигини шакллантиришдаги муҳим роли уларнинг парламент сайловларида ҳамда ўз фракциялари, депутатлари орқали Олий Мажлис фаолиятида қатнашишида яққол намоён бўлади. Моҳиятан, ушбу фаолият мамлакатимиздаги олий органни шакллантириш, унинг қонунчилик, давлат ҳокимияти органлари ва институтларини ташкил этиш, қонунлар ижросини назорат қилиш, ички ва ташқи сиёсатга оид муҳим қарор ва дастурлар қабул қилишга қаратилган.

Мухтасар айтганда, мамлакатни бошқаришга масъул бўлган давлат органлари ва институтлари сиёсий партиялар таъсирида, уларнинг вакиллик ташкилоти бўлмиш Олий Мажлис орқали

www.ziyouz.com kutubxonasi

шакллантирилади. Шунинг учун сиёсий партияларнинг Олий Мажлисда фаолият кўрсатаётган фракциялари ниҳоятда масъулиятли ижтимоий-сиёсий вазифани бажаради.

Ҳар бир сиёсий партия муҳокамадаги барча масалалар юзасидан у ёки бу даражада ҳукуматни қўллаб-қувватлашда ва сиёсат юритиш усуллари тўғрисида таклифлар билдиришда муайян мустақилликка эга бўлиши керак. Мана шундай мустақиллик, яъни ўз нуқтаи назарига эга бўлиш партияга ўз сайловчиларининг манфаатларини тўғри ифодалаб, уларни ҳокимиятга етказиш, зарур бўлса, бу манфаатларни рўёбга чиқариш йўллари белгилаб берилган дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқиш имконини беради. Шу мустақиллик шарти билангина сиёсий партиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда лидер бўлиши таъминланиши мумкин. Шу тариқа у аҳоли, фуқаролар билан муносабатларини "субъект — субъект алоқалари" даражасига кўтаради ва муайян ҳамкорлик моделини яратади. Бундай модел шаклланмаган жойда сайловчилар ҳам, партия аъзолари ҳам партия фаолиятидан қониқмайди.

Мутахассислар томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, ҳозир мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятидан, уларнинг нуқтаи назаридан қониқмаслик, ҳатто бу партияларнинг мавжудлигини билмаслик, ташкил қилаётган тадбир ва дастурлари билан қизиқмаслик кенг тарқалган. Масалан, "Ўзбекистонда ташкил этилган сиёсий партияларнинг дастурларидан хабардормисиз" деган саволга респондентларнинг 71,8 фоизи — "йўқ", 21,2 фоизи — "яхши эмас" ва атиги 6,2 фоизи — "ҳа" деб жавоб берган. "Йўқ" деб жавоб берганларнинг деярли 80 фоизини 35 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ҳар қанча ачинарли бўлмасин, объектив хулоса чиқаришга мажбурмиз — ҳозир ёшлар олдида сиёсий партияларнинг ҳеч қандай мавқеи, обрў-эътибори йўқ ёки бу партияларнинг нима билан шуғулланиши ёш авлодни қизиқтирмайди. 35 ёшгача бўлганларнинг атиги 2,8 фоизи у ёки бу партия тадбирларидан, дастурларидан хабардор эканлигини айтган, холос. "Қайси сиёсий партияга хайрихоҳлик билан қарайсиз ёки аъзосиз" деб мурожаат қилинганда, респондентларнинг 88 фоизи — "ҳеч қайсисига аъзо эмасман", 6 фоизи — "Адолатга", 2,1 фоизи — "ХДПга аъзоман" деб жавоб берган". Таассуфки, сўровда қатнашганларнинг бирортаси ҳам ўзи хайрихоҳлик қилган партия қачон ташкил этилгани, дастуридаги асосий мақсадлар нималардан иборат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лигини айтиб беролмаган. Улар партия етакчилари орасидан бир ёки икки кишининг номинигина билади.

Албатта, бу ўринда фақат сиёсий партияларни айблаш тўғри эмас. Бироқ, тан олиш керакки, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиши ёки аксинча, фуқаролар эътиборини қозонмаслиги ўша ҳаракатнинг дастурига, муайян масалаларга муносабатига, нуқтаи назарига, танилиш учун қандай технологиялардан қандай фойдаланишига боғлиқдир. Сиёсий партия фуқароларнинг шунчаки бирлашмаси эмас, у ўзининг ижтимоий-сиёсий дастури, стратегияси ва уюшқоқлиги билан ҳокимият тизимларига таъсир ўтказа оладиган кучдир, кенг маънода фуқароларни муайян сиёсий мақсадларга етакловчи лидердир. Айниқса, Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизими қарор топган, Олий Мажлис кўп партиявий асосида шакллантирилаётган, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида сиёсий партиялар вакилларининг иштироки реал воқеликка айланган ҳозирги даврда халқ ҳокимиятчилигининг тақдири сиёсий партиялар қўлидадир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ўзбекистон Республикасида кўп партиявийлик тизими шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини эсдан чиқармаслик зарур. Ҳали ижтимоий-сиёсий тажриба камлиги боис бу борадаги ташаббуслар аксарият ҳолда давлат томонидан чиқмоқда. Бу аслида Ўзбекистон давлатининг халқчиллиги, юртимизда давлатнинг манбаи ҳақиқатан ҳам халқимиз эканлигининг яна бир исботидир. Масалан, у ёки бу сиёсий партиянинг ташкил этилишига Президент Ислом Каримов белгилаб бераётган концепциялар, ғоялар, мақсадлар туртки бўлмоқда. Унинг нутқ ва маърузаларида билдирилган фикрлар, танқидий қарашлар партияларни ўз дастурларига, вазифаларига ва фаолиятига янада талабчанлик билан ёндашишга ундамоқда.

Ҳа, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий тизимни шакллантириш, асосан, давлат ташаббускорлигида амалга оширилмоқда. Сиёсий партияларнинг пайдо бўлишида ҳам унинг таъсири сезилади. Бу тенденциянинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бор. Ижобий томони шундаки, давлат реал ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларга фаол қатнашиш имкониятини яратиб беради. Тоталитар бошқарув шароитида яшаган одам дарров мустақил сиёсий фаолият кўрсатишга мойил бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолавермайди, унинг онгида муайян ўзгаришлар рўй бериши зарур ва бу вақт талаб қилади. Бундан ташқари, ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари кўпчиликни ўз моддий аҳволини яхшилаш билан банд қилиб қўяди, натижада "сиёсат — сиёсатчилар иши", деган ақида илдиз отади. Шу боис ҳам давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётда асосий ташаббускор ролини бажариб, сиёсий ҳаракатларга халқни жалб этувчи куч сифатида майдонга чиқади.

Салбий томони шундаки, сиёсий партияларнинг "юқори"-дан чиққан ташаббус билан пайдо бўлиши нафақат оддий фуқароларда, балки партия раҳнамоларида ҳам ўша "юқори"га ҳизмат қилиш зарур деган тор фикрни уйғотади. Шу боис ҳам партиянинг бирор етакчиси ёки унинг парламентдаги фракцияси раҳбари ҳукумат тавсия этадиган дастурларга, режаларга ёки тадбирларга ўзининг принципиал муносабатини баён қилмагани баробарида уларни рад ҳам қилмайди. Давлат ташаббуси билан гоҳо "бир юмалаб" пайдо бўлиб қолган партия "юқори"нинг кўрсатмасига мувофиқ яшаш ва фаолият кўрсатишга мажбур, бу — ўз-ўзидан аён. Давлат қўллаб-қувватлашни тўхтатган заҳоти бу партиянинг яшаши амримаҳол бўлиб қолади.

Бу фикр аниқ далилларни талаб этса-да, унинг моҳиятан тўғри эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Чунки, гап мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда, сиёсий партиялар фаолиятида мавжуд зиддиятлар ҳақида боради. Лекин энг илғор давлатлар тажрибаси кўрсатадики, гоҳо шундай мамлакатларда ҳам партиялар "юқори"дан туриб ташкил этилади ва қуйидагилар унинг фаолиятига жалб қилинади. Масалан, АҚШда сиёсий партиялар (бу ўринда айрим штатларда тузиладиган консерватив ва либерал партиялар ҳам назарда тутилаяпти) ҳокимият учун курашда ғалабага эришиш учун ташкил этилади. Лекин яхши маълумки, бундай ғалабага муайян бир кучлар, муайян шахслар доираси даъвогар бўлади ва қолганларни ўзини қўллаб-қувватлашга чақиради, холос. Бунинг учун ҳатто партия аъзоларининг сони ҳам аҳамиятли эмас. Энг муҳими, сайлов пайтида фуқароларнинг партия номзодларини қўллаб-қувватлаб овоз беришидир.

Сиёсий партиялар, моҳиятан, айрим фуқароларнинг, маълум бир сиёсий мақсадларга эга бўлган аҳоли қатламининг ихтиёрий уюшмалари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқ билан ҳокимият ўртасидаги кўприккина эмас, балки халқ манфаатларини давлатнинг ижтимоий-сиёсий мақсадлари билан уйғунлаштирувчи восита, субстанционал жиҳатдан эса халқ ҳокимиятчилигининг шаклидир. Тўғри, ҳеч бир сиёсий уюшма ёки партия халқ манфаатларини айнан, тўла ифода этолмайди. Масалан, АҚШда 520 минг, Францияда эса 100 минг кишига бир депутат тўғри келади. Бир депутатнинг, ҳатто у даврнинг энг иқтидорли, даҳо шахси бўлганида ҳам, шунча одам манфаатларини, хоҳишларини тўла ифода этиши мумкин эмас. Бироқ демократик тараққиётнинг ҳозирги босқичида шундай вакиллик институти ҳаракатчан халқ ҳокимиятчилигини шакллантиришнинг энг қулай ва кенг тарқалган усули ҳисобланади.

Сиёсий партияларнинг, бир томондан, аҳоли қатламларига, фуқаролар ҳаётига яқинлиги, иккинчи томондан, ҳокимият тизимлари билан алоқалар ўрнатгани улардаги ижтимоий хусусиятлар бошқарув механизмларининг оммалашишига кўмаклашишини кўрсатади. Ҳеч бир бошқарув институти ўзига тегишли механизмларни, усулларни ихтиёрий равишда "чеккадан келган"га бериб қўймайди. Энг демократик институт ёки раҳбар ҳам иложи борича мавқеини йўқотмасликка, ўзининг "чеккадан келган ҳаваскор"дан устунлигини намоён этишга интилади, акс ҳолда, мавжуд тизимдан, институтдан сиқиб чиқарилишини яхши билади. Албатта, бошқарув механизмлари қўлида бўлган давлат институтлари, маъмурий идоралар сиёсий партияларни қучоқ очиб қарши олмайди. Демак, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши, айрим функцияларни ўз зиммасига олиши ўз-ўзидан, силлиққина содир бўлмайди. қадимдан гап борки, фақат ҳаваскоргина вақти келиб, профессионал бўлиши мумкин, эсингда тут: Нуҳ кемасини ҳаваскор қурган, "Титаник"ни эса профессионаллар ишлаб чиқарган, ҳар иккисининг тақдири яхши маълум.

Бундан ташқари, профессионал ходим, малакали мутахассис билан бошқариш фаолияти билан энди шуғулланa бошлаган жамоатчи ("ҳаваскор") ўртасида ҳамиша фарқ сақланиб туришини ҳам унутиб бўлмайди: жамоатчининг имкониятлари, вақти, малакаси ҳар доим ҳам етарли даражада бўлавермайди; у бошқарув фаолияти билан бўш вақтида шуғулланади; ресурслардан фойдаланиш учун масъулликни ҳам тўлалигича ўз зиммасига ололмайди. Профессионал нима дейди? "Мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқаларга ўз олдимга қўйганчалик талаб қўяман, модомики шундай экан, айтиб қўяй, мен ўзимга энг олий талабларни қўяман".

Демак, сиёсий партиялар ёки улардан чиққан вакилларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ихтиёрий фаолияти профессионал кадрларни алмаштиришга эмас, балки улар фаолиятини янада рационаллаштириш, самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Умуман, халқ ҳокимиятчилиги институти профессионал ходимлар фаолиятини камситиш ёки уларнинг ўрнини эгаллашни назарда тутмайди, балки ҳокимиятнинг халқ манфаатларига хизмат қилишини таъминлайди. Давлат ҳокимиятида ўз мавқеини мустаҳкамлашга, ўз ҳукмини ўтказишга, тор манфаатларини ўйлашга интилиш одатий ҳол ҳисобланади. Халқ ҳокимиятчилиги институти эса, яъни ижтимоий-сиёсий куч сифатидаги сиёсий партиялар бу салбий ҳолни бартараф этишга қаратилган бўлиб, давлат органларини халқ манфаатларига хизмат қилдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида Президент Ислом Каримов "Раҳбар қанча кам бўлса, билиб қўйинглар, шундан кейин фуқаролик жамиятини қуришимиз мумкин. Фуқаролик жамияти — бу ўз-ўзини бошқаришдир" деган эди. Бу фикр юқори малакали бошқарув зарурлигини инкор этмайди. Аксинча, Ислом Каримов ҳар доим раҳбар кадрларга катта талаб, масъулият юкланишини қайд этади. Бу ўринда у ўз-ўзини бошқариш органлари, фуқаролик институтлари ва сиёсий партияларнинг сиёсий фаоллиги муҳим роль ўйнашини таъкидлайди, холос.

"Барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, — дейди у, — жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш аввало аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Бу масалани ечишда биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар — буни тан олишимиз керак — ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўп партиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган мухолифат пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сиёсий партиялар халқ ҳокимиятчилигини ривожлантириши учун улар сиёсий ҳокимият тизимида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши зарур. Сиёсий партиялар тарихи кўрсатадики, бундай мавқега эришиш осон эмас. Бу партияларнинг ҳаракатчан, мақсадли дастурга, муваффаққиятга олиб борадиган сиёсий технологияларга эга бўлишини тақозо қилади.

Бу хусусда Т. Раҳматуллаев ўзининг "Сиёсий партия ва демократик тамойиллар" асарида қуйидагиларни ёзади: "Сиёсий партиянинг характерли хусусияти ҳукумат сафидан жой олиш, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб туриш ва таъсир ўтказиш учун сайловларда иштирок этишдир. Партия аъзолари партиянинг жамиятдаги таъсири сезиларли бўлиши учун сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Демак, ҳокимиятга интилиш партиянинг асосий белгисидир. Бизда эса ҳали аксарият бу ҳақиқатни ё тушунмайди, ёки тан олгиси келмайди, ё ундан қўрқади"[1].

Ғарб ижтимоий-сиёсий таълимотларида, партологиясида сиёсий партияларнинг ҳокимият учун кураши уларнинг асосий мақсади сифатида қаралади. Бироқ ҳар қандай сиёсий партия ҳокимият учун курашни ўзининг бош мақсади қилиб қўйиши шартми? Сиёсий партия давлат ҳокимиятини, унинг маърифий, маданий фаолиятини такомиллаштиришни мақсад қилса нима бўлади? У сиёсий партия ҳисобланмай қоладими? Нима учун?

Масалан, АҚШ сингари икки партияли тизим мавжуд мамлакатларда сиёсий партияларнинг ҳокимият учун курашиши табиий ҳолдир. Улар бир кунмас-бир кун ҳокимият тепасига келишини билади ва шунга ишонади. Аммо кўп партиявийлик тизимида энг йирик партияларгина бундай имкониятга эга бўлади, қолган партиялар жуда нари борса, бир неча мандатни, депутатлик ўрнини қўлга киритиши мумкин. Аслида озчиликни ташкил этувчи бу депутатлар парламент фаолиятига таъсир қилолмайди, сайловчиларининг талабларини бажаролмайди. Натижада улар кўпчиликни ташкил этувчи фракцияларга бўйсуниш ва ўзининг сиёсий мақсадлари, сайловчиларининг талабларини унутишга мажбурдир. Бундан кўра, улар реал ҳаётга таъсир ўтказиш имкониятидан келиб чиқиб, фуқаролар турмуш шароитини, атроф-муҳитни яхшилашга, маърифий-тарбиявий муаммоларни ҳал этишга

---

[1] *Т. Раҳматуллаев.* Сиёсий партия ва демократик тамойиллар. — Самарқанд, "Зарафшон" нашриёти, 1999. 11-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаратилган аниқ ва фойдали фаолият билан шуғулланган маъқулроқ эмасми?

Хуллас, мамлакатимизда шаклланаётган кўп партиявийлик тизими ижтимоий-сиёсий таълимотларда сиёсий партиялар ҳақида баён этилган таъриф ва тушунчаларга ўзига хос янгилик олиб кириши мумкин. Сиёсий партияларнинг ҳокимият учун курашиш ҳуқуқини инкор қилиб бўлмайди, уларнинг мақсадлари фақат ҳокимиятни эгаллашдангина иборат деб билмаслик лозим, холос. Масалан, маданий-маърифий йўналишдаги ("Миллий тикланиш" каби) партиялар давлат ҳокимиятининг ижтимоий-маданий фаолиятини такомиллаштиришни ўзининг бош мақсади қилиб белгилаши мумкин. Бунинг учун улар ҳокимиятни эгаллашга интилиши шарт эмас. Бўш вақтларида ижод, ижтимоий-маданий фаолият билан шуғулланувчи фуқаролар ҳар бир маҳалла, ҳар бир туман ёки қишлоқда истаганча топилади, чунки адабиёт, санъат, умуман, ижодиётнинг бирор соҳасига қизиқмайдиган киши йўқ. Шундай одамлар партиянинг фаоллари сифатида ўзи турадиган жойларда ижтимоий-маданий ҳаётни бошқариш ва ташкил этишда қатнашиши мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизда ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар — танловлар, учрашувлар, фестиваллар, спорт мусобақалари, кўргазмалар, байрамларда нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари, ҳомийлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўз-ўзини бошқариш органлари, хусусий корхоналар ихтиёрий қатнашмоқда. Демак, маданий-маърифий, оммавий-тарбиявий тадбирларнинг ташаббускори, ташкилотчиси, маҳаллий ижтимоий-маданий ишларнинг бошқарувчиси вазифасини шу йўналишда ташкил этилган муайян бир партия бажариши мумкин.

Сиёсий партиялар фақат сиёсий вазифаларни бажаради, ўз олдига қўйган сиёсий мақсадлари уларнинг фаолиятини белгилайди, қолган ижтимоий вазифалар уларнинг функциясига кирмайди деб ҳисоблаш кўп ҳам асосли эмас. Зеро, сиёсий партиялар халқнинг, сайловчиларнинг манфаатларига хизмат қилиши керакми — ҳа, шундай. Лекин халқ, ўша сайловчилар бу партиялардан ҳокимият учун курашни талаб қилмайди. Сиёсий мақсадларни ҳар бир партиянинг ўзи ишлаб чиқади, гоҳо у сайловчиларнинг хоҳиши, манфаатларига зид бўлиши мумкин. Шунинг учун сиёсий партиялар ҳар доим ҳам халқ манфаатларини ифода этавермайди. Бироқ улар ҳокимият

www.ziyouz.com kutubxonasi

тизимларидан жой олгач, умумхалқ манфаатларини назарда тутиши, ўзининг сиёсий мақсадларини халқ манфаатларига уйғунлаштириши, мослаши шарт. Акс ҳолда, парламент ҳокимият учун кураш майдонига айланиб, асосий мақсад унутилади.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг фаолиятини таҳлил қилган тадқиқотчилар, бу босқичда сиёсий тизимга беқарорлик, якунланмаганлик, худди шунингдек, юқори даражада ҳаракатчанлик (суръатли ўзгаришлар) хос бўлади, бундай вазиятда партиялар қўшилиб кетиши ёки сиёсий йўналишдан маданий-маърифий йўналишга ўтиши мумкин, дейдилар. Бу фикр юқоридаги ёндашувга ҳамоҳангдир.

Бугун фуқароларнинг онги, дунёқараши жуда тез ўзгариб бормоқда. Халқимиз жаҳон халқлари билан кенг кўламли алоқалар ўрнатмоқда. Бу ҳамюртларимизнинг сиёсий ҳаётига, сиёсий тафаккурига таъсир этмай қолмайди, албатта. Сиёсий партиялар 10-15 йил ичида анча катта тажриба тўплади. Улар тетапоя давридан ўтиб бўлди, деб дадил айтишимиз мумкин. Эндиги вазифалар уларнинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий мавқега эга бўлиши учун демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятини оширишга қаратилган аниқ дастурлар ишлаб чиқишдир. Партия ўз имкониятларига, салоҳиятига, реал кучига мос келадиган вазифаларни бажаргандагина фуқаролар эътиборини, жамият эътирофини қозонади. Ғайриҳаётий, ҳавойи шиору дастурлар партиянинг ўзига ҳам, халққа ҳам хизмат қилмайди.

4.4. Халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши демократик институтлардан энг муҳими бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда тутган ўрнига боғлиқдир. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқаролар ижтимоий-сиёсий, маданий фаоллигининг кўрсаткичи сифатида жамият ҳаётида кечаётган демократик жараёнларнинг кўламини ифода этади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

биридир. Бу йўналиш, аввало, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади. Бунинг учун, аваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Демак, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш муҳим вазифадир.

Илмий адабиётларда нодавлат ва жамоат ташкилотлари турлича талқин қилинади. Айрим тадқиқотчилар нодавлат ва жамоат ташкилотларини нотижорат ташкилотлари ёки "учинчи сектор" деб ҳам атайдилар. Яъни, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ишлаб чиқариш, тижорат, тадбиркорлик билан шуғулланмайдиган, аксинча, энг кам таъминланган, ҳимоясиз, давлат назаридан четда қолган ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёж ва талабларини улар хоҳлагандек қондиришга, хизмат кўрсатишнинг энг сифатли кўрсаткичларига эришишга интиладиган, аксарият ҳолларда исёнкор руҳдаги талабалар, ночор аҳволга тушиб қолган ишчилар, ёлғиз қолган қариялар, бемор, уйсиз, қаровсиз қолган болалар, ҳуқуқи топталган камчил миллатларнинг сўнгги умиди бўлиб хизмат қиладиган уюшмалардир. Улар умумбашарий қадриятлар, илғор урф-одатлар, жамиятдаги тотувлик, фуқароларо ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг ташаббускорларидир. Кўриниб турибдики, бу талқин тарафдорлари нодавлат ва жамоат ташкилотларига хайрияга оид, маърифий вазифаларни бажарувчи фуқаролик институтлари сифатида қарайдилар.

Айримлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий функциялари ранг-баранг, улар фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқариш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, деб кўрсатадилар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса нодавлат ва жамоат ташкилотлари халқаро алоқаларни ҳам бажаришини таъкидлайдилар. Бу асоссиз эмас. Дейлик, Ўзбекистонда халқаро мақомга эга 73 нодавлат ва жамоат ташкилоти фаолият кўрсатади.

Нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни таснифлаш масалалари махсус

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқотни талаб этади. Масалан, Ўзбекистон Тадбиркор аёллар уюшмаси нодавлат ташкилот ҳисобланади, лекин ўз аъзолари, субъектлари орқали тадбиркорлик билан шуғулланади. Аёлларга бизнесдан сабоқ бериш, чет тилларни ўргатиш, уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш каби ишларни ҳам маълум бир ҳақ эвазига амалга оширади. Демак, у хайрия ташкилоти эмас. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нодавлат ва жамоат ташкилотлари соф хайрия ташкилоти бўлиши керакми ёки ўзўзининг эҳтиёжларини қоплаши, муайян бир ҳақ эвазига ишлаши уларга хос хусусиятми? Агар пуллик хизмат кўрсатса (улар шундай ҳуқуққа эга), улар жамоат ташкилотлари эмас, балки тегишли ижтимоий вазифани бажарадиган, хизмат кўрсатадган муассасага айланади. Бу каби саволлар нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотларини махсус ўрганишни тақозо қилади. Шунинг учун бу борада баҳс очиб ўтирмай Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида" (1991 йил) ва "Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (1999 йил) қонунларида берилган таърифлардан келиб чиқиш билан чеклансак.

Кейинги йилларда мамлакатимизда турли соҳа ва йўналишларда нодавлат ва жамоат ташкилотлари юзага келди. 1992 йили Ўзбекистонда 48 нодавлат-нотижорат, 102 жамоат ташкилоти фаолият кўрсатган. 1999 йилда уларнинг сони мос равишда 469 ва 1820, 2005 йилга келиб эса 487 ва 2500дан ошди. 2005 йили 131 нодавлат ташкилоти иштирокида ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, ўтган ўн йил ичида улар томонидан 39506 та янги иш ўрни яратилган, бу ташкилотлар ёрдами билан 41795 нафар мутахассис малака ошириш курсларини тамомлаган, 53492 киши иш билан таъминланган. Кўриниб турибдики, нодавлат ташкилотлари ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳам бажаради.

2005 йил 18 майда қатор нодавлат ташкилотларининг ташаббуси билан Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил этилди. Ўз сафига икки юзга яқин ННТни бирлаштирган бу ассоциация мамлакатимиздаги нодавлат ва жамоат ташкилотларига илмий-услубий, амалий ёрдам кўрсатиб келяпти. Энг муҳими шундаки, ассоциация Ёш етакчилар форумини уюштириб иқтидорли, ташаббускор ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги интилишларини қўллаб-қувватламоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ давлат бундай ташкилотларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олади. Давлат уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фойдали айрим алоҳида дастурларига давлат ёрдам кўрсатиши ҳам мумкин. Қонунга биноан, давлат органлари ва улардаги мансабдор шахсларнинг нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва улардаги мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. ННТ халқаро алоқалар ўрнатиши, чет мамлакатлардаги шундай ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ҳам мумкин. Бу улар фаолиятини ранг-баранглаштиради, Ўзбекистоннинг халқаро маданий-гуманитар алоқалари кенгайишига ёрдам беради. Демак, давлатимиз бундай ташкилотларнинг ташаббуслар билан чиқиши ва кенг кўламли фаолият юритиши учун амалда зарур ҳуқуқий имкониятлар яратиб бераяпти.

Илғор чет давлатлар ҳаётида нодавлат-нотижорат ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Масалан, АҚШда 1 миллион 140 минг ННТ рўйхатга олинган. Бу дунё миқёсидаги энг катта кўрсаткичдир. Америка Қўшма Штатларида нодавлат-нотижорат ташкилотлари тузила бошлаган илк даврданоқ фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш дастурларига эътибор қаратилган. Шу тариқа уммонорти давлатида ННТ фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий муҳофаза борасидаги вазифаларни ҳукуматдан босқичма-босқич ўз зиммасига олди. Айни пайтда ҳам АҚШдаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари бу икки йўналишда мавқеи баланд бўлиб, улар етакчи ўрин тутади.

Буюк Британияда 2000—2001 йилларда 250 мингдан зиёд ННТ фаолият юритган. Ривожланиш хусусиятлари кўп масалаларда АҚШга мувофиқ келадиган Буюк Британияда ҳам нодавлат-нотижорат ташкилотлари биринчи навбатда, худди Америка Қўшма Штатларидаги каби, ижтимоий ҳимоя дастурлари ва фуқаролик ҳуқуқлари борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратди. Пировардида, ҳукумат бу борадаги амалий ҳаракат дастурларини уларга ишониб топширди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Францияда нодавлат-нотижорат ташкилотлари иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этгани кузатилди. Мамлакат Иккинчи жаҳон урушини катта йўқотишлар билан якунлади — иқтисодиёт бутунлай издан чиққан, ишсизлик, қашшоқлик даражаси ошиб кетган эди. Ана шундай мураккаб даврда нодавлат-нотижорат ташкилотлари мамлакатда қашшоқликни тугатиш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ташаббус дастурлари билан чиқди ва ҳукуматга катта амалий ёрдам кўрсатди.

Ўша йиллари 65 мингдан зиёд ННТ фаолият юритган Германияда ҳам мазкур муассасалар Франциядаги каби иқтисодий тараққиёт дастурларида фаол қатнашди. Кўпгина мутахассислар Германиянинг ҳозирги даражага етишига нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидлашади.

Дунёнинг илғор демократик давлатларидан бири сифатида эътироф этиладиган Швецияда ҳам нодавлат-нотижорат ташкилотлари иқтисодий-сиёсий жараёнлар ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки билан ажралиб туради. Бу Скандинавия мамлакатида улар инсон ҳуқуқлари, хусусан, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашга қаратилган кўплаб ижтимоий дастурларни амалга оширди. Ана шу ҳаракатлар самараси ўлароқ, Швеция айни пайтда дунёдаги оммавий ахборот воситалари эркинлиги нисбатан яхши таъминланган саноқли давлатлардан бири саналади.

Аслида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш бу ташкилотларнинг асосий мақсад-вазифаларига кирмайди. Шунга қарамай, дунё миқёсида ҳам, юртимизда ҳам "учинчи сектор"да банд аҳоли сони ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Жон Хопкинс номидаги институт таҳлилларига қараганда, АҚШда нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятида банд аҳоли сони 10 миллиондан ошади (бу иш билан банд бўлган қатламнинг 6,9 фоизи демакдир). Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятида кўнгилли равишда иш олиб борганлар сони эса 93 миллиондан ошади. Кўриниб турибдики, "учинчи сектор" фуқароларни иш билан таъмин этиш борасида ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Хўш, нодавлат ва жамоат ташкилотлари халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришда қандай аҳамиятли вазифаларни бажаради? Бугун мамлакатимиздаги бундай фуқаролик инсти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутлари имкониятларидан фойдаланиш керакли даражада йўлга қўйилганми? Бу борадаги муаммолар нималардан иборат?

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини ўрганиш уларнинг халқ ҳокимиятчилиги тўлақонли ишлашини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қуйидаги йўналишларда қарашга ундайди:

— бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этиш ва эркин фаолият олиб боришни қўллаб-қувватлаш;

— ҳукумат идораларини, уларнинг қонунларга амал қилишини, фуқароларнинг ҳуқуқларини жойига қўйишини назорат қилиш;

— аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

— миллий-маданий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш;

— иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бу борада давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

— мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, уларга ижодий кучларни сафарбар этиш;

— маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари билан бирга оммавий-маданий тадбирлар уюштириш;

— баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган миллий дастурларни амалга оширишда қатнашиш ва ҳоказо.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга бефарқ бўла олмайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти барча институтлар каби уларнинг ҳам эркин фаолият юритиш жараёнларида фаол қатнашишини талаб этади. Яъни, **бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этиш ва эркин фаолиятни қўллаб-қувватлаш** улар қиладиган ишнинг асоси ҳисобланади. Чунки, айнан эркин фаолият юритишга асосланган бозор иқтисодиёти нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ҳақиқий фуқаролар институтлари сифатида ислоҳотларда қатнашишига имкон беради.

Фуқаролик жамиятининг характерли хусусияти шундаки, унда иқтисодиёт товарлар ва хизматларни айирбошлаш ҳамда фаолият алмашуви жараёни бўлиб, алоҳида-алоҳида индивидлар ижтимоий жамоаларга бирлашадилар. Бунда, биринчи навбатда, индивидлар муносабатлар субъекти ҳисобланади. Иккинчидан, индивидлар бирлашган ижтимоий гуруҳларнинг роли яққол сезилиб туради. Ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида манфаат эгалари турли ўрин ва мавқега, турли мулк шакллари ва маданиятга эга бўлсалар-да, барибир муштарак

www.ziyouz.com kutubxonasi

манфаатларни ифода этадилар. Бу фуқаролик жамиятининг ижтимоий таркибини ташкил этади.

Бу ижтимоий таркиб, фуқаролик жамияти қонуниятларига кўра, муносабатлар субъектини эркин фаолият кўрсатишга, ўз-ўзини бошқариш механизмларидан фойдаланишга ундайди. Бундай механизмларсиз ижтимоий таркибда маъмурий бошқарув, бюрократия, коррупция каби салбий ҳоллар юзага келади. Шунинг учун индивидларнинг ҳар хил бирлашмалари, касаба-уюшмалари, тадбиркорлар иттифоқлари, истеъмолчилар жамиятлари, хуллас, нодавлат ва жамоат ташкилотлари (шартнома асосида) ўзаро алоқа ўрнатадилар ва шу тариқа муайян даражада фуқаролик жамиятининг уйғун ривожланишини таъминлаб турадилар. Албатта, бу алоқалар сиёсий куч бўлмиш давлат доирасидан ташқарида рўй беради. Давлат бу ерда замин вазифасини ўтайди, холос.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг характерли жиҳати ўз-ўзини бошқаришдир. Демак, ўз-ўзини бошқариш механизмлари, фуқаролик жамиятининг шаклланиш шарти сифатида, аввало, давлат ва жамият ишларини бошқаришда тўла намоён бўлиши шарт.

Президент Ислом Каримов мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш муаммоларига тўхталганда, бошқарув тизимига бориб тақаладиган эскича қараш илдизлари иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турганини таъкидлайди. Хусусан, "Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли" асарида бундай дейди: "... биз кўп ҳолларда эски маъмурий — буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимининг ҳамон давом этиб келаётган, ўта яшовчан қолипларидан воз кеча олмаяпмиз. ... Масалан, корхоналар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этиладиган уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ёки бўшатади. Ваҳоланки, қонунга кўра, уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар назорати остида бўлмоғи лозим. Бу соҳадаги яна бир муаммо — турли бошқарув тузилмалари ва бўғинларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ"[1].

Бозор иқтисодиёти қонуниятларига зид бўлган бундай ҳолларни бартараф этиш учун Президент Ислом Каримов давлат

---

[1] *И.А. Каримов.* Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 1-том. Т.: "Ўзбекистон", 2003. 304—305-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга кетадиган харажатларни камайтириш, давлат вазифалари ва ваколатлари тобора кўпроқ жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтиши кераклигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда давлат органларида бошқарувга кетадиган сарф-харажат ва лавозимлар қисқартирилди. Бу ислоҳот нодавлат ва жамоат ташкилотларининг кўпайишига, уларнинг янада фаол ишлашига олиб келади, албатта.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари **ҳукумат идораларининг қонунларга амал қилишини, фуқароларнинг ҳуқуқларини жойига қўйишини назорат қилиш функциясини** ҳам бажаради.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда маъмурий буйруқбозлик, коррупция, порахўрлик, протекционизм каби иллатларнинг юзага келмаслиги ва илдиз отмаслиги учун фуқаролар институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги зарур. Бу иллатларни Президент Ислом Каримов кўп тилга олади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифаларнинг суиистеъмол қилинишига, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорлар қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади.

Илмий адабиётларда жамият ва фуқаролар институтларининг давлат ҳокимияти устидан назорат ўрнатиши фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг шарти сифатида қайд этилса-да, бу мавзу махсус тадқиқ қилинмайди. Ушбу фаолият қандай амалга оширилади, унинг турли институтларга хос белгилари нималардан иборат, қандай механизмлар, усуллар назоратни самарали қилади, деган саволларга жавоб деярли йўқ.

Аслида бундай назорат кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданияти ва фаоллиги қай даражада эканлигига боғлиқ. Бу борадаги қолоқлик айрим мансабдор

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахсларда ҳокимият берган ваколатларни суиистеъмол қилиш, улардан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш истагини авж олдиради. Одамзодга хос энг кучли ҳаяжонлар уйғотувчи туйғулар ҳокимиятдан завқланиш, ҳокимиятга чанқоқлик, ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, ҳокимиятни эгаллашга интилиш ва уни нима қилиб бўлса ҳам сақлаб қолиш, янада кучайтириш ҳиссиётларидир. Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданияти ва фаоллиги етарли даражада бўлмаса, мансабдор шахсда ана шу ҳиссиётлар тобора устун келаверади.

Демак, фуқароларнинг бу фазилатлари бошқарувдаги салбий ҳолатлар юзага келишига, уларнинг авж олиб, вайронкор омилга айланишига имкон бермайди. Бинобарин, фуқаролар институтларининг бошқарувда иштирок этиши, давлат институтлари фаолиятини назорат қилиши жамиятнинг демократик тамойилларга мувофиқ ривожланишини таъминлайди.

"Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни, — деди Президент Ислом Каримов "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида" асарида, — кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётгани ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар"[1].

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий-маданий ҳаётда иштирок этиб, маҳаллий ҳокимиятнинг бу йўналишдаги тадбирларига, қабул қиладиган қарорларига, амалий ҳаётига бой маъно-мазмун, муайян бир мақсадга, фуқароларнинг аниқ маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлик бахш этадилар. Шу тариқа улар **ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражасини, сифатини ошириш** функциясини бажарадилар.

1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил

---

[1] *И.А. Каримов.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида 6-том. Т.: "Ўзбекистон", 1998. 151—152-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

этилди. Фармонда қайд этилганидек, жамғарма “маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашади". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрда қабул қилинган “Республика “Маҳалла" хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида маҳаллаларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида тутган ўрни ошиб бораётганидан келиб чиқиб, маҳаллаларда ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи маданий-маърифий хизмат кўрсатиш муассасалари, спорт майдончалари, маиший хизмат уйлари, чойхоналар, ижарахона ва тўйхоналар барпо этишда жойлардаги корхоналар, муассасалар қатнашиши кўрсатилди. Айни пайтда тегишли вазирлик ҳамда идораларга маҳалла гузарлари, чойхоналари учун хўжалик, уй-рўзғор анжомларини имтиёзли нархларда бериш, жамғарма тасарруфидаги кичик корхоналарни зарур дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлари, хом ашё маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш вазифаси топширилди. Жамғармага Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда “Оила — мактаб — маҳалла" дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш, маданий-маърифий ишларни жонлантириш, аҳоли саломатлигини, экологик муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш каби вазифалар юклатилди.

Энг муҳими шундаки, “Маҳалла" аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш секторини бевосита тураржойларга яқинлаштириш, сервисни ранг-баранглаштириш, фуқароларнинг маданий эҳтиёжлари, талаблари даражасида ташкил этишга интилмоқда. Жамғарма нодавлат ташкилот сифатида маҳаллаларда маданий тадбирлар ўтказиш, маиший хизмат кўрсатиш, тураржойларни ободонлаштириш, коммунал хизматни яхшилаш, аҳолини сув, газ билан таъминлаш ишларида маҳаллий ҳокимият органларига яқиндан ёрдам бермоқда. Кейинги йилларда маҳаллаларда тандирхона, ошхона, кимёвий тозалаш, пойафзал тузатиш, савдо-сотиқ шохобчалари яратилди ва бу чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини оширишга қаратилгандир.

Шу билан бирга, маҳалла нафақат халқимизнинг жамоа бўлиб яшаш, айни пайтда фуқаролик институти сифатида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок қилиш макони ҳамдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фуқаролик жамияти қуришда у ўзига хос тарзда одамларни бирлаштириш, маҳаллий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, ўз-ўзини бошқариш орқали уларда ижтимоий-сиёсий кўникмаларни шакллантириш маскани сифатида намоён бўлади.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари **миллий маданий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш**да муҳим аҳамиятга эга. Улар фуқаролар институтлари сифатида халқимиз тўплаган тарихий-маданий тажрибани авлодларга етказишдек муҳим вазифани бажаради. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти ўта эгоистик жамият бўлиб, у ўзида, аввало, шахсий эҳтиёжлари, манфаатлари билан уюшган худбин индивидларни бирлаштиради. Уларнинг ҳар бири ўз мақсадлари рўёб чиқишидан манфаатдорлиги боис жамоавий муносабатлар турли тасодифларга бой бўлади. Бу ҳол фуқаролар ва жамият ўртасида уйғунлик бўлишини тақозо этади, акс ҳолда, халқимизнинг жамоа бўлиб, аҳил, иноқ, уюшқоқ яшашдек тарихий-маданий мероси билан худбинлик, индивидуализм, ўз манфаатларини кўзлаш ўртасида зиддият юзага келиши табиийдир.

Шунинг учун миллий маданий меросни ўрганиш, тажриба ва анъаналарни давом эттириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи ижтимоий ҳаракатларни, ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эҳтиёж ортиб боради. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан 1992 йил 23 майда "Наврўз" хайрия жамғармаси, 1992 йил 12 сентябрда "Маҳалла" хайрия жамғармаси, 1994 йил 23 апрелда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, 1996 йил 17 апрелда ёшларнинг "Камолот" жамғармаси, 1998 йил 16 ноябрда Имом ал-Бухорий номидаги халқаро жамғарма, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари билан 1993 йил 3 июнда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, 1996 йил 14 мартда Халқаро Амир Темур номидаги жамғарма, 1996 йил 8 ноябрда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, 1996 йил 13 ноябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1996 йил 21 ноябрда "Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси" халқаро жамоатчилик ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси, 1996 йил 31 декабрда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, 1997 йил 14 апрелда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, 1997 йил 9 июлда

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази каби нодавлат ва жамоат ташкилотлари ташкил этилди.

Масалан, Имом ал-Бухорий номидаги халқаро жамғарма:

— машҳур муҳаддис алломанинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид тарихий манбаларни ўрганиш, уларни кенг тарғиб қилиш;

— халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, уларда миллий ғурур, аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига садоқатни мустаҳкамлашда Имом ал-Бухорий ва бошқа улуғ мутафаккирларимиз маънавий меросидан самарали фойдаланиш;

— аллома ижодига мансуб барча асарлар ва манбаларни излаш, жамлаш ва чоп этиш;

— миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш;

— миллий одоб-ахлоқ анъаналарига, урф-одатларга, умуминсоний қадриятларга асосланган, ёшлар руҳиятига мос таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда аллома асарларидан унумли фойдаланиб, кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш, бадиий, илмий-оммабоп фильмлар яратиш, адабиётлар, кўргазмали воситалар ва бошқаларни нашр этиш;

— Имом ал-Бухорий мероси, ўзбек халқининг маданий-маънавий қадриятлари ҳамда ислом фалсафасига бағишланган халқаро илмий анжуманлар уюштириш, экспедициялар ташкил этиш;

— Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги илмий изоҳли таржимасини нашр этиш ва тарқатиш;

— “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ва умумэътироф этилган яна бешта ишончли ҳадис тўпламининг ўзбек ва бошқа тиллардаги изоҳли оммабоп таржимасини нашр этиш ва тарқатиш;

— ўзбек халқининг қўлёзма мероси миллий маркази ва унинг электрон кутубхонасини яратиш;

— халқаро аҳамиятга молик диний-тарихий ёзма меросниинг факсимиле, репринт ва илмий нашрларини чиқариш ва тарқатишга йўналтирилган.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари **иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бу борада давлатнинг малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш**да қатнашиб келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ижтимоий фалсафада инсон беқиёс ақлий ва ижодий имкониятларга эга, фақат унинг имкониятларини ҳаракатга келтириш лозим деган фикр аксиомага айланган. Канадалик тадқиқотчи Г. Сельеннинг таъкидлашича, инсон миясида атом ядросидаги қувватга тенг ақлий куч яширинган. Мия фаолиятини кузатган мутахассислар эса, инсон ўз ақлий салоҳияти ва имкониятларининг атиги уч фоизидан, даҳолар нари борса ўн фоизидангина фойдаланишини аниқлаган. В.Пекелис ёзганидек, "ҳамма ҳам Эйнштейн, Шостакович, Станиславский бўлавермайди, аммо ҳар бир киши, касби ва эгалланган вазифасидан қатъи назар, ўз ишининг генерали бўлиши мумкин. Чунки, ҳар бир киши туғилганининг ўзидаёқ жиндек даҳо бўлади. Бу ҳам кам, аслида ҳамма — даҳо"[1]. Илмий-ижодий фаолият ана шу даҳоликни юзага, майдонга чиқариш имкониятини очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони бутун таълим-тарбия жараёнларига жиддий таъсир кўрсатди. Энди ҳақиқий талантли ёшлар ўзаро беллашиб, билимда, тафаккурда, ижодда куч синашиб, Президент грантини қўлга киритиши ва чет элда давлат ҳисобига таҳсил олиши мумкин. Фармонга кўра, танловда энг қобилиятли йигит-қизлар саралаб олиниб, моддий-маънавий қўллаб-қувватланиши, уларга чет элда етук мутахассис бўлиб келиши учун барча шароит яратиб берилиши, қайтиб келгач ишга тақсимланиши билан боғлиқ масалаларда ёрдам кўрсатилиши лозим.

Бу жамғарма грантлари асосида ҳар йили иқтидорли ёшларимиз АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Японияга ўқишга юборилмоқда. Шу кунларда 550 нафар йигит-қизимиз дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида таҳсил олмоқдалар. Америка Қўшма Штатларида — 269, Буюк Британияда — 98, Францияда — 15, Японияда — 20, Италияда 5 нафар ўзбекистонлик талаба бакалавр ва магистр даражаларини олиш учун ўқимоқда. Бугун хорижда таҳсил олган "умидчилар" сони 550 дан ошиб кетди. Улар иқтисодчи, менежер, маркетолог, ҳуқуқшунос, математик, физик, кимёгар,

[1] *Пекелис В.* Твои возможности, человека! М.: "Знание"6 1984 г., 112-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эколог, журналист, қишлоқ хўжалиги ҳамда компьютер тизими мутахассиси сингари муҳим соҳалар бўйича бакалаврлик ва магистрлик дипломи билан қайтишган. Умуман, жамғарма йўлланмаси билан ўтган йиллар мобайнида 785 нафар йигит-қиз ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларига юборилди.

Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишига халқаро ташкилотлар, турли миллий ва маърифий уюшмалар ҳам ҳисса қўшмоқда. Масалан, АКСЕЛС йўналиши билан ҳар йили элликдан зиёд иқтидорли йигит-қиз АҚШга ўқишга юборилмоқда. АҚШ, Туркия, Миср, Хитой, Италия, Германия, Корея, Япония каби мамлакатларда доимийлик асосида қарийб 700 нафар талабамиз таълим олган. Уларнинг деярли 60 фоизи иқтисодий соҳалар бўйича ўқиган.

Ёшларимиз қисқа муддатли (3 ойдан 1 йилгача) курсларда малака ошириш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Ўтган йилларда Европа Иттифоқининг TASIC дастури доирасида "Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази", "Амалий алоқалар маркази", "Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш" агентлиги ташкил этилди. Ушбу дастур доирасида 1994 йилдан буён банк мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш минтақавий банк-ўқув маркази фаолият кўрсатади. Шунингдек, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ўзининг махсус ўқув курсларида иқтисодиёт ва молия, солиқ сиёсати, сармоялар ва менежмент бўйича мутахассисларни ўқитмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва ЮНИДО (БМТнинг Халқаро тараққиёт агентлиги) билан ҳамкорликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон шаҳарларида бизнес-инкубаторлар ташкил қилинган.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари мамлакатимизда **амалга оширилаётган туб ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга, уларга ижодий кучларни сафарбар этиш**га интилмоқда. Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази миллий ҳуқуқ тизимини яратиш, ижтимоий-юридик соҳани ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошираяпти. Унинг "Ўзбекистонда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнали мамлакатимизда ҳуқуқнинг илмий-назарий, амалий муаммоларини ёритиб бераётган эътиборли нашри ҳисобланади. Миллий марказ директори юридик фанлар доктори,

www.ziyouz.com kutubxonasi

профессор А.Саидов нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ ва ундан олис доираларда ҳам яхши танилган ҳуқуқшуносдир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари ёш авлодни тарбиялашга, аҳолининг бўш вақтини мароқли ва унумли ўтказишини ташкил этишга, ҳамюртларимизнинг ижтимоий, сиёсий ва маърифий билимларини, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган оммавий тадбирларни ўтказишда **маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари билан ҳамкорлик қилади**. Бу ўринда "Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси" халқаро жамоатчилик ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини мисол келтириш мумкин. Ассамблея Марказий Осиё халқлари маданиятини чуқур ўрганиш, улар ўртасидаги тарихий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва бу борада тарғибот ишлари олиб боришни ўз вазифаси деб билади. Ассамблея Марказий Осиё халқларининг фестиваллари, учрашувларини ўтказиб, объектив сабаблар боис узилиб қолган дўстлик алоқаларини тиклаш ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Юқоридаги мисоллар кўрсатадики, бугун нодавлат ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришдек ўта масъулиятли ва мураккаб вазифани амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг ранг-баранг фаолияти фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий фаоллиги ўсиб бораётганидан дарак беради. Шу билан бирга, бу институтларининг янада ривожланиши, кўпайиши, ранг-баранглашиши ва ҳокимият тизимларининг тўлалигича халқ манфаатларига хизмат қилишига эришиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий механизмлар яратилиши лозим. Нодавлат ва жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти билан алоқалари ҳали ҳуқуқий жиҳатдан тўла белгилаб берилмаган, мавжуд меъёрлар эса кун сайин ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига етарли жавоб бермайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

V БОБ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ МАФКУРАВИЙ, ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ

5.1. Миллий истиқлол мафкураси ва миллий демократик тараққиёт

Ҳеч бир миллат, ҳеч бир халқ ўзининг ижтимоий-тарихий мақсад ва вазифаларини мафкурасиз амалга ошира олмайди. Мафкура миллат ва халқни нафақат ижтимоий-тарихий бирлик сифатида бирлаштириб туради, шу билан бирга, унга (миллатга, халққа) қандай келажак қуриш мумкинлигини ҳам белгилаб беради. Ғоя, мафкура ижтимоий башорат функциясини бажаргани туфайли миллатнинг, халқнинг энг маърифатпарвар, тажрибали, билимли қатлами уни кишилар онгига, қалбига сингдиришга интилади.

Президент Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек "Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсаларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Тўғри йўлдан бораётган оқсоқ йўлнинг ном-нишони бўлмаган жойдан бораётган соғломдан ўзиб кетиши муқаррар.

Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир"[1].

Жамият бир ижтимоий-тарихий босқичдан иккинчисига ўтаётганида кўпчиликда руҳий тушкунлик, ҳаётдан безиш, уни

---

[1] *И.А. Каримов.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т.: "Ўзбекистон". 2000. 221-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бемаъни деб топиш, идеалларга, келажакка, адолатнинг муқаррарлигига ишончсизлик пайдо бўлади. Бу иллатларни бартараф этмай туриб янги жамият қуриш амри маҳолдир. Шунинг учун ҳам халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулиятни ҳис қилиб яшашига, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, фазилатли, комил инсонларни тарбиялаш, уларни бунёдкорлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсадидир. Ушбу таърифлардан маълум бўладики, мафкура ижтимоий онг даражасини, миллат ва халқнинг тарихий тажрибасини, келажак ҳақидаги тасаввурларини, режаларини, нима учун яшаётганини ифода этувчи назарий қарашлар мажмуидир. Ижтимоий ғояларнинг йиғиндиси ва уларнинг муайян мантиқий тизими (муштараклиги) мафкурани ташкил этади.

Миллий мафкура ва миллий демократик тараққиёт субстанционал уйғун воқеликлардир. Миллий мафкура муайян ғоялар йиғиндиси бўлса, миллий демократик тараққиёт бу ғояларни ижтимоий ҳаётга, давлат ва жамиятни бошқаришга, социумнинг барқарор ривожланишига татбиқ этиш усулидир. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда демократия деганда, асосан конституциянинг амал қилиши, умуминсоний қадриятларнинг амалда қўллаб-қувватланиши, халқ ҳокимиятчилиги, парламентаризм, ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий ва ғоявий плюрализм, давлатнинг ҳуқуққа, дунёвий қарашларга таяниши, фуқаролар институтларининг мавжудлиги, сўз, эътиқод эркинлиги назарда тутиади. Миллий давлатда бу институт ва қадриятлар миллий ва умуминсоний белгиларда намоён бўлади. Шу билан бирга, умуминсонийлик мезонлари ва демократия миллий тараққиётнинг ўзига хослигини инкор этмайди. Аксинча, ҳозир ижтимоий-тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан миллийлик инсониятнинг, цивилизациянинг мавжудлик шарти сифатида қаралмоқда.

Миллий мафкура ва миллий демократик тараққиётни уйғунлаштирган, уларни яхлит ижтимоий воқелик сифатида қарашга ундайдиган омиллар қуйидагилардан иборатдир:

1. Инсон мафкуравий изланишлар ва демократик ислоҳотлар марказидаги объект ҳамда субъектдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Инсон — жамият — давлат тизимида индивидлар ва умумхалқ манфаатларини, ҳаракатларини, интилишларини уйғунлаштириш.

3. Мустақилликни мустаҳкамлаш — мафкуравий-тафаккурий изланишлар ва миллий демократик ислоҳотларнинг мақсади.

4. Бозор иқтисодиётига асосланган кўп укладли мулкий муносабатларни шакллантириш, иқтисодий демократия қадриятларини қарор топтириш.

5. Миллатлараро муносабатларда ўзаро тотувлик, ҳамкорлик, дўстлик, интеграция, бағрикенглик тамойилларига асосланган байналмилал муҳитни шакллантириш.

6. Жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, инсонпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик анъаналарини мустаҳкамлаш.

7. Миллий ҳуқуқий мафкура орқали жамиятда қонун устуворлигига асосланган ижтимоий адолат ғояларини қарор топтириш.

8. Мамлакатда тенг ҳуқуқлилик негизида иқтисодиётда, маданиятда, ижодда рақобат, мусобақа, беллашув — ижтимоий плюрализм муҳитини яратиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг марказида инсон, унинг манфаатларини тўла қондириш мақсади, ундаги давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишга йўналган интилишларни рўёбга чиқариш туради. Мафкуравий изланишларнинг ўзи ҳам инсон ва унинг ҳаётий мақсад ва интилишлари доирасидан ташқарида шаклланиши мумкин эмас. Яъни, замонавий жамиятда одам ғоявий мақомнинг, ўз маънавий ҳаётининг яратувчиси бўлиши лозим. Шунинг учун инсон қадриятларини сақлаш, унинг ролини идрок этиш, инсонни ривожлантириш мақсадини демократик ислоҳотлар марказига қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тамойилларга қараб ижтимоий-сиёсий тузумнинг қандай қадриятларни ўзига дастур, йўналиш, идеал қилиб олганини билса бўлди.

Инсон онгли ва энг олий мавжудот ҳисобланса-да, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, умр моҳиятини, мавжудлик учун масъуллигини ҳар доим тўғри идрок этавермайди. Инсон икки томонлама, зиддиятли, ҳатто олий даражада қутбий мавжудотдир. У илоҳий ва ҳайвоний, юқори ва паст, эркин ва қул, юксалиш ва тубанлашишга ҳам, пок муҳаббат ва фидойиликка

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам, буюк ёвузлик ва чексиз **атонизмга**[1] ҳам мойилдир. Миллий мафкура инсондаги салбий хусусиятларни камайтириб, уни туб ислоҳотларнинг субъекти ва объектига айлантиришни назарда тутади. Бунинг учун эса у демократик ўзгаришлар жараёнига жалб этилиши зарур.

Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик мақсад фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришдир. Ҳозир бу мақсадга етиш учун барча сиёсий-ҳуқуқий механизмлар яратилмоқда. Ҳар бир фуқаро бу механизмлардан, демократия имкониятларидан кенг фойдаланиши, нафақат ўзини бахтиёр этиши, шу билан бирга, ён-атрофини, маҳалласини, юртини янада гўзал ва фаровон қилиши мумкин. Эркин меҳнат қилиб, бахтли ҳаёт кечириш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида, ҳар ким ўз саъй-ҳаракатлари билан комилликка эришиши мумкин.

Инсоннинг истаклари билан умумнинг истаклари, унинг имкониятлари билан жамиятнинг имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар айни шу ўринда намоён бўлади. Тўғри, бу зиддиятлардан мутлақ холос бўлиш ёки уларни буткул бартараф этишнинг имкони йўқ. Майл, эҳтиёж ва манфаатлар киши қалбида ҳукмрон, инсон ҳамиша ўз манфаатларини қондиришга мойил экан зиддиятлар учун асос сақланиб қолаверади. Миллий мафкура инсонни ўз манфатларидан айри қарамайди, аксинча, тараққиёт асосига инсон манфаатларини қўяди ва жамики ютуқлар ана шу манфаатларга хизмат қилишини назарда тутади. Шу тариқа шахсни, фуқароларни миллий демократик ислоҳотларнинг фаол иштирокчиларига, бу ислоҳотлардан манфаатдор объектларга айлантиради.

Шубҳасиз, ҳар бир онгли инсон бахтли, эл-юрти билан ҳамнафас, иложи борича оиласи, Ватани ташвишлари билан яшашга интилади, давлат ва жамият бу истакларни қўллаб-қувватлашини истайди. Интилишлари тўғри англанмаса, қўллаб-қувватланмаса, изтироб чекади, ижтимоий адолат меъёрларини бузиб, қинғир ва ноқонуний йўллар билан ўз мақсадига эришишни мўлжаллайди. Бу ўринда айб жамият ёки тузумдагина эмас, балки уларнинг инсон интилишларини тўғри англашга тайёр эмаслигида ёки шахс истакларининг

[1] Фиръавн Эхнатон ўзини худо даражасига кўтарган. Бошқа худоларни инкор этишга буюрган. Атонизм ўзига бино қўйишнинг энг олий шаклидир. Асли исми — Аменхотеп IV, ўз даврида катта диний ислоҳотлар ўтказган. Ўзини Атоп (Қуёш худоси)нинг ердаги вакили деб атаган. Кейинчалик ўзи худоликка даъво қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жамият, муҳит имкониятларидан ўзиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Аслида субъектив истакларнинг объектив имкониятлардан ўзиши табиий ва ижобий ҳолдир. Айни мана шу ҳол жамиятни тинмай изланишга, янги-янги неъматлар, бойликлар яратишга ундайди. Зотан, тараққиёт субъектив эҳтиёжларнинг объективлашишидир. Объективлашмаган субъектив эҳтиёжлар ғайриҳаётий, ғайриинсоний муҳитни юзага келтиради ва шахсни трансцендентал ўйларга бошлайди. Эркин трансцендент билан чекланиш эса шахсни мавҳумга қул қилиб қўяди. Лекин миллий мафкура инсон манфаатларига хизмат қилишни мақсад қилар экан, шахсдаги барча субъектив эҳтиёжларни қондиришни ўз зиммасига олмайди. Бундай мафкура бўлиши даргумон. Миллий мафкура шахсдаги инсоний ва ижтимоий уйғунлашган, мавжуд тарихий-маданий тажрибадан келиб чиқадиган, уни давом эттирадиган эҳтиёжларни қўллаб-қувватлайди. **Шахснинг миллий демократик ислоҳотларнинг объекти ва субъекти бўлиши** ҳам шу доирада кечади.

Шу ўринда **биз инсон – жамият – давлат тизимидаги индивидлар ва умумхалқ манфаатлари** ўртасидаги муносабатларга келиб тақаламиз. Ушбу тизим билан боғлиқ айрим фикрлар олдинги бобларда баён этилган эди. Энди миллий мафкуранинг бу тизим билан боғлиқ жиҳатларига тўхталсак.

Жамиятда амалга ошириладиган ҳар қандай ижтимоий ислоҳот, ҳар қандай ўзгариш инсон – жамият – давлат тизимига тааллуқли бўлади. Баъзан ўзгаришлар бу тизим субъектлари ҳаётига тенг тааллуқли бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, эски тузум даврида (1960—80 йиллар) КПСС амалга оширмоқчи бўлган ислоҳотлар асосан инсонга, жамиятга қаратилди, лекин давлатнинг тоталитар моҳияти, мустабидлиги сақланиб қолди. Оқибатда кўзда тутилган ўзгаришларга эришилмади, аксинча, маъмурий буйруқбозлик янада авж олди.

Мустақилликнинг аҳамияти шундаки, эндиликда ислоҳотлар инсонга ҳам, жамиятга ҳам, давлатга ҳам баб-баробар тааллуқли эканлиги эътироф этилмоқда. Миллий мафкура ушбу тизим субъектларига диалектик боғлиқликда, уйғунликда қарашни тақозо этади.

Ҳеч бир мафкура давлат мафкураси бўлиши мумкин эмас, бу қоида Бош қонунимизда қайд этилган. Бироқ бу ўринда миллий мафкурани давлат мафкураси сифатида талқин қилиш назарда тутилгани йўқ. Гап шундаки, миллий мафкура ўзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

хос институт бўлиб, ҳеч қандай ислоҳот, бирор демократик ўзгариш унингсиз амалга оширилиши мумкин эмас, яъни у давлат фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир. Миллий мафкура давлатга демократик ўзгаришлар жараёнининг бош субъекти сифатида қараб, айнан унинг фаол ташаббуси фуқаролик жамияти қурилишини таъминлайди деган назариядан, концепциядан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам махсус адабиётларда мафкура ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларининг ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизими сифатида таърифланади.

Ҳар бир субъект ўзининг эҳтиёж ва манфаатларига эга бўлиши шарт, акс ҳолда, унинг мустақил субстанция эканлиги ҳақида гапиришга ўрин қолмайди. Айтадиларки, ходимни "ғоялар генератори"га айлантириш учун унга энг олий масъулиятни юкланг. Субъект эса мустақил субъект бўлган ҳолдагина олий масъулиятни, яъни, олий мақсадларини ҳис қила бошлайди, орзу-ҳавасларини ўйлайди ва ташаббускорликка интилади.

Демак, инсон, давлат ва жамият ҳам ўзининг мустақил хусусиятларидан келиб чиқадиган эҳтиёж ва манфаатларига эга. Миллий мафкура бу субъектларнинг мустақил субстанция эканлигини, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари борлигини инкор этмайди, у бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиқиб, ҳар бир субъектнинг мустақил фаолият олиб бориш ҳуқуқини тан олади ва ҳимоя қилади. Шу билан бирга, у умуммиллий, умумхалқ манфаатлари шахс ва давлат манфаатларидан устун келишини ҳам эътироф этади. Умуммиллий, умумхалқ манфаатларисиз, барча шахслар ва институтларни яхлит ижтимоий бирлик қилиб уюштириб турган омилларсиз жамият мавжуд бўла олмайди. Ижтимоий бирлик аслида манфаатлардаги муштараклик негизида юзага келади. Миллий мафкура ҳам шу муштаракликдан келиб чиқади.

Инсон, жамият ва давлат манфаатларидаги муштараклик қуйидагиларда намоён бўлади:

— фаровон ҳаёт барпо этиш;
— тинчлик, барқарорлик, тараққиётни таъминлаш;
— тенг ҳуқуқли ва эркин яшаш;
— ижтимоий адолатни қарор топтириш;

www.ziyouz.com kutubxonasi

— инсонийлик ғоялари билан йўғрилган муносабатларни ҳаёт тарзига айлантириш;

— миллий тараққиёт манфаатлари нуқтаи назаридан давлатлараро ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш;

— илм-фан, маданият, марифатни устувор қадриятларга айлантириш;

— ҳокимият институтларини демократлаштиришни давом эттириш ва улар фаолиятини ижтимоий назорат қилиш механизмларини мудом такомиллаштириб бориш;

— иқтидорли, қобилиятли, покдомон кишиларни, уларнинг ижодий ютуқларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг муваффақиятлари халқаро миқёсда намоён бўлишига ёрдамлашиш;

— инсон шаънини ерга урадиган, шахсни камситадиган зўравонликларга барҳам бериш, эски урф-одатларни, бидъатларни бартараф қилиш;

— ҳар қандай ижтимоий меҳнатни, меҳнат кишисини улуғлаш;

— инсон камолотини ижтимоий тараққиёт мақсади ва мезони деб билиш ва ҳоказо.

Тўғри, шу омиллар кўпроқ гносеологик аҳамиятга эга, аммо уларнинг ҳар бири миллий мафкура нуқтаи назаридан инсон — жамият — давлат тизимининг яхлитлигини сақлаб туришга хизмат қилади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш миллий мафкура ва демократик тараққиётнинг бош мақсадидир.

Мустақиллик миллий мафкуранинг шаклланишига қандай имкон яратган бўлса, миллий мафкура ҳам мустақилликни мустаҳкамлашга шундай хизмат қилиши лозим. Ўзбекистонда тинчликпарвар ички ва ташқи сиёсат олиб борилаётган, мамлакатимиз ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган бўлса ҳам, унга қарши мафкура соҳасидаги таҳдидлар камайгани йўқ. Бу ўринда ёт мафкура орқали мустақил халқимизни ўз измига солиш, унинг бойликларидан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, зарур бўлса, юртимиз аҳлини ижтимоий-сиёсий қарам қилиб қўйишга интилишлар назарда тутилмоқда. Айниқса, демократияни ниқоб қилиш осон бўлган ўтиш даврида мафкуравий бўшлиқ, вакуум шароити турли бузғунчи ғояларнинг одамлар, хусусан, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшлар онгидан жой олишини бирмунча осонлаштиради. Юзлаб инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлган Андижон воқеалари Президент Ислом Каримовнинг муста-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилликни ҳимоялаш, асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги даъватлари нечоғли тўғри эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Мамлакатимиз раҳбари кўп бор айтганидек, мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда, бўш қолган мафкура майдонидан бизга бутунлай бегона, орзу интилишларимизга мутлақо ёт бўлган ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз. Ён-атрофимиздаги воқеликка, теварагимизда кечаётган жараёнларга теранроқ назар ташлаганда, табиий захираларга бой, муҳим геостратегик ҳудудда жойлашган Ўзбекистонга кўз олайтирадиган, ҳукмини ўтказишни истайдиган турли кучлар мавжудлигига иқрор бўлмай илож йўқ.

Бу кучлар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳаларга, илғор технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятларига эга. Лекин энг хавфлиси бу эмас. Уларнинг энг даҳшатли қуроли миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, айниқса, ёш авлоднинг онги ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкурадир. Чиройли ва арзон нарсалар ҳисобига, оғир меҳнат қилмасдан кайф-сафо билан яшашни истовчи айрим ёшлар бундай мафкурага эргашиши, таассуфки, ҳаётимизда учрайдиган ҳолдир. Улар учун ота-боболаримизнинг элини, юртини эркин, озод кўриш истаги шунчаки даъват, ўтмишда унут қолган ўгитлардир. Улар бугунги айш-ишратини ўйлайди, холос. Мустақиллик қандай машаққатлар, қурбонлар эвазига қўлга киритилганини, қанчадан-қанча фидойи ҳамюртимиз куну тун шу улуғ мақсаддан илҳомланиб яшагани, унга ўз ҳаётини бахшида қилганини тасаввур қилолмайди, бунга уринмайди ҳам. Ён-атрофдаги таҳдидлар, наркобизнес, коррупция, халқ меҳнатидан бойишга интилаётган бадният шахслар, нафсининг қули бўлган амалдорлар, ўз манфаатлари йўлида ижтимоий адолат қонунларини оёғости қилиб, одамларни алдашга, хўрлашга тайёр бўлган манфур кимсалар ҳали истаганча топилишини, бу муаммоларга қарши кураш учун давлат, жамият билан жипслашиш зарурлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Чунки, уларда ҳаёт тажрибаси ҳам, сиёсий онг ҳам, аждодларимизнинг тарихий-маданий мероси учун масъуллик ҳисси ҳам етарлича шаклланмаган.

Ислом Каримов мустақилликни асраш ва мустаҳкамлашни миллий мафкура, демократик изланишлар марказига қўйганида, фақат эркин, озод, ташқи тазйиқларсиз ўз тақдирини белгилайдиган, ўз келажагини яратадиган халқгина бахтли ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаровон, ҳур яшаши мумкин, деган концепциядан, ғоядан келиб чиқади. Зотан, инсоният ўз тарихида амин бўлган энг биринчи ҳақиқатлардан бири шуки, ҳуррият тилаб олинмайди, балки курашлар билан қўлга киритилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ибораси билан айтганда, "ҳурлик берилмас — олинур".

Тўғри, биз истиқлолга қон тўкишларсиз, тинч йўл билан эришдик. Аммо бу йўлда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий каби бетакрор тафаккур ва истеъдод соҳиблари жон фидо қилганини, минглаб ҳамюртимиз қатағон қурбони бўлганини унутиб бўлмайди. "Ўзбегим" шеъри учун Эркин Воҳидов таъқиб этилганини, миллатимиз шаъни ва ғурурини ҳимоя қилгани учун Шукрулло сургун қилинганини, эркпарвар шеърлари учун беқиёс талант соҳиби Абдулла Орипов назорат остига олинганини ҳам унутмаслик лозим.

Шўро ҳукумати тақдим этган "Социалистик Меҳнат Қаҳрамони" унвони юртдошларимизнинг меҳнатдаги жасоратидан далолат беради. Улар халқимиз, юртимиз равнақи учун жон куйдирганлар, кечани кеча, кундузни кундуз демай бетиним меҳнат қилганлар. Уларни ҳам халқимизнинг фаровон яшаши учун бутун умрини, бор куч-қудратини, қалб қўрини берган, қаҳрамонона меҳнати билан мустақилликни яқинлаштирган, мустақил яшаш завқи ва эркин меҳнат қилиш гашти — олий неъмат, юксак бахт эканини намойиш қилган истиқлолчилар, деб аташимиз мумкин. Зеро, уларнинг фидокорона меҳнати ва ижоди, жонкуярлигисиз мустақил яшаш, ўз меҳнатимиз неъматларидан ўзимиз баҳраманд бўлиш саодатини бу қадар тез ва табиий идрок этишимиз қийин кечарди.

Фақат ҳур қалбгина ён-атрофдан, ижтимоий тазйиқлардан, мавжуд урф-одатлардан, догмалардан, ҳар қадамда инсон шахсини банди этишга тайёр тақиқу меъёрлардан холи тарзда илоҳий куч инъом этган иқтидорига мувофиқ янги, эркин ҳаёт ярата олади. Бунинг учун эса миллий мафкура мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила ва умуман юрт учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган саволнинг жавобини оддий ҳаётий мисоллар билан кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириши, кўзи олдида олий ҳақиқатларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

очиб бериши зарур. Ана шу олий ҳақиқатларнинг мантиқий силсиласи миллий демократик тараққиётга бошлаб боради.

Бозор иқтисодиётига асосланган демократик қадриятларни қарор топтириш мақсади мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш концепциясидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиёти қонуниятлари назарда тутадиган асосларсиз — хусусий мулксиз, фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолиятсиз фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Президент Ислом Каримов кўп такрорлаганидек, миллий ғоя, миллий мафкура қарашлари турлича бўлган барча инсонлар, партиялар ва жамоат ташкилотларини юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида бирлаштирувчи байроқ бўлиши, миллат, давлат ва жамиятнинг муштарак манфаатларини ўзида мужассам этиши лозим. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги эса, аввало, иқтисодий тараққиётга, бозор муносабатларига асосланган демократик қадриятларга бориб тақалади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитидаги демократик қадриятлар хусусий мулкка эга бўлиш, кўп укладли иқтисодиёт, фуқароларнинг иқтисодий муносабатларда тенг иштирок этиши, ташқи тазйиқсиз рақобат, мусобақа, хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, ички бозорни шакллантиришда ўз ақли, салоҳияти ва билими билан эркин иштирок қилиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ҳар кимнинг қилган меҳнатига яраша тақдирланиши ва турмуш кечириши кўринишларида намоён бўлади.

Фуқаролик жамиятида амал қиладиган бозор иқтисодиёти фаолият хиллари ва шаклларини эркин танлашга (хўжалик фаолиятининг эркинлиги тамойили), мулк шаклларининг тенглиги (иқтисодий тамойил, яъни турли мулк шаклларига эга бозор субъектларининг тенглиги), хўжалик юритишдаги мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш тамойилига, товар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасидаги рационал муносабатларга асосланади. Бозор муносабатлари қарор топаётгани туфайли мамлакатимизда 220 мингдан зиёд кичик ва ўрта корхона, 62 мингдан ошиқ фермер ва 3 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Кичик ва ўрта корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33 фоизни, нодавлат секторининг саноат ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 70,8 фоизни, аграр соҳада эса 99 фоизни (шу жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг улуши — 63 фоиз) ташкил қилмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳукуматнинг ширкатлар ўрнига фермер хўжаликлари тузишга қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли 2006 йил бошига келиб, фермер хўжаликларининг сони 100 мингга етиб қолди. Булар мамлакатимизда бозор иқтисодиёти туфайли фуқароларда янгича ишлаш кўникмалари пайдо бўлаётганини, улар меҳнат турини эркин танлаб, иқтисодий муносабатлар жараёнида хўжалик субъектлари сифатида фаол иштирок қилаётганини кўрсатади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши ҳам демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отишини таъминлайди. Шунинг учун миллий мафкура бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган демократик қадриятларни жамиятда, фуқаролар турмуш тарзида ва онгида шакллантиришга интилади. Бу қадриятларсиз халқ фаровонлигини, инсоннинг эркин меҳнат қилиб, меҳнатига яраша тақдирланиб яшашини таъминлаш мушкулдир.

Миллий демократик тараққиёт жамиятдаги **миллатлар ва элатларнинг тотувлигига, ҳамкорлигига, бағрикенглик тамойилига асосланган байналмилал муҳит**нинг қарор топишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли, полиэтник давлатдир. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Айни мана шундай ранг-баранглик, байналмилал муҳит миллатлараро ҳамкорлик ва тотувликни, бағрикенглик умумбашарий қадриятларга айлантиради. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига бағишланган адабиётларда келтирилганидек, миллатлараро тотувлик умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда турли миллатлараро тотувлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, бағрикенгликни шакллантириш нафақат объектив эҳтиёж, айни пайтда юртимизда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг хоҳиш-иродаси ва тилаги ҳамдир. Тарихий изланишлар кўрсатадики, ўзбек халқи ҳеч қачон миллий низолар чиқармаган, бошқа элатларнинг мулкига, бойлиги, ерига ҳасад билан қарамаган, уларни камситмаган. Байналмилал муҳитда яшаш, байналмилал қадриятларни қўллаб-қувватлаш ўзбек халқига хос хислат, фазилатдир. "Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти" асарида Исо Жабборовнинг қайд

www.ziyouz.com kutubxonasi

этишича, ўлкамизда халқларнинг байналмилаллашуви 3-4 минг йиллар муқаддам бошланган ва бу жараён ижтимоий-тарихий омиллар, халқаро интеграция боис ҳеч қачон тўхтамаган. Шу тариқа ўзбеклар умуминсоний қадриятларга мойил, турли маданият ва дин вакиллари билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш одатини шакллантирган миллатга айланган. Бу фазилат халқимизнинг миллий ўзига хослигига рахна, соя солмаган, балки унинг этник-маданий жиҳатларини янада ранг-баранг этиб бойитган.

Миллий мафкура ушбу ижтимоий-тарихий белгиларни, этник-маданий жиҳатларни янада чуқур ўрганишни, уларни асраб-авайлаб янги мазмун, шакл билан бойитишни тақозо этади. Чунки, миллат равнақи мавҳум бўшлиқда эмас, балки маданий тараққиёт асосида, миллий хусусиятларга янги маъно, моҳият бериш негизида рўй беради.

Миллий мафкура юртимиз халқларининг миллий маданиятига, урф-одат ва анъаналарига ҳам таянади, уларни қўллаб-қувватлаб байналмилал макон, муҳит яратади. Зеро, миллий мафкура олдидаги вазифаларни халқларнинг миллий маданиятига таянмасдан, уларнинг миллий маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшмасдан амалга ошириш қийин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бугун 138 та миллий марказ фаолият кўрсатади. Чет эллар билан маданий-маърифий алоқалар, халқаро маданий ҳамкорлик ўрнатувчи Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ташкил этилган. Ҳар йили ўрта ҳисобда 200дан зиёд бадиий-ижодий уюшма чет мамлакатларда юртимиз халқлари маданияти ва санъатини намойиш этиб, хорижлик турдош ташкилотлар билан ижодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб келади. Буларнинг барчаси, албатта, юртимизда байналмилал муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Миллий истиқлол мафкурасида жамиятда соғлом **маънавий муҳитни шакллантиришга, инсонпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик анъаналарини мустаҳкамлашга эътибор** берилади. Аслида бу йўналиш олдинги йўналишнинг давомидир. Бироқ бу йўналишда жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш мақсадида инсонпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик анъаналарини мустаҳкамлашга катта эътибор берилади.

Соғлом маънавий муҳит миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, толерантликдан ташқари чин инсонпарварлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

муносабатларини ҳам тақозо этади. Жамиятнинг янги тарихий-маданий тараққиёт босқичига ўтиши доим аҳолининг аксар қисми учун азиятли, оғир ва изтиробли кечган.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти ўзаро рақобатни, ким ўздини, ҳатто муайян даражада муғомбирликни ҳам талаб қилади. Ўз бизнесининг муваффақиятини, фирмасининг манфаатини кўзлаб муғомбирлик қилиш дунёда кенг тарқалган ақл-идрок ўйинидир. Буни озми-кўп тажриба орттирган тадбиркорлар, ишбилармонлар яхши биладилар. Аммо муғомбирликни, ким ўздини жамиятдаги маънавий-инсоний қадриятларга, меъёрларга қарши қўймаслик даркор. Бизнес ўз ишингни ўйлашга, фойдангни кўзлашга қанчалик мажбур қилмасин, маънавий қадриятларни топташи мумкин эмас. Шунинг учун ҳурфикр бизнесмен истеъмолчига компаниянинг ҳам молиявий, ҳам маънавий жиҳатдан энг қиммат активи сифатида қараши керак.

Шу маънода, соғлом маънавий муҳит инсонлар ўртасида, жамиятда инсонпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварликни шакллантиришга қаратилгани билан қимматлидир. Президентимиз таъкидлаганидек, бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолса, ундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Мамлакатимиз раҳбари халқимиз шаънига битилган "ўзбеклар иши", "пахта иши" каби фитна ва бўҳтонларни фош этиш, халқи ва мамлакатини сотган ялоқхўрларга тўғри баҳо бериш, туҳматчиларга бўйин эгмаганларнинг шаънини, қадрини тиклаш, хуллас, жамиятни маънавий соғломлаштириш зарурлигини ҳам кўп таъкидлайди.

Демократик тараққиёт бошқаларни эзиш ёки яксон қилиш орқали ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиш эмас, соф, одил ва очиқ рақобат, тенг ҳуқуқлилик, мавжуд маънавий меъёр ва қадриятларни, инсон шаънини ҳурмат қилиш асосида иқтидорни, эркни намоён қилишни назарда тутади. Демократия зўравонлик рақобати эмас, балки салоҳият, иқтидор ва қобилият эгаларининг рақобатидир. Маънавият ҳам иқтидор эгаларининг рақобати туфайли ранг-баранглашади, тенг ҳуқуқли эркин фаолият орқали жамиятда ижодий муҳитни яратади. Фуқароларни тинмай изланишга, янги-янги нарсаларни яратишга, кашф қилишга ундайди. Кўп миллатли давлатда соғ маънавий муҳит миллатлараро алоқаларни чуқурлаштиради, уларга миллатпарварлик, инсонийлик руҳини

www.ziyouz.com kutubxonasi

бахш этади. Маънавият халқпарварлик, миллатпарварлик ва инсонпарварлик хусусиятлари билан демократияни бошбошдоқлик, анархия, тиранияга айланишдан сақлайди, жамиятдаги ўзгаришларга юксак инсонийлик ғояларини сингдиради ва шу тариқа шахсни ҳам, жамиятни ҳам руҳий таназзулдан асрайди.

Миллий истиқлол ғояси **миллий ҳуқуқий тизим** орқали ҳам миллий демократик тараққиётга таъсир кўрсатади. Жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топиши инсонларнинг демократик ҳуқуқий давлат қурилишига, шу билан бирга, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Ҳуқуқий ислоҳотлар натижаси ўлароқ, суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқеи тикланди. Шунингдек, давлат раҳбарининг умумхалқ сайловида сайланиши, икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, миллий парламентаризм ва парламент ҳуқуқининг юзага келтирилиши, халқ ҳокимиятчилиги ҳуқуқий асосларининг ривожлантирилиши, сиёсий-ҳуқуқий меросни ўрганиш ва ундаги ижобий, ахлоқий, маънавий томонлардан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши, янги Конституциянинг қабул қилиниши, қонунларни умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш тартибининг жорий қилиниши, фуқаролар институтлари ижтимоий-ҳуқуқий асосларининг ишлаб чиқилиши, хусусий мулкнинг, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг, умуман, эркин иқтисодий фаолият билан шуғулланишнинг қонунан тан олиниши ва ҳуқуқий ҳимояланиши каби муҳим аҳамиятга молик ўзгаришлар ана шу ислоҳотларнинг натижасидир.

Миллий мафкура ҳуқуқ институтлари фаолиятини демократик ҳуқуқий давлат асосларини яратиш, шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирар экан, улар олдига демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш тамойилларини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш вазифасини қўяди. Бироқ яхши маълумки, барча мамлакатларда бирдек қўлласа бўладиган демократия андозаси йўқ. Чунки, демократиянинг моҳияти ҳар бир жамиятнинг тарихий, миллий, маданий ва маънавий-ҳуқуқий ўзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

хосликларини муқаррар акс эттиришни тақозо қилади. Миллий ҳуқуқий тизим ҳам мана шу заруратни инобатга олади.

Миллий истиқлол мафкураси ҳуқуқ тизимини жамиятда кечаётган ислоҳотлар мажмуига оид воқелик деб билади. Мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш, баркамол инсонни тарбиялаш каби стратегик вазифалар миллий ҳуқуқий тизимнинг ҳам бош мақсади ҳисобланади. Ҳуқуқ институтлари бу вазифани ҳуқуқ механизмлари ва ижтимоий меъёрлар восита билан амалга оширади. Жамиятда юксак инсоний анъаналар кенг тарқалгани сари ҳуқуқ институтлари фаолиятида ижтимоий-тарбиявий ва ҳуқуқий-тарғибий тадбирлар кўлами ҳам кенгая боради. Мамлакатимизда юридик соҳани демократлаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам аслида ана шу мақсадни назарда тутади.

Ғоя, мафкура турли илмий-назарий ёндашувлар, баҳс, мунозара ва эркин фикр алмашиш майдонидир. Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига ҳам ушбу қонуният тааллуқли, албатта. Шунинг учун миллий мафкура фуқаролар ўртасида **тенг ҳуқуқлилик асосида иқтисодий, маданий, ижодий изланишлардаги рақобат, мусобақа, баҳс, беллашув**ни ҳам қўллаб-қувватлайди. Бундай плюрализмсиз, ранг-баранг ёндашувсиз демократик тараққиётнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Шуни эсдан чиқармаслик зарурки, ижтимоий ҳаёт тараққиёти ва демократиянинг ривожланиши инсон омилидан фойдаланиш орқали, одамзод руҳиятидаги бетакрорликка интилиш хислати билангина тўла амалга ошади. Чунки, инсон эрк излайди, унда эркка йўналтирилган улкан интилиш мавжуд, лекин шу билан бирга, у осонгина мутелик ҳолатига ҳам тушиб қолади. Шу боис файласуфлар, одамзод бир вақтнинг ўзида ҳам шоҳ, ҳам қулдир, дейдилар.

Эркин фаолият кўрсатиб, ўз фикрини эркин баён қилиб, эркин баҳс, мунозарага киришиб яшаш одамнинг ақлини чархлайди, уни илмий янгиликларга ундайди, янги-янги кашфиётларга етаклайди. Бунинг замирида кишининг руҳий эркинлиги ётади. Мутелик эса одамзод табиатига мансуб нимагадир сиғиниш, нимагадир мутаассибларча эргашиш, ниманидир мутлақ ҳақиқат деб билиш, ўзига ёқмаган нарсалардан иккиланмай воз кечиш ёки уларни илғамаслик каби хислатлардан келиб чиқади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу икки хислат диний таълимотларда ҳам бор. Уларга кўра, одамнинг бир елкасида эзгулик, иккинчи елкасида ёвузлик фариштаси ўтиради, у гоҳ эзгулик фариштасининг, гоҳ ёвузлик фариштасининг даъватларига қулоқ тутиб, итоат этиб яшайди.

Ҳар қандай мафкура, шу жумладан, миллий истиқлол мафкураси ҳам инсон табиатидаги ана шу антагонизмни, зиддиятларни эътиборга олади. Шунинг учун миллий истиқлол мафкурасида инсонда миллий демократик тараққиёт манфаатларига мос келувчи фазилатларни тарбиялаш ғояси барча фикрларнинг квинтэссенцияси сифатида келади. Бироқ бу фазилатлар кабинетларда яратилган тайёр андозалар, қолипларга кўра эмас, балк жонли, ранг-баранг, тофовут ва ихтилофларга, баҳсларга, турли ёндашувларга — ижтимоий плюролизмга тўла ҳаёт қонуниятларига мувофиқ шакллантирилади.

Булардан маълум бўладики, миллий истиқлол мафкураси инсондаги ижобий фазилатларни қўллаб-қувватлаш орқали уни демократик тараққиёт субъектига айлантиради.

5.2. Миллий демократик тараққиётнинг ижтимоий-маънавий асослари

Ижтимоий-маънавий қадриятлар ҳар бир халқнинг ўз узоқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ бойликлари ҳисобланади. Халқнинг ўзлиги, миллатнинг ўзини идрок этиши ана шу қадриятлари орқали кечади. Маънавий қадриятларни тиклаш миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён ҳисобланади. Чунки, маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги (2002 йил 29 август) маърузасида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида тўхталиб, яна бир бор маънавият ва маърифат соҳасини тилга олди. "Барчамиз яхши биламизки, — деди Ислом Каримов, — фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак. Мана шу уч буюк қадриятни халқимиз асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган. Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган. Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади"[1].

Кейинги йилларда маънавият, маънавий маданият ҳақида жуда кўп асарлар, рисолалар, илмий-назарий мақолалар чоп этилди. Бу эса маънавиятнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни ошиб бораётганидан, мустақиллик маънавий юксалиш муаммоларига ечим топишда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланишни тақозо этаётганидан далолат беради.

Илмий адабиётларда қуйидагича таъриф берилади: маънавият инсон ахлоқи ва одоби, билими, истеъдоди, қобилияти, амалий малакаси, виждони, иймон-эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир. Бу таърифда баҳсли жиҳатлар мавжуд бўлса-да, у илмий-назарий қарашларни маълум даражада ўзида мужассам этади, дунёвий ёндашув нуқтаи назаридан демократик тамойилларга, талабларга жавоб беради.

Маънавиятнинг қуйидаги тўрт таркибий қисми табиий ҳол сифатида қабул қилинади: ахлоқ ва одоб; улар асосида ва амалий меҳнат жараёнида юзага келадиган билим, малака, истеъдод ва қобилият; ахлоқий, илмий етукликнинг натижаси бўлган имон, эътиқод, виждон, инсоф ва ихлос; инсоннинг

---

[1] *И.А. Каримов.* Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том, Т., "Ўзбекистон", 2003. 33—34-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билим ва амалий тажрибасини умумлаштирувчи, фаолиятига йўналиш берувчи дунёқараш, ғоя, мафкура ва маърифат.

Шу таснифга таянган ҳолда маънавиятнинг миллий демократик тараққиётдаги антологик моҳиятини қуйидаги йўналишларга ажратиб ўрганиш, таҳлил қилиш мумкин:

1. Миллий демократик тараққиёт ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларнинг уйғунлиги.

2. Шарқона ахлоқ-одоб билан шарқона демократиянинг уйғунлиги.

3. Миллий демократик тараққиётнинг ижтимоий меҳнатга, инсоннинг ижодий фаолиятига, дунёни, ён-атрофини ўзгартиришга йўналтирилган изланишларига боғлиқлиги.

4. Бозор муносабатларининг иқтисодий ҳаётга таъсиридан келиб чиқиб янги иқтисодий қадриятлар ва иқтисодий тафаккурнинг шакллантирилиши.

5. Ижтимоий муносабатларда умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг қарор топиши.

6. Трансцендентал қарашлар билан дунёвий билимларнинг муштарак томонларидан фойдаланиш.

7. Инсоннинг ижтимоий-маънавий камолоти — жамият тараққиётининг мақсади.

8. Шахсдаги сиёсий-ахлоқий фаолликка миллий демократик тараққиётнинг мезони сифатида қараш.

"Маданий ўзгаришлар муайян ғоя, жумладан мақсад ва режаларсиз бўлиши мумкин эмас — деб ёзадилар. М.Ҳ. Рустамбоев, С.О. Абдухолиқовлар ўз асарларида. — Шунинг учун ҳам республикамизда истиқлолимизнинг биринчи кунларидан бошлабоқ маданий ўзгаришларни, хусусан, иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий тартибга солиш биринчи даражали аҳамият касб этади"[1].

Инсон жамият ҳаётидаги барча муносабатларга муайян ахлоқий қадриятлар асосида ёндашади. Имонли, инсофли, ҳалол бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, бировнинг ҳаққига кўз олайтирмаслик, меҳр-мурувватлилик, раҳм-шафқатлилик, оқибатлилик, шарм-ҳаёлилик, дўстлик ижтимоий-ахлоқий қадриятлардир. Улар асрлар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб, инсоннинг, халқнинг ҳаёт тарзидан, дунёқарашидан, ён-

[1] *М.Х. Рустамбоев, С.О. Абдухолиқов.* Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. II китоб. Т., 2005. 54-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

атрофга муносабатларидан жой олган. Ижтимоий-тарихий парадигма, яшаш тарзига айланган ахлоқий қадриятлар билан демократик ўзгаришлар бир-биридан йироқ, бир-бирига қайишмайдиган нарсалар, бир-бирига ёт воқеликдек туюлади. Аслида ҳар қандай ўзгариш маънавиятимизни, ахлоқимизни бойитиши билан қадрлидир.

Ижтимоий-тарихий парадигмага айланган ахлоқий қадриятлар халқни халқ, миллатни миллат сифатида бошқа этнослардан фарқлайди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий-ахлоқий қадриятлар миллатнинг бош миллий белгиси, маданиятининг ўзагидир. Масалан, ўзбекнинг уйига биров келса, у аввал меҳмондан ҳол-аҳвол сўрайди, дастурхон ёзиб, тўрга ўтқазади, нон-чой тутади, шундан кейингина келишининг сабабини сўрайди. Бу ўзига хос ўзбекона ахлоқ белгисидир. қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик, маҳалла-кўйчилик, ошна-оғайнилик муносабатлари асосида ҳам асосан ахлоқий мезонлар ётади. Ўзбекларнинг маданий-маънавий бирлиги — тўй ва азада, бошқа маросимларидаги елкадошлиги ҳам муайян вазиятлардаги ахлоқий муҳит кўринишларидир.

Халқимизнинг тарихий-маданий анъаналаридан бехабар, узоқ киши учун булар консерватизм сифатида намоён бўлади, трансформация ва модернизацияга бефарқлик бўлиб кўринади. Чунки, демократияга тинмай ўзгариш, ижтимоий ҳаётни узлуксиз янгилаш, зарур бўлса, ҳатто нигилизм ҳам хосдир. Ғарб жамиятлари модернизацияга мойил бўлмаган объектга демократияга бегона, ёт ёки консерватив нарса сифатида қарашга одатланган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий демократик ўзгаришлар эса халқнинг анъаналарини, ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган қадриятларини қўллаб-қувватлайди, уларни миллий-маданий бойлик сифатида асрашга, улардан янги авлодни шакллантиришда унумли фойдаланишга даъват этади. Қайси мамлакатда, қандай ижтимоий маконда рўёбга чиқмасин, том маънодаги демократия модернизация байроғи остида анъанавий қадриятларни рад этолмайди, тадрижийликка таянмаган ўзгаришлар халқ турмуш тарзидан, қалбидан жой олмайди. Муайян объектив сабаблар инсонни янги меъёрларни, ўзгаришларни қабул қилишга мажбур этиши мумкин, бироқ бундай ўзгаришларнинг умри узоқ бўлмайди. Эскилар айтганидек, отни сувга олиб бориш мумкин, лекин сув ичишга мажбурлаб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар халқимизнинг ижтимоий-ахлоқий қадриятлари билан уйғунлиги сабабли эътиборлидир. Бизда демократия ижтимоий-сиёсий институтларни ўзгартириш ва уларни модернизациялашдангина иборат эмас, у халқимиз ижтимоий ҳаётининг таркибий қисми, жамиятимиз мустақиллик йилларида яратган маънавий-ахлоқий бойликнинг квинтэссенциясидир.

Демократик тараққиётнинг маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлиги халқимизнинг шарқона фазилатлари, шарқона тафаккури ва шарқона турмуш тарзидан келиб чиқади. Шунинг учун **шарқона ахлоқ-одоб билан шарқона демократия уйғунлиги** миллий тараққиётимизга хос белгидир.

Маълумки, шарқона демократия негизида инсон ахлоқи, одоби, имон-эътиқоди ва маънавиятини юксалтириш мақсади ётади. Шарқ учун Ғарбдагидек ижтимоий-сиёсий институтлар, тизимлар, бошқарув усулларини эмас, балки инсоннинг руҳий, маънавий дунёсини такомиллаштириш заруррокдир. Зотан, демократия, ўз талаблари ва мазмун-моҳиятига кўра, маданият, қолаверса, маънавиятдир. Чунки, у инсоннинг маданий ва маънавий бурчлари, ахлоқ-одоби негизига қурилади. Шу боис етук демократия юксак маънавиятли жамиятдагина қарор топади. Бу ўринда шарқона демократия назарда тутиляпти, албатта. Кўпчилик демократия намунаси, тимсоли деб биладиган ғарб давлатларида маънавий маданиятнинг юксаклиги эмас, аксинча, бошқа халқларнинг тарихий-маданий ҳаёт тарзини, эрки ва ҳуқуқларини менсимаслик, уларни топташга мойиллик кўзга ташланади. Уларга, ҳарбий қудратига таяниб, ўзлари тасаввур қиладиган демократик тузум ўрнатишга интилиш хос. Бу аслида зўравонликнинг бир кўринишидир.

Шарқона демократияга кўра, жамиятда ҳар бир кишининг ўз ўрни, масъулияти, вазифалари ва бурчи бор. Ўз ўрнини билмаган, демократия байроғи остида дуч келган ўринга даъво қиладиган киши бир кун изза бўлиб қолади, уқувсизлиги, чаласаводлиги, андишасизлиги ва иқтидорсизлиги билан ўзини бадном этади. "Ҳукмдор ҳукмдор, хизматкор хизматкор, ота ота, фарзанд фарзанд бўлсин" деганида Конфуций ҳар кимнинг жамиятдаги, ҳаётдаги ўрнига, эгаллаган мавқеига қараб ўз вазифасини, бурчини адо этиши зарурлигини назарда тутади. Жамиятдаги иноқ-иттифоқлик, бирлик-бирдамлик ҳар ким ўзининг ўрнини, вазифасини бажаришига боғлиқдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ўринда буюк бобомиз Алишер Навоий ҳаёти билан боғлиқ бир мисолни келтириш ўринлидир. Узоқ бир қишлоқда ўтинчилик қилиб кун кўраётган Раҳмонқул исмли йигит Алишер Навоийнинг шуҳратига, эл-юрт орасидаги обрўсига ҳавас қилибди. "Тўхта, — дебди у ўзига ўзи, — ўтин териб юраманми, мен ҳам шоир, вазир бўлсам, кишиларга кўпроқ фойдам тегармиди". Раҳмонқул онасини авраб, кўндириб, хўжаликдаги бор бисоти бўлган сигирни сотиб, пулини чўнтагига солиб, Ҳиротга отланибди. Сўраб-суриштириб Навоийнинг уйини топибди. Бахтига қарши шоир сафарда экан, бир-икки ҳафтадан кейин келиб қолишини айтишибди. Раҳмонқул Ҳиротдек азим шаҳарга биринчи келиши экан, бир ҳафта ичида бор пулини еб тугатибди. Бир амаллаб Навоийни кутиб, олдига кирибди. Ниятини айтибди.

— Майли, ўзингиз битган ёки севиб ўқийдиган шеърлардан бир-иккита ўқиб берсангиз, — дебди шоир.

— Э устоз! — дебди Раҳмонқул. — Мен чўлда, қирда ўтин териб кун кўраётган бир йигит бўлсам, менда шеър ёзишга вақт қайда? Сизга шогирд тушгач, шеър битишни ўрганарман.

— Бўлмаса, мана дутор, бирорта куй чалиб беринг.

— Э устоз! Мен чўлда, қирда ўтин териб юрган бир йигит бўлсам, мен дутор чалишни қаердан билай? Сизга шогирд тушгач, уни ўрганарман.

— Ўғлим, ўтин териш ҳам эл-юрт учун зарур. Кишиларнинг ҳожатини чиқариш шеър ёзишдан кам савоб иш эмас.

Навоий Раҳмонқулга пул бериб ўз қишлоғига қайтариб юборибди.

Бундан кўринадики, ҳамма ишнинг ўз қадри, қиммати, ўрни бор. Қалб қўри билан бажарилган ҳар қандай юмуш кишида касбидан, ишидан қониқиш, у билан фахрланиш ҳиссини уйғотади.

Ҳар ким ўз иқтидор ва қобилиятига лойиқ ишни бажарсин, деган қоидани инсон эркини, ҳуқуқларини чеклаш деб тушунмаслик керак, албатта. У нотўғри талқин қилинса, шарқона талаб ғайридемократик бўлиб кўринади. Теранроқ қаралса, аслида жамият ўз касбини устаси бўлган, соҳасини чуқур биладиган мутахассислар орқали ривожланиб боради. "Ҳар соҳадан бир шингил" қабилида иш тутиш вазифага, ҳаётга енгил-елпи муносабат аломатидир. Бирор соҳани мукаммал ўрганмай, билмай туриб, бошқа соҳани талаб даражасида эплаб кетиш қийин. Шарқ мудом ўз касбини, илмини, вазифасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

чуқур англаган шахсларни эъзозлаб, уларни маънавий етуклик тимсоли атаб келади. Демак, Шарқ демократияси ахлоқий-маънавий қадриятларга асосланади. Шахснинг ўз касбини, вазифасини мукаммал билишини қадрлайди.

Халқ оммасининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки ҳам чуқур билимга, соҳадан яхши хабардорликка, мавжуд муаммоларнинг рационал ечимларини топа олиш қобилияти асосига қурилади. Ўта масъулиятли, минг-миллионлаб инсонлар ҳаёти ва тақдирига боғлиқ бўлган давлат ва жамиятни бошқариш ишларини ҳаваскорлар қўлига топшириш мумкин эмас. Бу вазифа кўпчиликнинг фикри, талаблари тингланган ҳолда, масъулиятли бир шахс, профессионал кадр, мутахассис зиммасига юкланиши лозим. Демократия бошбошдоқлик эмас, у, аввало, жамият олдидаги вазифани тўла бажариш ҳиссидир.

Миллий демократик тараққиёт ҳар бир инсон, шахс ижодий изланишларининг, **ён-атрофини ўзгартиришга интилишларининг, ақл-идроки билан жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшадиган дурдоналар яратишининг** натижаси бўлади. "Ўзбекистон, — дейди Президент Ислом Каримов — инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу — мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади"[1]. Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, жамиятимизда демократик қадриятлар қарор топиши ижодий изланишларга, билимини ижтимоий тараққиёт мақсадларига сарфлашга тайёр кадрларга, мутахассисларга боғлиқдир.

Ўзбекистондаги миллий таълим модели ҳам баркамол, ижодкор авлодни шакллантиришга қаратилган. "Таълимнинг янги модели, — дейди Ислом Каримов — жамиятда мустақил

---

[1] *И.А. Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т.: "Ўзбекистон", 1998, 213—214-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди... Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар"[1]. Демак, демократик тараққиёт ҳам, тафаккури соғлом, ижодкор авлодни шакллантириш ҳам узлуксиз жараёндир. Ҳар бир ижтимоий-тарихий босқичда улар даврнинг муайян талаб ва меъёрларига дуч келади, шу тариқа жамиятни тинмай олға интилиб яшашга ундайди. Жаҳон цивилизациясидан муносиб ўрин олиш давр талабига монанд ана шундай бойликлар, дурдоналар яратиш билан боғлиқдир.

Бозор муносабатлари туфайли шаклланаётган янги **иқтисодий қадриятлар ва иқтисодий тафаккур ижтимоий-маънавий ҳаётимиз**дан мутлақ янги воқелик сифатида чуқур жой олмоқда. Халқимиз, фуқароларимиз эркин меҳнат қилиб, ҳур ва фаровон яшаш саодатидан баҳра олиб яшамоқда. Бу ўринда иқтисодий қадриятлар ва иқтисодий тафаккурда **анъанавий (миллий, тарихий)** ва **замонавий (умуминсоний, инновацион) ўзгаришлар** содир бўлаётганини кузатамиз.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик ўзбек халқига хос тарихий-анъанавий хислатдир. Буюк ипак йўли ўлкамиз ҳудудидан

---

1 Баркамол авлод орзуси. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2000. 42-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтгани, юртимиз Шарқ билан Ғарбнинг трансминтақавий иқтисодий алоқалари марказида, ўртасида тургани халқимиз шуурида, табиатида тадбиркорлик, ишбилармонлик хислатлари мавжуд бўлганидан далолат беради. Узоқ масофаларни отуловда босиб ўтиш анча мушкул бўлган қадимги даврларда ҳам аждодларимиз Миср, Бобил, Юнонистон ва бошқа минтақалар билан алоқа қилганлар. Мовароуннаҳр Ипак йўлининг чорраҳаларида жойлашгани халқимиз ҳунармандликда, савдо-сотиқда илғор бўлишига, бу соҳаларни кенг ривожлантиришига олиб келган. Аждодларимиз ишнинг кўзини яхши билганлар, тарихдан биламизки, ана шу уддабуронлик туфайли ҳам Византия императорлари узоқ вақтлар давомида ўзларининг дипломатик ва молиявий ишларига шу замин фарзандларини жалб этганлар.

Бозор иқтисодиёти халқимизда халқаро муносабатларда миллий иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиш, чет эл сармоясига таяниб тадбиркорликни ривожлантириш, эркин иқтисодий фаолият қонунларига мувофиқ меҳнат турини танлаш, тадбиркорликнинг халқаро миқёсда синалган шаклларидан (фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, менежмент) фойдаланиш, рақобатга табиий ҳол сифатида қараш, банк-кредит хизматларидан фойдалана олиш каби янги иқтисодий қадриятларни ҳамда хусусий мулкка эга бўлиш инсоннинг ҳуқуқи эканини, моддий фаровонлик кишининг ташаббускорлигига, меҳнатига боғлиқлигини, тараққиёт ва халқаро алоқалар моддий манфаатдорликка асосланганини, Ўзбекистондаги демократик тараққиёт инсоннинг ижтимоий-маънавий фазилатларини юксалтиришга қаратилганини англашдек янги иқтисодий тафаккурни шакллантирмоқдаки, энди уларсиз тараққиётни, ижтимоий-маънавий ҳаётни тасаввур қилиш қийин.

Ижтимоий муносабатларда умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва демократик ўзгаришлар марказида турган вазифалардан биридир. Мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки давридаёқ дунё мамлакатлари билан интеграциялашиш, улар яратган моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланиш, тараққиётнинг халқаро тажрибасини ўзлаштиришни ўзининг демократик тараққиёт йўли деб эълон қилди. Шундан буён халқимиз жаҳон халқлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

умуминсоний қадриятларни ҳаёт тарзига айлантиришга интилиб яшамоқда.

Ижтимоий муносабатлар бутун жамият ҳаётига тааллуқли воқелик сифатида иқтисодий, сиёсий, халқаро, маданий, этник-социал, демографик, ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганилади. Мазкур соҳалардаги ижтимоий муносабатлар ўзининг дифференциал ва интегратив хусусиятларига эга. Ҳар бир соҳадаги ижтимоий муносабатлар жамият талабларига мувофиқ шаклланади ва намоён бўлади.

Масалан, иқтисодий соҳага тўхталиб, бозор муносабатларини олайлик. Бу муносабатлар фуқароларнинг иқтисодий ҳаётда эркин фаолият кўрсатувчи, мустақил иш юритувчи субъект сифатида ўзининг инсоний ҳуқуқларини намоён қилишида акс этади. Ўзи истаган иқтисодий фаолият билан шуғулланиш фуқаронинг иқтисодий ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқини рўёбга чиқариш жараёнида фуқаролар шартнома тузиш, сотиш ёки харид қилиш, ёлланиб ишлаш, ижарага олиб ердан, мулкдан фойдаланиш, товар айирбошлаш, қайта ишлаб чиқариш каби ҳаракатларга киришадилар. Бу ўринда фойда олишга, ўз товарини тезроқ, қимматроқ сотишга интилиш бозор муносабатларига хос ҳолдир. Лекин бу инсонийликни, умуминсоний ахлоқий қадриятларга риоя этиш мажбуриятини рад қилмайди. Тўғри, аслида бозор иқтисодиёти рақобат ва кўпроқ фойда олиш тамойиллари, шахсдаги топқирлик ва ишбилармонлик асосига қурилган, гоҳо у маънавий-ахлоқий тасаввурларга, тушунчаларга зид келади. Ғарб бизнесида бу одатий ҳол ҳисобланади. Бу ғайриахлоқий жаҳатни ўз вақтида тўғри англаган Президент Ислом Каримов, бозор иқтисодиёти шиори остида маънавиятни, ахлоқни, инсонийликни унутмасликка даъват этди. Унинг "Маънавий-ахлоқий бойликларимизни унутмайлик", "Халқимиз дардига дармон бўлайлик", "Хайрли ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак", "Биз шарқона тарбия кўрган халқмиз", "Бизнинг жамиятда халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши — асосий қоида", "Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ" каби даъватлари замирида бойлик ортидан қувиб, миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларни унутмайлик, балки уларга амал қилиб яшайлик, деган чақириқ ётади.

Мамлакатимизда юридик соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, либераллаштириш жараёни ҳам аслида бу соҳадаги қаттиққўлликни, бешафқатликни, ғайриинсонийликни меҳр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мурувват, эзгулик, инсонийлик томон буришга қаратилган. Шўро даврида харидор ҳақидан 3 тийин уриб қолган сотувчи нафақат қамоқ жазосига маҳкум қилинган, шу билан бирга унинг мол-мулки ҳам мусодара қилинган. Буюк Макиавелли айтганидек, киши ҳар қандай зўравонликни кечириши мумкин, лекин ўз меҳнати билан қўлга киритган мулки тортиб олинишини ҳеч ҳам кечирмайди. Шўро даврида оғир жазога тортилганлар шу боис ҳам тавба қилмаганлар, аксинча, турли йўллар билан қонунларни четлаб ўтишга интила бошлаганлар. Мустақиллик Ўзбекистон бу ғайриинсоний одатни тарк этиб, жазони инсонийлаштириш йўлини тутди. Бу аслида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларда умуминсоний ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотдир.

Ижтимоий муносабатларда ахлоқий қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш умумий тараққиётга акс таъсир кўрсатмаслиги даркор. Масалан, маҳалла-кўйчилик, қариндош-уруғчилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Лекин баъзан эзгулик байроғи остида бу қадриятлар суиистеъмол ҳам қилинади — умумий манфаатлар унутилиб яқин кишиларга яхшилик қилиш авж олади. Бундай ҳоллар ҳаётимизда учраётганини Ислом Каримов бир неча бор қайд этди, уларнинг зарарли томонларини очиб берди. Эзгулик, инсонийлик умумий манфаатларга, жамият ҳаётига зид келмаслиги лозим.

Ижтимоий-маънавий қадриятларни тадқиқ этишда **трансцендентал қарашлар билан дунёвий билимларнинг муштарак жиҳатлари**ни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шарқ халқлари ҳаётида дин, диний таълимотлар, афсона ва ривоятлар, муҳим ўрин тутади.

Н. Комиловнинг “Тасаввуф” асарида бундай сатрларни ўқиймиз: “Қайси бир халқнинг оғзаки ёки ёзма ёдгорлигини олиб қарамайлик, унда бани башар хотирасида элас-элас сақланиб келаётган асотир-афсоналар, узоқ тарих қаъридаги ибтидоий тасаввурлар ва тушунчалар, аср-асрлар давомидаги кузатишлардан ҳосил бўлмиш ҳаётий ҳикматлар қаймоғи — инсоний тафаккур тажрибасининг инъикосини кўрамиз. Муқаддас китоблар Авесто, Ригведа, Таврот, Забур, Инжил ва Қуръон ҳам ана шундай минг йиллар ичида йиғилиб, сархилланиб, сайқал топган илмий-бадиий тафаккур ҳосиласи сифатида юзага келган ўлмас обидалардир. Улуғ тарихий бурилишлар даври мафкурасини белгилаган жаҳоний динлар инсоният тараққиётининг муайян босқичида янги маънавий-

www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлганлиги сабабли маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олиб, ижодий юксалишга, тахайюл ва тасаввурот оламига, ақлий ва бадиий фаолият тарзига таъсир этиб келади. Айни вақтда инсоннинг узлуксиз ижодий фаолияти динларнинг ўзига таъсир ўтказиб, улардаги синкретиклик (омухталик) хусусиятини кучайтириб туради, янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтиради"[1].

Ўзбекистонда қайтадан объектив баҳоланиб, аждодларимизнинг тарихий-маданий мероси сифатида ўрганилаётган зардўштийлик ("Авесто") ва ислом ("Қуръони Карим", Ҳадислар) дини ҳам мамлакатимизнинг туб бурилиш палласида, халқимизнинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажагини белгилаб олишида таянч вазифасини ўтамоқда.

Дин шунчаки тарихий-маданий мерос, қадриятгина эмас, у олам ҳақидаги тасаввурларнинг ифодаси, инсоннинг ўз "мен"-ини топишга интилиши, маънавий-руҳий комилликни излаш усули ҳамдир. "Ақл", "руҳ", "қалб", "эътиқод" деган тушунчалар мавжуд экан, инсон мавжуд борлиқдан зиёдроқ, улуғроқ, юксакроқ бир нарсани қидиришдан тинмайди. Трансцендентал фикрлаш, хаёлотга берилиш, мавжудликдан ўзиш кишини маънавий идеал излашга ўргатади ва кўпинча худо ана шундай идеал бўлиб кўринади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Ўзбекистон дунёвий давлат қурмоқда экан, диний таълимотлардаги эзгу ғояларга ҳам таянади, лекин бу асло дунёвий қадриятлар камситилмайди, инсоннинг реал ҳаётий ташвишлари дин байроғи остида мавҳумлаштирилмайди ёки мутлақлик мақоми берилган ақидаларга қурбон қилинмайди.

Миллий демократик тараққиёт диндаги реал ҳаётий талабларга жавоб берадиган қадриятларни дунёвий қадриятлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Диний қарашлар инсоннинг реал ҳаётий муаммоларни ечишига халақит бермаслиги, бошқаларнинг ҳуқуқларини топтамаслиги, мавжуд ҳаёт тарзини, сиёсий тизимни куч билан ўзгартиришга даъват этмаслиги лозим. Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган, давлат ҳам диннинг ички ишларига аралашмайди. Фуқаролар қайси динга эътиқод қилишни ихтиёрий танлайдилар. Бу

---

[1] *Н. Комилов.* Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., "Ёзувчи", 1996. 3-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қоида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан келиб чиқиб ўрнатилган. Демак, динга эътиқод қилиш, трансцендентал фикрлаш ҳар бир фуқаронинг ўз ихтиёрий ишидир.

Шу билан бирга, давлат ва жамият диндорларнинг ижтимоий фаолиятига, хатти-ҳаракатларига бефарқ қарай олмаслигига ҳам эътибор қаратайлик. Дин одамзод онги ва турмуш тарзига интенсив таъсир қилишнинг кўп асрлик тажрибасига, усулларига эга, у инсон руҳи, қалби ва онгини тез ўзига жалб эта олади. Айниқса, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар яққол ўзини намоён қилганида, инсоннинг маънавий-руҳий изланишларга иштиёқи, қизиқиши кучайганида дин фаол ҳаракатга келади. Динда ахлоқий-маънавий масалалар кенг муҳокама қилиниши, ижтимоий адолат билан боғлаб талқин этилиши инсонда трансцендентал қарашларга ишонч уйғотади.

Шарқ ислом фалсафаси шуниси билан қимматлики, у диний илм ва табиий фанлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиб, уларнинг ўзаро уйғун ривожланиш йўлларини кашф этган, фан ва дин бир-бирига қарама-қарши эмас, балки бир-бирини тўлдиришини асослаб берган.

Бу ўринда Ғаззолий, Нажмиддин Кубро, Фаридуддин Аттор, Румий, Бедил каби етук мутафаккирларнинг ижодидан кўп мисол келтириш мумкин. Масалан, Ғаззолий дейди: "Инсон жавҳари аввал яралишдан ноқислик ва камлик бирла халқ қилинубдир. Инсон меҳнат ва машаққатсиз бу нуқсонларидан қутулиб, камолга етмаги мумкин эмас". У дилни мамлакат (тана, вужуд) подшоҳи, ақлни вазир деб билади. "Одамнинг ҳақиқати ул нимарсадурки, камоли ва шарофати анинг бирла бордур, яъни ақл бирладур. Ва ўзга сифатлар ғариб ва ориятдурки, ақлнинг мададидва чокарлиги билан амалга ошмаса". Демак, Ғаззолий киши меҳнат, машаққат ва ақли билан комилликка етишиши, ўз нуқсонларидан қутулиб кимиёи саодатга эришиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Хўш, диннинг демократик тараққиётга нима дахли бор? Бу саволга тасаввуфшунос олим Н.Комилов қуйидагича жавоб беради: Биринчидан, тасаввуф халқимиз руҳиятига, маънавиятига сингиб, Шарқ фалсафаси, адабиёти ва санъатида чуқур из қолдирган. Ҳар бир ўқимишли кадр бу тарихий-маданий меросдан хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, тасаввуф инсоннинг ички оламини, унинг руҳий-маънавий дунёсини тадқиқ этган. Унда инсоннинг Илоҳ, Табиат, Коинот, Борлиқ билан муносабатлари очиб берилган. Бу тасаввуфнинг дунё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вий илмлар билан боғлиқлигидан далолат беради. Учинчидан, тасаввуф покиза ахлоқ, эзгу амалларни кўпайтириш, ёмонликни, нафсни жиловлаш ҳақидаги илмдир. "Тасаввуф — ҳаққа ташна зотларнинг қалб эътиқоди бўлиб, улар ҳаққа талпинар эканлар, ҳақ ва ҳақиқатни инсоннинг ўзидан излаш, ер юзида ҳақиқат нурини ёйиш учун курашганлар. Улар нафсни, бадахлоқликни тарк этган эдилар, аммо дунёни тарк этмаганлар. Билакс, дунёни эзгулик қонуни асосида қайта қуришга шайланган мардлар эдилар". Демак, дин кишини эзгуликка, маънавий покликка, нафсни тийиб яшашга ундайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар негизида ҳам юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантириш мақсади ётади. Дин ва демократик тараққиёт айни шу мақсад олдида, шу нуқтада уйғундирлар.

Инсоннинг ижтимоий-маънавий камолоти демократик ислоҳотларимизга ҳам, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришдан иборат стратегик мақсадимизга ҳам баб-баробар тааллуқлидир. Аслида дин ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бу ўринда яна Н.Комиловнинг фикрларига мурожаат қиламиз. "Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси билан бизнинг тушунчаларимиз ўртасида фарқ бор, албатта. Ҳатто маърифатли ҳар кишини комил инсон дея олмаймиз. Тасаввуф таълимоти бўйича комил инсон аллақандай идеал, Худога яқин бир вужуд. Ўша ғайб оламидан оддий одамларга хабар берадиган, илми ўша ғайб илмига уланган кишидир. Албатта, маънавий баркамолликни ният қилар эканмиз, идеалга интилишимиз керак бўлади. Хўш, идеалга интилиш нима дегани ўзи? Менимча, бу идеалнинг хислатларини ўзига сингдириб бориш, ўзида кашф этиш, пайдо қилиш, шакллантириш деганидир"[1]. Демак, маънавий комилликда киши идеални ахлоқан энг пок, энг мусаффо, энг етук тимсол сифатида хаёл этади ва ушбу идеалга умр бўйи талпиниб яшайди.

Маънавий ҳаёт шахснинг бутун борлиғида, одамлар ва жамият билан муносабатларида акс этади. Бу мураккаб муносабатлар шахсга турлича таъсир этади ва унинг маънавий ҳаётини турлича шакллантиради. Шунинг учун ҳам маънавий дунёси мутлақ бир хил одамлар йўқ — инсон бошқа инсондан

---

[1] *Н. Комилов.* Тасаввуф. Иккинчи китоб. Т., Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда "Ўзбекистон" нашриётлари, 1999., 195-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳий-маънавий дунёси билан фарқ қилади. Лекин умумий ижтимоий-маънавий меъёрлар мавжуд, улар инсонийлик, поклик, меҳр-муҳаббат, эзгулик, халқпарварлик, ахлоқпарварлик, қаноат каби фазилатлардир.

Шахсдаги сиёсий-ахлоқий фаолликка миллий демократик тараққиёт мезони сифатида қараш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ислоҳотларнинг ташаббускори давлат бўлса-да, уларни инсон, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги реал ҳаётий воқеликка айлантиради, объективлаштиради.

Сиёсий-ахлоқий фазилатлар давлат ва жамиятни бошқариш ишларига инсонпарварлик, адолатпарварлик бахш этади, инсон эркинлиги тамойилларига риоя қилишни одатга айлантиради. Шу тариқа сиёсий-ахлоқий қадриятлар ҳокимият фаолиятига, давлат ва жамиятни бошқариш механизмларига сингиб, ҳокимиятнинг халқчиллигини, инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлайди.

Ўзбекистон демократик тамойилларни дастур қилиб олган ҳокимият институтларини шакллантириш йўлидан бораётган экан, бошқарув ишларини, биринчидан, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини инсонпарварлаштириш, сиёсатни ахлоқий меъёрлар билан уйғунлаштириш, иккинчидан, фуқароларнинг сиёсий-ахлоқий фаоллигига таяниш орқали олиб бориши табиий ҳолдир. Давлат ҳокимияти институтларини инсонпарварлаштириш фақат сиёсий арбобларнинг, идораларнинг вазифасигина эмас, бунда фуқароларнинг сиёсий-ахлоқий фаоллиги ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, халқ ҳеч қачон ўзининг ахлоқий-маънавий қадриятларига зид бўлган фаолиятни қўллаб-қувватламайди, ўзи ҳам ҳар қандай ижтимоий фаолиятни маънавий-ахлоқий жиҳатлар билан тўлдиришга, бойитишга интилади. Шарқ халқларига хос ушбу фазилат сиёсий соҳада ҳам ахлоқий қадриятларни етакчи ўринга чиқаради. Шунинг учун сиёсий-ахлоқий фаолият фақат бошқарув ишларини амалга оширишдангина иборат эмас, балки уларни инсонийлаштириш орқали бутун ижтимоий муносабатларни, сиёсий тизимлар ҳаётини инсон манфаатларига хизмат қилдиришдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5.3. Жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари

Демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатда сиёсий ва ҳуқуқий маданият савияси демократик давлатларга мос бўлиши лозим. Албатта, Ўзбекистондаги сиёсий маданият савияси ғарб мамлакатларидагидан фарқ қилади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, юртимиздаги демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Ғарб намунаси эса кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий-маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик қилиши даркор.

Илмий-назарий адабиётларда баён қилинган фикрларни умумлаштириб, сиёсий маданиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин: у сиёсий тизим субъектлари бўлмиш сиёсий партиялар, бирлашмалар, жамоаларнинг давлат ҳокимиятини юргизишдаги иштироки чоғида, шунингдек, сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасида қўллайдиган, таянадиган, риоя этадиган қадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимидир. Бундан ташқари, сиёсий маданият муайян миллат ёки ижтимоий жамоанинг сиёсат олами, сиёсий жараёнларни амалга оширишнинг қонун-қоидалари тўғрисидаги тасаввурлари мажмуи ҳамдир.

Ўзбекистонда шаклланган сиёсий маданиятнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

— алоҳида олинган шахс манфаатларининг давлат ва жамият манфаатларига ҳамоҳанглиги;

— ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи аҳамиятга молик роли эътироф этилиши;

www.ziyouz.com kutubxonasi

— ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанасининг мавжудлиги, раҳбарларнинг маънавий қиёфасига юксак талаб қўйиш;

— парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги;

— деярли барча сиёсий партиялар вакилларига хос бўлган хислат – ўз ғоя ва тамойилларининг тўғрилигига қатъий ишонч.

Шахс — жамият — давлат тизимида манфаатларни уйғунлаштириш нафақат сиёсий жараёнларни рационал бошқариш эҳтиёжидан, шу билан бирга, шарқона ахлоқ-одоб ва демократия талабларидан ҳам келиб чиқади. Демократик тараққиётнинг манфаатлар ранг-баранглиги кенгайган шароитида уларни мутаносиблаштириш, уйғунлаштириш сиёсий фаолиятнинг бош вазифасига айланади. Алоҳида олинган ҳар бир шахс ва гуруҳнинг манфаатларини рад қилмаган ҳолда, уларни синтезлаш ва шу тариқа уйғунликка эришиш — ғоят мураккаб вазифа, аммо бу вазифани ҳал этишнинг рационал усулини топмай, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятида демократик тузумнинг мавжудлиги ва унинг мустаҳкамланиб бориши фуқароларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий шартидир. Бундай сиёсий тизим шахс сиёсий-ҳуқуқий онги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон сиёсий ҳаётда шунчалик фаол иштирок этади. Бу — аксиомадир.

Шахс — жамият — давлат тизимида ҳар бир бўғин манфаатлари бир хил даражада зарур бўлган воқеликдек туюлади, аслида эса, улар, қанчалик муҳим ўрин тутмасин, бўғиннинг ўз моҳиятидан келиб чиқади ва унинг субстанционал хусусиятини белгилаб беради. Шунинг учун манфаатлар қанчалик муҳим воқелик бўлмасин, улар бўғин моҳиятига субстанционал тарзда боғлиқдир. Индивид, гуруҳ ёки халқ ҳокимиятчилиги билан боғлиқ субъектларнинг манфаатлари айнан бир хил бўла олмайди. Улар ўртасидаги фарқ нафақат бу тушунчаларнинг ўзида, балки уларнинг намоён бўлишида, таъсирида, кўлами ва даражасида ҳам кўринади. Бу фарқларни камайтиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, психологик, иқтисодий, маънавий механизмларини таҳлил этиш манфаатларга оид ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

кенгайтириш, мавжуд муаммоларни турли илмий воситалар, ёндашишлар нуқтаи назаридан ҳал этиш имконини беради.

Илмий-назарий адабиётларни, уларда баён этилган манфаатлар ҳақидаги фикрларни ўрганиш кўрсатадики, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда манфаатлар фундаментал воқелик сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига, бошқарув ишларининг йўналишига ва ҳокимият тевараги даги курашлар моҳиятига таъсир этиб, жамиятнинг сиёсий маданиятини ифода қилади. Бироқ манфаатларни ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида тадқиқ этиш, унинг миллий демократик тараққиёт шароитида намоён бўлиш хусусиятларини очиб бериш долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

Сиёсий адабиётларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ролини тадқиқ этиш доим бош мавзу бўлиб келган, чунки ҳокимият сиёсатнинг юрагидир. Ҳокимият одамлар орасида буйруқ бериш ва бўйсуниш, амр этиш ва тобелик каби бир-бирига таъсир кўрсатишнинг алоҳида шакли сифатида инсон фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Инсон фаолияти эса доим давлат ва жамиятни бошқариш ишларига бориб тақалади. Шу маънода, инсон фаолияти доимо у ёки бу даражада сиёсат билан боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти ва демокатик ҳуқуқий давлат қуриш концепцияси нуқтаи назаридан қараганда давлат ва жамиятнинг инсон фаолиятига нисбатан роли:

— инсонни ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маданий меъёрларга итоат эттириш, унинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларини ижтимоийлаштириш;

— фуқароларнинг интилишларига, саъй-ҳаракатларига рационаллик, англанганлик, уюшқоқлик ва ташкил этилганлик бахш этиш;

— инсон манфаатлари ва иродасининг ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда уни умумий иродага, қонунларга бўйсунишини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти институтлари фаолиятида инсон манфаатларининг устуворлигини қарор топтириш, шу тариқа асрлар давомида ҳукм сурган шахс (инсон) билан давлат ўртасидаги муносабатларга этатистик ёндашувни инсонпарварлик тамойили билан алмаштириш;

www.ziyouz.com kutubxonasi

— нодавлат ташкилотларини кенгайтириш орқали фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини кенгайтириш;

— давлатнинг айрим функцияларини, вазифаларини маҳаллий ҳокимият органларига бериш орқали ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш;

— ҳурфикрликни, сиёсий плюрализмни ривожлантириш учун оммавий ахборот воситаларининг сонини ҳам, ахборот етказиш фаолиятининг савиясини ҳам ошириш;

— шахс — жамият муносабатларидаги ўзаро ишончни, ҳурматни мустаҳкамлаш учун иқтидор ва қобилият эгаларига сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда тенг имкониятлар, бир хил шарт-шароит яратиш;

— шахс — жамият — давлат тизимида содир бўлаётган ўзгаришларни мунтазам ўрганиб бориш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ижобий ва салбий ҳолларни аниқлашга, уларни муросага келтиришга оид сиёсий технологияларни яратиш.

Бу нафақат инсон фаолиятига, шунингдек, шахс — жамият — давлат тизимидаги ижтимоий муносабатларга, улар туфайли демократик жамиятда пайдо бўладиган муаммолар ечимига ҳам тааллуқлидир. Сиёсий фаолиятнинг, сиёсий маданиятнинг моҳияти ҳам шу тизимга, унда кечадиган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бориб тақалади. Бу жараёнларнинг ким (шахс, жамият, халқ, давлат) томонидан, қандай усуллар (авторитар, демократик ва бошқа) билан бошқарилишига қараб, жамиятнинг стратегик мақсадини, тараққиёт моделини аниқлаш мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни умумхалқ манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этувчи кучи сифатида давлат ва жамият эътироф қилинар экан, демак, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти мана шу субъектларнинг барқарор институтларга айланишига, мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва демократик тараққиётнинг таъминланиши уларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи аҳамияти эътироф этилиши ижтимоий-сиёсий фаолиятга, унинг йўналишлари ва функцияларига алоҳида талаб қўяди. Бу талаблар сиёсий маданиятнинг ўзагини ташкил этади. Ўз навбатида, ана шу ўзак нодавлат ташкилотлари, фуқаролар институтлари, шахслар, ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан қўллаб-қувватланса, бойитилса, тузумга оид умумий сиёсий маданият юзага келади. Демак, сиёсий маданиятни юксалти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ришнинг бош шарти давлат ва жамият белгилаб олган ижтимоий-сиёсий тараққиёт моделининг халқ, фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланиши ва бойитилишидир. Айни мана шу шарт ижтимоий-сиёсий ҳаётга ҳам, давлат ва жамият фаолиятига ҳам ҳаракатчанлик бахш этади, уларни мудом муросага, келишувга ва муаммоларга ечим топиш учун иттифоқ бўлиб изланишга ундайди.

Сиёсий маданият ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва раҳбарларнинг маънавий қиёфасига талаблар қўйишда ҳам намоён бўлади. Халқимиз дунёқарашида, турмуш тарзида ҳукмдорларнинг ҳурматини жойига қўйиш, бошқарув ишларида уларга ёрдам кўрсатиш анъанаси қадимдан мавжуд. Масалан, қадимги туркларнинг тасаввурида давлатчиликнинг маркази давлатни ўзида мужассам этувчи шахс — ҳоқон ёки ҳоқонларнинг ҳукмрон сулоласи бўлган. Шунинг учун туркий халқларнинг давлат ва давлатчилик тарихида ҳукмдор ҳуқуқларига, ҳукмдор сулоласининг ижтимоий-сиёсий мавқеи ва таъсирига ҳамиша бошқача назар билан қараб келинган. Бу назар негизида ҳукмдорга ишонч, унинг адолатпарвар ва халқпарварлигини эъзозлаш, улуғлаш истаги ётган, албатта.

Ҳокимиятга ҳурмат тахтни сакраллаштириш, илоҳийлаштириш билан боғлиқ. Подшоҳ худонинг ердаги сояси (вакили, ноиби) деган тасаввур Шарқ халқларида кенг тарқалган. Бу подшоҳни худога тенглаштириш эмас, балки одамларнинг масъул бир шахсга итоат этишини таъминлаш эҳтиёжининг ифодасидир. Одамзод жуда қадимдан кимнидир, ниманидир атрофида уюшиб, бирлашиб, жамоа бўлиб яшаш зарурлигини яхши билган, шундай "марказ"сиз бошқарувни, ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш, ташқи ва ички хавфлардан ўзини ҳимоя қилиш мумкин эмаслигини англаган. Илоҳийлаштириш эса, асосан, тахт эгаси бўлмиш подшоҳга эмас, тахтга қаратилган.

Масалан, Марказий Осиё халқлари тарихида илоҳийлаштирилган бирорта подшоҳ, давлат бошлиғи бўлгани маълум эмас. Ҳа, подшоҳларнинг у ёки бу сифатлари (фақат мавжуд сифатлари) улуғланган, аммо у католик ва православлардагидек авлиё даражасига кўтарилмаган.

Халқимиз ҳукмдорга, тахт эгасига адолатпарвар, халқпарвар инсон, эзгулик тимсоли сифатида қараб, у ижтимоий муаммоларни еча олади, у жамиятда адолатсизликни, зўравонликни, бадахлоқликни у бартараф эта олади, деган ишонч билан яшаб келган ва мана шу ишонч унда ҳокимиятга ҳурмат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

эҳтиром уйғотган. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Ҳукмдорлар адолатсизликка йўл қўйганида халқ ҳаракатга келган, шунда ҳам у тахтни ағдаришни истаган эмас, ҳукмдордан адолат ўрнатишни талаб қилган, холос. Бу билан у тахтнинг ижобий (илоҳий) кучига, сифатларига ишончини ифода этган. Ҳозирги демократик ўзгаришларда фаол қатнашаётган халқимизда Президентга, ҳукуматга, олиб борилаётган туб ислоҳотларга, "ўзбек модели"га бўлган ишонч ҳам ана шу тарихий-маданий тажрибанинг давоми, кўринишидир.

Халқимиздаги бу ишонч раҳбарларнинг маънавий қиёфасига катта талаблар қўяди. Бу талабларни қисқа қилиб элга хизмат қилиш, одамларга раҳнамолик, раҳбарлик қилиб, уларни улуғвор ишларга бошлашдир, дейиш мумкин. Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетаверади, халқ — қолади. Раҳбар доим ўзига халқ меҳрини қозона олдимми, одамлар ёдига муҳрланиб қоладиган бирон хайрли иш қилдимми, бошини қовуштириб улуғвор ишларга бажаришга сафарбар эта олдимми, деган саволларни бериши, доимо ўйлаши керак.

Парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабат ҳар бир демократик жамиятга хос воқеликдир. Юқорида бу мавзу ҳақида фикр юритилди. Қўшимча тариқасида шуни қайд этиш мумкинки, айнан парламентаризм институтининг фаолияти, вакиллик органларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири жамият сиёсий маданиятининг кўзгуси ҳисобланади.

Ўзбекистонда икки палатали парламент шакллантирилгани, айрим давлат функцияларининг маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилаётгани жамият сиёсий маданиятини юксалтириш борасидаги жиддий изланишлардан дарак беради. Улар ўзбек миллий парламентаризмини, халқ вакиллик органларини жамиятимиз сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшадиган демократик институтларга айлантиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январ куни бўлган қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов давлат ҳокимияти ваколатларининг бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, икки палатанинг масъулият билан, бир-бирини тушуниб, баҳамжиҳат ишлаши зарурлиги ҳақида сўзлаганда худди шу мақсадни назарда тутган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни тўғрисида юқорида батафсил фикр юритилди. Уларнинг сиёсий маданиятини ошириш жараёнларига таъсири шу чоққача алоҳида тадқиқот мавзуи бўлмаган эса-да, ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятда сиёсий онг, сиёсий тафаккур ва сиёсий тажриба сиёсий партиялар орқали ҳам шаклланади. Яъни, сиёсий партияларнинг ўз ғоя ва мақсадларига қатъий ишончи, улар учун кураш олиб бориши, ўз мафкурасини халқ орасида тарғиб қилиши жамиятнинг сиёсий маданиятига таъсир этмай қолмайди. Илғор демократик давлатлар тажрибасидан яхши маълумки, сиёсий партиялар сиёсий жараёнларни идрок этишнинг, сиёсий тизимга қизиқиш уйғотишнинг муҳим институтига айланган. Бу борада барча мамлакатлар учун андоза бўладиган тажриба, тизим, модель йўқ, албатта, аммо кўппартиявийлик мавжудлигининг ўзи (унга ҳар бир халқнинг тарихий-маданий тажрибаси, сиёсий онги ва сиёсий тасаввурлари таъсир этмай қолмайди) сиёсий маданиятнинг кўриниши эканини ҳеч ким инкор қилмайди.

Сиёсий маданиятни ижтимоий-сиёсий институтлар, сиёсий партияларнинг тажрибаси, фуқаролар институтларининг мавжудлиги ва ҳокимият билан муносабатлари, марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги субординацион алоқалар, фуқароларнинг ҳокимиятга, сиёсий партиялар фаолиятига, сайлов тизимига муносабатлари нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этиш мумкин. Дейлик, масалага шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги нуқтаи назаридан қараш сиёсий маданият динамикасини кузатиш, унинг келгусида намоён бўлиш хусусиятларини, тенденцияларини аниқлаш имконини беради. Лекин бу мавзу алоҳида, махсус тадқиқ этилгани маъқул.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнида шаклланаётган сиёсий маданиятда ўтмишдаги, ҳозирги кундаги ва чет эллардаги сиёсий маданиятнинг таъсирини илғаш қийин эмас. Ғарб демократик мамлакатларида давлат, жамият ва шахснинг ўзаро ҳамкорлигида асосан фуқаролик жамияти ва шахс етакчилик қилса, Ўзбекистонда бундай уйғунлик фақат ҳозирги босқичда шаклланмоқда. Бундан ташқари, сиёсий маданият бизда ҳокимият учун кураш тарзида эмас, балки ижтимоий-сиёсий муаммоларни давлат, ҳокимият институтлари билан биргаликда, анъанавий-ахлоқий қадриятларга таянган ҳолда ечиш кўринишида юзага келмоқда. Бу сиёсий партияларнинг ижтимоий-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиёсий муаммолардан, ҳокимият учун кураш жараёнидан четда турганини англатмайди. Чунки, сиёсий партияларнинг фаолияти фақат "ҳокимият учун кураш"га эмас, айни пайтда ҳокимият тизимларини янада демократлаштириш, уларнинг инсон манфаатларига хизмат қилишига эришиш, мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаб, фаровон ҳаёт қуришга ҳам қаратилгандир. Сиёсий кураш ҳам, ахлоқий қадриятларга таяниш ҳам шу мақсадларни назарда тутади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан яна бири фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдир.

Инсоннинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввуроти, қонунга ҳурмати ва ишончи, қонунийликни таъминлашга интилиши "ҳуқуқий маданият" тушунчасининг мазмунини ташкил этади. Қонун ўз йўли билан, амалиёт ўз йўли билан ривожланган, улар орасида узвий боғланиш бўлмаган жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Демак, ҳуқуқий маданиятнинг даражаси амалдаги қонун-қоидаларнинг қандай бажарилиши, ҳаётга нечоғли татбиқ қилиниши, уларга кундалик турмушда қанчалик риоя этилишига қараб баҳоланиши ё белгиланиши мумкин. Биз жамият учун қонун-қоида ижод этиб, ўзимизни истисно деб билсак, тараққиётимиз ҳам истисно бўлиб қолиши аниқ.

Бу хусусда мавжуд илмий-назарий қарашларни умумлаштириб, улардан келиб чиқадиган вазифаларнинг қуйидаги йўналишларини белгилаш мумкин:

— миллий қонунчиликни юксалтириш ва қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мутлақ мувофиқ келишига эришиш;

— оддий фуқародан қонун ишлаб чиқувчиларгача — барчанинг қонунларга итоат этишини таъминлаш;

— судга мурожаат қилиш кўникмаси ва маданиятини шакллантириш;

— раҳбар ходимларнинг, ҳуқуқ институтлари ва органларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

— ҳуқуқий маърифат ва тарғибот ишлари мунтазам олиб борилишини йўлга қўйиш;

— ҳуқуқий маданият миллий мафкуранинг, умумий маданий-ахлоқий ва ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми эканлигидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш;

www.ziyouz.com kutubxonasi

— фуқароларнинг нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ихтиёрий уюшма ва бирлашмаларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётдаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш;

— ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларида энг янги педагогик технологиялардан, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан, дифференциал ёндашув усулларидан фойдаланиш услубиятини яратиш.

Келтирилган йўналишлар у ёки бу талқинда илмий адабиётларда баён қилинган, уларнинг айримларига қисқача изоҳ ҳам берилган. Шунинг учун уларга алоҳида тўхталмасдан, ҳуқуқий маданиятнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишдаги фалсафий моҳиятини очишга эътибор қаратсак.

Ҳуқуқий маданият жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари билан боғлиқ махсус ижтимоий-сиёсий воқеликдир. Унда маданият ва ҳуқуқ унсурлари уйғунлашиб келса-да, моҳиятан, ҳуқуқий маданият ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг, тузумнинг буюртмаларини бажарувчи тизимдир. Сиёсий маданиятнинг тамойил ва меъёрлари ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Бунга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, сиёсий тамойил ва меъёрлар ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Тўғрироғи, ҳуқуқнинг асоси ана шу тамойил ва меъёрлардан ташкил топади.

Ҳуқуқий маданият субъектив ҳодиса сифатида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий эътиқод, ҳуқуқий хулқ-атвор, ҳуқуқий мафкура каби таркибий қисмларига эга. Уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётдаги ўрнига оид масалалар у ёки бу йўналишда ўрганилган[1]. Бироқ тадқиқотларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда ҳуқуқий маданият намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари эътиборга олинмайди. Ҳуқуқий маданиятни мавжуд ижтимоий борлиқ билан боғлаб тадқиқ этишга, уни мавжуд ижтимоий тузумнинг вазифаларини ҳал этишга йўналтиришга эътибор берилиб, келажакни белгилашга оид вазифалари (функциялари) назардан четда қолдирилади.

---

[1] *А.С. Ибраева.* Правовая культура: проблемы теории и практики. Автореферат, дис. д-ра юр. наук. Бишкек, 2005; *У. Ниткалиев.* Особенности правовой культуры в обществе переходного периода. Автореферат. дис. д-ра филос. наук. — Алматы, 1997; *Таджиханов У.* Научно-теоритические проблемы правовой культуры. Автореферат. дис. д-ра юр. наук. Т., 1995; *Сабуров Н.* Фуқароларнинг ҳуқуқий хулқ-атворини шалкллантириш муаммолари. Юрид. фан. ном. дис. автореферат. Т.: 2001 ва б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳуқуқий маданиятнинг истиқболни белгилаш функцияси бўлғуси фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ҳуқуқий-мафкуравий моделини яратишни назарда тутади. У ҳуқуқий камолот моделида намоён бўлади. Илмий адабиётларда, умуман, ҳуқуқшуносликда "ҳуқуқий камолот" модели мавжудлигини ёки келгусида шаклланиши зарурлигини З. Исломов асослаган[1]. Олимнинг "ҳуқуқий камолотнинг яхлит, тизимлашган концепцияси"ни яратиш ҳақидаги назарий фикрлари ҳуқуқий маданиятнинг истиқболни белгилаш функциясига тааллуқлидир.

Олим ушбу концепциянинг тахминий мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

1. Миллий ҳуқуқий мафкура ижтимоий-сиёсий парокандаликка олиб келадиган ғоялар негизида яратилмаслиги керак.

2. Ҳуқуқий мафкура ўтмиш тарихий тажрибаси учун ҳамиша очиқ бўлиши лозим.

3. Шахс ва жамият манфаатлари ўртасида устунлик мақомларини ўрнатиш эмас, балки оқилона узвийлик муносабатини қарор топтириш зарур. Шахснинг камолотга эришиши, ҳуқуқ, мажбурият ва бурч уйғунлигининг таъминланиши инсоннинг жамиятга, унинг маданиятига бевосита интеграциялашуви орқалигина рўй беради.

4. Ҳуқуқий мафкура Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва унинг ҳимояси, бу жараёнда давлат ролининг кучайиши тамойилларига суяниши зарур.

Мезонларнинг бу қаторини яна ҳам кенгайтириш мумкин ва мақсадга мувофиқдир:

5. Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг тараққиёт кўрсаткичи сифатида қаралиши керак.

6. Баркамол авлодни тарбиялаш концепциясида ҳуқуқий камолотга эришган шахс ушбу концепциянинг таркибий қисми ҳисобланиши зарур.

Шундагина ҳуқуқий маданиятнинг истиқболни белгилаш функцияси жамиятда содир бўлаётган социодинамик ўзгаришларга мувофиқ фуқароларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш йўлларини, унинг келажагини ва бўлғуси жамият билан уйғунлашувини тўғри башорат қила олади. Фуқаролик

---

[1] *З.М. Исломов.* Ислоҳотлар самараси ҳуқуқий онг даражасига боғлиқ. // Ҳуқуқий маданият — демократик истиқбол омили. 1999. 50-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат биз учун идеал келажак экан, уни шакллантиришнинг асосий шарти бўлган ҳуқуқий маданиятнинг бундай функциясига ҳам эҳтиёж сақланиб қолади. Дарвоқе, маданиятнинг ўзи маълум маънода идеал вазифасини бажаради, чунки унда инсоннинг ақл-идроки, тафаккури, нимага қодир эканлигини билдириб турувчи тимсол, белги мудом мавжуддир. Ҳуқуқий маданият ҳам маълум маънода идеалдир, шу идеаллик унга истиқболни белгилашдек масъулиятнинг моҳиятини бахш этади. Шу нуқтада у ижтимоий-сиёсий идеални (фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат) яқинлаштирувчи, тўғрироғи, фуқароларни ушбу ижтимоий-сиёсий идеалга яқинлаштирувчи идеалдир.

Фуқароларнинг нодавлат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлиги уларнинг ҳуқуқий маданиятини замон талаблари даражасига кўтаришнинг шартидир. Масалан, нодавлат ташкилотларининг вужудга келиши жамиятдаги "аёллар муаммоси"ни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Аёллар нодавлат ташкилотларининг вужудга келиши, аввало, аёлларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда фаол қатнашишига ёрдам беради. Бундай нодавлат ташкилотларининг фаолияти аёллар ҳаётида қуйидаги кўринишларда акс этади:

— улар аёлни ижтимоий ҳимояга муҳтожлик ҳолатидан халос этади;

— аёлдаги ҳуқуқий маданият даражасини оширади;

— аёлда раҳбарлик қилиш, хўжалик юритиш ва одамлар билан муносабатга киришиш хусусиятлари пайдо бўлади;

— аёлда ишбилармонлик ва тадбиркорлик кўникмаларини пайдо қилиб, ижобий хислатларни кўпайтиради;

— аёлни иқтисодий қарамлик ҳолатидан чиқаради;

— аёлда эркак билан тенглик ҳиссини уйғотади, уни ҳаёт сўқмоқларидан дадил боришга, синовлар олдида саросималанмасликка, бардошли бўлишга ундайди.

Бу йўналишда юртимизда "Сабр маркази", "Ишонч маркази", "Меҳр" уюшмаси, БМТнинг Тараққиёт дастури, Випров Интернейшл, Конрад Аденауэр, Каунтерпарт Консорцум, Генерал Мак Артур, Айрекс, "Аёл ва жамият" каби нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзбек аёлларини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаоллик кўрсатиб, ўз ҳуқуқларини таниб, рўёбга чиқариб

www.ziyouz.com kutubxonasi

яшашга ўргатмоқда. Тўғри, ўзбек аёли дунёдаги ҳеч бир халқ аёлидан кам ҳуқуққа эга эмас, кўп ҳолларда у фаол ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга тайёр. Аммо муайян психоизологик ва оилавий тўсиқлар ҳам мавжудки, уларни енгиш учун аёлда фаоллик уйғотиш зарур. Афсуски, жамиятда аёллар билан боғлиқ қонунларга нигилистик кайфият билан қараш мавжуд. Бу кайфият халқаро Конвенцияларга ҳам бепарволикни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун мактабдан бошлаб аёлларни ҳурмат қилиш тарбиясини йўлга қўйиш, улар тенг ҳуқуққа эга эканлигини тарғиб қилишга бағишланган тушунтириш ишларини ташкил этиш, махсус дарсларни жорий қилиб, гендер тенглик тушунчасини кенг ёйиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятнинг яна бир жиҳати шуки, у қонунийлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қонунийликни мустаҳкамлаш жараёнига кириб боради, қонунийликнинг зарурий ҳолати сифатида намоён бўлади. Шу маънода, ҳуқуқий маданият жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигининг муҳим амалий шартидир. Зеро, оқиллар куч-қудратни намойиш этади, фосиқлар уни қўллайди.

Келинг, ҳуқуқий маданиятнинг жиноятчиликни профилактика қилиш жиҳатларига эътибор қаратайлик. Ҳуқуқий маданият ҳам шаклан, ҳам мазмунан субъектив воқеликдир, у ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий тизим, воқелик сингари жамиятдаги динамик ўзгаришларни, кишиларнинг сиёсий тузумга, ҳуқуққа муносабатини, хулқ-атворини акс эттиради. Унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита боғлиқ жиҳатларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

— ҳуқуқни қўллашга, жамиятда ҳуқуқий макон яратишга оид қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилаш, режалаштириш, зарур чоралар кўриш маданияти;

— ижро маданияти, жиноятчига нисбатан қонунларда белгиланган чора-тадбирларни қўллаш, бу борада инсон шаънини ерга урувчи, унинг ҳаётига тажовуз солувчи воситаларни қўлламаслик, ижтимоий мулоқот маданияти.

Бу ўринда ҳам жиноятчиликка қарши кураш қатнашчиларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, ҳам аҳоли билан биргаликда тарбиявий-профилактика чора-тадбирларини олиб бориш назарда тутиляпти. Бинобарин, ҳуқуқий маданият жамиятда жиноятчиликка қарши кураш воситаси ҳамдир. Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

курашни ҳуқуқ-тарғибот ходимларининг якка ўзлари амалга ошириши қийин, унга барча фуқароларни, аҳолини жалб этиш, ҳуқуқий онгни ва хулқ-атворни шакллантиришнинг усулларидан, имкониятларидан фойдаланиш орқали жамиятда умумий ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарурдир. Шу тарзда мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш стратегияси билан ҳуқуқий маданият моҳиятан уйғунлашади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *И.А. Каримов*. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли // Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., "Ўзбекистон", 2003.

2. *И.А. Каримов.* Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., "Ўзбекистон", 2005.

3. *И.А. Каримов.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

4. *И.А. Каримов.* Ватан озодлиги — олий саодат // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. .: "Ўзбекистон", 2000.

5. *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари //Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

6. *И.А. Каримов.* Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

7. *И.А. Каримов*. Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

8. *И.А. Каримов*. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., "Ўзбекистон", 1996,

9. *И.А. Каримов.* Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т., "Ўзбекистон", 2000.

10. *И.А. Каримов.* Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т., "Ўзбекистон", 2000.

11. *И.А. Каримов.* Мақсадимиз — тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик // Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

12. *И.А. Каримов.* Парламент — жамият ҳаётининг кўзгуси // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., "Ўзбекистон", 2005.

13. *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

14. *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

www.ziyouz.com kutubxonasi

15. *И.А. Каримов.* Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Т., "Ўзбекистон", 2003.

16. *И.А. Каримов.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.

17. *И.А. Каримов*. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. Т., "Ўзбекистон", 1997.

18. *И.А. Каримов.* Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., "Ўзбекистон", 2005.

19. *И.А. Каримов.* Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. Т., "Ўзбекистон", 1997.

20. *И.А. Каримов.* Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., "Ўзбекистон", 2005.

21. Баркамол авлод орзуси. Т., "Шарқ", 1999.

22. Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. Жамоат ташкилотлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Т., "Шарқ", 1998.

23. *Абдулатипов Р.Г.* Философ и правитель. Диалог о правлении. СПб., Питер, 2004.

24. *Агзамходжаев А.* Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан. Т., Ўзбекистон, 1993.

25. *Азамат Зиё*. Ўзбек давлатчилиги. Т., "Шарқ", 2000.

26. *Азизхўжаев А.* Давлатчилик ва маънавият. Т., "Шарқ", 1997.

27. *Алексеев С.С*. Право: азбука — теория — философия. Опыт комплексного исследования. М., Статус, 1999.

28. *Алимасов В.* Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.

29. *Алимарданов Т.Т.* Сиёсат ва ахлоқ. Т., "Фан", 2005.

30. *Алиқулов Ҳ.* Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006.

31. *Арипов М.К*. Социальная утопия как течение общественно-философской мысли в Средней Азии. Т., Фан, 1989.

32. *Аристотель.* Никомахова этика // Сочинения: В 4 т. М., Мысль, 1983. Т.4.

33. *Аристотель*. Политика // Сочинения: В 4 т. М., Мысль, 1983. Т.4.

34. *Баҳронов Ж.* Шахс миллий ўзлигини англаши қонуниятлари. Самарқанд, 1994.

35. *Беков И.Р., Аббосхўжаев Ш.А.* Сайлов ва сиёсий партиялар. Т., 2004.

36. *Бердяев Н.А.* Философия свободы. Смысл творчества. М., Правда, 1990.

37. *Бердяев Н.А.* Царство духа и царство кесаря. М., Республика, 1995.

www.ziyouz.com kutubxonasi

38. *Бзежинский З.* Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. М., Международные отношения, 2000.

39. *Бобоев Ҳ., Норматов К.* Куч-қудрат — адолатдадир (Амир Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ва ҳозирги давр). Т., "Чўлпон", 2001.

40. *Бобоев Ҳ., Ҳасанов С.* "Авесто" — маънавиятимиз сарчашмаси. Т., "Адолат", 2001.

41. *Бобоев Ҳ., Ғофуров З.* Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. Т., "Янги аср авлоди", 2001.

42. *Бобоев Ҳ.* Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., "Фан", 2004. (1-китоб).

43. *Бойдадаев М.* Политико-правовые основы становления и развития системы государственного управления в Республике Узбекистан. Т., "Адолат", 1996.

44. *Бойко Л.М.* Конституционные основы народовластия в Республике Узбекистан. Т., Адолат, 2001.

45. *Бобур, Заҳириддин Муҳаммад.* Бобурнома. Т., "Юлдузча", 1989.

46. *Ваҳобов А.* Миллий тикланиш ва ўзликни англаш. Т., 2004.

47. Власть: Очерки современной политической философии Запада. М., Наука, 1989.

48. *Гаджиев К.С.* Введение в политическую науку. М., Логос, 1997.

49. *Гаджиев К.С.* Концепция гражданского общества: идейные истоки и основные вехи формирования // Вопросы философии, 1991, № 7.

50. *Гаджиев К.С.* Политическая философия. М., Экономика, 1999.

51. *Гегель.* Философия права. М., Мысль, 1990.

52. Гражданское общество. Мировой опыт и проблемы России. М., Логос, 1998.

53. *Доль Р.* Введение в экономическую демократию. М., Наука, СП ИКПА, 1991.

54. *Данилов А.* Переходное общество "Проблемы системной трансформации". М., ООО "Харвест", 1998.

55. *Джахид А.М.* Аль Фараби о государстве. Душанбе, 1966.

56. *Дониш А.* Наводур ул-воқое. Т., "Фан", 1964.

57. Древнекитайская философия. Собрание текстов: В 2 т. М., Мысль, 1972. Т.1.

58. Древнекитайская философия. Собрание текстов: В 2 т. М., Мысль, 1973. Т.2.

59. *Жаббаров Исо.* Антик маданият ва маънавият хазинаси. Т., "Ўзбекистон", 1999.

60. *Жакбаров М.* Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. Т., Ибн Сино номидаги нашриёт, 2000.

61. *Жалилов Ш.* Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолари. Т., "Ўзбекистон", 1994.

62. *Жалилов Ш.* Кучли давлатдан — кучли жамият сари. Т., "Ўзбекситон", 2001.

63. *Жалолов А.* Мустақиллик масъулияти (сиёсий-фалсафий таҳлил). Т., 1996.

64. *Жумаев Р.* Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Т., "Шарқ", 1998.

www.ziyouz.com kutubxonasi

65. *Жумаев Р.* Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. Т., Фан, 1996.

66. *Жўраев Н.* Тарих фалсафаси. Тушунча, моҳият, сиёсат. Т., "Маънавият", 1999.

67. *Жўраев С.* Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т., 2003.

68. *Еникеев Н.И.* Юридическая психология. М., Гр. Норма-Инфра, 1999.

69. *Ёқубов А.* "Қутадғу билиг"да давлатчилик концепцияси. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.

70. *Ильин В.В., Понарин А.С., Бадовский Д.В.* Политическая антропология. М., изд-во МГУ, 1995.

71. Искусство властвовать. М., Белые ольвы, 2001.

72. *Исломов З.М.* Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. Т., 2003.

73. *Исломов З.М.* Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси.

74. *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалри (давлат назарияси). Т., "Адолат", 1997.

75. *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т., 2005.

76. *Исломов З.М.* Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. Т., 2002.

77. *Исломов З.М.* Общество. Государство. Право. Т., Адолат, 2001.

78. *Исломов З.М.* Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. Т., "Ўзбекистон", 2005.

79. История древнего Востока: От ранних государственных образований до древних империй. М., Вост. лит-ра, 2004.

80. История китайской философии. М., Прогресс, 1989.

81. *Кант И.* Сочинения: В 6 т. М., Мысль, 1974. Т.4. 4.1.

82. *Кант И.* Сочинения: В 6 т. М., Мысль, 1974. Т.4. 4.2.

83. *Каримов Иброҳим.* Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т., "Фан", 2001.

84. *Керимов Д.А.* Философские основания политико-правовых исследований. М., Мысль, 1986.

85. *Киров В.Ц.* Пародоксы государственной власти в гражданском обществе. М., Импра Пресс, 1992.

86. *Ковлер А.И.* Антропология права. М., Гр. Норма-Инфра, 2002.

87. *Кумар К.* Гражданское общество. М., Юрист, 1994.

88. *Латифов А.* Парламентское право Республики Узбекистан: теории и практики. Т., 2005.

89. *Лебедева С.В.* Формирование сената, Т., 2004.

90. *Левитин Л., Карлайл С.Д.* Ислам Каримов — Президент нового Узбекистана. Т., Ўзбекистон, 1996.

91. *Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. Т., "Ўзбекистон", 2001.

92. *Локк Дж.* Избранные философские произведения. М., Мысль, 1960. Т.1.

93. *Лосев А.В.* Мифология. Философия. Культура. М., Политиздат, 1991.

94. *Лукьянов А.Е.* Становление философии на Востоке (Древний Китай и Индия). М., Инсон, 1992.

www.ziyouz.com kutubxonasi

95. *Мовлоно Муҳаммад Қози*. Ҳукмдорга ўгитлар. Т., "Шарқ", 1999.
96. *Макиавелли Н.* Государь: Рассуждения о первой декаде Тита Ливия. О военном искусстве. М.: Попурри, 1998.
97. *Мамадалиев Ш.О.* Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. Т., 2003.
98. *Мамут Л.С.* Народ в правовом государстве. М., Юрист, 1999.
99. *Маманазаров Н.* Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. Т., 2004.
100. *Маҳмудов Т.* "Авесто" ҳақида. Т., "Шарқ", 2000.
101. *Межуев В.М.* Гражданское общество, правовое государство, право. М., Юрист, 2002.
102. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., "Ўзбекистон",. 2000.
103. *Мизес фон Л.* Индивид, рынок и правовое государство. СПб., 1999.
104. *Милль Дж. Ст.* Представительное правление. СПб, 1997.
105. *Мирхамидов М.* Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. Т., Фан, 1994.
106. *Мирхамидов М.* Демократизация органов государственного управления Республики Узбекистан: проблемы и перспективы. Т., Университет, 1992.
107. *Мирхамидов М.* Современные модели президентства. Т., Иқтисод молия, 2005.
108. *Монтескьё Ш.* О духе законов // Избр. произведения. М., Госполитиздат, 1955.
109. Мудрецы Поднебесной. Симферополь, Реноме, 1998.
110. *Мухаммад Рафи Ансари*. Дастур ал-мулук (Устав для государей). Т., Фан, 1991.
111. *Муҳитдинов Ф.* Адам Смит ва Иммануил Кант: назарий ғоя ва қарашлар муштараклиги. Т., 2005.
112. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук. Т., "Адолат", 1997.
113. *Нуденко Л.А.* Теория демократии. М., Юрист, 2001.
114. *Нерсесянц В.С.* Ҳуқуқ фалсафаси. Т., "Адолат", 2003.
115. *Нишанов М.Н., Джавакова К.В.* Политология. Т., Янги аср авлоди, 2005.
116. *Нишанов М.Н.* Обновление духовной жизни наций. Т., Фан, 1992.
117. *Одилқориев Х.Т.* Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни. Т., "Ўзбекистон", 2005.
118. *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. Т., "Шарқ", 2002.
119. *Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ.* Сиёсий маданият. Т., 2004.
120. *Очилдиев А.* Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., "Ўзбекистон", 2004.
121. *Понарин А.С.* Политология. О мире политики на Востоке и на Западе. М., Университет, 1999.
122. *Парсонс Т.* Система современных обществ. М., Аспект Пресс, 1998.

www.ziyouz.com kutubxonasi

123. *Платон*. Государство // Сочинения: В 3 т. М., Мысль, 1971. Т.3. 4.1.

124. *Платон*. Законы // Сочинения: В 3 т. Т.3. 4.2.

125. *Поппер К*. Открытое общество и его врачи. Чары Платона. М., Культурная инициатива, 1992. Т.1.

126. *Поппер К*. Открытое общество и его врачи. Чары Платона. М., Культурная инициатива, 1992. Т.2.

127. Проблема демократии в политической мысли XX столетия. М., 1999.

128. *Пўлатов А.Х*. Демократик тараққиёт ва миллий муносабат. Душанбе, "Ирфон", 1999.

129. *Рассел Б*. Человеческое познание. Его сфера и границы. М., Иностр. лит-ра, 1957.

130. *Расулов Ф., Ҳасанов С., Шодиев Н.Т*. Демократик ислоҳотлар орқали фуқаролик жамияти сари. Т., 2004.

131. *Рахматуллаев Т*. Сиёсий партия ва демократик тамойиллар. Самарқанд, "Зарафшон", 1999.

132. *Резник Ю.М*. Гражданское общество как феномен цивилизации. М., Юрист, 1993.

133. *Ртвеладзе Э*. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. Т., 2005.

134. *Руссо Ж.Ж*. Об общественном договоре. М., Юрист, 1998.

135. *Саидов А., Жўзжоний А*. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т., "Адолат", 1998.

136. *Саидов А.Х., Жўзжоний А.* Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (ўтмиш ва ҳозирги замон). Т., "Адолат", 2005.

137. *Сатывалдыев Р.Ш.* Политическая и правовая мысль раннесредневекового мусульманского Востока. Душанбе, 1999.

138. *Скидмор Макс Дж., Трипп Маршалл Картер.* Американская система государственного управления. М., СП "Квадрат", 1993.

139. Социология. Основы общей теории. М., Аспект-Пресс, 1998.

140. *Спенсер Г.* Личность и государство // Психоанализ и психология власти. Хрестоматия. Самара, Бахрах, 1999. Т.1.

141. *Таджиханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-том. Т., 1998.

142. *Таджиханов У., Саидов А*. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-том. Т., 1998.

143. *Тангриев Л*. Мустақиллик ва жамоат ташкилотлари. 1-т., "Янги аср авлоди", 2000.

144. Темур тузуклари. Т., F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., Т., 1991.

145. *Токвиль Алексис де.* Демократия в Америке. М., Прогресс, 1992.

146. *Тоффлер Э*. Метаморфозы власти. М., АСТ, 2004.

147. *Туйчиев Б*. Проблемы формирования политической культуры и демократизации современного общества. Т., 1991.

148. *Тўлаганов А*. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Т., 2002.

www.ziyouz.com kutubxonasi

149. *Умарова К.* Политическая культура народов Узбекистана и Каракалпакстана: исторический опыт формирования. Нукус, Каракалпакстан, 1995.

150. Философия права Гегеля и современность. М., Наука, 1977.

151. *Файзуллаев О.* Фалсафа ва фанлар методологияси. Т., "Фалсафа ва ҳуқуқ" нашриёти. 2006.

152. *Форобий Абу Наср.* Фозил одамлар шаҳри. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.

153. *Форобий Абу Наср.* Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. Т., "Ёзувчи". 2002.

154. *Фромм Э.* Бегство от свободы. М., Прогресс, 1995.

155. *Хайек Ф.А.* Общество свободных. Лондон, 1990.

156. *Халилов Э.Х.* Ўзбекистон Республикаси референдуми — миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи. Т., "Ўзбекистон", 2001.

157. *Халилов Э.Х.* Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т., "Ўзбекистон", 2001.

158. *Халилов Э.Ҳ.* Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши. Т., "Ўзбекистон", 1999.

159. *Хоназаров К.Х.* Интернациональное воспитание в условиях независимости. Т., Катартор-Камолот, 1997.

160. *Хантингтон С.* Столкновение цивилизаций. М., АСТ, 2005.

161. *Хамидова К.Т.* Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш. Т., 2004.

162. *Хропанюк В.Н.* Теория государства и права. Хрестоматия. М., 1998.

163. *Хусанова М.* Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти. Т., 2004.

164. *Чиналиев У.* Особенности формирования гражданского общества в Кыргызской Республике. М., 2001,

165. *Чиналиев У.* Становление Кыргызской государственности в переходный период. М., 2000.

166. *Шарифхўжаев М.* Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., "Шарқ", 2003.

167. *Шарифхўжаев М., Шодиев Н.* Ўзбекистон — конституциявий давлат. Т., "Ўзбекистон", 2003.

168. *Шермуҳамедов С.* Биз қандай жамият қурмоқдамиз? Т., "Ўзбекистон", 1999.

169. *Шермухамедов С.* Роль культуры межнационального общения в социальном прогрессе. Т., Маънавият, 1998.

170. *Эргашев И.* Тараққиёт фалсафаси. Т., "Академия", 2000.

171. *Юдин Ю.* Политические партии и право в современном государстве. М., Инфра-М., 1998.

172. *Ўлжаева Ш.* Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. Т., "Фан", 2005.

173. *Қаюмов Р.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т., "Адолат", 1998.

www.ziyouz.com kutubxonasi

174. *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамтияти: партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Т., "Шарқ", 1998.

175. *Гуломов М.* Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси. Т., "Адолат", 2003.

176. *Ҳасанов С., Дўстжонов Т.* Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т., 2004.

177. *Ҳусанов О.* Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Т., 2005.

178. *Ҳусанов О.* Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т., "Шарқ", 1996.

179. *Автономова Н.С.* Власть в психоанализе власти // Очерки современной политической философии Запада. М., 1989.

180. *Азизхўжаев А.* Демократия — халқ ҳокимияти демакдир // Жамият ва бошқарув. 1997, 1-сон.

181. *Алимасов В.* Конфуций // "Шарқ Юлдузи", 2005, 2—3-сонлар.

182. *Алимасов В.* Конфуций жамият ва давлатни бошқариш ҳақида // "Жамият ва бошқарув", 2005, 2-сон.

183. *Апресян Р.Г., Гусейков А.А.* Демократия и гражданство // Вопросы философии, 1996, № 7.

184. *Баҳодир Зокир.* Ғарб ва Шарқ либерализми // "Тафаккур", 2004, 4-сон.

185. *Бобоев Ҳ.* Инсон ҳуқуқи ҳар нарсадан азиз // "Тафаккур", 1997, 10-сон.

186. *Бобылев А.И.* Общество, гражданское общество, личность, государство, право. Их взаимодействие на современном этапе // Право и политика, 2001, № 3.

187. *Варывдин В.А.* Гражданское общество // Социально-политические науки, 1992, № 8.

188. *Васович В.* Переход к демократии в коммунистических странах (парадоксы перехода к демократизации) // Вестник МГУ. Социология и политология, 1998, № 2.

189. *Гаджиев К.С.* Эпоха демократии // Вопросы философии, 1996, № 9.

190. Гражданское общество и перспективы демократии. М., Логос, 1994.

191. Демократия — тараққиёт гарови. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2005.

192. *Дмитриев Ю.А.* Соотношение понятий политической и государственной власти в условиях формирования гражданского общества // Государство и право, 1994, № 7.

193. *Жумаев Р.* Сиёсий партиялар демократия йўлида // "Жамият ва бошқарув", 1999, 3—4-сонлар.

194. *Жаббаров И.* Қудратли давлат мафкураси // "Мулоқот", 1994, 9—10-сонлар.

195. *Исмоилов И., Маҳмудов Р.* Баркамол инсон — баркамол жамият сари // "Тафаккур", 1997, 1-сон.

196. *Кравченко И.И.* Концепция гражданского общества в философском развитии // Полис, 1991, № 5.

www.ziyouz.com kutubxonasi

197. *Маҳмудбеков Ш.* Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари // "Жамият ва бошқарув", 2002, 4-сон.

198. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. Т., "Шарқ", 2001.

199. Правовое государство, личность, законность. М., Аспект-Пресс, 1998.

200. Правовое государство: независимость, нация, экономика, идеология, политика. В 4 х т. Т., Адолат, 1994.

201. Проблемы формирования гражданского общества. М., МГИДТ, 1993.

202. *Ражабова М.* Палаталар ҳамкорлиги: мукаммал қонунлар қабул қилиш кафолатидир // "Инсон ва қонун", 2006, 18-апрель.

203. *Спенсер Г.* Личность и государство // Коммунист, 1991.

204. *Тожиев У.* Сўз эркинлиги: фалсафий-ҳуқуқий аспект. // "Давлат ва ҳуқуқ", 2000, 1-сон.

205. *Тошев Б.* Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ҳуқуқ-Право-Law, 2002, 4-сон.

206. Центральная Азия 2010. Перспективы человеческого развития. Региональное бюро по странам Европы и СНГ — ИНДР.

207. *Халилов Э.Х.* Двухпалатный парламент — новый этап развития законодательного органа Республики Узбекистан // "Давлат ва ҳуқуқ", 2002.

208. Энг содиқ, энг зарур ҳамроҳ. Т., "Ўзбекистон", 1998.

209. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик — тинчлик гарови. Т., 2005.

210. Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари. Т., 2005.

211. Ўзбекситонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. Т., 2004.

212. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Илмий ишлар тўплами. Т., "Ўзбекистон", 1997.

213. *Қодиров А.* Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг концептуал муаммолари // Ҳуқуқ-Право-Law, 2002, 4-сон.

214. Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар. Т., "Ўзбекистон", 1997.

215. Ҳуқуқий маданият — демократик истиқбол омили. Т., 1999.

ЧЕТ ТИЛЛАРДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. Democracy and Political Transformation. —Budapesht, 1991. —188 p.

2. *Etrioni A.* Spirit of Community. Rights and Responsibilities and the Communitarian Agenda. —L., 1995. —208 p.

3. *Galbraith L.* The Anatomy of Power. —N.Y., 1985. —128 p.

4. Mannheim Rarl von. Ideologies und Utopia. Verlag von Friedrich Cohen in Bonn. 1929. —182 p.

5. *Huntington S.P.* The Third Wave: Democratization in the Late Twentieth Century. —Norman, 1991. —108 p.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. *Held D.* Models of Democracy. —Oxford, 1987. —110 p.
7. *Levely I.* Democracy. —Oxford, 1985. —184 p.
8. *Pridam G.* Democratic Transitions in Theory and Practice // Democratization in Elastem Europe. —L., 1994. —42-68 pp.
9. Race and Politics. —N.Y., 1985. —282 p.
10. *Ware A.* Citizens. Parties and the state. —Cambridge, 1987. —108 p.

Ушбу монографиянинг электрон варианти билан танишиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **www.edu.uz** интернет-порталига мурожаат қилишингиз мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
Муқаддима 6

I б о б. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат: илмий-назарий концепциялар 15

1.1. Шарқда давлат ва жамият масалаларига сиёсий-ҳуқуқий қарашлар 15
1.2. Ўрта Осиё мутафаккирларининг давлат ва жамият масалаларига фалсафий-ҳуқуқий қарашлари 26
1.3. Шарқона демократиянинг ўзига хос хусусият ва белгилари ... 36
1.4. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат: фалсафий-ҳуқуқий ёндашувлар таҳлили 46

II б о б. Ўзбекистонда миллий демократик тараққиёт: фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси 62

2.1. Миллий демократик институтларнинг шаклланиши ва функциялари 62
2.2. Фуқаролик жамияти — миллий демократик тараққиёт идеали 72
2.3. Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси 85
2.4. "Ўзбек модели"да Шарқ ва Ғарб демократиясининг уйғунлиги 97

III б о б. Ижтимоий ислоҳотларнинг йўналишлари ва ўзбек парламентаризмининг шаклланиши 110

3.1. Ижтимоий ислоҳотлар: зарурият, ҳуқуқ, масъулият 110
3.2. "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" — фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш тамойили 124
3.3. Ўзбек парламентаризмининг шаклланиши 135
3.4. Парламент ҳуқуқи: хусусиятлар ва такомиллаштириш йўлидаги ҳаракатлар 150

IV б о б. Халқ ҳокимиятчилиги ва фуқароларнинг ўз-ўзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқариш институтлари 164

4.1. Халқ ҳокимиятчилиги ва ўз-ўзини бошқаришнинг фалсафий-ҳуқуқий масалалари 164
4.2. Халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашда референдум ва сайлов тизимининг ўрни 176
4.3. Сиёсий партиялар ва халқ ҳокимиятчилиги 188
4.4. Халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти 202

V б о б. Фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг миллий мафкуравий, ижтимоий-маънавий ҳамда ҳуқуқий-маданий асослари 217

5.1. Миллий истиқлол мафкураси ва миллий демократик тараққиёт 217
5.2. Миллий демократик тараққиётнинг ижтимоий-маънавий асослари 232
5.3. Жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари 247
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 260

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фахриддин Мусаев

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент — "O'zbekiston" NMIU — 2007

Муҳаррир: *А.С. Мадраҳимов*
Бадиий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*
Техник муҳаррир: *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳа *Ш. Маҳсудова, Н. Умарова*
Компьютерда тайёрлаган *Л. Абкеримова*

Босишга рухсат этилди 12.03.07. Офсет босма усулида босилди.
Қоғоз формати 60x90$^{1}/_{16}$. Шартли босма табоқ 17,0.
Нашр табоғи 15,35. 1000 нусха. Буюртма № 07-43. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

www.ziyouz.com kutubxonasi